

АСРОР НИЗОМОВ

ҚОРА ЙЎРҒА



ТОШКЕНТ



АСРОР НИЗОМОВ

ҚОРА ЙЎРҒА

(Қисса, ҳикоя, бадии ва ^апублицистик мақолалар)

ТОШКЕНТ – 2015

УЎК: 392 (09) (575.1)

КБК 84 (5Ў)7

Н-57

Н-57

А.Низомов. Қора йўрға. –Т.: «Fan va texnologiya», 2015, 196 бет.

ISBN 978–9943–983–41–0

Ёзувчи Асрор Низомовнинг қисса, ҳикоя, бади ва публистик мақолалардан ташкил топган ушбу асарида бағрикенг, орийтли, номусли, сабр тоқатли, ёркин характерли инсонлар, юксак бадий маҳорат билан тасвирланади. Асарнинг қаҳрамонлари ўқувчилар қалбига ёруғлик олиб киради, тасалли беради, рухий покланишга ундайди. Публицистик мақолалар эса омманинг савиясини янада юксалтириш учун хизмат қилади. Шу боисдан ушбу китоб ўзбек адабиёти ва санъатига дахлдор адабиётлар қаторидан муносиб ўрин топади деб биламиз.

УЎК: 392 (09) (575.1)

КБК 84 (5Ў)7

Тақризчилар:

Ҳамиджон Ҳомидий – ф.ф.д., проф. Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси;

Маҳкам Маҳмудов – ф.ф.н., Халқаро Яссавий мукофотининг лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси;

Носир Муҳаммад – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Масъул муҳаррир:

Маҳкам Маҳмудов – ф.ф.н.Халқаро Яссавий мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

ISBN 978–9943–983–41–0

«Fan va texnologiya» нашриёти, 2015.

ТЎЛАБОСДИ

(Ҳикоя)

Кун бирам иссиқ, бирам иссиқ, на ўрдан, на қирдан қилт этган шамол ё эпкин келмайди. Мулкомонбойнинг ҳовузи сувга лиммо-лим тўла. Чор-атрофдаги ғужум, тол, терак даврадагиларга қуюқ соя ташлаб, супага салкин бериб турсада ҳароратнинг баландлигиданми, балким аччиқ-аччиқ бостириб ичишаётган кўк чойдандир ёки қайноқ-қайноқ тортилаётган қайнатма шўрвадандир, юзлар бўғриққан, ҳамма сув-сув терлайди, елпинишади. Атроф жизилловуқ кўнғизларнинг жизиллаши демаса жим-жит, гўё кимираган жон борки, бари офтоб тафтидан эриб кетгандай, дарахт бутوقларидаги чумчук, мусича-ю, ғурракларнинг ҳам дами ўчган. Меҳмонлар-у, мезбонлар ҳам аста-аста гапхона қилишаяпти. Ҳар қалай аза, Мулкомонбой отасига кирк бераяпти-да ахир.

Бир пайт қирнинг қир учидан кесиб ўтар йўл бўйлаб бир жуфт кора кўринди. Ё пирай, бу ким бўлди, газада бузов етаклаган, деди ўтирган хангома талаблардан бири. Тол тушда барикар оралаган қандайчикин бузов, итқу. Турди тентак, ани олдидагиси унинг Тўртқўзи. Дарҳақиқат нақ бир ёшар бузокдек итни эргаштириб олган соч-соқоли патак боғлаганлигидан ёшини илғаш қийин кимса тўппа-тўғри даврани кўзлаб энайберди. Мулкомонбойнинг ҳовлисидаги итлар бегона кучукнинг шарпасини сезиб бир-икки аккиллаган бўлишиб, келаётганларга пешвоз чиқишди. Аммо Турди тентакнинг ити уларга парво ҳам қилгани йўқ. Сатилдай бошини буриб қарашни ҳам эп кўрмай эгасига қорама-қора эргашиб келайверди. Ҳо, меҳмонга қаранг.

—Хў-ў, ҳайданг, ҳайдайберинг Турдибой, - дейишди хизматдагилар.

—Ҳа-а, ҳайдаяпмиз.

Ит нарироқда ёлғиз ўсган тутнинг кўланкасига узала тушиб ёнбошлади, сўнгра ёш боланинг жимжилоғидай-жимжилоғидай келадиган озиқ тишларини кўрсатиб, оғзини қаррақдай очганча, тилини бир қариш осилтириб хансирай-

ҳансирай, улкан бошини олдинги икки оёғи устига қўйган куйи мудрай бошлади.

Бу вақтда Турди тентак бошида кир кулокчин, эғнида титилиб кетган туя жун чакмон, юкорига чиқиб чордана қуриб олган, одатда тўрда ўтиргич Мулла Мурод ҳам ундан қуйроқга тиз чўкканча Қуръон тиловат қиларди. Ҳамма омин, дейишиб қўлларини фотиҳага қўтаришди. Сўнг меҳмон аввал ўнг қўлда ўтирганлардан бошлаб ҳамма билан бир-бир ҳол ҳолаҳвол сўраша бошлади. Фалончи қандайсиз, пистончи чарча-маяпсиз-ми, писмадончи бардамми...? овул жамоат, бола-чақа, мол-хол, қозон-товоқ, чўмич-қошиқ, бари эсон-туғалми, ишқилиб? «Ҳай, худойимга минг қатла шукур. Тупроқдан ташқари, элни эриклаб журибмизда, – деди Мулкомонбой ҳам ўз навбатида, – кани меҳмон, нонга қаранг».

Турди тентак мук тушганча дастурхондаги хали патир, хали бўғирсоқ, хали парварда аралаш қуралаш тушираверди. Даштликларга хос қаттиқроқ ҳазил қиладиган биттаси, ҳа Турдибой, дедибу очсизми, дийман?

Эса-чи деди у. Очман, ўзим очман-у, аммо қўзим тўқ. Ҳамма азада ўтирганликларини ҳам унутиб гур-р-р кулишди, Турди тентакнинг зукколигидан завқланишди. Ҳа яша, барибир бахши-да, тентак бўлсаям бахши бахши-да, ишқилиб бўлгани яхшида, деди. Э уққағарнинг тентаги-ей, ақли бизга ўхшаган соғларникидан пеш-ку, дейишди баъзилари эшиттирмай.

Даврани кузатиб турган баковул хизматдаги йигитлардан бирига им қоқди. Икки қўлини кўкрак баробар кўрсатиб каттароқ, деди. Билагини кўрсатиб илик деди, кейин кўрсатгич бармогини кўрсатиб битта, деди. Аммо имни биров сезиб, биров сезмади. Дастёр зинғиллаб кетди. Бир зумда катта тол товоқда муштдай гўштли илик сузиб юрган иссиқ ёғли шўрва келтирди.

—Қани бахши бова овқатга қаранг.

—Ҳай, қуллик, қараяпмиз.

Турди тентак битта патирни тўғраб бўқтирди. Тол товоқ сила бўлди, яна яримта ширмой нон тўғради, тол товоқ лик тўлди.

—Ий, — деди сўнг. Нега, битта ўзгинам овқат жийманми?

Бир, якка-ёлғиз ётгандан кўрк,

Бир, якка таом тотгандан кўрк.

Кейин тарс-тарс ёрилиб кетган товоиларини карт-карт-кашиди.

Ҳе, деди кимдир. Ким билан ейсиз эса?

Турди тентак даврадагиларга бир кўр кўз ташлаб чикди. Нигоҳи уй эгаси сифатида энг пойгакда тиз чўккан Мулкомонбойда тўхтади. Ияк қоқиб уни кўрсатди. Мана шу бойвачча билан.

—Ҳе, — дейишди яна даврадаги қитмиртоблари, Нега энди биз билан эмас?

Ичларингда энг оккўнгили ҳам, кўли очиги ҳам шул-да ўзи, шунинг учун. Кейин неча кунлар, балки ойлари сув кўрмаган коп-қора косовдек узун-узн, тирноқлари қошиқдек-қошиқдек ўсиб кетган кўрсатгич ва ўрта бармоғини шоха қилиб нони кўпчиган товоққа тикди. Ҳа, деди Мулкомонбойга, қани, келинг бирга олишайлик.

Ҳай қуллук. Меҳмон атои худо. Унинг гапи ҳам. Бисмилло Мулкомонбой ҳам тотинган бўлиб ивиган патирдан бир бўлагини оғзига солди. Меҳмондан ирганмаётганини кўрсатиш учун, жўрттага оғзини чалп-чулп қилиб таом чайнади. Ҳа, қани, сиз ҳам олинг ёғоч қошиқ айтайми, навбат-навбат ташлашиб оламизми, деб манзират килди.

Даврадагилар тек ўтиришмай Турди тентакни гапга соларди. Бу дейман бахши бова, бир ўзи ётгандан кўрк дейсиз, кампир-пампирингиз бўлмаса кечаси ёлғиз ётмай, ким билан ётасиз?

Итим билан, Тўрткўзим билан. Ҳе, унинг бир одамча эси жўкма? Борда. Ҳой мулла Мурод, айтинг-чи, ит дастурхондан неччи кадам нарида туриши керак?

— Етти-тўққиз кадам, эди шекиллиқ, аниқ эсимда эмас деди мулла.

— Менинг Тўрткўзим неччи кадам нарида ётибди?

— Ҳа бирон ўн беш, йигирма кадам чиқар-ов.

— Мен унга шу ерда қол, дебмидим?

— Жўк.

— Ҳа ана энди яна не, дейсизлар?

Кейин тўсатдан ҳай, деди боя шўрва келтирган бўз болага. Итимнинг олдига манови бир парча нонни ташлагин.

Бола дарров девонанинг айтганини бажо келтирди. Итнинг олдига боргани ҳайиқиб, қўлидаги бир парча нонни унинг олдига отиб юборди. Ит нонга қайрилиб ҳам бокмади. Эриниб кўзини бир очиб юмди, холос.

Турди тентак товоқни кўтариб шўрваннинг охирги хўпلامي ҳам паққос туширди. Сўнг нон устига олиб қўйилган иликнинг гўштидан бир тишлам олиб еди, сўнгра қолган дадил-роқ бўлагини олиб аста ўрнидан турди, шошилмай итининг ёнига бориб балхи тутнинг шапалоқдек-шапалоқдек баргидан уч-тўрттасини юлиб итнинг олдига тўшади, сўнг иликни баргнинг устигинасига қўйди, ол жониворим, деди. Тўрткўз эгасига бир қараб қўйиб, гўштни паққос тушира бошлади.

— Э, ўлма, деди эл. Э, койил-э. Бу не қилиқ бахши бова? Итингиз не, деди?

— Буми, бу иззатимни биламан деяпди, деди. Иззатини билмаган одамдан, ит бўсам ҳам мен авларокман деяпди, деди девона. Сўнг яна жойига бориб ўтириб дабдурустдан хўнг-хўнг йиғлаб-йиғлаб қўяберди.

— Ий-ий-ий, -дейишди одамлар, ҳе нега энди нима бўлди, ҳе йўқ, бе йўқ йиғи-сиғи?

— Мени урди.

— Ий, қайси кўлинг сингур урди?

Омонкулбой. Калламга қаратиб солиб қолди, қўлидаги ҳассаси билан. Кейин, орқасини кўрсатди...га ҳам бир тепди. Ий-й, ий-й, нега тепади?

— Унинг шуй дейишини билардингиз, не қиласиз энди тикилавериб, ахир.

— Ҳов, деди Турди тентак. Ҳақимни талаб қилиб бордим. Ҳе, ҳақимни сўраб бордим. Қорним оч, итим ҳам оч эди. Нон бер дедим.

— Бермадимми?

— Қайси гўрда. Заҳарни е, деди, кейин қури кўзимдан, деб яна орқасини кўрсатди, ...га бир тепди.

Шундай оч колган экансиз, тўғри, шу ерга келайвермай-сизми, деди Мулкомонбой.

— Я, — деди Турди тентак ўзимнинг ҳақим бор жой қолиб сеникида ...мни пишириб қўйибдим?

— Ҳа мана, барибир, келар экансиз-ку!, деди кимдир.

— Қорним оч қолайвергандан сўнг қаёққа борай эса, келдимда.

— Кейин сиз не дедингиз? — яна гап қовлашди одамлар.

— Не, дердим. Қизингни бермадинг, фақир дединг, ҳақимни бермадинг, сағир дединг, ер ютсин сени деб қарғадим.

Давра жим...м-м бўлиб қолди. Дастурхондаги нон, ширалар устида учиб, қўниб юрган пашшаларнинг ғингиллаган товушини эшитар даражада жимлик чўқди.

—Э бекор қарғабсиз дейишди одамлар. Барибир, у ўзидан топар эди-ку. Фақат сизнинг ҳаққингизни ебмиди? Бекор қарғабсиз-да бахши бова, э аттанг!

Турди тентак жойидан ирғиб турди. Бекор қарғабманми?, деди. Бекор қарғабманми? Еса, деди ҳозирок бориб товба қилман, кўпнинг гапи гап, кечиринг, бой бова дейман. У оёғида баъзур илиниб турган тош товон калишини чала-терс кийиб, зингиллаб жўнаб қолди. Орқасидан ити ҳам эргашди.

Жимликни мулла Мурод бузди. Худонинг қарғишига учраган одам тавба қилса балким бермон қарар, на тирик на арвоҳнинг қарғиши урган одамнинг ҳай ўнгланиши кийинов э, аттанг. Чунки инсон билан арвоҳнинг қўлидан қилган ишидан қанча пушаймон бўлмасин қарғишни кайтара олмайди. Оббо, аттанг. Омонқулбойи қурғур ҳам асли феълингдан топгир давлатга тўймай ўлгир одам-куя. Бўлмаса ажаб товур одамни уриб тентак қилармиди? Ҳамма жим эди. Чунки қишлоқ Турди тентакни болалигидан танир, бахшилиқ қилиб, дўмбира чалиб Омонқулбойнинг қўйини боққанларини ҳам билишарди. Яна шуларни биларди-ки, ота-онасидан эрта ажраган Турдибой, болалигидан Омонқулбойга етимлик қиларди. Бечора бойнинг чизган чизиғидан чикмас, ёт, деса ётади, тур, деса туради. Берса ейди, бермаса сабр қилар. Ўлгудек мўмин қобиллиги камдек, ажабтовур бахшилиги ҳам бор эди. Дўмбира чалиб дoston, матал айтганда қишлоқнинг ёш-у кексасини оғзига қаратарди.

Завқи келиб ўлан айтганда одам тугул оғочларга қўнган кушларгача жим қолгандек бўларди. Ҳамма бахшини суйиб Турди бахши дерди. Ўлгудек меҳнаткаш, камсукум боласи кургур дейишарди. Бечоранинг ёлғиз айби Омонқулбойнинг битта-ю битта кизига қўнгил қўйиб қолганлиги етмагандай бир маъракада дўмбирасини чалиб ўлан айтгани бўлди.

— Ариллаган, дариллаган ултонлар-у султонларнинг,

— Беги бўлиб, жилов тутиб, таъзим қилиб, даврон суриб, юрганимча, ай-ай-й, ай-ай-ай.

Бир қошлари қалдирғочнинг қанотидек, сулув қизининг, Ити бўлиб қолгим келур, эшигида вов-ов хуриб.

хай-й-ай-ай-ай-ов.

Қишлоқда Омонқулбой қизининг қошидан ўтар қоп-қора, қалдирғоч қанот қошлик қиз йўқ эди. Дарров гап-сўз бўлди.

— Етим қўзи боқсанг оғзи-бурнинг мой бўлар.

— Етим бола боқсанг юрак бағринг доғ бўлар.

Бу не деганинг уркағар, деди бой қаҳр билан.

— Ҳа бой бова бу бу бир қўшиқ-да.

— Ҳе қўшиғингни ҳам, ўзингни ҳам энангни...

Кури қўзимдан! Ҳозирок жўқ бўл иргамдан! Турдибой индамади. Бой аччиғидан тушар, ўзига келиб боз-боягисидек бўп қолар, деди. Кетса кетаверар эди, қора қошлигисидан ҳам қўнгил кургур ҳеч гударини узгиси келмайди. Бир томони аҳду паймон қилишган, ишқилиб қўнгил бир бало экан-да.

— Жўқ бўл, деди эртасига яна бой.

— Бўлмасам ҳаққимни беринг.

— Нима? Қанақа ҳақ? Сен менга ҳақ беришинг керакку!

Кейин у илкис силтаб Турдибойнинг елкаси оша ўтказилган шардозга илиғлик дўмбирани юлиб олди. Аччиқ устида саз билан бола пақирнинг бошига бир солди. Мана сенга ҳақ. Тутдан йўнилган эмасми тўқмоқдек салдорли саз Турдибойнинг чуйдасига қарс этиб қаттиқ тегди шекилли бир-икки ҳафта жойидан тура олмай ёта-ёта охири оёқланди. Аммо эсар бўлиб қолди. Омонқулбойнинг ҳовлисини ташлаб чиққанда орқасидан Тўрткўз ҳам эргашди. Қиз юм-юм йиғлаб қолайверди. Ҳам ақли, ҳам суйганидан айрилган Турдибойни эл, олдида

Бахши бова деса, ортидан Турди тентак дейдиган бўлди. Шу Турди тентак бир кун Мулкомонбойга бир гап деди.

Шу гапини айтмаса Мулкомонбой ҳам тинчгина оёғини узатиб ётган эди-ку. Кўчадан

— Занги бовам иси деб, қайки таёк судрайман,
Ўрдаман, қирдаман тикка туриб мудрайман,
Бобойлар, момойлар, тоғайлар, оғайлар-ов
Чўрчиб тушманг, одатим шул, оши ҳалол сурайман.

— Оши ҳал-о о-о-ол, хў-ў-ў-й, деган овози келди. Кечки овқат тайёр экан. Хотини бир тол товоқ қайиш ошни болаларидан бирига тугкизиб зинғилла қани, Бахши бованг келди, деди. Турдибой бечора ўзини қомон қишлоқнинг чўпони, деб биларди. Шошма, деди Мулкомонбой, сен чиқсанг барибир олмайди, ўзим олиб бораман. Кучугимга қани, деди ошни қадисига ағдара туриб Турди. Мана, бой қўнидан арпа нон чиқарди. Энди гап бор эшит, нонни қўнига урар экан шивирлади Турдибой, Хўп-хўп Бахши бова,

— Сен бойвачча, кўп талтайма. Одамгарчиликни Тўрткўзимдан, меҳнат қилишни бўлса Омонқулбойдан ўрган.

— Хўп, Бахши бова, меҳнат қилишни Омонқулбойдан ўргана қолайлик, нега энди одамгарчилик бобида итингиздан сабоқ олишимиз керак, бошқалардан эмас? Чунки кучугим вафо қилмайдиганларни ялоғига яқинлатмайди-да, Турдибой галати сўлжайиб жўнаб қолди.

Мулкомонбой ҳеч балони англай олмади, бой ўзига келгунча бахшининг ошиҳалол айтиб турган овози нариги хонадон тарафдан эшитиларди.

Қайки таёк қўлимда,
Яримта нон белимда.
Ўнгимдаю сўлимда,
Қўзилар-у, улоқлар,
Турфа гиёҳ, булоқлар,
Ўлсам кимим сўроқлар.

Ҳа бир ҳаёл тоблади-да Бахши бованинг, деб қўя қолди у.

Аммо бахшиси қурғур тушларига ҳам кириб чиқадиған бўлди. Ўнгида-ку ҳеч ҳаёлини тарқ этмай қўйди. Одамгарчиликни итимдан ўрган эмиш. Не дегани бу, эси жойида бўлса

экан, бориб сўраса, Бахши бова тунов кунги гапингизни тагин бир қайтаринг, яхши англай олмай қолдим, деса. Бу бир эсар бўлса. Эсар десанг, ҳар гапи борки, илонлиликнинг учиб чиккан донишманди ҳам буйтиб гапира олмайди. Шунинг учунмикан Мулкомонбой ўтирса-да, турса-да эси дарди Турди тентакда бўлди қолди. Кучугим вафо қилмайдиганларни ялоғига яқин йўлатмайди, дегани неси энди? Одамгарчиликни нега Омонкулбойдан эмас, итимдан ўрган деяпди. Асли Омонкулбойда одамгарчиликнинг урвоғи ҳам йўқлиги маълум-куя. Бўлмасам бир қишлоқда яшаса, бир сойдан сув ичса отаси Зулфикорбой ўлган куни бир кўринди-ю, жаназага ҳам қарамасдан жўнаб қолди. Онасининг азасида ҳам шундай қилганди. Шу ҳам одамгарчиликми? Азахонада бошқа бирон кун бўй кўрсатмади-я. Шу ерда Турди тентаги кургур топиб гапирди чоғи.

Вафо қилмайдиганларни ялоғига яқин йўлатмайдиси не бўлди энди, деб ўй суриб юрганди, лоп этиб Турдитентакнинг ўзи итини эргаштириб рўпарадан чиқиб қолди.

— Ҳа, Бахши бова, жўл бўлсин?

— Қидириб келаяпмиз?

— Қаерлардан сўраймиз энди?

— Фалончининг кўшхонасидан. —У Омонкулбойнинг қора қош қизи тушган бойвочча куёви ўтов тикиб ўтирган сойни айтди.

Мулкомонбой Турди тентакни гапга солганидан минг пушаймон бўлди. Фақир шу кизга ёманам кўнгил кўйиб қолган эканми, дейман. Эси жойида бўлмаса ҳам ҳеч тилидан кўймайди. Дам-бадам изма-из қидириб бориб ўлгудек қалтак еб қайтади. Ҳозир ҳам шундай бўлибди, шекилли. Турди тентак йиглаб-йиглаб кўяберди. Мени фалончи-пистончилар урди, деди. Гуноҳим не а, бойвачча?, деди. Индамайгина бориб ўтирган бўлсам, нон сўрамасам, ош сўрамасам нега уради?

— Ҳеч кимга ҳеч гап демадингизми?

— Дедим.

— Кимга, не дедингиз?

— Бойбичанинг кичкина қизи эчкиларини қайтара олмасдан дўлананинг тагида жилаб ўтирган экан,

Жилама-жилама жигарим,
Жилик чакиб берайин.
Тошбақанинг мўйнига
Пилик такиб берайин.,

деб эдим, мендан кўркиб қочиб кетди. Кейин бойбачча аввал бойбичани, кейин мени урди, деб яна хўнг-хўнг йиғлади.

Мулкомонбойнинг кўнгли тозаям хуфтон бўлди. Турдентакни гапга солганидан пушаймон еб йўлига кетди. Уни шу куйга солган Омонқулбойнинг гўрига роса ғишт қалаб, ноинсоф ҳам деди, имонсиз ҳам деди, хуллас оғзига келган гапни қайтармади.

Шу хангомадан кейин Турди тентак қишлоқда кўринмай қолди. Аммо унинг ҳа ўша ошиҳалол сўраб келган кечаси айтган сирли гаплари бирин-сирин росмана ҳақиқатга айлана борди. Ё товба!

Аввало, она, кейин ота-и пири кетди, шу билан Мулкомонбойнинг ҳам гири кетди-ёв. Нуротанинг азамат воҳаларидан бири бўлган Илонлисойнинг Хайдарота қишлоғида бойинг борми, деса мана шу, деб Мулкомонбойни кўрсатадиган элнинг орасида ана шундай ивир-сивир гаплар кўпайиб қолган эди.

Қиш чикар олдидан бошланиб бир ой давом этган даҳшатли жут Мулкомонбойнинг минглаб қўй-қўзи-ю, эчки улоқ, қорамол йилқиларининг қолган қутганини ҳам қириб юборди. Отам ҳаёт бўлганида мен шунчалик абгор бўлмас эдим, деган ўй эзарди уни. Асли ўзим боқи-беғам, беўйман шекиллик. Онаси ўлмаган, отаси ўлмаган инсон зотини менга кўрсат галварс, дея ўзини-ўзи койирди. Ёзи билан аза тутиб на хас-хашак йиғдим, на бир жонқа янтоқ, ё бир тутам шувок. Ана энди додингни Худого айт. Отам раҳматлик бўлганида олти ой ёз бўйи салқинда соялатиб қўймас эди мени. Ҳай аттанг! Қиш ғамини ёзда емаган чорвадор, чорводор эмас, бор, тирикчилигингни қил, деб қўлимга таёқ бериб тоққа хайдарди. Энди бу кўргиликка не дейсан. Мен бўлсам, ҳар йилгидек қишнинг енгил-елли келишига ишониб, баракни хом санаб ўтирибман. Ҳали кўрасан, Турди тентакнинг айтгани тус олдимдан чиқади.

Чилланинг бошланиши билан заптига олган қора совук, кетма-кет ёққан қалин қорга туташиб кетди. Ушоқ мол тугул,

йил ўн икки ой тўрт оёқда юриб ризкини топиб ейдиган йилки зотигача қўраларга қамалиб қолди. Дала даштдаги хас хашакни қўяверинг, ёнтоқ-шувоқ, қуврай каби ўмганини қўтарган буталаргача қалин қор тагида қолиб кетди. Эриш ўрнига аёзнинг зўридан кундан-кун қалинлашаётган музни титиб синдиришга энг бақувват айғирларнинг ҳам туёғи ожизлик қилиб қолди. Ёз бўйи йиғилган ва ўтган йилдан қолган озроқ, сомон, ярим чириган янтоқ ғарамлари соғин сигир, бузоқ, қорамолдан ортмасди. Мулкомонбойнинг кўз ўнгида чорва кирила бошлади. Қорнинг қалинлигидан ҳеч қаерга чиқиб бўлмайди. Минглаб қўй-қўзи-ю, эчки улоқдан ўла-ўла қолган уч юздан ортиғи судралиб, чорвадорлар «қора килтинг», деб атайдиган тўл даврига етар етмас беҳолликдан кетма-кет бола ташлаб, ёки қўзилай олмасдан нобуд бўла бошлади.

Тоғда очидан қийналган олқор, кийик, тўнғиз каби жониворлар емиш қидириб кишлоқ томон эна бошлашди. Азбаройи очлигидан ҳовлиларга мўралашди. Уларнинг ортидан эргашиб тушган тўда-тўда қашқирлар шундай ҳам кирилаётган қўраларни айлана бошлади. Очлик уларни на қуролдан, на одамдан ҳайиқтирар эди. Беш ўнта бўлиб бир хамладаёқ не бир бўрибосарларни тит-питини чиқазиб ташлашар, на инсондан, на итдан ҳайиқишар, жўр бўлиб увлашганда нақ ҳўтиқдек келадиган тоғ кучуклари думини қисиб, бири ўчокка, бири тандирга ўзларини урса, яна бирлари эгаларининг ортига беркинишарди. Бўрилар одамларга ҳам хавф солиб, ҳали бу ерда, ҳали у ерда фалончини қашқир гажиб кетибди, деган гаплар кўпайиб қолди. Дахшатга тушган одамлар тўрт-беш оила бир бўлиб, қўлларида калтак, паншаха, болта билан гулхан ёқиб ухламай чиқишарди.

Мулкомонбой ўралардаги егуликка атаб қўйган ғаллагача ўзим очдан ўлмасман, деб чорвасига едира бошлади, ётиб еганга тоғ чидамас, кўп ўтмасдан дон ўралар ҳам бўшаб қолди. Энг ёмони унинг бу кунига илонли сойликлардан биронтаси, Мулкомонбой тажрибасизлик қилди-ёв, ҳали бу ёш «бола», боши бир деворга тегди, энди буёғи ўзига пишиқлик қилса одам бўп кетаров, ёрдам берайлик, демагани бўлди. Бир тутам хашак тугул, егулик ғалласи тугаган бойваччага бир жуфт нон узатувчи бўлмади. Бўлмасам Илонлисой тугул, Ҳайдар отанинг

ўзида ҳам, не бир бойлар ғарам-ғарам пичан, ботмон-ботмон ғаллани босиб ётганди. Атайлабдан уни синдириш учун ҳам, яйловларда фақат ўзларининг чорвоси ёйилиб юрсин учун ҳам, шундай қилди чоғи, бўлмасам ўшаларнинг араваси лойга тикилганда Мулкомонбойнинг отаси неча бор қарашиб юбормаганмиди?! Энди эса Мулкомонбойга бу бало кўз тикиб турганда ўша ҳамкишлоклари дастурхони устида қариллашадиган, Турди тентак айтганидек қурук томошабин бўлиб қолишди. Ана шуниси алам қилади. Чунки уларнинг аксарияти, айниқса Омонкулбой дегани ҳали ёз бошланар-бошланмасданоқ кишининг не тўралик бўлиб келишини пайқослаб ўтиргич эди. Ўлгудек ҳисобдон, бир балоси бўлмаса бой бўлармиди, дерди орқаворотдан, аммо олдида соясига салом бергичлар. Бу Омонкулбой ёзнинг ахволига сер солиб кишининг келишини айтиб бераберади. Ўлгудек ғужурли чол. Аммо бировнинг ҳаққидан қўрқмагани чатокда. Шундай бўлди ҳам.

Саратон бошланар-бошланмас ҳарорат чунонам кўтарилиб кетдики, баъзи кунлари аини туш палласи ернинг тарс-турс ёрилишини илғаш мумкин эди. Қилт этган эпкин йўк. Тол-терак, жамики дов-дарахтлар барги жазирама тафтидан шалвираб, кечга томон сал ўзларини ўнглаб олишар, одамлар эса ховуз бўйидан нари кета олмай қолишгандилар.

Аммо Омонкулбой кун иссиқ экан деб сояда салқинлаб ётмади, одамларини ёппа даштга ҳайдади. Емиш тўпла, жонинг бўлса хашак йиғ. Яхши келса саратон, писанд эмас қаҳратон, қуврай борми, шувок-янтоқ, ўроққа не илинса тўплайверинглар, бу йилгининг саратонидек тафти баланд, иссиқ келган ёзни яқин атрофда кўрмаган эдим. Демак, олти ой ўтиб кайтадиган каттик кишининг тадоригини кўрай беринглар. Саратон иссиқ деб ётма, қўлингдаги нақдинг йўкотма, қани ҳамманг кирга жўна. укаларини ҳам қувиб солди бой, хашак тўплаш керак, дам олиш қочмас, това.!

Мулкомонбой бу даврда ота-онасига аза тутиб, салқин ховуз бўйида фотиҳага келиб-кетувчиларни кутиш билан аввор эди.

Онангни кўрасан ҳали, сен чўжахўроз, қани жотайверчи жонбошлаб, дерди Мулкомонбойни яъниб орқаворотдан Омон-

кулбой. Шу тарика саратон ҳам ўтиб, ҳаросатли, ағдар-тўнтар шамоллари билан асад оғи дохил бўлди. Кунлар бироз салкинлашгандек туюлсада ўт-олов пуркаётган гармселнинг тафтидан на уйда, на сояда паноҳ топиб бўлмасди. Шошқалоклаб оқаётган Илонлисой тиникиб, тагидаги тошларни санар даражага келиб, аввалги шаштидан тушиб, анча юввош тортиб қолди. Одамларнинг юзлари тиришиб, лаблари пўст ташлаб, оташдек қорайишди. Сувдан йироқ оғочлар қуврай бошлади. Демак, қиш чиндан ҳам чатоқ бўладиганга ўхшайди, яна вайсади Омонкулбой одамларга. Тезда қўйларнинг жунини қирқиб ташлаш керак, токи кузнинг охири қишнинг боши-жад оғи қирар-қирмас жониворларнинг жунини янгидан ўсиб, совуққа бардошли бўлсин.

Бой қариб, мияси айниб қолдиёв, дерди орқаровотдан. Баъзилар эса бойнинг юзига, қўйни ҳам шу паллада қирқадими?, дейишди масҳараомуз. Қўй керак бўлса асадда, жун керак бўлса сумбулада қирқавер, менга эса қўй керак, сенга не керак эканини қайдан биламан пандаваки, дерди жеркиб. Ўзи эса одамларини ёппа бўғдой-арпадан бўшаган ерларини ҳайдаб, ҳашакбоп жўхори экишга қувлади. Асад кирди ётма тек, ҳар қариш еринга алапи гов (озука боппа маккажўхори) шолғом эк, тува деб ёзи билан одамларининг сувини тиндирмай, ўзи ҳам тиним билмай ғарам-ғарам ҳашак тўплаб қўралар атрофига босиб ташлади.

Гапнинг нафсилам бирини айтганда, дер эдилар илонлиликлар Омонкулбой тўғрисида, жомонам ҳесобдан, ишнинг кўзини биладиган устакор, ғажурли одам-у, ғирромлиги бор-да. Сал бўлса майли эди. Адовур бор-да ғирромлиги. Етимнинг нонига кўз тиккан одамдан не умид.

Бўлмасам ундан ўтари чиқмас эди бу офтобрўйда. Илонлиликлар ҳақ эди. Чиндан ҳам унинг донишмандлигига бироз ғирромлик аралаш ҳасислиги соя солиб турарди. Шундай бўлсада ҳамқишлоқлари кўпинча Омонкулбой не қилса шуни қилар, натижада ютдирмас эдилар. Бу йил ҳам Омонкулбойнинг серташвишлигидан сергакланганлари ғимирлаб қолишди. Тўғри қилишди чоғи. Чорва тўрт оёғида юриб, ўзининг ризқини ўзи топиб еб ўтказадиган или-илмик қиш бу йил ҳамишаги-

сидан бўлакчароқ бўлди ўзи. Энди киш-қишлигини, ёз-ёзлигини килади, бир йил ундай, бир йил бундайроқ бу яратганнинг иши, нима учунлиги ёлғиз унгагина маълум. Мулкомонбойга ёмонам қаттиқ ботгани ўзининг гўрлиги ҳам эмас, қишнинг запти ҳам эмас, унинг шу ҳолатга тушиб қолганида, ишонган элининг индамай қўл қовуштириб туришгани бўлди.

Энди киш чилласи чиққан кунлар бироз юмшаб, чорва кирга ўрлаб қолган далв ойи ёғин билан бошланиб, қаттиқ совуқ кечаси-ю кундузи давом этиб, хут бошланиб қолган бўлса-да, кир-адир кўм-кўк муз билан қопланиб ётарди. Музнинг қалинлигидан чорва яна қўраларга камалиб қолди. Тоғ ошиб Форишдан дон ахтариб келган тожик аллоплар, «Бир хутдан кўрқинг, бир жутдан, агар хутда жут келса ўлдим», денг акамулло. Хут агар хутти кунад, кампирро дар қутти кунад, ана шунақа, хут агар хутлигини қилса кампир кексаларни кути—уйидан чиқармай қўяди. Бу йилги хут жудоо чатоқ бўлдэ. Кампир тугал биз йигитлар ҳам ўйимизга кетолмай ўлтирибмез, деб ҳафта ўн кун меҳмон бўлган жойларида қолиб кетишди. Омонқўлбой эса: Ўл бу кунингдан, хут билан ҳазиллашиб бўладими, яхши келса хутни кўр, қозон тўла сутни кўр, гар бўлмаса кўтарилган бутни кўр. Ана энди бутингни кўтариб ётаверасан Мулкомонбой, деб ичида суюниб қўйди.

Агар сўраб келса бир тутам ҳам хашак бермайман. Менга деса молининг ҳаммаси қирилиб кетмайдими. Шундай бўлди ҳам, бор чорваси қирилиб кетди, лекин қайсарлигидан Мулкомонбой Омонқўлбойнинг олдига хашак сўраб келмади. Бу жут эди. Жут бўлганда ҳам энг даҳшатлиси қари чоллар ҳам бунакасини биринчи кўришимиз, деб қалласини сарак-сарак қилиб тан олган, бир ой давом этиб, Мулкомонбойни шип-шийдам қилган, кўз кўриб кулоқ эшитмаган оддий воқеа эмас, ортидан не бир кўргиликлари мўралаб турган қип-қизил офат эди. Шунда ҳам бирон Илонлилик чорвадор бой Мулкомонбойга ҳолинг не деб қайрилиб қарамади. Факир-пўстак койишган киши бўлиб орқалаб келган бир икки қоп сомон, бир-икки эшак хашак, беш-олти боғ пичан қўлдан берганга куш тўймас дегандек, шунча молга урвоқ ҳам бўлмасди.

Кишлок этагидаги жарлик Мулкомонбойнинг очидан харом ўлган кўй-кўзиси, эчки-улок, сигир-бузок, йилкиси билан тўлиб кетди. Мол аччиғи, жон аччиғи экан, Мулкомонбойнинг ёмонам кўнгли қора бўлди. Турди тентакнинг Тўрткўз итим вафо қилмайдиганларни ялоғига яқинлаштирмайди, деган гаплари бир ҳикмат қатори қулоғида қаттиқроқ шанғиллай бошлади. Э бўлди, деди Мулкомонбой кетаман, каерга бўлса ҳам кетаман.

Кир бағрида йилбоши, деб тўпланганлардан ҳеч қайси бири Мулкомонбойнинг бир кечада кўч-кўронини олиб на ҳайр, на маъзур бор, қаёққа ғойиб бўлиб кетганлигини аниқ айта олишмади. Аммо кўп ўтмасдан Мулкомонбой укасини Илонлида колдириб, ўзи Октепасойга ошиб кетганмиш. Шундай қора кунда бир қайрилиб қарамаган элим билан иргамач-иргач ўтириб тишлашганимдан кўра, олисроқ ўтириб кишнашганим маъкулга ўхшайди, деб юрганмиш, Октепалик уруғдош Обойтўш қариндошлар Мулкомонбойни иззатини жойига қўйиб қапа тикиб, Тошбақали сойидан тўла казиб берганмиш, деган узун қулоқ гаплар Илонлисойга ҳам етиб келди. Турди тентак итини эргаштириб Октепага бориб келганмиш, бу гапни шу девона топиб келди дейишди.

Шу гапинг рост бўлса, сен Илонлида ҳечкимга керак эмас экансанда, деди Мулкомонбойнинг ўксиниб қилган ҳикоясидан таъсирланган октепалик қариндошлари. Кенг дашт илонлилик бой қариндошларга тор бўлиб қолганга ўхшайди. Мана бизнинг юртга кўчиб кел, бу ер ҳам сенга бегона эмас, ўз элинг, бари туркман уруғи Обойтўш, биров пишагингни пишт, товуғингни кишт десин-чи, ўзимиз гаплашамиз. Шундай килиб Мулкомонбой кўч-кўрони билан ҳамал ойи бошланар бошланмас, Октепага эниб келди. Энди бизга бир жой кўрсатинг оғайин, деди, ҳафта ўн кун уйма-уй юриб меҳмон бўлгач Мулкомонбой қариндошларига. Ҳоҳлаган жойни танла, ана чорва учун кенг яйлов Дўнкуллакнинг этаги, деди Октепасойнинг кун чиқарини кўрсатишиб, агар ҳам чорва, ҳам дехқончилик киламан десанг, ана кенг сувлок ер, беадад баҳорикор дала сеники, дейишди Октепасойнинг кун ботарини кўрсатишиб. Дастлаб кун чиқар томонда ўтириб сувсизликдан қийналган Мулкомонбойга

кариндошлари эрта баҳорнинг изғиринидан биров пана бўлсин, деб кимсасиз Тошбақали сойидан тўла қазиб, қапа тикиб беришди.

Ўшанда Мулкомонбойнинг биттагина жийрон ғунанидан бўлак чорва зотидан на бир қўй, на эчки-ўлок, на бир от ёки эшаги бор эди. Туякаш қариндоши Тиркашбой юк, кўч-кўронни тушириб бир кеча капасида меҳмон бўлиб, тез-тез хабарлашиб туришни ваъда бериб хайрлашиб кетгач, Мулкомонбой ўзини ёманам ғариб сезиб, кўнгли қора бўлсада буни на хотини на атрофида айланишиб юрган чўпон-чўлиқларига билдирмасликка ҳаракат қилиб отда кир айланди. Кечга томон Тошбақалисой устига кўнган окшом қоронғулиги Мулкомонбойнинг кўнглига ҳам кириб келгандек бўлди. Бир хаёл туғилиб ўсган ота юртим қолиб узоқ қирларда нега сандираклаб юрибман, ўлсам ҳам ўша ёқларда қолсам бўлмасмиди деса, яна бир хаёл не бўлса бўлди, хотинга ўхшаб дийдиё билан қайтиб шарманда бўлгандан кўра бўлак юртларда ўлиб кетаверганим маъқул, қолаверса, бу ерлар ҳам бегона эмас, Илонли билан Оқтепа ораси яхши юрғич отда бир кунлик йўл. Ҳар томонда ўзимнинг қариндошларим, деган ўй билан қапа тўрида бошини солинтириб ўтирарди. Қора чирок тутаб хира нур сочар, ташқарида ёмғир шивалаб, этни увиштирар даражадаги совуқ шамол кигиз қапа устига ташланган шолчани шап-шуп ўйнайди. Пойгакрокдан жой олган тўртта чўпон-чўлиқ, хизматкорлар индашмасдан зоғора нон, майиз, туршак ташланган дастурхонга тикилганича чакмонларига ўраниб ўтиришар, гўё сукунатни биринчи бўлиб ким бузаркин, дегандек гап бошлашга шошилмас эдилар.

Ниҳоят Мулкомонбой бошини кўтариб ўтирганларга хотиржам ҳолда бир-бир қараб чикди. Уларнинг кўнгли учун ўзини зўрлаб бўлсада жилмайган бўлди. Даврадагиларнинг энг кексасига қарата, чарчамадингизми оқсоқол, деди ярим ҳазил, ярим чин, Содда Шодиқул, бойнинг ҳазилини чинга йўйиб, куни билан қўй боқиб эдикми чарчасак, деб шерикларига қараб қўйди. Ҳамма жим. Шодиқулнинг кампири Ойсулув шақирлаб турган кумғон кўтариб кирди. Қапа эшигини ўтовчи шолча кўтарилиб ичкарига урган совуқ шамол этни жунжиқтириб, қора чирокни липиллатиб ўйнарди. Олов ўчиб колмасин учун

чирок пилигини кафти билан тўсган Норғул гавдали Қурбонназар охийри юрак ютиб гап бошлади. Бой бова, мани янги жойга ҳам кўчиб олдиқ, ани энди биз ҳам сизнинг бўйнингизга юк бўлиб ўтирмасдан аравамизни ўзимиз тортсакми, дарёвотда иш кўп эмиш, бироз ишлаб... У, Мулкомонбойнинг, қўй-э гапирма, дегандек илкис қўл силкишидан сўзи бўғизда қолиб, жимиди.

Бу чўпон-чўликдар Мулкомонбойнинг отасига кўп хизмат қилган кишилар бўлиб, уларга болалигидан ўрганиб қолган, улар ҳам бой хонаданига сингишиб кетган, шу туфайли Илонлисойдан кўчаётганлигида ҳам бир оғиз гап-сўзсиз улар Мулкомонбойнинг ортидан эргашишган, қиладиган ишлари, боқадиган чорва бўлмасада Мулкомонбой ҳам уларни худди ўзининг жигарларидек ортидан эргаштириб келаверган эди. Қурбонназар асли болғоли уруғидан бўлиб Хайдаротадаги Омонкул бош олти ака-ука бойларга даҳмардалиқ, яъни оддий чўпонлик қилиб юра-юра,ота-бобоси чўпон бўлиб ўтиб шу ишда суяги қотганлиги учун бир-неча даҳмардаларга бош-саркор бўлди. Мўмин қобил, азамат гавдали бу йигит ишнинг кўзини чандон биларди. Шу сабабли уни ака-ука бойлар қўлдан чиқаргиси келмас, аммо бойларнинг зикналиги Қурбонназарнинг тоза жонидан ўтиб, суягига қадалиб бўлган, бир хил етишмаслик чучитилмаган оқ мойдай кўнглига урганди. Ёши ўттиздан ошган бўлсада фақирлик қурисин, уйлана олмас, ака-ука бойлардан садо чиқмасди. Йил ўн икки ой тинимсиз оёқда юриб чўпонлик қилганлиги учун бойлардан ваъда бўйича ўн иккита қўй олиши керак бўлса, йил охирига келиб, сўйиб еб қўйдинг, харом ўлдириб қўйдинг каби майда-чуйда гаплар билан тўрт-беш тиррақи совлиққа эга бўлиб қолаверар эди. Бу даромад бўй етиб қолган синглисининг кийим-кечаги, нон-тузидан ортмасди. Бойдан, тинмай меҳнатингизни қияпман, ҳақимни беринг, деб талаб қилса бой, деҳқон ёмғирда, даҳмарда ўлганда тинади, сен менинг уйимда оёғингни узатиб дам олгани келибмидинг, чўпон экансан тинмайсанда тур ишингга бор, деб атайдан боғдан келганга тоғдан келарди.

Бир куни Қурбонназар бойга ётиги билан тушунтириб, менга фотиҳа беринг,бирон жойдан ризқимни териб ерман, деб

қолди. Бой яна сўзини мақоллаштирди, кампир ўламан, деб кўрқитади, даҳмарда кетаман деб, кетсанг кетавер, фотиҳа-мотиҳа бермайман, деб гапни чўрт кесди. Бой оқ фотиҳа бермаса чўпоннинг кета олмаслигини яхши билар эди. Чунки даштликлар бу қонун шаклини олган одатга қаттиқ риоя қилишар, оқ фотиҳа олмаган хизматкор нон-тузга тупурган бўлиб ҳисобланиб, бир умр косаси оқармасдан ўтади, дегич эди қариялар. Қишлоқнинг бир икки оқсоқоли майли йил охиригача ишлаб берчи, кейин маслаҳатлашиб кўрармиз дейишгач, ноилоҳ қолган Қурбонназар таёғини судраб яна отар ортидан кетди.

Йил ҳам якунланди, ҳар бир минг, бир минг икки юз қўйдан юз, юз эллик тагача талофат берган чўпонларни бошқа бойлар тўн, жегда билан сийлаб сидқидилдан хизмат қилганлиги учун ош дамлашган бўлса Қурбонназар атиги саксонтагина қўй талофат берганлиги учун бойдан аввал роса сўкиш эшитди, кейин Омонқулбой курғур қўйларимни тўлайсан деб туриб олди. Ана холос. Ахир ўлишига чидасанг қўй қил, ейишга чидасанг тўй қил! Бу элда бор матал. Бой аслида буни жўрттага қилаётган эди, иссик бор, совуқ бор, қўй бўлгандан сўнг ўлади, унга на даҳмарда, на саркор, на барча отарлар устидан назорат қилувчи давом беги айбдор эмаслигини, базўр кунини кўриб юрган бечорани саксонта қўйни тўлай олмаслигини ҳам бой яхши билар, аммо тажрибали, софдил чўпон Қурбонназарни қўлдан чиқаргиси келмаганлигидан бой шу йўлни тутаетган эди. Ўғирлаб сотиб егансан, деди охири пастликка бориб, бой. Ҳаммасини тўлайсан, ана кейин кетавер, тўрт томонинг қибла. Бунақа тўхматдан бечора ер ёрилмадики, ерга кириб кетса. Не қиларини билмай, қўлидаги чўпон таёғини ерга кўндаланг ташладида ундан уч бора сакраб ўтиб, агар шу ишни қилган бўлсам таёқдай қуврай, деди титраб-қакшаб. Бу даштликларнинг энг ёмон қасами эди. Чўпон учун нонни қўлига олиб қасам ичишдан ҳам ўткирроғи эди бу қасам. Шунча хизматимга шу гапни эшитдим, деди Қурбонназар, агар очимдан йиқилиб, ёки одамгарчиликдан чиқиб ўлсам ҳам иккинчи қўйингизни боқсам таёқдай қуврай, мана бўлмаса, у таёғидан яна уч бора сакраб ўтди.

Ушланглар, бу энағар касамхўрни, югурдакларига буюрди бой, қани кўйларнинг ё ўзини, ё пулини тўламай ёки шунинг эвазига хизматимни қилмай кўрсинчи яккамихда чиритаман. Қурбонназарни ўласи қилиб калтаклаб, ховли ўртасидаги от боғлайдиган улкан яккамихга танғиб ташлашди. Унинг охи-войи бутун қишлоққа эшитилиб турса-да, олти ака-ука бойдан хайиқишганлиги учун бирон киши ўртага тушишга ботинишмас эди.

... Гиламчи қиз жиянингиз сизни кечадан буён кутиб ўтирибди, деди тоғ ортидаги отарларни уч-тўрт кун юриб айланиб келган Мулкомонбойга хотини дастурхон устида. Гиламчи қизинг ким?, аввало, гап нима тўғрисида кетаётганлигини англай олмади бой. Дашт аёллари нафақат эрининг, балки унинг қариндошларини ҳам исми билан аташмас, шунинг учун хотини бироз каловланиб, анави акаси Омонкулбойникида даҳмарда бўлиб юргич киз жиянингиз борку, деб тушунтиришга мажбур бўлди. Э, э Қурбонназарнинг синглисими, оти нима эди, Гулсара, Гулсара гиламчими, ҳа бўлди, не дейди, у? Бой ёнбошлаб ётган жойидан туриб ўтирди. Дарҳақиқат мана шу тўшаб ўтирган гиламни ҳам ўша Гулсара уч-тўрт дугоналари билан тўқиган, асли бу қиз она томондан Мулкомонбойга узоқроқ бўлсадақариндош,шунинг учун уни бой ўзига яқин олиб жиян, деб юрар, Гулсара ҳам, Қурбонназар ҳам Мулкомонбойни, бой тоға дерди.

Эшик ортида шарпа эшитилди, Мулкомонбойнинг хотини Гулсарани бошлаб кирди. Қиз бечора кирди-ю, салом ҳам беролмасдан изиллаб йиғлаб қўяверди. Ий-ий, ҳа нега мунча, бой бир рўмолининг учини тишлаб олиб йиғисини босишга ҳаракат қилаётган жиянга бу атрофда бўйи етган кизлар ҳам қариндошларидан юзларини яширишмас эди, бир хотинига саволамуз қаради, Ахийри Гулсара тутила-тутила гапига тушди.

— Менга сўз беринг бой тоға, бу билан гапиришга рухсат беринг, демокчи эди. Ҳа гапир, гапиравер, не бўлди жиян?

— Жолғизгина оғамди, Омонкулбой банди қилиб ўтирибди... Қиз бечора бир торгиниб, бир куйиб-пишиб бор гапни айтиб берди. Сиздан паноҳ излаб келдим, бўлак борар

кимсам бўлмаса, не қилайин тоғажон?! Мулкомонбойнинг таъби тозаям хира бўлди, юзи тошдек котиб дастурхонга тикилганча қолди. Ахийри, сен кетайбир унинг билан ўзим гаплашаман, қўй жилама, у ўрнидан турди, эшикдан чиқа туриб яна қайтарди, жилама қўлидаги камчинни этик кўнжига тап-тап уриб том ортидаги чорбоққа ўтди. Узоқ сафардан сўнг бирозгина бўлсада чўзилиб, сояда салкинлагиси келарди. Улкан қайрағоч остига солинган кўрпачага чўзилди, яна туриб ўтирди, яна чўзилди, ахийри бўлмади, чидай олмасдан, ҳовлига чиқиб яккамихда қантариғлик турган ғунанига ўтириб Омонкулбойнинг кўрғонига томон жўнади.

Офтоб тиғи баланд, узоқ йўл юриб хориган ғунан эринибгина қадам ташлайди. Сойдан кўза кўтариб чиқаётган жувон йўлга рўбару бўла бошлади. Аммо Мулкомонбойга кўзи тушгач, ўгирилганча рўмолининг учи билан юзини хиёл беркитиб турди. Қалдирғоч қанот қорақош Омонкулбойнинг ёлғиз кизи. Бечора Турдибой, ажабтовур бахши бола шу қошлар деб девона бўлди-я, тентак деган ном олди-я. Аёл елкасида зил-замбил сув тўла кўзанинг оғирлигига қарамасдан эр кишининг йўлини кесиб ўтмаслик учун атайлаб шундай қилди. Бу барча дашт аёлларининг одати кўнгилчан Мулкомонбойга мойдай хуш ёкиб, кайфияти бир оз кўтарилгандек бўлсада, Турди тентакни эслаб Омонкулбойни баттар ёмон кўриб кетди, аёлга назар ташламасликка тиришганча отини қичаб ўта солди.

Қайрағоч ёғочидан ишланган қўш табақалик дарвоза ланг очик, У отдан ҳам тушмасдан ҳовлига тикка кириб борди. Тоғлиқлар одатига кўра бегона ҳовлига киришда уй эгасининг ҳурмати учун дарвозага беш олти қадам етмасдан отдан тушилар ва рухсат сўралгач, кейин ҳовлига кирилар эди. Мулкомонбой ундай қилмади. Буни эса, бой ўзига нисбатан беҳурматлик деб билди.

Одам боласига шунча жавр қилиш мусулмончилиكنинг қайси қондасида бор, ҳой инсофи жўқ бой, тик сўзлигига борди Мулкомонбой.

— Менинг қондамда бор бу бир, ўлгиси келган берухсат киради бу хонадонга бу икки, ҳе йўқ, бе йўқ бировнинг

кўрғонига кириб иддао қилиш мусулмончилиқнинг бирон қондасида айтилган бўлса мен шу ёшимга кириб беҳабар эканман, бу уч, баландроқ келди Омонқулбой, ҳовли тўридаги меҳмонхонада ўтирган куйи, дераза ўрнини ўтовчи кўш табақалик боғдоди эшик ортидан. Яна баландроқ ўшқирди-суяқ меники, уруғ меники, шунинг одамларга не оғирлиги тушаяпти, ўлса ўзим кўмаман. Ҳақиқатан ҳам Қурбонназар Омонқулга узок қариндош, болғоли уруғидан эди.

Шундагина Мулкомонбой жаҳл устида тадбирни қўлдан бой бериб қўйганлигини тушунди. Аммо энди ғишт қолипдан кўчиб бўлганди. Шундай бўлса-да устакорликни қўлдан бермасдан, тоға етти ота, деди. Бола фақирнинг тоға журтида мenden бўлак ҳеч кими жўқ, шунинг оёғига кирган чўкир тикан менинг товонимни ачитади, қўйиб жубаринг уни бой, қанча қарзи бўлса, ўзим қўндаланг.

Шу куни Мулкомонбой юз қўй тўлаб, Қурбонназарни отга ўнгариб уйига олиб кетди, аммо кишлоқнинг олди бўлган олти ака-ука бойлар унинг ортидан хап саними, деб тиш қайраб қолишди.

Уларнинг ғарам-ғарам ем хашаги бўлсада Мулкомонбойга қарашмаганлиги Мулкомонбойнинг ҳам уларникига бош эгиб боргиси келмаганлиги ва Қурбонназарнинг бу ҳовлига келиб қолишига сабаб шул эди.

Ҳаммаларингизнинг кўнгилларингиздан ўтаётган гапни сезиб турибман оқсоқол, Шодикул билан Мулкомонбойнинг отаси тенг ёш жўра бўлиб бир-бирларини оқсоқол деб чақиришар, шунинг учун бойнинг ҳовлисида асли кўса, иягида тўрт беш тола мўйдан бўлак соқоли йўқ Шодикулни ҳамма оқсоқол деб аташга кўникиб кетган, Шодикул ҳам бунинг ҳечам кўнглига олмас эди. Сиз ҳам полвон, Қурбонназар шунда бойга бир қараб қўйди, кўнгилларингизни ҳеч бўлмай журайберинг. Қўй, давлат ҳозир бўлмаса, эртага, эрта бўлмаса индинга бўлар, қанча вақт ўтдики сизлар дарёвотда эмас, бизнинг хонадонда сизлар, шу вақтга қадар бир бурда нонимизни бирга бўлиб жедик, насиб қилса бундан кейин ҳам шундай қиламиз. Беғамлик, тадбирсизлик қилдик, шу куйга тушиб ўтирибмиз, бир бўлди, иккинчи бўлмас. Энди қиладиган ишимизни билиб

қиламиз, чоғи. Ўтирганлар эса унга мамнун қараб, хайрият-э, дегандек енгил тин олишди.

Мулкомонбойнинг юзида хотиржамлик сезилсада, кўнглида минг бир хаёл ғужғон ўйнар эди. Чунки у билардики бир ҳамён тилло унинг учун талофат жарига солинган охирги кўприк. Агар тадбирсизлик қилиб юз олтин танга, мана шу охирги илинждан ҳам ажралиб қолса, чиқиб бўлмас жарга кулаши, рўзғорини обгор қилиб қўйиши тайин. Агар ақлини ишлатиб фойдаланса, унга умид билан термулиб ўтирган шунча қора кўзга ҳамишагидек бир бурда нон тута олади. Аксинча, у, бу даҳшат, дея ўйларди Мулкомонбой, бир иложини қилиш керак, не бўлсада эл орасида обрўйни, ор-номусни йўқотмаслик лозим. Отамдан айланай дерди белидаги ҳамёнини силаб кўяркан Мулкомонбой, Аслида менинг ғўрлигимни билганки, шу нарсани охирги кунгача билдирмади ва факат қора кунинга асра, деб васият қилди. Мана энди фурсат етди шекилли. Наҳотки менинг шу кунларга тушишимни билган бўлса, о, бу падарнинг қадрини ўлмасдан туриб билсам бўлмасмиди. Вох, отажонима, дея кап-катта одам кўзига ёш оларди.

Кўп ўтмасдан Оқтепада Мулкомонбой бозорга тушган ҳамма молни — бир сурув қўй, аллақанча сигир бузоғи билан, икки жуфт ҳўкиз ҳам қўшиб сотиб олиб қўйганмиш, қўйларини Шодикул оксоқол Хотин қочди сойида боқиб юрганмиш, Қудуқсой тарафда бойнинг ўзи одамлари билан қўшхайдаб, баҳорикор бугдой сепаетганмиш, бойнинг хотини, Ойсулув кампир билан қора эшакда бир хуржун нон ортиб ўша ёққа кетаётганлигини ўзим кўрдим, деса, яна бири, анқара, кечагина Мулкомонбойи қурғур эртаги жўхори экамиз, деб Каттаариқнинг бўйидаги чимлоқни ажриқдан тозалаб ётгандику, бало экан бу, деган гаплар кўпайиб қолди.

Мулкомонбойсиз ҳам Илонлида хаёт аввалгидек кечар, фақир обиёвғонини, бой ёғли паловини ошарди. Аммо Омонкулбойнинг ўша Мулкомонбойи қурғур кўчиб кетган тонгдан бошлабоқ тинчи йўқолди, ўзининг аввалги чўпони Қурбонназарни қайтариб олиш пайига тушиб қолди. Мулкомонбойнинг чорваси қирила бошлаганда ич-ичидан суюнишининг бир томони асли шунда эди. Чунки шу Қурбонназар кетди, Омон-

кулбойнинг отарларидан кут, барака ўчди чоғи. Бу болада бир гап бор, ўйларди у. Аслида мойлиоеқ шекилли, бўлмасам қўйларим аввал ҳам шу яйловда ўтларди, ҳозир ҳам, аввал ҳам шу булоқдан сув ичарди, ҳозир ҳам. Аммо нега аввал ҳар икки совлиқдан бири эгиз қўзиларди, ҳозир ундай эмас? Қурбонназар саркорлик қилган даврларда кисир қолган совлиқни кўрмасдим. Энди эса ҳар юз совлиқдан 10—15 таси тўл бермайди, ё бола ташлаб қўяди. Демак, сувсиз қолади, ё емсиз, ё тузсиз, ё совуқ, ё иссиқ, ишқилиб бирон жабр кўради-да, бўмасам бундай чикин бўлмагич эди, деб ўйлайди Омонкулбой. Қурбонназар тинмас эди. На отарни, на чўпонларни ҳам тиндирмас эди, шуни эвазига қўйлар бардам, тўқ бўларди. Айниқса кечалари ёйилиб ўтлайдиган сурув олдидан илон чиқса ямламай ютади, ана шундан кейин кўр, унинг этига эт қўшилишини. Бу уккағар чўлиқлар кун чиккунча ухлайди. Асли ўзим ҳам жа-а ҳаддимдан ошиб кетган эканманда, шу болани бекорга қўлдан чиқардим. Энди не бўлса ҳам Қурбонназарни қайтариб олиш керак, бўмасам бу ноёмас дахмардаю, аркорлар яна икки-уч йил юрса мени хонавайрон қилади, дея фъели тарлон бўларди. Бу итнинг тувғани ҳам бирданига ёмон қасам ичиб қўйдида ўзи, қайтиб келармикан, дерди у яна ўзига-ўзи. Э, келади. Ваъдани куюқ қилсам, келади. Майли, дейман, билмабман дейман, мана шу юз қўзи сеники қариндош, ота авлод турганда, тоға тухумнинг эшигида не бор сенга, кел уйга, энди ёшим ҳам қайтиб қолди, билганингни қилиб юраверасан, десам келади, оккўнгил бола ўзи у, кейин берган юз қўзини минг туёқ қилиб чиқариб оламан, бу кучукбаччадан, деб юрганди, анови киш бошланиб, жутгарчилик бўлиб қолди, ажаб бўлди, энди юз қўзи ҳам ёнимга қоладигани аниқ, бу уккағар Қурбонназар егани нон топмасдан тўғри меникига келади. Шу ерга келмасдан, қаерга боради эса, деб юрганди, Мулкомонбой бир кечада ғойиб бўлди қолди. Кетса-кетавермайдими менга деса гўрга кетсин, очик лаҳадга ошиб кетсин. Орқасидан уч-тўрт ишнинг қўзини биладиганларни ҳам олиб кетгани неси? Еярга нони йўғ-у, одам ияртишни ким қўйипти мунга? Бунинг устига Октепадан келиб турган хабарлар яна Омонкулбойни безовта қила бошлади. Тўй-маракада одамлар Мулкомонбой-

нинг бошқатдан давлати ортиб боряпди, деб гапиришарди. Қаердан олаяпди, бу шунча мулкни, бари шу Қурбонназарнинг мойли оёклигиданов, шу бола боққан мол емаса ҳам семириб кетайберади ўзи, асли баракали эканлигини билардимиз, бекорга қўлдан чиқардим-да, шуни қайтариб олиб келсам Мулкомонбойнинг сандигига қўйилаётган тиллалар меники бўлиши аниқ. Не бўлса ҳам шу кучукбачча Қурбонназарни ҳовлига қайтаришим керак, бўлмаса бирим-икки бўлмайди чоғи, деб ич-этини ерди. Шундай қиламан, ана унда Мулкомонбой Октепага эмас, ундан нарига кўчиб кетганда ҳам бошқатдан энасини кўради, кейин менинг олдимга тушиб бўпти. Мен турган меҳмонхонада гердайиб, тўрда ўтира олмайди ҳам, бу укағар аразчи, аразургич.

Шу ҳаёлда Омонкулбой икки йилни ўтказди. Яна кўклам кириш арафаси, қора-килтингдан бир амаллаб ўтиб турганди, тонг сахар совуқ хабар топиб келишди. Бу ношуд даҳмардаю чўлиқлар укувсизлик қилиб 80–100 совлиқни селга оқизиб қўйибди. Икки кундан буён шивалаб ёғайтган ёмғир селга айланди. Омонкулбойнинг қаҳри билан кечаси ҳам отарларни бир маротаба қўзғатиб келадиган чўлиқлар ёмғирнинг заптидан қўркишиб қўйларни сувсиз жарнинг тўр тарафига қамаб, ўзлари панарокда қунишиб ўтиришган экан. Тепадан келган сел боло қазодек ёпирилиб талай ташвиш орттирибди. Тонг отгач санаб қарашса, зўр-зўр совлиқлардан 100 чоғлиси йўқ. Бу укағарларда калла бўлса, жала пайти молни жарга қамайдими, э ҳаммангни энангни..., қури кўзимдан тува, деб Омонкулбой даҳмардаларни қамчилаб-қамчилаб қувиб солди. Ўзи аламига чидай олмасдан отланиб тўғри Октепага жўнади.

Омонкулбойнинг оти илдам одимлайди. Эрталабки дам, кун салқин. Ёмғир ҳамон шивалаб ёғмоқда. Кун ботишдан эсаётган енгил шамол совуқ томчиларни рўпарадан бойнинг юз-кўзи аралаш урапти, мўйлаб соқолларидан сириқиб оқади.

Қишлоқдан чикиб энди сойни кесиб ўтаётганида Омонкулбойнинг оти ғалати пишқириб, кўзларининг қири билан жар томонга қадалди. Э тойсалламай ўл-е, дея, бой сергак тортиб ён-атрофга олазarak боқаркан, сойнинг том бўйи тик ўпирилиб тушган қирғоғида чўнқайиб ўтирган икки қорага кўзи тушди-ю,

эти бир сесканди. Бу ярамаснинг кишлоқда қороси куринмай қолувди-ку, яна қайси гўрдан пайдо бўла қолди экан. Индамай қолайверса-ку яхши-я, яна бирон нима деб кўнглими хуфтон қилмаса яхши эди. Ана, худди айтганидай бўлиб чиқди. Ити ҳам, ўзи ҳам худди шаррос қуяётган ёмғир тагида эмас, илликқина кўклам қуёши тафтида бемалол ўтиргани каби жар тепасида чўнқайишиб олганди. Ҳе йўқ, бе йўқ, «ҳов бой, ҳақимни бер», деди. Турди тентак. Бой ўзини эшитмаганга солиб отини қичаб ҳайдай берди. Икки қора ҳам жойидан кўзғалиб, ортидан эргашди «Ҳов бой, ҳақимни бер» Омонқулбой не киларини билмайди. Бориб қамчилаб-қамчилаб хуморидан чиқай, деса жар тик, айланиб ўтай, деса орқа адоғи кўринмайди. Кета-кетгунча шу туриш. Не бўлса-бўлди энди қичаштириб юриш керак, зора эргаша олмай қолиб кетса. Ҳов бой, фақир дединг, қизингни бермадинг, сағир, дединг, ҳақимни бермадинг, ҳа ергина ютсин сени!

Бой алаmidан инграб юборди, отига аччиқ-аччиқ қамчи тортди, ивирсимай ўл, қадамингни санаб босмасдан ҳаром қотгир, чу-е! От қамчи зарбидан безанглаб, сувликни босиб-босиб елди, сувлоқларни шатирлатиб-шатирлатиб, тошлоқларни қатирлатиб-қатирлатиб елди, икки қора тобора ортида қола бошлади.

Қават-қават чопон, чакмонлари ивиб зил-замбил юк елкасидан босиб тургандек туюларди. Сарой кишлоғи кўринди, том туйнукларидан кўтарилаётган кўкимтир тутун борлиққа чала ёнган тезак ҳиди анқитиб ёйилмоқда. Онда-сонда кучуқлар ҳуриб, эшак ханграйди, демасанг атроф жим-жит. Бой орқасига қараб-қараб келмоқда эди. Тўсин кишлоғига яқин қолди, ҳамон ёмғир тинай демайди, йилқи жонивор толиқа бошлади. Лекин Омонқулбой тўхташни ҳаёлга ҳам келтиргани йўқ. Тезроқ манзилига етса, ишларини битириб қайта қолса. Гуё Курбонназарни бугуноқ олиб кетадигандай. Қўрли кишлоғига етганда отнинг қадам ташлаши сусая бошлади. Бой хавотирланиб ортига қараб-қараб олади. Атроф кимсасиз эди. Барча кўринган қора, Омонқулбойга итини эргаштирган Турди тентак бўлиб туюлади. Бундан аччиқланган бой жониворга аччиқ-аччиқ қамчи босди. Ёмғир, совукдан дийдираб, ношуд чўликлари



Тұла, ғұладан нарирокда бир неча улоқ ұт чимдилаб юрибди.

кўзига баттар ёмон кўринди. Хаёлида Мулкомонбойнинг кундан-кунга кўпайиб бораётган давлати, эти бардам совлиқлари кетмай қолди, ҳаммаси шу бир пуллик чўпон Қурбонназарнинг орқасидан, деган ўй унинг бутун вужудини қамраб олганди, не бўлса ҳам шу болани қайтараман. Бу ўйда у бутун кўнгилсизликлар, Турди тентаг-у Қурбонназарга кўрсатган жабру-ситамлари, Мулкомонбой билан бўлиб ўтган баланд-паст ади-бадиларни, Омонқулбойнинг бебурд-номардликлигидан бурун жийирувчи элнинг хангомаларини унутгандек Октепа сари шошарди. Ёмғир пардаси ортидан қорайиб кўринаётган Октепасойга етганда асир намози вақтига яқинлашиб қолганди. Сўроқлаб Тошбақали сойини топди. Ҳа-ани,-дейишди учта тўланинг оғзи гўрдек қорайиб кўринаётган кичик сойликни кўрсатиб. Ана шу Мулкомонбой ўтиргин қўшхона, Омонқулбойнинг ўлардек чарчаб, сувга бўктирилган зоғора нондек бўшашган гавдасига қаердандир куч-қувват энди гўё, ўтиришинг шул экан-ку уқкағар, деди бир хаёли. Тўлада ётаркансан-у, сенга ким қўйибди Омонқулбойдан араз уришни. У ширин энтиқди. Ичида қувониб кулди. Кўз ўнгидан ўзининг вассажуфтлаб ёпилган меҳмонхона, залворли дарвозахона ҳовлиси ўтди. Тўла олдида ётган иккита хўтиқдек итни писанд қилмай, отини қичаб ҳайдаб яқинлашди. Уч-тўрт жойга юмалоқлаб қурилган таппи уюмлари ёмғир қорда ивиб кетмасин учун устига ёнтоқ-қуврай ғарамланган, одам бўйи иркитда чакки тўлдирилган олача тўрва, тармоқланган икки қулоғидан икки айрига осиб қўйилган. Нарироқда бир неча улоқ ўт чимдилаб юрибди.

Ташқарида ит ҳуриши ва бегона эркакнинг товушини эшитиб тўла оғзига илинган шолчани кўтариб бир аёл кўринди. Омон-эсонмисан келин, деб сўрашган бўлди бой. Қўноқ бўп келдик, меҳмонхонага ҳайданг ҳам демайсизлар, ертўлада яшашларига ишора қилиб чақиб олди у. Келинг, келинг ака, ҳайдайберинг, ҳай отни ушланглар, деб кела сола ўзи тизгиндан тутиб бойни туширди. Тўладан 15–16 ёшли ўсмир чиқиб, отни бостирма томон етаклаб кетди. Меҳмонни эса Мулкомонбой ўтирадиган ертўлага киргизишди. Бойбичанинг ўзи кириб Омонқулбой билан ҳеч нарса бўлмагандек узок сўрашди.

Илонлида қолган ҳамсоя кўшни, қариндош-уруғларни бир-бир эслади, дастурхон ёзиб майиз, туршак, қора бугдой унидан ёпилган нон кўйди, косаларда юзига сариёғ куйилган қатик олиб киришди. Нариги тўладаги аёллар ҳам, ўсмир болаларгача Омонкулбойнинг келганидан бир қувонишиб, бир хайрат, хавотирланишиб бой билан сўрашишдилар. «Инингиз Иштихон бозорига кетиб эди», деди бойбича суҳбат асносида. Ҳадемай келиб қолади. Мен эт осдирай Бой иссиқ-иссиқ чой ичиб йўл азоби гўр азоби, дея гудрана-гудрана мудрай бошлади. Ҳам-малари чикиб кетдилар.

Ташқарида ҳамон ёмғир майдалаб ёғар, Октепасой устига секин қоронғулик чўқмоқда эди. Ер уч кечаю-уч кундуз ёғаётган ёмғирдан бўкиб кўпчиб кетган, баҳор кирганлигини билдириб, ундан ёқимли, кишини энтиктирувчи бўй тараларди. Тўла оғзидаги бостирма тагига боғлаб қўйилган ит ангиллай бошлади. Занжирини узгудек тортиниб, безовта бўлди. Шунда алланарса бўғиқ, г-у-у-у-п этган товуш берди. Омонкулбой дам олаётган тўланинг оғзидан буриқсиб чанг-тўзон кўтарилди. Тўланинг томи босиб қолган. Турди тентак айтгани каби Омонкулбойни ер ютган эди.

Қир устида чўлиқлари бола-чақасига керакли майда-чуйда тўлдирилган хуржунни икки томонга тарвайганидан учаётган қушни эслатиб отлиқ Мулкомонбой кўринди. У тўла атрофида уймалашаётган одамларни кўриб хайрон эди. Не гап бўлди экан, отини қичаштириб ҳайдаб тўлага яқинлашди....

Мулкомонбой кунлар исиши билан бу беҳосият жойни тарк этиб, қирнинг офтобрўй тарафидаги сойхонликка пахсадан кўрғон солиб кўчиб чиқди. Аммо кишлоқнинг номи Тўлабосди бўлиб қолаверди.

«Ёшлик», 2006 йил 2-сон.

АБДУЛЛА

(Онам Зоҳида Мулло Мурод қизи хотирасига)

Аллоҳ таоло Холматбойга ботмон-ботмон еру мулк, ўнлаб чоракору етим-есир хизматкор, сурув-сурув қўй-қўзи ато этиб давлатини қўп зиёда қилган бўлса, бир томондан салгина, йўқ, анчагина қисиб ҳам қўйганди. Бефарзанд эди фақир. Шу боисдан кўнглининг бир чеккаси ҳеч ёришмас, бу кўнгли қоралиғ ёши ўтган сари тобора қуюқлашиб бутун кўксини қоплаб олаётгандек бағри эзилса-да, ичидаги дардини ташқарига чиқармасди. Аммо ёлғиз қолган пайтлари, Парвардигор, оғзи қийшиқ бўлсада, шалпанг кулоқ бўлса-да биргина фарзанд ато этсанг, туганмас давлатинг камайиб қолармиди, деб илтижо қилгани-қилган эди. Худонинг берган куни беш вақт намозини канда қилмас, ғарибу ғураболарга назр-ниёздан тортиб, фалончининг еtimiга манови, пистончининг есирига манови деб тоңганини бердириб юборар, гоҳо эринмасдан ўзи элтарди.

- Э, асло йўқ деманг, – дерди бой, баъзан расмият юзасидан қўлини қайтармокчи бўлганларга. – Бизга ҳам сизникидек ўғил берсин, қиз берсин, худо йўлида шугинани сизга атадик-да энди, бир ҳавас қилдик-да, хўп деяверинг!

Аммо йиллар бесамар ўтар, бойнинг ўзи қирчиллама йигитдан чолга, дуркун аёли кампирга айланиб борарди. Унинг тўрт ака-укасидан тортиб, хизматкорларигача қўли очик бойбува билан оқ кўнгил бойбичанинг иззатини обдон жойига қўйишар, кўнгилларини қабартириб қўймасликка ҳаракат қилишиб ўзларини ўтга-чўққа уришарди.

Холматбой пайғамбар ёши баҳонасида элга дастурхон ёзиб, узоқ-яқиндан кўнгил истарларини чорлади: қўй устига қўй сўйдириб, дошқозонларда палов дамлаттирди. Эҳсон тариқасида бошланган маърака тўйга айланиб кетди. Бойнинг ҳурмати учун бутун Октепа халқи йигилишиб, элнинг казозоларигача бел боғлашиб хизмат қилишди. Холматбойнинг ота юрти, Йлонлисойдан бир дуркун отлиқлар келаётганини эшитган бойнинг ҳиммати жўшиб, оғилхонада трамоҳдан буён қантариб боқилаётган тўрт яшар новвосгача сўйдирди.

Зиёфат кеч, не паллагача кизигандан-кизиб меҳмонларнинг кетгани кетиб, қолганлари ётиб гурунг қилишди. Тортик қилинган саруполарини елкаларига ташлаган меҳмонлар бойни роса алқашиб, унга кўчқордек ўғил тилаб бирин-кетин тарқалишганларига ҳам мана уч-тўрт кун бўлиб қолди. Холматбой ўша хушвақтлик билан ўтказган маъракасини эслаб савр ёмғири себалаб ўтган ям-яшил кирга кўтарилиб борарди.

У тепалик сари ўр-кирда суяги қотган асил даштликлар каби шошилмасдан одимлар, ўнг оёғини олға ташлаганда бурнидан чуқур нафас олиб, чап оёғини ердан узганда оғзини хиёл очиб ўпкасини бўшатарди. Бир меъёрда такрорланаётган бу ҳаракатдан бойнинг олтмиш уч баҳорни кўрган улкан гавдаси заррача толиқмас, тикка кўтарилган тепалик сари кечгача бўлсада, нафас ростламасдан ўрлайвериш чоғи бор эди гўё. Орқага ташлаб олган қўлининг билаги, бели узра дўппайиб турган тугунга тегиб турар, бундан бой роҳатланар: ҳар замон-ҳар замонда оёқларига энган бардамликдан завқланарди. Белига тугун боғлаб юриш асли отаси Мулкомонбойдан қолган одат. Худо раҳмати уни бедана халта дегувчи эди, кампирига ҳазиллашиб. Бедана халта – бу оғзи маҳкам турмакланган гулдор чарм ҳамён бўлиб, бой уни ҳар замонда темир сандикдан олиб гиламга секин ағдарар, шақирлаб бир-бирининг устига тўкилаётган сариқ, қизил тилло тангаларнинг товланиб ярқирашини хиёл томоша қилиб тургач, қайта-қайта санаб «бедана халта»га қайтариб солиб, ма, «қафасга» ташла, дерди кампирига ёки малла бўз белбоғини қатлаб «бедана халта»ни яктагининг ичидан белига боғлаб оларди. Шу кўйи тугун кун бўйи бойнинг белидан тушмас, тўйга борса тўйда, далага чиқса далада, зилдеккина бўлиб Мулкомонбойга ҳамроҳлик қиларди.

Тилло белнинг қуввати, дерди Мулкомонбой ўғли Холматга, кейин ўзи суйган жумлаларни балким минг биринчи бора қайтаришни яхши кўрарди раҳматлик:

— Белингда тилло,

Тилингдир бурро.

Қадаминг тетик,

Ечмасанг этик.

—Тилнинг бурролиги, кадамнинг тетиклиги тиллодан эканлиги майли, счасанг этик, деганингиз нимаси? — кизиқсиниб сўрарди отасидан Холматбой.

—Э, болам ётиб еганга тоғ чидамайди, тиллом бор экан, деб оёгингни узатиб еб ётсанг, холингга вой, «счасанг этик», деганим меҳнат устига меҳнат қил, ана ўшанда кўрасан хузурини деганим, машойихларнинг қайси гапи нотўғри эдики, энди буниси номаъкул бўлса тойчоғим, — дердилар.

Шундай одамлар ҳам ўтиб кетди, во дариғ, дея ўйга чўмган кўйи сап-сарик кўзигулларни оралаб бораркан, бу чечакларни ҳам беҳисоб сочилган олтин тангалар каби эҳтиётлаб, тупроққа кориштириб кўйишдан чўчигандек, кадамини саралаб босарди. Оқтепасойда баҳорнинг кишини энтиктирувчи латофати қирдан қуйига бокқанингда билинади. Холматбой яшил ўтлоқлар оралаб офтобда ялтираганча иланг-биланг из солиб оқаётган Оқтепасойни томоша қила-қила бир оз тик туриб қолди, Кейин теварак-атрофда бош кўтармай ўтлаётган қўй-кўзиларнинг «ба-а, бу-у»си, тўрғайларнинг чулдираши, кир бўйлаб эсаётган эпкининг майин нафасига маст ҳолда бўзга ёнбошлади. Сал нарида оппоқ кўзичоқ мунчокдек кўзларини жовдиратиб илинган совлиқнинг бутига бошини тикар, туртки еб нари кетар, яна зорланиб-зорланиб маърарди.

— Ҳой. Жомонқул, — деб чақирди чўлиғини бой, — нима бало бўлди, манови кўзинг мунча қақшайди, энаси қаерда?

— Эрталаб сўйдим, бой бова, айланма бош бўлди шекилли жонивор, ховлига элтиб берувдим-ку сизга айтмагандир-да.

— Э, бу ўша қўйнинг боласими? Етим қолди де.! Етимчалиги курсин, бу дунё ўзи шундай, бир томони кемтик, бири энага зор, биров болага... — менга ўхшаб, кўнглидан ўтказди, бой.

Хаёл таъсир қилиб кўзларидан дув тўкилган ёшни чўлиққа кўрсатмаслик учун ўгирилиб ёнбошлаган бўлди. Энди бойнинг бояги кўнгилихушлигидан асар ҳам қолмаган, ўзини йигит ҳам чоғламас, белидаги дўппайган тугун ҳам хуфтон кўнглига чироқ ёколмасди. Бой шу алфозда бир оз ётди. Осмонда сузиб юрган кўрпачадек оқ булутни томоша қилди, кўзининг юракни эзувчи маърашидан юраги баттар ғашланди. Оббо жонивор-эй,

хали ўтлашни ҳам билмайсан чоғи, ҳозир анови елиндор қашқа совлиқни ушлаб таппа босамиз-у, сенинг корнингни тўйди-рамиз-да, деб туришга энди чоғланаётган эди, нарироқдан эшитилаётган кўнғирок товуши хаёлини бўлди. Ҳадемай қир бўйлаб ўтган йўл бошида туя карвони кўринди. Кулбет хангги минган сарбон ана-мана дегунча бойга рўбарў келиб, уловда бўлганлиги учун Холматбойдан аввалроқ салом берди.

Мусулмоннинг яхшиси дастлаб салом бергани, алик олар экан ўйлади бой яхши одам чоғи, кейин даштликларга хос оқкўнгилик аралаш қизиқиш билан гап қотди:

—Ҳа-а-ай, Жўлчи бово, жўл бўлси-ин?

—Ҳе-е-й умр деган мўл бўлси-ин! Насиб қилса Нурота ошиб кетамиз. Ҳафта бурун Термиздан чиққан эдик, кеча Каттақўрғонда тунадик, пешинди Мойбулоқда ўқиб, кечки чойни Қўшработда ичкиз Худойим, деб кетаяпмиз-да.

Кулбет хангги пилдираб қадам ташлар, эшакнинг тўрт одимини бир қадамда ўтаётган нор туялар кўнғирок товушига хамоханг салмок билан одимлар, той-той юклар устига ўтириб олган йўловчилар атрофга бефарқ назар ташлаб боришарди. Сарбон хангисини тўхтатмасдан сўйлай-сўйлай узоқлашмоқда эди. Шундай бўлса-да бой ўтирган кўйи яна гап қотди:

—Нелар опкетяпсизлар, ўзи?

—Э, не десангиз баридан бор. Хўжаиконнинг асил тузидан дейсизми, Ўратепанинг испарак, рўян ўтдан олинган сариқ, қизил бўёғидан дейсизми, Пайшамбининг парвардасию новвотидан тортиб, Кўқоний атласгача баридан бор. Ҳатто бештагина қулбачча ҳам опкеляпмиз, пул бўлса бас, асл мол сизники бойбова.

Шундагина карвон ортида олти-етти яшар болаларни олдига солиб хайдаб келаётган кимсага кўзи тушиб, кўнгли алланечук бўлиб кетди Холматбойнинг. Юз-кўзлари чанг-чунг, оёғига кишан урилган болалар карвондан ортда қолмаслик учун чакконроқ қадам ташлашга уринишар, аммо уларнинг энг кейинда келаётган кенжароғи кишан шилиб ташлаган оёғини авайлабми, ёки чарчоқданми анча орқада келар, кузатиб бораётган давангирдан хивич еб сакраб кетар, бир пас оқсоқланиб югурар, яна ортда қолар, яна хивич еб изиллаб йиғларди.

Ок кўзининг зорланишидан кўнгли бузилиб ўтирган бойнинг дили бу манзарадан баттар вайрон бўлди, бир оз каловлангач, чидаб тура олмади:

— Ҳой кулбон!

Давангирнинг бир мўйи ҳам қилт этмади, ҳатто ҳўкизни-кидек йўғон бўйнига ўрнашган сатилдек бошини бир томонга салгина буриб қарашни ҳам эп билмай, гапиравер дегандек товуш келган томонга кўз қирини ташлаб қўйди, холос.

Феъли ҳам турқига яраша шекилли, хаёлидан ўтказди бой кулбоннинг совуқ назарини илғар экан. Шундай бўлса-да, яна сўз котди:

— Боланинг (кулбаччанинг дегисикелмади)нархини айт.

— Тошингни термайсанми сассиқ чол, иштонингга ямоқ тополмайсан-у, кул суриштиришни ким қўйибди сенга, — тўнғиллади у.

Шундагина бой оқ сурп иштонининг бир парча йиртигидан жундор оёғи кўриниб турганига кўзи тушди.

Шамол кираётгандек бўлаётганди савил, ўйлади бой, бутоқ-мутоқ илиб кетибди шекилли-да, ҳеч киси йўқ, эътибор бермади Холматбой.

Бу орада карвон ҳам, кулбон ҳам анча нари бориб қолганди.

— Тўхта! —бўқирди Холматбой, —тўхта! Унинг зўр товуши Оқтепасой узра гулдираган момақалдирокдек қалдираб кетди.

Карвондагиларнинг ҳаммаси бирваракайига орқага бурилишиб қарашди, аммо кулбон ҳамон пинагини бузмай одимлайверди,

— Гарангмисан, нархини айт деяпман сенга.

Энди бой ҳам карвоннинг кетидан қорама-қора юраверди.

— Қайси бири? — тўнғиллади давангир.

—Орқада жилаб кетаётган кокилдори.

—Минг кумуш танга.

— Ма, юз тилло танга, санаб ол! —белидаги белбоғини тугуни билан кулбоннинг қўлига тутқазди Холматбой. Ўйлаб нетиб ўтирмасдан

Кулбон зилдай ҳамёни салмоқлаб кўраркан тук босган тунд юзининг ярмисини эгаллаган япалок бурни бир-икки

жийрилиб, сўйлоқ тишли ўрадек огзидан кип-қизил тилини чиқариб, тарс-тарс ёрилган лабларини ялаганча тамшанди.

— Камлик қилади.

Бу орада қулбоннинг шериги ҳам келиб орага суқилди.

— Кам де, берма.

— Ўзинг минг кумуш танга деб лафз қилдингми?— қайта сўради бой.

— Ҳа.

— Қўлингдагини кумушга чаксанг қанча бўлади вўзи биласанма?

— Бир минг юз, барибир кам, — ҳирқиради қулбон

— Устига бир совлиқ кўзиси манам, бўладими?

— Кам.

— Икки совлиқ кўзиси манам.

— Жомонкул, ҳо-о-ов Жомонкул манови одамга икки совлиқ кўзиси манам айириб бер. Ана, айтганинг бўлди, энди кишанни чеч!

— Керак бўлса ўзинг ечиб оларсан, — шундай деб у болани бой томонга илкис итариб юборди.

Шу вақтгача неча иссиқ, неча совуқни, қанча-қанча яхши-ёмонни кўравериб кўзи пишиб кетган Холматбойнинг бунақа суллоҳга ҳечам иши тушмаганди. Унинг айтган нархида турмай белафзлик қилгани бир сари, кекса кишига беҳурматлик қилиб сенсираши етмагандек, одам боласига «қул», дея шунчалар бағритошлик қилиши бойга ёмонам таъсир этди, ғазабдан кўз олди қоронғилашиб кетди. У ўзини зўрға босиб, турткидан мукка тушиб йиқилган боланинг шилинган тиззаси, тупроққа беланган юзини чопонининг бари билан артиб кўтариб оларкан, жилама болам, ўзим сени ул қилиб оламан, ҳали қараб тур бу кучукни энасини кўзига кўрсатамиз, деди шивирлаб жилама! аста қаддини ростлади. Қулбоннинг чағрайган кўзига кўзи тушди. Мунчалар беорлик.

Холматбойнинг энг ёмон кўргани ҳақсизлик, ундан ҳам ёмони мана шундай беор, беандиша қараш эди.

Бойнинг чап қўли (у чапакай эди) ногаҳон юқори кўтарилиб, оқ яктагининг чопондан чикиб турган энги ҳавода бир дам лип этди-да, рапидадек кенг, залворли кафт шараклаб

қулбоннинг офтобда қорайган гарданига тушди. Кутилмаган зарбдан оёғи ердан узилган давангир кесилган теракдек қулаётиб боши билан пакана шеригининг кулоқ-чаккасига бориб урилди. Бир зарбдан бирварақайига ағдарилган икки савлат чангиб кетган тупроқ йўлда пича чўзилиб ётишган-ларича не бўлганига тушуна олмай бир-бирларига тикилиб туришгач, каловланиб ўринларидан кўзғолишиб, бойга ташланишга шайланди. Аммо рақибнинг важоҳати ва унинг ёнида чўкмор бошли чўпон таёғига суяниб турган Жомонқулга кўзлари тушиб, бўзарганча ноилож ерга қарашди.

— Камми?

Бой нимани камми, деб, сўраётибди тиллониими ёки калтакними, улар унча яхши тушунишмади. Аммо иккови бир овоздан, биз розимиз, дея тўнгиллашди. Юввошгина кўринган бу қорамағиз қариянинг шижоати олдида иккала жангари анганг қолганди.

Холматбой чуқур тин олди.

—Шундай бўлгани рост бўлсин, еч кишанни!

— ... Роҳат! — дарвозадан кирмаёқ кичкирди Холматбой. — Сен туғмасанг, мана ўзим туғиб келяпман, кара боланга.

Куви пишаётган Роҳат бойбича пишкакни курт юмалоқлаётган чўри қизга тутқазиб, чолининг истикболига чиқди. У Холматбойнинг ҳазил-ҳузуллари кўнглига олмас, майли, ўзининг димоғини ўзи чоғлаб юраверсин, дерди. Шунинг учун ҳозир, сен туғмасанг, деганига хафа ҳам бўлмади.

Роҳатой бир чолига, бир унинг кўйнида кўзларини мўлтиратиб қараб турган қорамағиз, қорақўз, чуйдасидаги бир тутам кокили бўйнига тушиб турган болага ажабланиб тикилди.

— Вой, ўзим айланайин қора кўнғизимдан, кимнинг боласини кўтариб юрибсиз? Отинг нима?

Кўябер, кампир, ҳозирдан бошлаб ўзимизнинг боламизни кўтариб журишкан. Оти Абдулла, муни бир чўмилтириб қурсоғини тўйдиргин. Кучукбаччадек оч кўринади чоқдан, кейин биласан кимнинг боласи эканини.

— Вой, муни... кокилларинг бунча чиройлик бўлмаса,— хамон гиргиттон бўларди бойбича болани гоҳ кучоқлаб, гоҳ неча вақтлардан бери сув кўрмаган юзидан чўлп-чўлп ўпиб.

— Ҳой, мунча ялаб-юлкаламасанг, ахир у меймондорчиликдан келаётгани жўк-ку, улимни ҳам энка-тинкасини қуритиб жубардинг-эй. Аввал мунингни курсоғини яхшилаб тўйдиргин ахир, — бой бир пахса кўтарилган супанинг раҳига беҳолгина ўтира-туриб гудраниб қўйди. — Кейин бафуржа гурунг қилиш бўлса, қочмас.

«Бечора кампирим, эсини буткул йўқотиб, тентак-пентак бўлиб қолмаса гўрга эди. Буни ҳам тўғри тушуниш керакдир, балким. Шу шўринг қурғур умид билан мени эр деганига ҳам мана қирқ жил бўлибди. Айтишга осон. Қирқ жил-а, бир жигитнинг умри, қирқ жиллик изтироб, қирқ жиллик тоқат, қирқ жил кутиш осонми? Дўст бор, душман бор, қанча баланд-паст гап-сўз дегандек, ҳаммасига чидади, биргина оғиз очиб юзимга солмади, улимиз жўк, қизимиз жўк демади, ҳеч нарса демасам ҳам ўзи яхши билади».

Эзилиб турган бағрини яна мижғилаб не қиламан, не бўлса барчаси Яратгандан, деб юрганини бой сезади. Балким шунинг учундир кампирга ўзини баттар яқин тутади, кўнглини қабартмайди, аммо дилидаги меҳрини ташқарига чиқармайди ҳам, пинҳон тутади. Кампири қурғур ҳам гўл эмас, ҳаммасига ақли етади, бойнинг ҳар бир нигоҳи, ҳар бир ҳаракатию шарпасини унсиз ўқийди шекилли... Барибирам оғир экан бу савдо. Бирон жойинг оғриси уқалаб, малҳам қўйиб жонингни тинчлантурсанг бўлар, аммо бу дарди қурғур ўнгингда ҳам, тушингда ҳам сени изма-из, қадамба-қадам кузатар экан. Бошинг оғримайди, қорнинг оғримайди, аммо юрак-бағринг ситилиб зардоб бўлиб оқади. Шундай палла кампири танига оро киради. Бой, дейди чолига, бари худодан, не бўлса эгамнинг иродаси билан. Асли кампири қурғур ўктам, гаплари таъсирли, чечак изи қолган чўтир юзида алланечук нури бор аёл. Сухбати кишини ром қилади. Холматбой ҳам бир оз овунади. Аммо фикран аёлига ўзидан ҳам қийин эканлигини сезиб туради, мардлиги тутиб, бутун иродасини йиғиб хотинига аста қарайди.



Энди Холматбойнинг ҳам ўгли бор.

— Сенга бир нима бўлдимми, ўзи, ҳе йўқ, бе йўқ не дейсан сира?

Ясама иддао қилади. Аммо барибир қийин. Бир куни қирчиллама киш, рўза пайти эди. Эр-хотин саҳарлик қилишди.

— Қуртобанг тоза оби-тобида бўбди, — деди Холматбой косадаги сузма юкини чой қуйиб чайиб ичаркан, гапиравер, не гап?

Кампир ҳам асли дашт қизи эмасми, айлантириб ўтирмади, чолининг юзига бир назар солиб, кейин кўзини четга олди:

— Сизни уйлаб қўймоқчиман.

Бой бир кўзғалиб олди, кейин деворга суянди. Алланечук жилмайиб кулди, бу яхшилик аломати эмас эди. Бойнинг феъли торлан бўлса, шундай кулгич одати бор эди.

Унга бу тақлид таклифлар кўп бўлган. Ёр-дўст, оғайни-кариндош, қари-қартанглардан... Аммо бой уларга бир хил жавоб берар, ҳа ёки йўқ демас, бир гап бўлар, деб қўя қоларди. Аммо суҳбатдош англар эдики, бу хил суҳбат бойга унча ёқмайди. Жуда яқинларига айтар эдики, эй фалончи қўш хотинликнинг тоши оғир, сабр қилайлик, не бўлса барчаси Оллохдан.

Холматбой сездики, ўша гапни айтганлар энди кампирини ишга солган. Чунки унчалик саводхон бўлмаса-да, ўлгудек тақводор бой бу масалада хотинининг розилигисиз битадиган ишни шариат ёқламаслигини яхши биларди.

Холматбой чойдан ҳўплади, кейин деди:

— Кампир, бу сенинг пикринг эмас.

— Менинг пикрим.

— Ундай бўлса сенга аввалги бор не деб эдим?

— Бўлмайди, кампир, деб эдингиз.

— Сенга гап ўргатганларга-чи?

— Уларга ҳам. Аммо қизиқ... ўзимнинг гапимга ўзим эгалик қила олмай, мункир кетиб ўтириш менга эпми?

Бой гапирса-да, бойбича жим қолди. Чунки эътирозга ўрин йўқ. Холматбойнинг бир сўзлик, ётган томонидан турмайдиган феъли борлиги унга яхши аён.

Касал халқи тузалиб кетаман, деб умид қилгандек Холматбой ҳам Аллоҳим менга ҳам бир фарзанд берар деб

ноумид бўлмас эди. Қирк йил кутди. Мана шуни бугун Худо берди. Энди Холматбойнинг ҳам ўғли бор. Бойнинг дийдасидан иссиқ бир нима куйдириб қалқиб чиқди, кўзларидан дув-дув ёш қуйилди. Айланайин Яратгандан, деди. «Тувғон бўлмаса-да, тувганимдай кўрайин. Менам одам бўлиб, бола жеталаб журайин, менам бир мириқиб бола суяйин, ота деса, ҳа, деяйин, одамлар ҳам бу бола фалончининг ули десин, Холматбой улига тўй қилаётганмиш, қани журунглар, десин»,бойнинг юзидан дув-дув тўкила ётган кўзёши оққан сари бағрини эзиб ётган ўша зил-замбил тош эриб, кичрайиб, енгиллаша бораётгандек бўларди. Бой ҳамон ун чиқармасдан соқоллари секин титраб йиғлар эди.

— Вой ўлай, сизга не бўлди, отаси.

Бой чўчиб тушди. «Не дейди бу. отаси дийдима?!» У кампирига ҳайрон қараб тургач, энди баттаррок, худди ёш боладек, ўкраб йиғлаб юборди. Қирк йилдан буён кутган шу «отаси» деган сўз унинг бағрида бўғилиб ётган эди, бирданига рўёбга чиқариб юборди. Бойга кўшилиб бойбича ҳам кўз ёшларини тия олмади. Холматбой секин ўрнидан турди, юз-кўзини артиш учун каловланиб белбоғини еча бошлаган эди, ерга тап этиб тушган бўм-бўш «бедана халта»ни на бой, на бойбича сизди.

Эртасига қишлоқ аёллари Ойтош қушноч арвоҳларга атаб ёққан чирокқа қўлларини тутиб, юзларига обдон суриб, товук сўйиб хамир қилиб пиширилган момоошига тўйишгач, Абдуллани Роҳат кампирнинг атайлаб шу маросим учун созлаб тиккан қўйлагининг ёқасидан солиб, этагидан чиқариб олишди-да, туғди туғди, деб чувиллашиб овоза қилишди.

Бу воқеадан кейин бир йил ўтиб, яна савр ёмғирлари даладаштни кўмкўк майса, лолақизғалдоқларга буркаган бир паллада Октепада дув-дув гап тарқалди. «Роҳат бойбича туккан эмиш, тукқанда ҳам ўғил туғибди. Вой тавба, шу ёшда-я? Нима бўпти, энди эллик учга кирди, холос, худо бераман деса эрта-кечи бораканми?! Ишқилиб умри билан берган бўлсин! буям Холматбойнинг бахти!»

Олтмиш тўртга кириб топган ўғлининг қулоғига Холмуродбой деб, ўзи азон чакирди. Такбир туширди. Чақалок-

нинг қирқи чиқар-чиқмас ҳўкиз сўйиб ақиқа килдирди. Яна октепаликлар Холматбойнинг ҳовлисига йиғилди, ошга босилган ҳўкиз илигини лаганга солиб, бойнинг олдига келтирди. Бой унинг бир учидан ўзи тутиб, бир учини асранди ўғли Абдуллага бериб, элга юзланди:

— Ҳай, оғайнилар! Ҳов қариндошларим! Шу болани мен қуллигида сотиб олувдим, қулим эмас, улим девдим, шу ишимиз Худойимга жоқдими, ишқилиб менга ҳам қартайганимда бир ул берди. Бу болани мен Абдулла деб эдим, (Абдуллоҳ худонинг қули) биз ҳам у сингари ҳаммамиз Аллоҳнинг қулимиз. Буниси ҳам Аллоҳга қул бўлсин! Худойимнинг ўзи муродимни берди. Мўйнида қоли бор. Шўйтиб отини Холмурод қўйдим. Маъқулма, сизга бу от?! Бу тўрт кунлик ёлғончи дунёда шу улларим еккови ҳам сиз-биз қаби эркин яшаб журсин, умрига, ризқига ўзи барака берсин. Бир овмин денглар энди, эса!

Эл гувиллади:

— Омин! Илоҳо омин!

Бу нидо Тўлабосдининг осмони узра бир зум муаллиқ осилиб тургач, кейин аста-секин даштлар бўйлаб тарқаб кетди.

Шарқ юлдузи, 2004, 1-сон.

ҚИШЛОҚДАГИ КЎҲНА МАСЖИД

(Бадиа)

Тўлабостининг икки зийнати бор. Бири қир бағрига жияк солиб оқувчи қадимги ариқ бўлса, яна бири ўша яшил соҳил бўйида меъморчиликнинг шарқона, ихлос билан ясалган ажаб-товур обидаси, кўҳна масжиддир. Ариқнинг қазилганлигига 2000 йилдан ошиб кетган бўлса, масжиднинг ёши 156 йилни қоралаган.

– Нуротанинг бўлақлари, Оқтов билан Қоратовнинг неси кўп, сойи билан қишлоғи, аммо Октепасойникачалик суви тотлиси йўқдиров, – дейишади шу атрофни яхши билгичлар.

Ҳатто шундай матали ҳам бор, Иштихоннинг хони дардга чалиниб Оқтепасойнинг сувидан бир ичсам тузалиб кетармидим, деган экан. Шунда унга кўзада сув келтиришибди, ичибди-ю, аммо кўнгли тўлмабди, шундай бўлсада, индамай кўяқолибди, кунлар ўтиб тузалибди ҳам. Ие, дейишибди шунда яқинлари, Оқтепасойнинг суви чиндан ҳам шифобахш эканда. Шундай, дебди, хон. Шифобахш, аммо мен сизлар айтган Оқтепасойнинг сувидан ичганим йўқ, кўзадаги бошқа жойнинг суви эди, агар Оқтепасойникидан келтиришганда борми, мен бир ой – 30 кунда эмас, уч кунда оёққа туриб кетардим, деган экан. Бунга сабаб сойни тўйинтириб турган ўнлаб чашмалар. Шунинг учун тотли ва унинг сувига неки экин тикин қилсангиз мазаси оғзингизда қолади. Сувини бир хўплаган киши яна қайтиб келгуси келиб туради. Бу ёзилмаган қонун, табиатнинг нозик ўйини, тарихда неча бир бор синалганлигига қойил қолай десангиз ўзингиз ҳам бир келиб шохиди бўлишингиз мумкин. Нафақат масжид, балки сой бўйлаб жойлашган қишлоқлар ҳам шу сув туфайли бунёд бўлган. Қишлоқлар кўп бўлсада сойда иккитагина, қадимги масжид бор. Аслида уларнинг сони кўп бўлган. Дастлабкиси бир вақтлар йирик қўрғон вазифасини ўтаган, Оқтепанинг кўҳна маркази, тепаликка бақамти қурилган жомеъ масжиди. Унинг меҳробида иккита тош лавҳа сақланади. Бирига «Қадамжойи Халифа Хусайни илайхи-рахма, Соҳибкори Хонақои Шариф, Халифа Неъматулло Хўжа Бадахшоний, Абдулазиз Хўжа–1288 мозий дейилса, иккинчи лавҳада эса Соҳибкори Айвон Халифа Неъматулло Хўжа, Ибни Абдулазиз Хўжа, Ибни Мақсуд хўжа 1288, деган арабий битиклар мавжуд. Ҳижрий 1370 йил, мелодий 1867 йилга тенг. Худди шу Оқтепанинг Хонақа масжидига жой танланиб, Оқтепа эли Халифа Хусайиндан масжид қуриш учун оқ фотиҳа олаётганда Мулкомонбойнинг набираси, Холмат қоранинг арзанда ўғли Холмурод қора ҳам ўша ерда ўтирган эди. Ҳали ёш бўлса-да қишлоқ оқсоқоллигини бўйнига олиб, бирон йиғиндан қолмайдиган Холмуродбой, Оқтепага кимсан Бухородан халифа Хусайннинг нақд ўзлари келармиш, - деб эшитгандаёқ беабр бўла бошлаганди. Қўли очикликда отасини ҳам, бобосини ҳам йўлда қолдириб кетадиган бойвачча, бу донгдор

олиму авлиёнинг кўлига сув куйиб, бир пиёла чой тутгиси келиб қолди. Фалончини фалончи меҳмон қилибди деган гап сўз учун эмас, балки азбарои даштликларга хос меҳмондўзчилик учун, қолаверса эски қадрдончилик учун. Чунки юксак мавқеъли меҳмон Бухорои шарифдан, яъни хон саройидан ташириф буюраётган бўлсада, аслида у шу ерлик, аниқроғи Иштихон билан Янгикўрғон атрофидаги Кулба қишлоғидан бўлиб, унинг болалик ўсмирлик даври пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг кондоши Маҳдуми Аъзам эшон бобонинг масжидида хизматда ўтганлигини Холмуродбой яхши биларди. Савод чиқариш учун Иштихонда бирнеча вақтлар ўзи ҳам масжид тупроғини ялаб ётар экан Халифа Хусайн ҳақида кўп эшитганди.

Холматбой Бухорода бўлган вақтлари Халифа илайҳи раҳманинг бобокалонлари Халифа Худойдод хонақасини бирнеча бор зиёрат қилганлигини эслайди. Шайхни кўп кароматгўй, забардаст авлиё ўтган, дейишганди ўшанда атрофдагилар.

Халифа Худойдод асли Хоразм шайхларидан экан. Отан зор кўрса-ки фарзанди навжувонининг зехни ўткир, китобга рағбати баланд. Шу сабабдан дарҳол уни мадрасага олиб жўнади. Тўппа тўғри Бухорои шарифнинг энг номдор мударрислари сабоқ ўқийдиган Мир Араб мадрасасига кириб бордилар. Вақт оқар сув, даяк олар пайт ҳам яқинлашди. Устоз Ҳазрат Азизан Лутфуллоҳ ботиний ишорат билан ёш Худойдодни Хожа Маҳмуд Анжир-Фағнавийнинг табаррук мазорлари (ҳозирги Вобкент тумани М.Жўрабоев жамоа хўжалиги худудида) яъни Пирмастадаги Одина мавзесига йўллайди. Бу ерда Халифа Худойдод хонақоҳ, масжид курдиради. Бундай улкан қурилишнинг довуғи Бухорогача етиб келган эди. Ўша вақтлари тахтда ўтирган Амир Шохмурод таажжубда сўради. Ё аъёнлар, у қандай бебош-ки, менинг мулкимда биздан берухсат шундай улкан қурилиш бошлаб, бизга одобсизлик қилади. Аъёнлар амир ҳукмига қойим туриб сўзлашди-ки, бу авбош Халифа Худойдод отлик бир хоразмлик муллавачча. Амир амр этди-ки, дарҳол уни бу ерда ҳозир-у-нозир қилинг. Хўп, дейишди. Бир пасда Одина мавзеида пайдо бўлишди ва шайхга амирнинг буйруғини етказишди. Халифа Худойдод шундай деди: «Агар подишоҳ-

нинг иши бўлса ўзи мунда келсин, менинг онда ишим йўқ» Навкарлар ҳайрон қотишди. Шундайми, дейишди. Ҳовва, деди халифа. Ғирра оркаларига қайтиб, дарҳол амир олдида тиз чўкдилар ва бутун гапни ошириб-тошириб гапириб беришдилар. Амир ғазабдан ёрилар даражага етиб, келмасалар боғлаб олиб келинг, деди. Навкарлар яна халифа ҳузурида пайдо бўлди ва мулоимгина тарзда айтди-ки, таксир мабодо саройга боришга унамасалар, оёқ-қўлингизни боғлаб олиб борармиз.

Хўп-хўп, унда биз тайёр.

Халифа Худойдод олдинда, навкарлар орқада йўлга тушдилар.

Амир Шохмурод бетоқат бўлди. Кўнгли алланечук ғашланди. Аркнинг томига чиқиб, кун чиқар томон кўз тикди. Не кўз билан кўрсин-ки йўлда бир пахлавон ҳар кифтида биттадан фил, пиёда салобат билан одимламоқда, орқада эса ўзи жўнатган отлиқ навкарлари чумоли каби ожиз элас-элас кўзга ташланади. Амир Шохмурод ўзини ерга отиб яланг оёқ Халифа Худойдоднинг истикболига югурди...

Халифа Хусайн илайхи-рахма пирига ниҳоятда содик бўлиб унинг хизматида бўлишни ўзига бахт деб ҳисоблар, шу сабабли эшоннинг ҳар бир ўғити, ҳар бир топширигини жон қулоғи билан тинглаб; бажонидил бажарар, устозининг дуосини олиш учун хизматида доим шай туришга ҳаракат қилар эди. Майда чуйда топшириқлардан тортиб, жиддийроқ ишларгача ўта масъулият билан ёндашувчи бу куйинчак шогирд эшоннинг кўнглига ҳам ниҳоятда хуш ёқарди. Халифани Хусайн ҳар доимги юмушини пиридан олдин уйқудан уйғониб, офтобада таҳорат сув тайёрлаб беришдан бошларди. Туни билан мутуала қилиб толиққан халифа тонгдан беҳабар ухлаб қолишдан ва устозининг совуқ сувга таҳорат олиб азият тортишини хохламаганлигидан, кечаси ётар пайти сув тўла офтобани кучоклаб уйқуга кетар, токи пирининг қўлига тонгда таҳорат олиш учун илиққина сувни тап-тайёр қилиб қўярди. Пири – бўтам чакки қилибсиз, чунки таҳорат олиш учун ҳар бир мусулмон ўзи ҳаракат қилмоғи керак деса, халифа ерга қараб сукут сактарди.

Бир куни не бўлди-ю пир ҳам, шогирд ҳам масжид хужрасида алла паллагача масала ечиш билан оввора бўлишиб,

тонгда сачраб уйғонишди. Кунёк томон анча оқариб колган, зудликда тахорат олиб ибодатга киришиш лозим эди. Пири билан олдинма кетин уйғонган халифа Хусайн шоша-пиша қўйнига яширган офтобани эшонига тутди. Бисмиллони айтиб покланишга киришган эшон офтобанинг жўмрагидан куйилаётган сув қўлини куйдириб олганлигига аввал ишонмади. Во ажаб халифаси ҳозиргина ўрнидан турди, ҳали ўт ёки сув қиздиришга фурсати ҳам бўлгани йўқ, кечаси бирга-бирга ухлашга ётишган эди. Бу қандок синоат! Демак, бола факир етишиб қўйибдимиз? Унинг қалбига жойлашган меҳр, билим бирлашиб офтоба қайнатар даражага етибдимиз, демак шогирдининг илми қаймоқ тортиб киёмига етибди, уни учирма қилиш тадоригини кўрмоқ лозим. Пир ҳеч нарса бўлмагандек ихлос билан бомдодни ўкиб тугатгач, бўтам, деди оҳиста, бугун у ёқ, бу ёққа йироқлаб кетмасдан шу атрофда бўлиб, орасталикка эътибор бериб турунг, хурматли меҳмонлар келадиган чоғи бор. Эшон ҳам авлиё эди, дарҳақиқат пешин номозидан сўнг Бухородан чопар келиб эшонга хон мактубини тутқазди. Мактуб мазмунига кўра саройга фикҳ, нужум, хандаса илмларини тўлиқ ўзлаштирган бир билимдон олимнинг номзодини кўрсатиб юборишлигини илтимос қилинган эди. Бажонидил, деди эшон, халифасини кўрсатиб марҳамат, сўраган одамингиз, хон жанобларининг хизматларига тайёр. Чопар хурсанд бўлиб халифа Хусайн билан биргаликда Бухорога қайтиб кетди. Шу куйи халифа Хусайн алайҳи-рахма қатор йиллар ислом қонуншунослигини чуқур билганлиги учун хон саройида хизмат қилиш билан биргаликда ўзга фанлардан мадрасаларда талабаларга сабоқ берди. Халифа Хусайннинг Бадахшондан келган Неъматулло исмли шогирди бўлиб, у қатор йиллар Халифа Хусайн алайҳи-рахма хизматларида бўлиб, ундан илм ўргангач, имтиҳон топширар пайти ҳам келиб қолди. Имтиҳоннинг ғалатилиги сўзсиз, имо ишорасиз ботиний, ички савол-жавоблардан иборат эди. Шогирд халифа Неъматулло устознинг раъйига кўра эл учун, оллоҳнинг дини учун бир жойга бориб хизматда бўлиш керак эди-ю, аммо у жой қайси томонда ва қандай макон эканлиги номаълум қоларди. Шогирд устознинг кўнглидаги муддаосини ўқий олса имтиҳондан эсон омон ўтган ҳисоб-

ланарди. Халифа Неъматулло бу макон Бухоронинг кун чиқар тарафида эканлигини илғади-ю йўлга тушди, юриб-юриб Каттакўрғон шаҳридан сал ўтиб Пайшанба деган жойга келгач тўхтаб қолди. Қалб нури ундан нарисини ёрита олмади. У пайшанбада бир йил истиқомат қилгач, орқасидан пири Халифани Хусайн алайҳи-рахма ўзлари етиб келганлигида, пирининг оёғига ўзини ташлаб йиғлаб юборди. Пир шогирдидан мамнун эди. Имтихондан ўтдинг ҳисоб деди, у шогирдига, озгина қолди энди қолган йўлни Худо ҳохласа бирга босиб ўтамиз. Шундай қилиб устоз Халифа Хусайн алайҳи-рахма ва шогирд Неъматулло хўжа биргалашиб Оқтепага келаётганмиш, деган хабар бу ерга меҳмонлардан олдинроқ етиб келган эди.

Бу даврлар, айниқса Халифани Хусайн, шогирди Неъматулло хўжани етаклаб Оқтепага келган пайтлари Бухоро хонлигида сиёсий барқарорлик энг зарур палла бўлиб, Россия ҳукуматининг тазйикига дош бериш учун халқ оммасини бирлаштиришнинг асосий қисмини руҳонийлар орқали амалга ошириш мўлжалланар эди. Шу туфайли масжидлар сийрак бўлган аҳоли пунктларида ибодат ўчоқлари ташкил қилиш ҳам диний, ҳам сиёсий аҳамият касб этарди. Дарҳақиқат ислом барча ерларда ва ҳар вақт омманинг ҳам маънавий, ҳам ахлоқий жиҳатларини бирлаштиришда катта хизмат қилиб келган. Оқтепасойда ҳам масжид ташкил этилиши халқнинг саводхонлигини ошириш билан биргаликда оллоҳнинг фарз, пайғамбаримиз Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннат амалларини халқ ичида кенгроқ тарғиб этиб мусулмончилик қонун-қоидаларини халқ орасида яна ҳам кенгроқ ёйиш учун катта хизмат қиларди. Шу туфайли меҳмонларни Оқтепа халки жуда катта сийловлар билан кутиб олишди. Ниҳоят масжид жойи танланиб Халифани Хусайн алайҳи-рахма Оқтепа элига карата, «Биродарлар, сизнинг сафингиз яна бир қутлуғ қадам инсон билан кўпайсин деб, шогирдимни сизларга, сизларни Аллоҳга топшириб кетмоқдаман, токи у ёш бўлсада сизларга имом бўлсин, ҳаммангиз оға ини бўлинг» деганда халқ каттиқ хаяжонга тушди.

Эл бор топганини ўртага ташлайбошлашди, биров пул, биров мол атади, шу тариқа фақирларга катта эҳсон улашилиб, байрам бўлиб кетди. Халифа Хусайн Оллоҳ йўлида яна бир

хайрли иш қилганлигидан хурсанд эди. Шунинг учун ёнидаги кайвонийлар, жанобларини Тўлабости қишлоғининг оқсоколи Холмуродбой бир пиёла чойга таклиф қиляптилар, дейишганда бажонидил рози бўла қолди. Халифа минган отнинг тизгинидан Холмурод бойнинг ўзи тутиб Октепадан Тўлабостига келди. Жамики Октепа эли Тўлабостига, Холмуродбойникига таклиф этилган эди. Қўша-қўша қўй, қорамол сўйилиб, салқин ҳовуз бўйига жой қилиниб, дошқозонларда ош дамланиб, шўрва қайнатилди. Энди байрам Октепадан Тўлабостига кўчган. Ёш-қарининг аҳиллиги ҳавас қиларлик даражада эди, йигитлар елиб-югуриб хизмат қилар, бири меҳмонларни кутиб олса, бири қўл ювдириб сочик тутар, яна бири таом, чой ташир, бировлари дамсайин кўпайишаётган меҳмонларнинг тагига тўшаш учун уйма-уй юриб кўрпа-кўрпача, дастурхон йиғиб келиб, ҳамманинг кўнглини оларди. Баланд бўйли, полвон-келбатлик қоп-қора юзидан самимият аримайдиган Холмуродбойнинг ўзи Халифаи Хусайн алайҳи-рахма билан элнинг энг иззатли кишилари ўлтирган даврада тик туриб хизматда бўлди. «Биз сиздан жуда мамнунмиз», деди ниҳоят пешин номозини жамоат бўлиб ўқиб олишгач, меҳмон. Хон жанобларига сизларнинг меҳмондўз олийжанобликларингиз тўғрисида яхши хабарлар етказиш ниятидамиз, мабодо бизга айтар гапларингиз йўқми? Холмуродбой ўтирган жойидан туриб қуллик қилгач, гапиришга ижозат сўради. У бундай улўғ мартабали меҳмонлар даврасида авваллари ҳеч бўлмаган бўлсада, меҳмондорчилик қонун-қоидалари қанақа бўлишлигини кўп эшитиб юрарди. Шу боис бойнинг бундай серилтифотлилиги ҳаммага маъқул тушиб, айниқса дилбар табиатли меҳмонларнинг кўнглини яна ҳам очиб юборди.

— Жаноблари рухсат берсалар бир эмас, икки илтимосимиз борлигини билдирмоқчиман. -Бойнинг қорамағиз юзида бироз қувлик аралаш табассум пайдо бўлганлигидан меҳмон ҳам ним табассум қилиб, ўтирганлар эса, қани, бу не дер экан, дегандек бир-бирларига қараб, кўзғалишиб олишди.

— Хўш-хўш, қандай илтимос экан у, бой жанобларини қийнаётган? деди меҳмон жилмайганча, билсак бўладими?

— Биринчидан бизнинг Тўлабости кишлоғига ҳам жомеъ бўлмаса-да оддий маҳалла масжиди зарур, чунки Октепа бизга унча узоқ бўлмаса-да киш-кировли кунлари масжидга қатнаш учун бироз ноқулайликлар туғилади, устига-устак сой сувидан кечиб ўтиш айникса қиш паллалари жуда мушкул, сел келадиган пайтлар мутлақо мумкин эмас. Шунинг учун бизнинг кишлоқда ҳам бир масжид қуриш учун жой кўрсатиб берсангиз бас, не чиқими бўлса баҳоликудрат ўзимиз кўтарамиз.

Меҳмоннинг чиройи яна ҳам очилиб кетди. «Офарин Холмуродбой, офарин, ҳимматингиз таҳсинга лойиқ, худонинг ўзи муродингизга етказсин, зеро масжид қуриш ниҳоятда улут савобли иш, агар мумкин бўлса ҳозирок масжид учун энг қулай жой танлаб, ўлчаб беришга тайёرمىз, фақат ундан олдин иккинчи илтимосингизни ҳам эшитиб олсак».

— Иккинчи илтимосим шулки, -Холмурод бой бироз ўнғайсизланди.

— Жаноблари бугун кетиш тараддудига тушмасалар, деди ниҳоят.

— Нима учун, шундай деяпсиз, ахир йўл йирок, фурсат ғанимат.

— Ҳаммасини англаб турибмиз. Аммо шу томони бор-ки, хазратимиз туфайли фақирнинг кишлоғида тумонат меҳмон, бу биз учун катта бахт, агар жаноблари йўлга равона бўлсалар, бошқа меҳмонлар ҳам уй-уйларига тарқаб кетишлари тайин. Кейин биз кимни сийлаймиз? Бу меҳмонновозлик аралаш ўта самимий таклиф Халифа Хусайиннинг содда кўнглига тоза ўтирганлигидан роса қулишдилар-да. «Майли бир кеча сизнинг меҳмонингиз бўла қолайлиқ» деб тунашга розилик бердилар. Кечга томон офтоб тиғи қайтгач, катта ариқнинг сўлим бўйидан бир баландроқ жой ажратилиб масжид қуриш учун хомаки тарх чиздилар. Қоғозга тушган чизмага кўра масжид биноси икки тарафдан айвон билан ихоталаниб, олдига ҳовуз ва ҳовуз бўйида ҳужра ташкил этилиши керак эди. Савр оyi охирлаб қизғалдоқ иссиғи бошланиб, ранг қайта бошлаган, ҳаво дим бўлсада одамлар гуррос-гуррос пир қай томонга юрса ўша томонга юради, ўтирса ўтиришади, турса туришади, ариқ бўйлари, қир бағригача одамга, бола чақага тўлиб кетган. Қурила-

жак масжид рўбарўсидаги тик кўтарилган тепалик устига чикиб Халифаи Хусайн алайҳи-рахма ваъз килиб ҳамманинг кўнглини чоғлади, одамларнинг бири тортиниб, бири ҳовлиқиб берган саволларига жавоблар бериб, пойтахт Бухородаги аҳвол, мадрасаларнинг кўплиги, Тўлабости, Октепа халқининг ҳам болалари ўша ерга бориб таълим олишлари мумкинлиги, унинг учун тезроқ қишлоқ масжидини қуриб, бу ерда бошланғич саводларини чиқаришликлари лозим, деган маънода тушунчалар бергач жамоа пешин номозини ўқишга киришдилар. Тўпикка урадиган ранг қайта бошлаганлигидан бу атрофда анчадан буён ёгин сочин бўлмаганлигини халифа сезиб ўтирарди. Шу туфайли номоз охирида Октепаликларнинг касбикорларига, деҳқончиликларига ривож беришлигини Аллоҳдан илтижо қилдилар. Намозхонлар гуруллашиб «омин», «илоҳо омин» деб туришди. Намоздан сўнг жамоа яна Холмуродбойнинг қўргони томон оқди. Асрга томон кун ботиш тарафда бир парча булут пайдо бўлиб, у рўба-рўй каттара бошлади ва хали меҳмонлар ҳовлига кирар кирмас каттик шамол эсиб, қарсиллатиб кетмакет чакин чакиб, момақалдирок гулдуросидан еру-осмон остинустун бўлиб кетгандек туюлди. Зум ўтмай шаррос ёмғир қуя бошлади. Аммо ҳеч ким уй-уйларига тарқаб кетишмади. Ҳамма хурсанд эди. Чунки бир неча ҳафтадан буён давом этиб келаётган қурғоқчилик яна озроқ чўзилса на фақат Октепаликлар, балки бутун Нурота этақларига жойлашган қишлоқ аҳли на баҳорикор, на кузги бўғдойдан бир ҳовуч ҳам ҳосил ола олмаслиги тайин эди. Ҳалокатдан қутқарган ёмғир шарофатини улуг меҳмонларнинг қутлуг қадамларидан деб билдилар, баъзилар эса бу Мулкомонбойнинг авлодининг уйдан қачон қуюқроқ тутун чикиб маърака қилса, албатта ёзда бўлса ёмғир, қишда бўлса қор ёғиб изгирин туради, деб ҳазил қилишдилар. Дарвоқеъа ҳозир ҳам шундай. Шу авлоднинг маъракаси ёмғир-қор, совуқсиз, ёзда тўполон шамолсиз ўтмайди.

Орталабки чойдан сўнг меҳмонлар кетишга изн сўраб дастурхонга фотиҳа тортилганда Холмуродбой ўтирганларни қўша-қўша соруполар билан сийлади. Халифа остона ҳатлаб ташқарига чиққанда икки йигит Холматбойнинг чавқар кўпкаритоз отини безантириб меҳмонга тўғриладилар. Бойнинг

ўзи узангини ушлаб, халифанинг қўлтигидан тутиб минишга кўмаклашгач, отнинг жilовини қўймай Қийким қишлоғигача пиёда бориб, ўша ердан меҳмонларнинг қораси кўринмай кетгунча иззат-хурматлари учун тик оёқда кузатиб турди. Чунки меҳмон кетгач улар йироклашмасдан орқа ўгириб уйга кириб кетишни даштликларга хос меҳмондорчилик қоидалари ёкламас эди, Улар шу куйи Иштихоннинг Шайхиислом қишлоғи томонга кетдилар.

Холмуродбой қишлоққа қайтиб уйга кирмасдан ҳам тўппа-тўғри масжид қурилиши керак бўлган майдонга келди. Энди майдон бўм-бўш, ҳамма уй-уйига тарқаб, ҳамишагидек тирикчиликларига унаб кетишганди.

Холмурод ҳовлисига қайтиб, тўғри меҳмонхона томон ўтиб кетди. Унинг фикри ҳаёли масжид қурилишида эди. Ахир тўрт девор айлантириб оддий кулба курсанг ҳам қанча ташвиш, қанча тараддуди бор. Ҳали ишчи кучи керак, ҳали уста, ёғоч, ишлаётганларга уч маҳал иссиқ овқат, чой-нон дегандек бутунни яримта, яримтани ёрти, ёртини ёради бу қурилиш дегани. Шунинг учун у ёқ, бу ёғини ўйлаб тадбир билан иш кўрмасанг бўлмас. У меҳмонхонага кириб болишга ёнбошлаган куйи, ҳаёлан Зарбанд тоғларида ўтлаб юрган бир сурув қўйларининг ёнига бориб, оғилхонада пишкириб ётган беш-олти новвос, ўн-ўн беш сўқимлик қўчқорларининг ёнига келди, сўнг ҳаёл отига ўлтириб даласига жўхоризор, узумзор, боғ-полизларини айланиб, яна қирликдаги лалмикор буғдой-арпазорларини оралаб кетди. Бобоси Мулкомонбойдан қолган гулдор чарм ҳамён, ҳамён ичидаги олтинлар кўзига кўринди. Яхши ният, ярим мол, Оллоҳга таваккал қилиб эртагаёқ, йўқ, бугуннинг ўзидаёқ ишга киришмоқ керак. Бир машойих, кўп бўлсаям кетади, кам бўлсаям етади, деган экан. Худо хоҳласа етказамиз, фақат тадбир билан ишлаш керак. Камини худонинг ўзи тўлдиар, ишни қўй сотишдан бошлаш лозим, аммо ҳамёнга кўз тикмаган маъкул шекиллик. Чунки қўйларнинг кўзилари каттариб ажратадиган вақт бўлиб қолди, шундай қилмасанг совлиқларни боласи сўрайвериб дармонсизлантириб ташлайди, бир орқага кетган қўй қайта ўнгланиши қийин, ёзи билан етарли куч тўплай олмаган она қўй қишга кириб кирмас, ё ўлади, ё қисир қолади.

Нари борса инжиқ кўзи беради. Қишни яхши ўтказа олмайди. Бир маротаба қишга тайёр бўлмаган қўй, қўй бўлмайди. Шунинг учун қўзиларни ажратиб, бир қисмини сотмоқ лозим. Тўғри, шу кунларда бир қўзининг пулига битта она қўй беради, ўша қўзини трамага қадар ушлаб боксанг, иккита она қўйнинг пули бор деявер. Аммо ўша пул ҳозир керак, трамоҳгача кутиб тура олмаймиз, чунки дарҳол масжид қурилишига тушишимиз керак. Бугундан бошлаб ҳамманинг кўзи Холмуродбойда. Қадамнинг ўйлаб бос, бой, яна тўрт одамнинг боши бириккан жойга боролмай қолмагин, деб фикрларди у ўзига-ўзи гапириб.

Умуман олганда Холмуродбой анча тадбиркор киши эди. Унинг устига ҳар бир ишнинг расамадини билар, шунга яраша харажат қилар. Фойда бермайдиган кўчага ўла қолса кирмасди. Тўлабости сер сув жой, қун иссиғида кирдан чанқаб келадиган қўйлар ўзларини ариққа уришади, сув ичиб бўлгач, ариқ бўйидаги кўм-кўк яшнаб турган шибар ўт, шамакка ёпишишиб ўтлагани, ўтлаган. Шу туфайли қўйларнинг жигари шишиб талофатнинг кўплигидан қўйчилик яхши фойда бермай қўйди. Ҳар бир касалланган қўйни сўйиб кўрсанг албатта жигари шишиб кетган бўлади. Бовур қурт. Бу чорванинг шўри. Шунинг учун Холматбой, чорвани тоққа, Зарбандга ҳайданглар, деди. Отаси ўлгандан буён жавзонинг бошларигача бойнинг суруви қишлоқ атрофидаги даштларда ёйилар, кўкламги қирқим тугагач тоққа ҳайдаб кетиларди.

Энди деҳқончиликка ҳам зўр бермасам бўлмайди чоғи, чорва унча чўт бермаган йиллари экин-тикин ҳам бир бош оғриғига даво бўлиб қолар, деб беш-олти йил олдин Холмуродбой бекор ётган бўз ерларни бир қур айланиб чиқди. Тайёр сув бўлса, ерни ажриқдан тозалаб, яхшилаб ишлов берилса ажабтовур пайкал бўлади қолади. Хохлаган экинингни эк, ҳалолнинг бўлсин. Ўша пайтлари куз бошланиб, ҳавода мезон упуклари учиб юрарди. Тўлабостининг этагидаги қақраб ётган чимзорга Каттаарикнинг ярим сувини бошқариб юборган бойга одамлар ажабланиб қарашди. Кўп ўтмай нам сал селгиб, тупроқ юзи оқаргач Холмуродбой бирданига йигирма чоғлик кетмончи йигит ёллаб ўша ерга солиб юборди. Икки кетмон бўйи, панд бермасдан ағдаринглар, ажриқ, ғумайнинг игнадек-

гинаси ҳам қолмасин, қирқ йил қалдирғочнинг уясида ётиб, бир мартагина ёнбошим намга тегса кўкариб кетаман деган-а, бу ажриқ дегани шундай ўт, ажриғи бор пайкал пайкал бўлмайди ўзи. Ҳамма чиққан томирни бир жойга уюб кетаверинглар деб топшириқ бериб, ўзи дарёвотга, Иштихон томон жўнаб кетди. Кўп ўтмай хуржунига теша, арра яна аллақандай асбоб ускуналар солинган бир киши билан қайтиб келди. Бу орада ҳар-бир пайкал этагида козоқнинг ўтовидек қилиб уюб ташланган ажриқ, ғумай томиридан ҳосил бўлган тепаликлар ҳосил бўлганди. Энди йиғилган илдизларни пешма-пеш кўраларга ташийверинглар, майли бир жойга йиғилаверсин деб ўзи чопилган ерларни айланиб келгани кетди. Шу ерда ёқиб юбора қолсакчи, деди ташигани эриниб йигитлардан бир иккитаси. Э, э одамнинг аҳмоғи, еб турган нонини сувга оқизиб юборадигани. Ахир, мол учун ажриқ билан ғумайнинг томиридек тўйимли, тотли емиш бўлар эканми, айтганни қилингу, ишдан қолманг, тува деб танбех берарди.

Ҳалиги бошлаб келган шериги аввал Каттаариқ бўйида қатор ўсган тол, тут дарахтларини обдон кўздан кечириб бир иккисига белги солдида ҳовлига қайтиб келиб бойга бўлади, дегандек бош силкиб имо қилиб қўйди.

Кетмончи йигитлар ҳар куни таноб-таноб ерни ажриқдан тозалаб пешма-пеш ташийверишгач ажриқ-ғумой томиридан улканлиги тоғдек бир неча хирмон ҳосил бўлайверди.

Бойнинг бошлаб келган кишиси замбилғалтак ясайдиган уста экан. Келган куннинг эртасигаёқ енг шимариб ишга киришиб кетди. Бир неча йигит ёрдамида азамат гавдалиқ, ичида пўкаги йўқ, ғоваксиз тут танланиб кесиб олиндида, бойнинг кўрсатмасига биноан оддий ғалтакниқидан уч бора энлик ёғоч гилдираклар тайёрланди, кейин ҳар бирининг нақ маркази мўлжалланиб оловда қизартириб тобланган темирда тешиб ўқ ўтказилиб, тол дарахтининг хивичларидан тўқилган замбилғалтаклар пайдо бўла бошлади. Оббо, дейишганди, ўшанда устанинг иш бошлаганини кўриб қишлоқдагилар. Бой ҳам қизиқ одамда, бозорда не кўп замбилғалтак кўп, менга десанг тайёр-

* Дарёвот – дарё уват, Октепаликлар Карадарё бўйини шундай аташади.

гина ўнтасини сотиб олмайсанми, шунгайм шунча ташвиш, шунча тараддуд, аталак-каталак. Худди ўшалар энди тилларини тишлаб қолди. Бу оддий бозор ғалтакларидан фарқ қилади, деди сўраганларга бой, биринчидан ғилдираги жуда энли, тупрокка чуқур ботиб, зичлаб ташламайди, уни сураётган одам ҳам унча кийналмайди, иккинчидан одатдагидан катта бўлиб кўпрок юк ортиш мумкин. Ўн бешта шунақа замбил ғалтак тайёр бўлгунча ер ҳам чопиб тугатилди. Энди уни текислаш учун замбилғалтаклар иш бера бошлади. Ҳақиқатан ҳам зах тупрок яполок юзли ғилдираклар остида ортикча эзилмас, зичлашмас ҳам эди. Бу орада беш олти йигит қўй қўтон борми, қўйларнинг ёзги ётоғи борми, оғилхоналарнинг атрофидаги уюлиб ётган гўнг тепаю, кул тепаларни қириб сиририб ташишга тайёрлай бошлашди. Одамлар тинмайди бу Холмуродбой дейишди, ундан гўнг ҳам ортмайди, кул ҳам, гапни пастрокдан олди яна бири. Бу гаплар бойнинг қулоғига бориб етсада ўзини эшитмаганга солиб юраверди. Ер текислаб бўлган йигитлар энди замбилғалтакларини юмалатишиб пайкалларга гўнг, кул супрунди борми, неки кишлок четига чиқариб ташланган чикит бўлса далага ташийверишди. Бўшашманлар, дерди бой. Қишлоқ тоза бўлади, ҳам ер озиқланади ҳозир билсанг далага ризкингни ташияпсан, худо ҳохласа келгуси йил кузда худди шундай қилиб даладан уйга нон-ош ташийсан. Худди шундай бўлди ҳам, пояси одамни бўйлатмайдиган оқ жўҳорининг ҳар боши телпакдек бўлиб, ҳар бири нақ икки қарич келадиган оқ жўҳори сўтаси ҳар пояда икки-учтадан тугди. Полизлардаги қозондек-қозондек думалаб ётган қовун-тарвузни бутун кишлок одами ёзи билан еса-да адо бўлмади. Каласани, бўрикала, тариллак, қорақант оқ новвотнинг бир тилимгинасини устидан чой ичмай еб бўлмасди. Яримта қовунни коса қилиб, ичига зоғора нон бўктириб еган на чоракор, хизматчи, на чўпон бўлсин кечгача на полов, на шўрва эсига келмай ишини қилайверадиган бўлди. Қурилган қовун кокиннинг ўзига бир томча тўлди. Пайкал этагидаги тол соясига боғланган бир неча сўқим фақат қовун пўчоқ еб, тоғдек семириб кетди. Ёзи билан пайкалда қовун пўчоқ еб ётган беш ўнта кўчкор азбаройи этбоғлаганлигидан думбаси ёрилиб, турса ётолмайдиган, ётса туролмайдиган

даражага етди, Уруғини молга ташламанглар, деб бой баъзиларга қаттиқ дошном берарди. Қуришиб халталарга солиб қўя беринг, ҳаммасининг борадиган жойи бор. Йигирма-ўттиз қоп қовун, тарвуз уруғи йиғилиб қолди. Уч маротаба эмас, тўрт, беш маротаба қоқиб олинса ҳам тугамайдиган, ҳар пояси тешанинг дастасидек йўғон тортиб кетган кунжит, зиғир поясидан тушган дон ўша қовун-тарвуз уруғи билан қўшилиб ҳаммаси қоп-қоп жувозхонага таший бошланганда, одамлар э ўлма, Холмуродбой деб юборишди. Ёғ солгани хум етмай қолиб, Оқтепа бозоридан беш-ўнта хум, катта кичик сопол қўза ортиб келаётган араваларга қўзи тушган Оқтепаликлар, қўли ёғли, баракали чикди бу Холмуродбой дейишди, энди бир вақтлари гўнг, кул ташиганда жиртак отган одамлар. Баъзилари ҳамон отдан тушсада, эгардан тушмай, шунча ташвиш қилар экансан ёғ солгани хуминг билан қўзангни, дон солгани ўрангни тайёрлаб қўймайсанми, қизиталоқ, деб гудранишди. Дарҳақиқат маккажўхори, арпа, буғдой солгани на идиш, на бўш ғаллахона қолган эди, шунинг учун Холмуродбой зудлик билан қир бағридан бир неча тўла қаздириб, тўланинг оғзини яхшилаб серсомон лой билан ғишт териб бекиттирдида, тўла сатҳига похол тўшаб тўланинг юқори қисмидан очилган туйник орқали донни қуйиб юбора бошлади. Қуйилаётган дон уйила бошлаши билан тўла деворини рўбарўй сомон билан қоплаб кетайверишни тайинлади. Тўла тўла дон туйниккача кўтарилгач туйнук ҳам яхшилаб аввал ғишт, билан ёпилиб кейин сомонли лой билан суваб ташланди. Шу қабилда сақланган дон бир неча йил турсада захламас, мита ҳам тушмас, худди хашак билан ўралгандек қуп-қурук турар, тўлага ҳаво кирмаганлигидан яхши сақланар эди. Ўша тўлалар қисман ҳозир ҳам мавжуд.

Қиш тушиши билан ажриқ, ғумай томиридан тотинган сигир-у, қўшга қўшиладиган ҳўкиз, от, эшаккача похол-сомонга унча қарамай қўйди. Шунчалар молнинг жони эканми бу емиш бир челақ сут берадиган бойнинг сигирларидан аёллар икки челақдан соғиб ола бошлади. Унинг устига сутнинг ёғлилиги ошиб, ҳар қуви пишганларида бир қарсон сап-сарик сариёғ тушарди, Пешма-пеш қуририлган қуртидан, куртоба эзилиб, чакки-чолобидан гўжа тайёрланиб бойнинг ҳовлисида ғивирсиб юра-

диган жами пакир-пўстак, егим-есирдан тортиб, хизматкору-чоракорларгача роса мазза қилишди. Егуликнинг мўллигидан кўпчилик келиб Холмуродбойнинг хизматига киришга ишқибоз эди.

Қиши билан ажриқ кемириб эт боғлаб кетган хўкиз-у, эшак, йилқи кўклам чиқиши билан чунонам кўш тортдики, кўшнинг сўқасини ҳар қанча ботириб ҳайдаманг жониворлар писанд килмасди. Хизматиға яраша, ҳиммати, ер ҳам ишлаганга кўра ҳақ берар экан, буғдой дегани белга уриб ҳар бир башоқ бир қарич бўлиб бош тортди. Икки уч йил ана шундай меҳнат қилиб, роса деҳқончиликка барака кириб, узумзорлар ҳам бир-бош, икки-бош ҳосил бериб қолганди. Еган-ичгандан ортганини сотиб пуллаган Холмуродбойнинг дунёси ортиб, анча бўшаб қолган бобосининг ҳамёни яна оғзигача тиллога тўлиб қолган бир пайт қурғоқчилик бошланиб кўпчиликни абгор қилди. Кўпга келган тўй Холмуродбой ҳам анча майтарилиб қолди. Агар ўша илон йилида бошланиб икки йил давомли келган қурғоқчилик унинг устига чигиртка офати бўлмаганда бу мулк, бу бойлик ҳали бери тамом бўлмасди.

Тавба инсоннинг умрига омад ҳам, кулфат ҳам тенг шерик деганлари шу эканда деб ўйларди Холмуродбой. Бир келса кўша-кўша бўлиб келади. Кетса ҳам кўша-кўша. Хурсандчилик ҳам жуфт-жуфт, қайғу ҳам. Бир-икки йил худо роса бераридан қисмаган эди. Энди бу балолари қаерда қараб турган экан денг. Ё ношукурчилик ошиб кетдимикан, ё давлатга берилиб Аллоҳни унутиб тошиб кетдикмикан?, деган ўйлар эзарди бойни. Хажга бора олмасакда беш вақт номозгинамизни ўқиб, рўзамизни тутиб, фитр-закот бериб юрибмиз, етим-есир борми, қашшоқ борми имконимиз борича баҳоли қудрат, дегандек қарашиб турибмизу, шў қишлоғимизда масжид бўлмаса, жамоат бўлиб қилинган ибодатга не етсин, устига-устак номозхон ҳам унча кўп эмас, ибодат қилиш учун бирон тайинли жой бўлмагач аҳвол шулда. Биз ўқиган чала-чулпа номозни бошқалар ё ўқийди, ё йўқ. Худонинг шунга қаҳри келаётганмикин?! Икки йилдан буён қиш бўйи номигагина ёққан қорни ҳисобламаганда, на куз, на баҳорда айтарлик ёгин бўлмаяпди. Лалмикор деҳқончилик-ку фойда бермай қўйди, чорванинг ҳам

мазаси қочди-да. Емишнинг тақчиллигидан қўйлар қишлоvdан яхши чика олмаяпти. Бунинг устига иккинчи йил давом этган қурғоқчилик, очарчиликка олиб келди. Одамлар уруғликка деган донни киши билан еб қўйишди. Ана энди ғалла дегани бозорга деярлик тушмаяпти. Тилло кўтарган кўп, дон кўтарган йўқ. Бир томони очарчилик, бир томони қахатчилик, нонни пулга сотиб ололмайдиган давр бўлди.

Суғориладиган жойларни бир амаллаб эплаётганди Тўлабостликлар, булоқларда ҳам сув камайиб қолди. Бу ҳам эл ичида талаш, ариқдаги ҳар пақир сув ўлчоғлик нондек арзанда. Сен тўхтаб тур, мен ичаман деганлар кўп. Унинг устига суғорма дехқончилиكنинг ҳам офати чиқиб қолди. Ёмон экан бу чигиртка балоси. Ҳамма нарсани, ердан игнадек бўлсада униб чикқан экин бўлса бас, еб тугатаркан бу жондор. Ёввойи бута борми, экин-тикин. Дарахт, ҳеч нарса ортмас экан ундан. Ҳаммаси бир пасда юз берди.

Булутдай кўчиб, чўлдан, Қизилқум тарафдан тоғ ошиб келиб кирга ёйилди. Қурғоқчиликдан бир қаричгина бўлиб бўй чўзган ғаллани бир пасда еб тугатишди, ёнтоқ, шувок, куврай ҳеч нарса қолмади. Қўлимизга бўш челақ, тоғора не илинса таёқ билан уриб даранг-дурунг қилиб йўлини тўсдик. Қишлоққа кела бошлаган эди, йўқ хайтовур бошқатдан даштга хайдаб қайтдик. Кечаси билан ой ёруғида эрталабгача қишлоқни айлантириб қир бўйлаб чуқур қазиб чиқдик. Ўша чуқур-ариқнинг топқирти қир бағрида ханузгача мавжуд. Қайтиб келишидан кўрққан эдик, Айтганимиздек бўлди, қайта бошлади фалокат. Даштда ейиш учун тупроқдан бўлак ҳеч вако қолмагач, қишлоққа келмай қайси гўрга борарди дейсан.

Чигиртка подасининг олди булутдай кўчиб қовлаган чуқуримизга келиб туша бошлаши билан бола чака, хотин-халаж, мункиллаган чолларгача ҳамма, ким қўлига бел, кетмон супурги курак кўтара олса тизилиб олиб тушгани-тушгандай арикни тупроқ билан кўма бошладик. Тинмадик, ҳолдан тойиб йиқилиб қолганлар бўлди. Кўпини кирдик. Йўқ бўлмади, барибир ўтиб кетди. Бу балонинг охири кўринмас эди. Дунёни чигиртка босиб кетгандек бўлди. Яхшиям катта ариқ бор экан сувга келиб қадалди, фалокатлар, Ям-яшил ариқ бўйи кечгача

шип-шийдам бўлди. Тут, тол, терак, ўрик, олма, гилос неки дарахт бўлса баргини битталаб юлиб олсангиз ҳам чигиртка еганчалик тозалай олмайди инсон қўли. Кўпи сувда оқди. Ариқ юзи вижир-вижир қайнаб кетди. Сувдан ҳам сакраб учиб ўтди бир-бирига ушлашиб қўприк бўлиб. Бирини бири тутиб бамисоли аркон-ип бўлиб ўтди. Энди полиз-боғ одамларнинг кўз олдида нобуд бўларди. На жўхори, на ковун-тарвуз палак, на сабзи-пиёз қолди улардан. Ёзги очарчилик, одамлар ҳар бир туп экинга кўзтикиб, ота болага, ака укага тишкайраб битта хом сапчани бир-биридан қизғаниб ўтирганда бу нимаси экан. Қизғанганимни қизил ит еди, дегани шу бўлса керакда. Асли одам боласидан бу дунёнинг неъматини қизғанманг экан, тақдирга тан бердик. Ейдиган нарса қолмагач чигиртка ҳам турмас экан. Қандай келган булса худди шундай даф бўлди. Дарёвот томон ошиб кетди. Илоё қоранг ўчқирлар, деб гапхона қилишди тўлабостиликлар. Не бўлса бўлди, кетган нарса кетди, ишқилиб одамларнинг жони омон бўлиб ажалга тўзим берсин. Кулфат болалаб, очлик, ўлатга уланиб кетмасин, худо сақласин, унинг олдида одам боласининг жони ҳеч нарса эмас-а. Қандай бўлмасин одамларни бирон-бир иш-юмуш билан андармон қилиб, қорнини чала-ярим бўлсада ковзантириб туриш керак. Шундай қилмасанг Холмуродбой, сенинг Холмуродбойлигинг бир пул. Агар тўлангда ғалла туриб, одамлардан биронтаси очидан шишиб ўлса, сен ҳам ўлиб кетайвер, -дерди ўзига-ўзи. Эл, кўриб турибсан оч-сийроқ, сендан бўлак тетиксингани жўк, бори ҳам ўзини-ўзи баъзур эплайди, деб ўйлаб ўйига етолмас, ўзига-ўзи танбех берарди у, ўшанга ҳам мана икки йил ўтибди, аҳвол бироз яхшиланди. Бу йилги буғдойдан ҳам умид узай деб туришганда худо бериб кечаги ёмғир ёғиб қолди. Роса доғ тушди-да, энди ғалла бирдан кўтарилади, ўт-ўлан ҳам қуюқлашиб қолар. Ишқилиб кечаги момоқалдирик қурғоққа эмас, сирғоққа тортиб кетсинда. Худо сақласин бу йил ҳам қурғоқчилик бўладиган бўлса унда иш чаток деяверинг, Холмуродбой ҳали охириги тўлани очиб уруғликнинг ярмини ўзи олиб, қолганини ҳамқишлоқларига бўлашиб берган эди. Бошқа бир сиким ҳам уруғлик йўк. Ғалла пишгунча етадиган егуликни ҳисобламаганда умуман дон номидан ҳеч вако

колмади. Қаердан ҳам қолсин, ётиб еганга тоғ ҳам чидамас экан. Ўша чигиртка воқеасидан кейин Холмуродбой тўлабос-тиликларни баринг олдимга кел, деб йиғиб олди. Ай, қариндош деди одамлар ҳовлига йиғилишгач, обрў борида этакни ёпган ютади.Энди на қирга,на пастга дон экиб бўлади, вақт кетди, аммо ҳадемай куз келиб қиш изғирини турар бўлса бор бутимиз тугаб егани нарса топа олмай қоламиз, қани не деб маслаҳат берасиз, иштон, чопон йиртилса ямаб-яскаб кийса бўлар, аммо қоринни ямаб бўлмайди. Ҳамма жим. Этакки тўдадан Мардибой туриб қисик кўзларини Холмуродбойга тикиб, оқсоқол бой сизсиз, элнинг кайвониси не деса шу, қулоғимиз ўзларида, деди. Бўлмасам гапимга қулоқ тутинглар, деди Холмуродбой.

Чигиртка еган ҳамма сувқори пайкални қайта ҳайдаб, кечки жўҳори экайлик, одамларнинг қолган ярмиси биттадан пичоқ, кетмон олиб қирга чиқади. Қирда не қиламиз, жерда нам жўқ-ку? деб бесабр бўлди одамлар. Гапни бўлмай эшитинг. Лалми буғдой экилган майдонлардаги янтоқнинг ҳаммасининг илдизини пичоқ билан кесиб, тарвуз уруғ қадаб чиқамиз, эртага ўзим кўрсатиб бераман деди. Қолган ишларни кейин яна ба-маслаҳат қилайверамиз. Болаларнинг қорни оч, биз қирга чиқиб кетсак уларга ким қарайди, деди ўртадан кимдир. Эрталаб ҳам, пешинда ҳам, кечкурун ҳам ҳамма ҳовлига келаверсин, ана катта қозон атала, гўжа, ёрма-порма қайнатиб борини баҳам кўриб турамиз, деди Холмуродбой.

Холмуродбой эрталаб пайкал олдида Мардибойни иш боши қилиб қолдириб, ўзи беш-олти йигитни ёнига олганча қирга чиқиб кетди. Чигиртканинг қораси ўчганига ҳам уч-турт кун бўлиб қолган бўлсада дала супурилган хирмонжойдек тап-тақир эди. Хотин қочди сойда бўлик кўкарувчи ёнтоқзор ҳам сийрак, фақат тиккайган қаттиқ пояси қолганди холос. Лалми ғалла экиладиган майдонга ўтдилар. Бу ерда ҳам шу аҳвол. Холмуродбой кўп ўйланиб ўтирмади. Йигитларнинг биридан кетмонини олиб тиккайиб турган ёнтоқ поясининг тубига урди. Бироз кутиб турганди, кесилган ёнтоқ томиридан сув чиқиб, атрофи бирозгина намланди. Кесилиб қолган ёнтоқ томирининг атрофини бироз тупроқдан тозалагач, белидан пичоғини олиб уни икки бўлак қилиб ёрди ва ўртасига тарвуз тухумини қўйиб

чап кўли билан кисиб турдида ўнг кўллаб атрофини бошқатдан тупрокни зич қилиб кўмиб қўйди. Ана бўлди, ўн-ўн икки кун деганда худо ҳохласа келиб тарвузимизнинг унганини кўрамиз. Билиб қўйинг қай ерда ёнтоқ бор, демак ўша ерда албатта сув бор. Балким ўн қулоч, балким кўпроқ қазисангиз сувга йўлиқасиз. Ёнтоқнинг томири қирк қулочгача боради. Ана шунча чуқурликдаги сувни кўтариб, илдизга қадаган тарвуз уруғимизни бемалол суғорайверади. Унгандан кейин тайёр чуқур ҳайдалган ер палак атрофини тупроқ билан бир кўмлаб чиқсак кифоя, мол-ҳолдан кўриб кузда ҳосил йиғиб олишга улгурсангиз бўлди. Қиши билан етадиган тарвуз чиқади насиб қилса. Тўқсон қирғач тарвуз шираси от эти билан теппа-тенг юради. Бир қарч еган кишининг дармони қуримайди, деганда атрофидаги йигитларнинг хурсандчиликдан оғизларининг таноби қочиб, бой худди ҳозир тарвуз сўйиб бераётгандек сўлақайлари оқиб кетаёзди. Қани бўлмаса ишни бошладик деб, ўзи бироз кузатиб тургач, бир иккитасига қайта кўрсатиб, кишлоққа эниб кетди.

Дарҳақиқат мезон ойига бориб бир тарвузлар бўлдики, ҳар бири кичикроқ қозондек-қозондек. Қоп-қора, ола-була, тарам-тарам шудгорда ағанаб ётишарди. Бироз ёнтоқ таъм берсада жуда ширин эди. Тўлабостиликлар арава-арава қилиб уйларига ташиб олдилар.

Тарвуз пишгунча кечки оқ жўҳори, маккажўҳори, кейинроқ экилган зиғир, қунжут ҳам сув кам бўлсада чопиқнинг зўри билан ажабтовур ҳосил бериб одамларнинг бетига бошқатдан қон югуриб қолди.

«Шунча қийинчилик, очарчилик, қаҳатчилик, йўқчилик, офатгарчиликларни худойимнинг меҳрибончилиги туфайли эсон-омон ўтказдик, энди насиб қилса масжидни ҳам қуриб қўямиз» деб ҳамон ҳаёлга берилиб ўтирганди ўғли Фармонбой қира солиб ота-ота, деди кўзлари ўйнаб, сизни момом чақираяпти. Холмуродбой ажабланди. Кимнингки иши бўлса ўзи келарди, бу кампир нега мени чақиртириб қолди. Ташқарига чиққан ҳам эдики бир-икки аёлга кўзи тушиб, ҳа нима ташвиш, деди. Келинни тўлғоқ тутиб қийналаяпти, бирон нимани уриб, шобир қилиб юборинг. Бой қаловланиб қолди. Не қилса экан. Кейин уйга югуриб кириб кетдида мили узун қора милтиғини

кўтариб чикди. Оғзидан ўқладиган бу қурол қишлоқ бўйича ягона Холмуродбойда бор эди. Олов келтиринглар, деди бой. Олов келтирган хотинлар кулоқларини бекитишиб ура кочишди. Тепки билан эмас, олов теккизилса отиладиган бу қурол ёмонам каттиқ овоз чикарар эди. Қарсиллаган товуш эшитилиб, ҳовли юзига тарқалган тутун тарқалар тарқалмас ичкаридан чакалоқнинг инга-ингалаб йиғлагани эшитилди. Югуриб чиққан доя, суюнчи, суюнчи, бой бова ўғилли бўлдингиз деганда Холмуродбой севиниб кетиб, сизга бир қўй, чакалоққа бир қўй деб юборди. Унча-мунча ҳаяжонини билдирмайдиган бой яна қайтиб бояги жойига келиб ўтирди. Яхши одамнинг садағаси кетсанг арзийди, дерди у ўзича. Шу Халифаи Хусайн алайҳа-рахма келди-ю факат хурсандчилик бўлаяпти. Кеча уй одамга тўлиб қувондим, кечга бориб ёмғир ёғиб яна қувондик, бугун ҳа мана ўғиллик бўлиб ўтирибмиз. Бу хурсандчиликларнинг барчаси худойимнинг бизга кўрсатган марҳамати, қутлуг қадам тўрамнинг қилган дуоси туфайли бўлаяптимикиан-а. Шу боланинг отини Тўрақул қўйсам қандай чиқин бўларкан. У хаёлига келган фикрдан ўзи қувониб яна ташқарига чикди. Ҳой ким бор? Югуриб келган йигитга қўрада турган қўчқорлардан бирини сўйишга буюрди.

Етти кундан сўнг болани бешикка белаш учун тўрт-беш хотин-халаж йиғилгач, Холмуродбойнинг ўзи чакалоқнинг қулоғига азон қичқириб, такбир туширди ва отангнинг оти Холмуродқул, бобонгнинг оти Холматқул, катта бобонгнинг оти эса Мулкомонбой, сенинг отинг Тўрақул бўлсинким, уйимизга меҳмон бўлиб келган қутлуг қадам тўра, имом Хусайн илайҳа-рахмадек серхосият инсонларга ёндашиб, дўст бўлиб юргин, - деб яхши ният қилди. Худди шу куни масжид қурилиши бошланиб лойчи хандакда лой тепиб, белчи бел отиб, уста янги масжиднинг пахса деворини уришни бошлаб юборган эди. Масжид ёнидаги вақф ери ажратилди ва ўша ердан олинган даромад масжид мутаваллисининг истагига кўра масжид ва унинг ходимларига, керак бўлганда бирон маросим учун ишлатилар, ҳар қандай давлат солиғидан озод эди. Ўша ерни Тўлабостиликлар ҳозиргача «вақф», «воқим» ер деб аташади, аслида ҳам шундай.



Тўлабостининг икки зийнати бор. Шундан бири кўхна
масжид.

Худди шу палла Оқтепа жомеъ масжидида ҳам курилиш жадал бошланган, кундан-кунга гишт-кетидан-гишт, ёғоч кетидан ёғоч қўйилиб масжид иморати қад ростлаётган бўлсада, курилиш эмасми ҳали у, ҳали бу дегандай етишмовчиликлар ҳам йўқ эмасди. Устунлар тагига юз чақирим наридаги Ғазғон конидан туяда, улкан харсанг тош ташиб келиш қулай бўлмаганидек, масжиднинг баланд айвонига мос бақувват устунбоп ёғоч топиш ва нақшинкор безаклар бериш ҳам унча осон иш эмасди. Бу ишларда халифа Неъматуллохўжа тиним билмай елиб-югурар, масжидни ёғин-сочинга қолдирмасдан ёпиб олиш тараддудида ором билмасди. Ниҳоят охирги муаммо устунбоп ёғочлар ҳам не бир ташвиш, ранж-аламлар эвазига топиб келтиришди. Аммо қилни қирқ бўлувчи усталар шу ерга келганда хол қўйишди. Ҳамма устунлар тикланиб, ишлов бериш олдидан усталар каттиқ банд бўлганлиги сабаб, уларни шогирдлар кесган эдилар, шопил қўйиш палласида қарасаларки, энг марказий устун нақ тўрт энли калта қирқилибди. Шунда уста пешонасига бир уриб ерга йиқилади. Машхурлиги бутун Зарафшон воҳасига овоза бўлган бу қўлигул инсон эл орасида шарманда бўлдим, - деб йиғлашга тушади. Кап-катта одамнинг гўдак боладек хўнграб йиғлашидан ҳамма ғамга ботганди. У тўрт энлик ёғоч учун эмас, шу кичкинагина хатосини ҳам ўзига эп билмаганлиги, ўз нафсониятини ўзи топтаганлиги учун қадрига, одамларнинг зое кетган меҳнатига ўкириб йиғлаётганди. Ранжиманг тақсир, деди халфа, устага. Не бўлса бўлди, буёғини қандай бўлса борини кўрайверамиз. Тушлик қилиб олайлик, кейин бир гап бўлар. Дарвоқеъа куёш тикка келиб соялар қисқариб қолганди. Ҳамма дастурхон бошига йиғилиб тамадди қила бошлашди. Қарасаларки ораларида халифа йўқ. Бир вақт шогирд ҳовлиқиб келиб қолди. У имлаб нуқул масжид ҳовлисини кўрсатарди. Таажжуб бориб қарасаларки, халифа бояги калта қирқилган устунни худди уста ошпаз ўқлоғини тахта устида кафти билан юмалатиб ҳамирга ишлов бергани каби, чўк тушганча ҳар иккала қўлининг кафти билан бояги калта кесилган устунни ерда гоҳ олдинга, гоҳ кетинга қараб юмалатиб турганини кўришибди. Бу қанча давом этганлиги номаълум, бир вақт

одамларни сезиб қолган халифа Неъматулло, ана уста жанoblари энди устунни жойига қўйиб кўрсинларчи, деди. Устунни жойига ўрнатдилар. Уста ҳам, масжид ҳовлидагилар ҳам ҳайратдан ёқа ушлаб колишди. Вожаб энди устун билан шопил орасида қил ўтар даражада ҳам очик масофа қолмаганди. Устун барча устунлар билан теппа-тенг бўлиб қолганди. Вой устозингдан айланайин, бу одам тек эмас эканларку, дейишибди шунда одамлар. Шогирди шунақа кучоқ етмас ёғочни «ийлаб» хамирдек чўзиб қўйса, устози канақа экан. Бу воқеа матал ҳам, афсона ҳам эмас, айти ҳақиқат. Оқтепада ана шундай авлиёсифат, сер каромат инсонлар кўп ўтган. Неъматулло хўжа ўшандай олимларнинг бири эди холос. Ҳозир у кишининг чевара-ю, эваралари бизга замондош. Чунончи имом Шукурхон ибн Валихон, ибн Малломхон, ибн Ходихон. Биз таърифини қилаётган жомеъ масжидининг имом хатибидур.

Холмуродбойдек меҳнаткаш, эли, орият учун на молини, на жонини аямайдиган инсоннинг соф пешона тери билан йиғилган сармоя ҳисобига қурилган, ўрни ана шундай соҳиби каромат шогирддан неча чандон билимданроқ азизу авлиёнинг қадамжоси бўлганлиги учун ҳам бу икки қутлуғ макон диёримиздаги неча ўнлаб зиёратгоҳлар каби хароба бўлиб, ўрни бузилмайди дейишларига сабаб шул. Масжид 1924–25 йиллари Холмуродбойнинг ўғли Фармондўм, Фармондўмнинг ўғли Қоракул мингбоши томонидан қайта қурилган. 1980 йиллари эса Қоракулминг бошининг ўғли мулла Низомиддин ташаббуси билан таъминланиб томи тунука билан ёпилаган. Ушбу бино ҳануз Тўлабостига бир зийнат бўлиб турибди.

«Сирли олам», 2004 йил, январь.

ОХУРДАГИ ОЛТИН

(Ҳикоя)

Одам-ку ўз йўли билан, баъзан мол, жонивор ҳам хислатли бўларканда-а, деб кўп гапиришар эди, тўлабостиликлар. Ростдан, агар ўша тарғил говмиш бўлмаганда, Пардахол энамиз хотин боши билан полвон, деган ном олмасмиди. Бўлмасам юз килолик ғалла тўла копни елкасида даст кўтариб йилқига орта оладиган фақат Пардахолмиди?! Юз кило эмас, ундан ҳам ошиқроқ юкларни ғалла хирмонидан аравага, аравадан ғаллахонага ёки ертўлага бемалол ташийдиган киз-жувонлар ҳар кишлоқдан топилиб турарди. Аммо Пардахоли тушкур бошқачароқ, у хуснда фаришта, кучга келганда бамисоли дев, дейишар эди тўлабостиликлар. Ўзлари эса Пардахолнинг кўпам атрофида айланишавермас, бири келин деса, яна бири чеча, деб нарироқдан ўтишга ҳаракат қиларди. Пардахолдан эри ҳам кўркади, дейишар эди, ғийбатни сал хуш кўрадиганлари. Қўй-э, дейишарди сал эси борлари. Холмурод оқсоқолдай жигитнинг орқасидан шуй деб солишинг ўзингга эпми, Холмуродбой ким-у, Пардахол ким? Полвонми, бошқами барибир аёл боши билан Холмуродбой бўла олармиди, деб қолишарди. Холмуродбойнинг ўзи ҳам бу хангомаларни орқаворотдан эшитиб юрар, аммо феъли кенглигидан майда-чуйда сўзларга ортиқча парво қилмасди. Лекин Парда, дерди баъзан, сен аёлсан, аёлга ўхшаганинг маъқулроқ, бир эркакка ўхшаган аёлнинг, яна бир аёлга ўхшаган эркакнинг юзини худонинг ўзи тескари қилсин. Қоп кўтаришни сенга ким қўйибди, деб койиган бўларди. Чиндан ҳам Пардахолнинг ҳа, деганига маҳтал турган чорикорлар Холмуродбойнинг ҳовлисида ҳамиша топиларди. Аммо суяги меҳнатда қотган Пардахол иш деган жойда ҳеч қараб тура олмаса не қилсин!

Пардахол асли тоғлик Чорлоксойнинг Темиркон кишлогидан Тўлабостига келин бўлиб тушганида энди ўн саккиздан ўтиб, ўн тўққиз ёшни қоралаётган хуш сумбат, билагига куч энган полвон келбат бўй киз эди. Янги келин рўзғорнинг паст-баландини кўп билмайди, Ҳовлида нима кўп, мол-ҳол кўп,

согин сигир кўп. Шуларнинг ичида елини челақдай бир тарғил ҳам бўлгучи эди. Ўзи росаям хушрўй, шаҳло кўз, серсут жонивор эмасми, кўрган одамнинг ҳаваси келади, ҳар тўқисда бир айб, ғунажинлигидан тепонғич чиқди, савил. Не қилсанг ҳам тепади, олдиға ўт ташлаб, ем бериб, қашлаб, силаб-сийпаб, айланиб ўргилиб соғиб бўлай деганда ушлаб қолсанг қолдинг, бўлмаса сатил тўла сут гўнг билан битта бўлиб қоришади қолади, аввалоси ўша тепкининг бир учи соғувчининг ўзига ҳам тегиб, у ер-бу ерининг кўкариши тайин. Аммо жонивор бузоқни ҳам бир қулоч қилиб туғади-да. Буюғи ҳам бор. Тукқанда ҳам нуқул хўкизча қилиб қумолоқлайди. Тарғилнинг бир яшар бузоғи бошқа сигирларнинг икки яшар новвосига тенг келаверади, ёшини етилтириб қўшға қўшсанг, омочнинг орқасидан юриб чарчамасанг бас, қўш тортиб чарчамайди, хўкиз дегани. Аммо ўзиям уч-тўрт молнинг емишини ейди-да. Хўкиз эмас, бамисоли фил, шу гавдасига яна ўлгудек юввош, устиға минсанг ҳам қилт этмайди денг. Онасининг эса аҳволи бул. Шундай бўлса-да, Холмуродбой шу сигиридан ҳечам ажралгиси келмайди. Тепсаям майли юраверсин, дер эди у, сигирининг зарбидан юраги безиллаб қолган хизматкор аёлларға, сути бошидан қолсин, берган бузоғи ундан нари, йўқот мунингди, ҳаммани қону зардоб қилди, деб зорланувчи онасига ҳам, майли юраверсин, буюм бир молда, деб бепарво қулиб кўярди.

Чорлоқликлар ҳам чорвадор халқ, Пардахол шу қишлоқнинг қизи эмасми, янги келинман, деб пардозини қилиб, қараб турмади. Сахарлаб ҳовлини бир қур супуриб ташлагач, қайнонасининг ҳай-ҳайлаганиға ҳам қарамасдан тўрт-беш сигирни қаторлаштириб бирпасда соғиб қўйди. Охирги қозикда тарғил турарди. Пов-пов қўйилаётган сутдан пакир тўлди, аммо ўша аҳвол, кўз илғамас бир силтов... челақ ҳовлининг нариги чеккасига учиб тушди, зарбнинг кучидан эса Пардахол ўтириб қолди. Янги келинчак эмасми денг, дув кизарди, тупроққа беланган қалами қўйлагини қокди, кейин сигирни бўйниға ўхшатиб, бир муштлади. «Ҳе ўл, буйтиб сийир бўмай», деди димоғида. Ана энди... энди сигир ағдарилиб тушди. Худди шундай, келинчакнинг бир зарби билан жардек сигир тўрт оёғи

осмондан келиб анча вақт тапир-тупир килди-да, базўр ўрнидан кўзгалиб гарангси-иб туриб қолди. Пардахол бориб челакни олиб келди, офтобадан сув қуйиб ичи-сиртини чайқаб ташлади-да, яна бамайлихотир ўтириб ярим сатил сут соғиб олди. Энди тарғил килт этмади...

Боламай, у ер-бу еринг оғриб қолмадими ишқилиб, мен ўлай, намоз билан бўлиб манави ҳайрон қолгурнинг феълини айтиш эсимдаям бўлмабди, деди қайнонаси.

Келин эмас, бир бало экан бу, деди Пардахолнинг ишини кузата-кузата қуви пишаётган Абдуллакулнинг аёли, вой ўла қолай, бир уриб сигирни ағдарган келинчак эмас, эракни кўриш нари турсин, эшитмаган ҳам эдик, ўлмаган қулга буям бир томоша экан-да.

Шу-шу тарғилни факат Пардахол соғадиган бўлиб, сигир ҳам тепишини қўйди. Элда «полвон келин» деган ном тарқалди. Эл бир нимани билмаёқ гап қилмайди, Пардахол ҳақиқатан ҳам полвон эди. Унинг учун юз килолик бугдой тўла қопни хўп-па, деб биянинг эгарига ўнгариш ёки бир сандик майизни уйининг у чеккасидан бу чеккасига олиб қўйиш ҳеч гап эмас эди. Худо ёрлакаганлигидан меҳнат деганини тугатмасдан тинчимас, қўй ахир, бу сенинг ишинг эмас, ўзим эплайман деганига қарамай куёви Холмуродбойнинг ишларига ҳам қўл солишиб кетаверар, иззат-хурматини роса жойига қўяр, хотин бўлиб эрининг юзига биргина тик қараб, ножўя сўзламай ўтди Пардахоли тушкур.

Тийримоҳ тушиб кунлар салқинлаб қолган. Ҳар кунги одати бўйича саҳарлаб туриб бомдодга таҳорат оладиган Холмуродбой ҳовлида қуймаланиб юрган Пардахолга кўзи тушди. Бирон кун сендан эрта тура олмадим-э, дея гудранганча чопонини елкасига ташлаб боғ тарафга бурилди. Бир пас кунчиқар томон қараб қолди. Шапалоқдай юлдуз пориллаб, кунботишдаги қирнинг қоқ тепасида турарди. Энди тонг отиб келаётганди.

Даштлик чорвадорларнинг энг масъулиятли дамларидан бири сурувга қўчқор қўшиш пайти бўлиб, олти ойдан кейин оладиган тўлнинг сифати худди шу паллагача қилинадиган меҳнат билан ўлчанар эди, Шунинг учун Холмуродбой ҳам йил бўйи беш-ўнта наслдор қўчқорни танлаб алоҳида парвариш

қилар, кейин уларни авайлаб-уринтирмасдан сурув ёйилиб юрган жойгача элтиб чўпонларига топширар, кўй қочириш пайтида ўзи ҳам худди тўл олаётган вақтидагидек яйловда ҳафта, ўн кун қолиб кетарди.

— Эртага бир товга ўрлаб келай, — Парда, деди хотини пишириб келтирган ширчайини мазза қилиб тушириб олгач Холмуродбой.

Шу кетганича кетиб, ҳафта деганда қайтиб келди. Қайтганда ҳам афт-ангори бир ҳол бўлиб қайтди. Ётаман, деди кела солиб Холмуродбой. Ётаман, ичим қуйиб кетаяпти, айрон бер! Айрон ичди. Кечга довр гох уйғок, гох уйқуда тўлғаниб ётди. Бир маҳал кўзини очиб, болаларимни чақир, деди. Фармонкул билан Тўракул кириб келишди. Гўдакларнинг эғнида бўз қўйлак, бўз иштон, Холмуродбой уларни адовур вақт бағридан қўймай ётди. Кейин чўдаларидаги бир тутам-бир тутам, қокилларини силай-сила, майли, борақолинглар, деди. Эрининг имоси билан оёқ учига келиб қўнган Пардахолга алланечук қилиб тикилди ва Парда, деди. Тараддудингни кўравер, мен одам бўлмайман чоғи. Ишқилиб рози бўлгин. Яхши, ёмон...

Холмуродбой айни қирчиллама йигит пайтида ўлимни худди шундай мардона қарши олди. Оҳ демади, воҳ демади. Худдики, Оқтепа бозорини бир айланиб келайин, дегандек оддийгина қилиб, ортиқча ваҳима-поҳимасиз Пардахолга, одам бўлмайман чоғи, деб ўтирибди. Ўзи бу атрофнинг одамлари шундай бир оддий табиат-да, оддийгина яшаб, оддийгина ўлишарди. Аммо Холмуродбойники ҳамманикидан ошиб тушди. Ўзи ҳам кўпчилик тўлабостиликлар қатори бўз йўрғада катта бўлиб, отаси Холматбойнинг елкасидан тушмади. Кейин, -ўз-ўзидан ёқасига чертган қирик жигит бўб чикди бу, дейишди, уни суйиб қишлоқдошлари. Яна бировлари сал олифтароқ дейишди. Аммо жуда жўн ўлди. Ўлаётганининг эмас, ўлаётганининг ёнида ўлтирган Пардахолнинг ранги қув оқарди. Аслида Холмуродбой эмас, Пардахол ўлимга чоғланаётгандек эди. Бу ҳувиллаган даштда ошиқ-мошиқ, суяман-куяман деган гаплар эриш туюлар, шунинг учун бу хил ҳангома кам бўлар аммо шунга ўхшаган, балки ундан ҳам бошқачароқ ҳислар

даштликларнинг худди шу бўз ёки қалами йўргагида туғилиб, тилларидан ташкари чикмасдан пинхона, эгалари билан сурп кафанга ўралиб мангуга кетишарди.

Айтганимиздек, Пардахолнинг ранги қув окарди, у бунақа бўлишини ҳали ўйлаб ҳам кўрмаган эди. Ахир қайси йигирма саккиз яшар жувон эрини шундай бўлади, деб ўйларди дейсиз. Аммо шундай бўлди. Холмуродбой бошқа ҳеч нарса дея олмади. Кўп ўтмай тилдан қолди. Бир нималарни гапиришга чоғланди, аммо... чоғи келмади. Бош тарафда ётган қамчинга чўзилди, ётган жойидан девор юзига аста нукиди, чизган бўлди, кейин ҳовлига имо қилди. Кейин, кейин хотиржам тортиб кўзини юмди, оёқ-қўлларини узатди. Қишлоқнинг бир-икки қарияси кириб бош томонида калима қайтариб ўтиришди. Бир маҳаллари яна кўзини очди, Пардахолга бир зум қараб туриб яна киприклари туташди, шу кўйи бошқа очилмади. Тонг саҳар узилди.

Холмуродбой ўттиз беш ёшида бу оламдан шу куйи ўтиб кетди. Ҳамма йиғлади. Баданининг ўнг томони қорайиб кетибди, деди ювгани кирганлар, кўзикибди, кўз тегибди, қандайгина жигитиди-я, дейишди. Ерга қарашди, кўзларидан ёш томчилади. Бўйлари шифтдай, ўзи қоп-қора бўлса ҳам юзидан нур балқирди. Ўзиникини ўрол қилган, жотган жонбошидан турмайдиган бир сўзлик, ўктам овоз жигит эди. Аттанг шундай одам, деб йиғлашди. Отининг ҳам мазаси жўқ, кечадан бери на сув ичади, на охурга интилади. Отни Холмуродбойдек беаб мингич бу атрофда жўқдиров, дейишди. Асли шундай қилмаса бўларкан-да. Эгар, айил узангидан тортиб, куйишқону, ўмилдирик, югангача кумуш, мис безаклар, садаф нуқра мунчоклар нима керак эди, мундайроқ бўлиб юрганида балким кўзикмас эдими, дейишди куйганларидан. Э асли куни қисқа бўлиб турган бўлса, бандасининг қўлидан нима келар эди, ҳар нарсани гап қилаверасанми, деди яна бири. Холмуродбой ўзи шундайчикин одам эди, юриши ҳам, туриши ҳам, гапириши, кийиши ҳам бошқаларга ўхшамасди. Шуйтиб турмаса, туролмас, шуйтиб журмаса жура олмас эди бу одам, деди яна бири. Оти ҳам йиқилганмиш дейишди, ўнг томони қоп-қорайиб кетганмиш ҳа шу кўз теккани рост чикдиёв,

эмасам мундай чикин бўлмасди, дейишди. Биров ошкора йиғлади, биров ерга қараб билдирмай йиғлади. Аммо Пардахол йиғламади. Тобутни тайёрлашиб, мурдани сувга олганларида эрининг уйда осиглик турган чопонини кийиб, белини боғлаб, сочларини бошига чамбарак қилганча, Холмуродбойнинг қундуз телпагини бошига қўндирди. Кейин оёғига эрининг сахтиён этигини тортиб олди. Ҳамма ҳайрон. Қўлларига ёпишган аёлларнинг дод-войига қарамасдан оломон ортидан қабристон этагигача борди, аммо ичкарига кирмади. Буёғига кирма, деди мулла Қобил, аёл бошинг билан мазористонга кирма, келин, гуноҳ бўлади...

Яхшига ҳам, ёмонга ҳам уч кун аза, деди бир куни Абдурасулбой. Энди келин, сен буйтиб журма, устингдаги кўкни муддати кетди. Минг килганимиздаям Холмуродбой иним қайтиб келмайди. Жил ошини берайик.

Абдурасулбой қисик кўзлик, полвон келбатлик йигит бўлиб, Холмуродбойга амакивачча эди, Абдурасулнинг отаси Эшматбой, Мулкомонбойнинг тўртинчи ўғли Асадбойнинг кенжаси эди.

Майли, деди шунда Пардахол, маъракасини ўтказсак, ўтказа қолайлик. Ўзи эса катта ховлининг ҳамма ташвини бўйнига олиб бўлган. Ҳам Холмуродбойнинг хўжалик ишларини, ҳам рўзғор ишларини юргизар. Шу ховлида ҳам бека, ҳам бек, болаларига ҳам она, кам ота эди. Йил маъракаси ўтгач, ундан-бундан гап соладиганлар ҳам топилиб қолди. Бу ишингни қўй, ҳали ёшсан, ўн гулингдан бири очилибдими, ўзинг бир ўйлаб кўр, дегувчиларга, шу одамдан зиёдароғи бўлса майли эди. Ундан ортиғи жўк-да. Мени тинч қўйинглар, деди. Оқтенасойнинг мана мен деган йигити ҳам Пардахолнинг телпаги, чопон, белбоғ, этигидан ўтолмади-я, деган гап қолди.

Холмуродбойнинг маъракалари ҳам ўтиб кетди, аммо йили ўтса ҳам ўша куни қамчи дастаси билан чизиб қўйган эгри, юмалоқ чизиқ ўчмай тураверди. Бу орада Пардахол Чорлоқсойга серкатнов бўлиб қолди. Онаси Момош кампирнинг тоби йўк, аслида бу фақирнинг ўғли ҳам йўк. Тўрт фарзанд туккан бўлса, ҳаммагинаси сатта қиз. Бири шу Чорлоқсойга, бири Қўрлисойга, бири Баҳринга келин бўлиб тушган. Энг кичиги

Пардахол эди. Баҳрин, майли, анча йўл. Опаси аёл боши билан кеп-кетиши кийин. Мана бу икковига не бўлган, денг. Мунчагина бемехр бўлмаса, шундай ёнма-ён туриб онадан бир хабар олмаса-я. Жуда ийиб кетса келади-ю кетади. Қийин бўлгандан Пардахолга кийин бўлди. Бевачилик, уйнинг ишлари ҳам етмагандек, кунда Чорлоққа қатнайди. Онасига бирон егулик килиб боради, ё шу ёқда тайёрлаб оғзига тутади-да, яна изига қайтади. Ишкилиб йўрга биянинг жонига тўзим берсин, шомми, қоронғу хуфтонми, ишкилиб уйга етказиб келади-ку. Пардахол ҳаммасига чидади. Опаларига бир оғиз бир нима демади. «Нима,-деди хизмат қилсам ўзимнинг энамга хизмат қилаяпман-да, у шўрликнинг биздан бошқа кими бор. Аммо анови учала опа ҳам бор-ку, демади. Майли, деди, келмаса ҳам гўрга, ўз кунларига омон бўлсин, деб юрганда Момош кампирнинг бир килиги ҳамманикидан ошиб тушди.

Ўша куни ҳам асрга якин Пардахол сочини бошига чамбар уриб боғлади, эрининг кундуз телпак, чопонини кийиб, оёғига сал катгароқ бўлса ҳам этигини тортиб олди. Белбоғни сириб боғлади. Тийримоҳ охирлаб қолган, кун қисқа, боғ-у далада ишнинг қўзиган пайти. Қора совуқ нафасни қайтаради. Бир ҳовуч буғдойни апил-тапил қозонда ковриб, қовурмоч қилди-да, пўстакнинг устига сочиб ташлади. Фармонқул билан Тўрақулга ана қовурмоч, тур, кўзингни оч, деб ҳазиллашди. Ики ака-ука пўстак юнги орасидаги донларни қидириб қолаверди. Мен келгунимча уйдан чиқмай ўтиринглар. Фармонқул, эҳтиёт бўл, укангнинг оғзига қил илашиб кирмасин, дарров келаман, деб ўзи изғиринда бия миниб йўлга тушди. Жонивор бия, ош дам егулик вақтга қолмай манзилга етказди. Пардахол совуқдан дийдираб онаси ётган уйга кирди. Қоп-қоронғу. Эна, деди. Ҳа, деди кампир. Қуралаймисан? Чорлоққа тушган опасининг оти Қуралай эди. Пардахол индамади. Токчадан қора чироқни ёқди. Ичидан зил кетди. Шунча йўлдан келиб кунда хабар олиб кетсангу, сени ёдламасдан, шундай ҳамсоя кишлоқда туриб бир хабар олмайдиган опангни эслашини қара, деди томнинг туйнугидан тушиб келган шайтон. Ё Мухаммад!, ё Мухаммад!, ё Мухаммад!, деганда шайтон чекинди. Пардахол аста онаси ётган ёстикқа энгашди, ҳа эна, нима дейсиз, мен келдим, лўбия

солинган кесган ош келтирдим, ичасизми, деди. Кампири курмағур яна, Куралаймисан, олдингда ҳеч ким жўқма, деди. Пардахол кулди. Аммо сергакланди. Ҳа, Куралайман, эна, деди унинг кулоғига. Куралай, туянинг охурини ковласанг, сенгинага аталган кўзада бир нима бор, шуни оларсан, ҳеч кимга айтма, деб яна кўзини юмиб олди.

Пардахол пўстакда ўтирганича ўзи айтганидек, ўн жеридан ўмирилиб онасига тикилиб қолди. Эшикдан яна шайтон мўралади. Онанг сени эмас, опангларни яхши кўради. Майли, деди Пардахол, яна ё Муҳаммад!, деб шайтонни қувди. Онасининг бошини кўтариб, ёғоч қошиқда кесган ош тутди. Кампир ичмайман, деб беҳол бош чайқади. Пиш-пиш ухлаб қолди. Энди бўлмади, эртага опамларнинг олдидан бир ўтаманда, арава опкелиб энамни уйга олиб кетаман. Бу туриш, нима туриш, юрганим йўлда абгор, бари кетади бекор, деган экан биттаси. Шунда шайтон яна хаёлини ўғирлади. Туянинг охурини қара, Пардахол, қизиқсанда. Пардахолнинг хаёли бўлинди, феъли тарлон бўлди. Нима экан ўзи у, дея қизиқди. Не бўлса ҳам мен олдим не, опам олди не, энамга барибир эмасми? Дахлизга чиқди. Қора чироқ тутиб, тешани топди. Ҳовли сари йўналди. Одатда, бир чеккада туя турар эди. Сомон сувоқли тош билан гувала аралаш териб қилинган чуқур охур. Энгашиб нишхурд бўлиб қолган пичан қолдиқларини олиб ташлади, қўлига ёнтоқ тикани қадалиб, жазиллай бошлаганига ҳам безътибор теша билан аста-секин ковлади. Сувоқ кўчиб, юмшок тупроқ аралаш кўм чиқа бошлади. Зум ўтмасдан тешанинг тиғи кирт этиб бир нарсага тегди. Яна бирпасдан сўнг чоғроқ хумча Пардахолнинг қўлида эди. Бировнинг молини оғилидан етаклаб чиқаётгани каби хиёл қалтираб, кўзанинг тор бўғзига қўл тикди. Солдорли, аммо совуқ тангалар, ой ёруғида хиёл ялтираб, яна кўза ичига тўкилди. У шу алфозда кўзанинг жойини кўмиб уйга кирди. Кампир ҳамон ухлаб ётарди. Пардахол хумчани хуржунга солиб, биянинг бошини Тўлабостига томон бурди. Кун совуқ, аммо на Пардахол, на бия совуқни сезади, Охирги кирга ўрлаб, Октепасой этагида чироқлар милтираб кўриниб қолганди. Йўл қирни кесиб тушган. Қонарик қудуқлари бўйлаб ўта бошлади, ой анча

кўтарилиб, атроф ажабтовур ёришиб турарди. Чуқур ичидан бир қора ажралиб чикди. Йўлга кўндаланг бўлди. Тўхта!, деди. Ана ҳаётнинг ўйини. Шу йўлдан, айнан шу ердан шом-номозшом, ҳатто ярим тунда ҳам Пардахол неча бор ўтганида бирон киши, кимсан демаганди. Ана энди манави хуржундаги хайрон қолгур билан йўлга тушганда, бунақа бўлиши кимнинг ҳаёлига келибди. Пардахолнинг юраги шув-в-в этди. Аммо сездирмади. Тун қоронғуси, бир ҳаёл, қоранинг устига от солиб юбор, деди. Аммо кеч бўлган эди, масофа қисқа, бия тезлик оломаслиги тайин, не бўлса бўлар. Тўхтади. Кимсан, деди қора. Пардахол жим. Ҳа дейишга ҳол йўқ. Соқовми дейман, қоронғуликдан иккинчи қора ажралиб чикди. Пардахол беихтиёр кўйнига қўл солди. Ханжарнинг совуқ дастаси. Холмуродбойнинг сопи кийик шохидан йўнилган ханжари. Шу тилласи кургур палакати бекор олдинг, деди Холмуродбой ҳаёлан. Бекор олдинг, ётайверсин эди, ётган жойи охургинада. Нима қиласан уни, тилланг каммиди? Деворни чизиб кўрсатганимни наҳотки тушунмадинг. Ана ўшани ол эди. Ўзимизнинг ҳалол, покиза молимиз. У кам бўлса, ховлига ҳам имо қилгандим, анигини айта олмасам ҳам изласанг топар эдинг-да, бир кун. Ана шунисини ол эди. Хўш энди нима бўлди? Булар бир газанда-да, на қарини билади, на ёшни, на аёлни билади, на бир ҳимоясиз гўдакни. Сенинг хуржунингда нима бор эканини билмаса ҳам, улар шайтоннинг бир малайи, унинг кўрсатмаси билан худди сенга ўхшаган пул қўлтиқлаган, мол етаклаганларга ўз-ўзидан дуч келайверади. Чунки уларга шайтоннинг ўзи йўл кўрсатиб, кимни тунашни ўргатиб туради-да. Булар бир ис билар чибин. Қай вақтлари Холмуродбой чибин ҳақида бир воқеани айтиб берган эди. Ўша хангома Пардахолнинг ҳаёлидан чакиндек чакнаб ўтди.

Даштликлар гўрков саклашмайди. Ким қазо қилса, қишлоқ оқсоқоли фалончи-пистончи, деб тўрт кишини кўрсатишади. Сен-сенлар уйига чиқинглар дейди. Ўша тўрт киши марҳумга қабр қовлагани чикиб кетайверади. Қишлоқда аксарият эркаклар гўр қовлашни билишади. Чунки ҳамма ҳам навбат билан қабр қазиган чиқишади. Етти марта қабр тайёрлаганга

олам-олам савоб, деб Холмуродбойнинг ўзи ҳам неча бор гўр ковлаганлиги Пардахолнинг эсида.

Холмуродбой ҳар гал мазор бошига чиқар олдидан сахарлаб туриб, ширчайингни эртароқ пишириб бер, шерикларим кутиб қолмасдан қўйиндига етишим керак, дея астойдил таҳорат олар, бомдотни ўқиб кейин қорини тўйгазиб чиқиб кетарди. Ўшанда Холмуродбойни кўрганлар, ҳечам Холмуродбой демас эдилар. Эғнида эски тўн, камдан-кам киядиган баланд ўкчалик ранги ўчинкираб қолган этик. Тўйга борсанг бекдай бўл, ишга борсанг қулдай бўл, дерди қийинишига саволомуз тикилган Пардахолга, Мен у ерга бориб тупроқ ковлайман, ҳар юмушнинг ўз ярашиғлиги бор ахир. Бир вақтлари келиб қоларди. Эғни-боши чанг-чунг, алланечук ўйчан. Чарчадингизми, дерди ўшанда Пардахол. Холмуродбой бошини сарак-сарак қилар, кейин оҳистагина нега чарчайин, ўзим шундай, деб ювиниб-тозаланиб олгач, чой устида Парда, дерди, бу ис билар чибин дегани бир бало. Қандайчикин чибин. Пардахол ҳеч нарса тушунмай ағраяди. Холмуродбой қўл силтаб, эшит, дегандай им қоқади. Хоҳ совук, хоҳ иссиқ бўлсин, кирга (атайлаб қабр ковлагани деб айтгиси келмайди) отландингми, албатта биттаси эргашиб изма-из мархумнинг уйигача (яна мархумнинг гўригача дегиси келмайди) боради-да. Ҳайдасам кетмайди, урай десам тутқич бермайди. Худойимнинг ишини қара, бу ҳам бир синоатда. Бизнинг қаёққа, нима мақсадда кетаётганимизни қаердан била қолади денг. Ҳа, ёз кунлари иссиқ, бу сафаргисини айтмайсанми, қахратон қишда-я. Уйдан чиқар-чикмас изимдан эргашди. Билмайман, қаеримда паналаса паналабди ҳайрон қолгир. Кун совук, изғирин, тупроқ музлаган, амаллаб устки яхлаган қатламни олиб ташлагандик, иш анча тезлашиб кетди. Икки соатга қолмай киндик бўйи ўйиб саройини тайёрладик, кейин ичимизда Қўшотбой устароқ-да, саройнинг қибла бетидан ёнламасига одам сигар даражада туйнук очиб уйини ковлай бошлади. Тўхта, дедим, Қўшотбой, менам бир тушай, қайтиб ковлай, қани уйрат. Аввал одам бемалол ўтирса бўладиган туйнук ковлаб олиб, кейин бош томонини, сўнг оёқ томонини ўйиш керак, деди Қўшотбой, тагини текис, устини товукнинг тухуми сифат гумбаз қилиб

тушир. Чарчаш билмай ишлаймиз, алмашиб-алмашиб теша тортамыз, тупроқ шув-шув тўкилади, гўринг кенг бўлгир яхши одам эди, уйини қазिश ҳам енгил кўчиб, осонгина тайёр бўла қолди.

Ташқари аёз, гўрнинг ичи иссиққина. Тайёр бўп қолди-ёв, деди бир вақт Қўшотбой. Кейин марҳумнинг жойига ётиб кўрди. Мана, айтмадимми, тап-тайёр. Э унинг бўйи сендан узунроқ эди, Холматбой билан тенг чиқиб қолар, Холматбой ётиб кўрса биламиз-да, тайёр-тайёрмаслигини. Хўп, дедим. Лип этиб ўзимни лаҳад ичига олиб, марҳумнинг жойига чўзилдим. Бош томонимдан ҳам, оёқ учидан ҳам бир қаричдай жой ортиб қолди, дедим ташқаридагиларга. Унда тайёр бўпти, дейишди шерикларим, чиқайберинг. Шунда нени кўрдим де, энди муни қара, ўша уйдан эргашиб чиққан чибин лаҳаднинг шифтига ёпишиб турибди. Балким бошқасидир. Ҳашақалла шу демадим. Жўқ, кўнглим айтиб турибди, худди ўзи. Қўл сермадим, тута олмадим. Қўшоти қургур жуда зийракда, э қўяберинг, деди барибир тута олмайсиз, унга ўзи шундай дуо кетганми, бир бало, индаманг, қолайберсин, энди у мурда билан бирга қолади. Алланечук бўлиб кетдим.

– Кўрқдингизми?

– Жўқ, кўрқмадим, алланечук бўб кетдим. Э, Пардахол, ҳар қайсимизнинг келар жойимиз шу экан-да деган ҳаёл ўтди, миямдан. Югурамыз, еламыз. биримиз ундай, биримиз бундай чиқин яшаган бўламыз, аммо ҳаммамизнинг келар жеримиз бир. Мана шу бош томонимиздан бирқарич, оёқ учидан бир қарич ортик, ўтирсак бошимиз тегар-тегмас жой экан-да дедим. Қабр қовлаганга ёзиладиган савобшу, одамга охиратни эслатиб қўйишмикан, деб қолдим. Жетти қабр қовлаган киши бу сабоқни жетти маротаба олиб, бу ёруғ дунёда омонатлигини жетти марта эслаб, қадамини ўйлаб босса ажаб эмас, Пардахол, дерди Холмуродбой. Хангомаси ана шундай, китоб ўқиганлиги билиниб турарди унинг, яна ҳаёлидан ўтди Пардахолнинг. Шу тўрт кунлик дунёда менга бу сарик темирларнинг не кераги бор эди ўзи. Сизнинг сўзингизга кирганимда балки шу ҳолга тушиб ўтирмас эдимми, балки, бегим!

Бу вақтда кора тобора яқинлаб биянинг ёлига чап кўлини кўйди. Пардахол билан юзма-юз туриб қолди. Бу ҳам худди ўша бегим айтган жирканч чибиннинг хўдди ўзгинаси. Ҳайдаб кеткиза олмайман, деб ўйлади Пардахол. Хуржундагининг ҳидини қандай сезса, сезди. Асли ўзимдан ўтди. Худди сиз айтгандай, тегмасам бўлар экан, шайтоннинг гапига кирмасам шу ишни қилармидим! Воҳ, мен ўлай, гўл бўлмай.

Яна шайтон пайдо бўлди. Эгарнинг орқасига ўтириб олиб айтдики, ханжарни йўлингни тўсган ўша ифлоснинг бўғизига солиб юбор, қутуласан-қўясан, ҳаммаси яхши бўлади, мана мен бор, деди.

Ҳамиша шайтон васвасага солса, ё Муҳаммад!, дегин, чунки у ҳамма шаклга кира олади. фақат Муҳаммаднинг кўринишигагина кира олмайди, деб ўргатгандим-ку. Ё Муҳаммад!, десанг шайтони лаъин қочади, деб неча бор айтгандим сенга, деди Холмуродбой. Ё Муҳаммад!, дея пичирлади Пардахол, Ё, Аллоҳим аёл бошим билан одам ўлдириб гуноҳга ботишдан ўзинг сақла, ўзинг мадад бер, шарманда қилма ё Раббим, яратган Эгам!

Бу орада кора кўланка Пардахолнинг юзига тикилинкираб қаради. Ия, фалончи, деди шеригига. Қўлга туширганинг бул-булга ўхшайди-ку, ани сирғаси ҳам бор.

Шошилиб зиракни ечишни унутганимни кара, хаёл қилди Пардахол.

— Жўғ-е, — деди яқинлашиб келаётган иккинчи кора.

— Жўқ эмас, бор. Бизга буни худонинг ўзи етказди. Пардахол ҳамон Холмуродбойнинг ғадир-будир дасталик ханжарини маҳкам тутамлаб турарди. Унинг муздай сопи кафтига ботди, ўзини бироз тутиб олган Пардахол ханжарни кўйиб юборди.

- Тушсинлар энди, бир гап хона қилайлик.

- Ҳозир, — Пардахол шундай деб, йўлтўсар биянинг ёлидан кўлини олмай, чалқайиб кулди, кулганда ҳам ўзини унутиб ёйилиб кулди. Бия бир нохушликни сезиб безовта бўлиб пишкириб тисланди. Пардахол жон ҳолатда кора кўланкага чанг солди.



Қамчи еган қора ерга ағдарилиб тушди.

Кўлига йўлтўсарнинг билаги аралаш, чопонининг узун енги илашди. Бияга қамчи босди. Отилиб жойидан қўзғалган жонивор йўлтўсарни ўмганлаб уриб юборди. Пардахол ушлаб турмаганда эди, қора ерпарчин кулаб тушарди, шунинг учун оёғи ерда судралган кўйи, қўли қайрилиб додлаб юборди. Иккинчи қора ўнг томондан югуриб кела жиловга интилди, аммо бунинг уддасидан чиқа олмай, узангига ёпишмоқчи бўлди, шунда Пардахол ўнг қўлидаги ўрама қамчини йўлтўсарнинг совуқда чирсиллаб турган юзи-кўзи аралаш шундай шахд билан сермадики, умрида биринчи марта бунчалик қаҳр, шунчалик бор кучи билан қўл силтамаган бўлса керак. Ҳатто бечора тарғил сигирни муштлаб ағанатганда ҳам мундайин қаттиқ урмаган эди. Аммо бу сафар шундай қилди. Бир нима шарт этди. Қамчи еган ҳалиги қора юзимга қилич тушди, шекилли деб ўйлади, вой ўлдим, дея бўкирганча мукка ағдарилди. Бия қўш оёқ отиб, чошиб борарди. Қамчини қулоғидан тишлаб икки қўллаб билакни қайириб тобора бураган сари осилган гавда чавандознинг тақимига тушган улоқдек биянинг гоҳ олдинги, гоҳ кейинги оёғига урила бошлади. Пардахол шундагина гавдани ташлаб юборди, у ерга урила туриб бир «ҳик», этганини эшитди холос. Шу от қўйгандан қўйиб, сойгача эниб, сувдан шатир-шутир кечиб ўтаётгандагина юзига совуқ томчилар урилиб ўзига келди-ю, аммо қалтироғи босилмади. Дарвозадан тўғри ҳовлига кириб борганда, уй ичи қоп-қоронғи эди. Юраги янада ҳаприқа-ҳаприқа бияни яккамихга танғиб хуржунни елкасига сола-сола ичкарилаб чирокни ёқди. Фармонкул билан Тўракул пўстак устида думалаб ухлаб ётар. Ҳар иккаласининг қўлида бир сикимдан қовурмоч кўринарди. Пардахол болаларининг ёнига чўкиб, йиғлаб юборди. Кўп йиғлади, ухлай олмади.

Эртасига эрталаб дарвоза тақиллади. Ҳовлида ҳеч ким йўқ эди. Пардахолнинг ўзи чиқди. Бири қўлини бўйнига осган, иккинчиси юзини бурни аралаш боғлаган икки эшаклик турарди. Ассалому алайкум, деди худди келишиб олгандек бир овоздан.

Пардахол даштликларнинг таомилига мувофиқ, ичкари киринглар, деди. Фармонкул меҳмонларнинг қўлига сув қуйди. Ичкари кириб ўтиришди. Дастурхон ёзилиб нон, майиз,

туршак, жийда ташланди. Меҳмонлар хомуш эди. Охири қўли осиглиги секин йиғлаб қўя берди. Опа, деди хикиллаб, бойбича опа, майли, бизни ўлдилинг, итингиз бўлайлик, не қилсангиз қилинг, фақат бир бор гуноҳимиздан ўтинг.

Нима гаплигига Пардахол тушуниб ўтирарди. Шундай бўлса-да:

— Не гап ўзи, — деди.

— Сизни кўп эшитиб жургич эдик. Бойингизни ҳам ҳурмат қилардик, ишкилиб худо раҳмат қилган бўлсин. Аммо ўзингизни ҳеч кўрмаган эканмиз, танимаганни сийламас, деб кечаги расвогарчиликни қилиб қўйдик. Кейин билсак, сиз экансиз. Сиздан бошқа аёлнинг қўлидан мундай чикин иш келмайди, деди бир киши. Туври айтган экан, бопладингиз. Эндиям шу жўлга журсак, икки кўзимиз окиб тушсин, ит бўлайлик:

Иккаласи ҳам дастурхонга тикилиб бошқа бир сўз демай гум-гурс ўтираверишди.

Пардахол анг-танг бўлиб қолди. Ўғри экан-у, аммо мард экан чоғи, ҳаёл қилди. Ажабтовур бош эгиб кеп-ти. Ўғри халқи мард келар, дегани шумикан?!

— Нега буйтиб журипсизлар ўзи? — деб гап қотган бўлди.

— Қаердансизлар?

— Э, опа, несини айтасиз, Бокиданмиз. Айтар оғизга уят, ейишга нонимиз жўк, шайтоннинг гапига кириб, бир жўл тўсмоқчи бўпмиз, бор гап шул, майли, бизар борайик. Энди опа, не гап бўлса бўлди, биздан ўтди. Гап шу ерда қолсин, жон опажон!

Пардахол индамади. Ҳовлига чиқишди. Иккала меҳмонни хайрон қолдириб нарироқдаги қўш табакалик бир хонанинг ичкарисини кўрсатиб, шунинг бир копини олинглар, деди.

— Э, ундай деманг-эй, нима қилаяпсиз, биз...

— Гапни кўпайтманг, ол деганни олинг, эшакни берироқ жеталаб кел, улим.

Фармонкул меҳмонларнинг эшагини етаклаб келди,

— Ортинг.!

Ноилож қолган йўлтўсарлар қизарди, бўзарди, охири биттаси осиглик қўлини кўрсатди. Иккинчиси бориб юз

килолик олачадан тўкилган қопни у ёқ кўрди, бу ёқ кўрди, кучи етмади. Шунда Пардахол мундай тулинг, деди ва ўзи қопни даст кўтариб эшакнинг устига қўйди. Хангининг бели бир букчайди, сўнг делбанглаб-делбанглаб, охири ўзини тутиб олди ва пилдираб юриб кетди.

Пардахол кўнглида ҳозиргина кузатган меҳмонларига бир ачиниби, бир яниби, минг ҳаёл билан даҳлизга кирди. Кеча кечкурун келтириб қўйган хуржун ҳамон бурчакда турарди. Нимагадир дув қизарди. Зилдек олача хуржунни елкасига ташлаганича бир зум ўйланиб тургач, шарт бурилди-да, бия боғлиқлик яккамих томон юрди.

— Фармонкул, — деди ҳайрон қараб турган ўғлига, — мен Чорлокқа катта энангни кўриб келгани кетаётибман, уканг билан ҳовлидан чиқмайгина ўтиргин, ҳаёлламай тезда келаман.

*«Ишонч» газетаси, 2006 йил,
186, 187-сонлар. 21-22 ноябрь.*

ҚОРА ЙЎРҒА

(Бадиъа)

Тўлабосдида ёз оқшомлари ниҳоятда тароватли ўтади. Уйимизга ёндош оқувчи Каттаариқ тарафдан қурбақаларнинг қуриллаши, банд оша тушаётган сувнинг шовуллаши, этак тарафдаги тутқорбоғдан эса қора чигирткаларнинг бири олиб, бири қўйиб узлуксиз чириллашлари эшитилиб туради.

Ҳовлимиз ичи тўла мевали дарахт, қибла тарафда ўрнатилган икки табақали кўҳна ёғоч дарвоза отамнинг отаси Қорақул мингбоши бобомдан қолган ёдгорлик. Дарвозага теккани қўрқаман. Астароқ ёп, дейди отам, дарз кетмасин, бу отамнинг иси-я! Дарвозадан ҳам арзандароқ яна бир буюм бор, бу баландлиги бир ярим қулоч, бош тарафи бир қучоқ, бели хипча ва ерга кўмилар жойидан тизза бўйи баландроғи бош тарафидек йўғон қилиб йўнилган қайрағоч танали яккамих — от боғланадиган улкан ёғоч қозик.



Э, болам. От эр кишининг суянчиги.

Энди йиллар ўтиб чириб, ёрилиб-ёрилиб, ликиллаб қолган бўлса-да, уни олиб ташлашга ҳеч кимнинг ҳадди сиғмайди. Тегма, дейди отам, ишинг бўлмасин, бу отамнинг иси, отамнинг оти Қора йўрғанинг иси, тегма!

Отам иккимиз хайхотдек ховлида ёлғиз ўтирибмиз. У вақтлари электр чироқлари йўқ. Аммо ой борлиқни нурга кўмиб юборган. Отам товоқдан қўл узиб, кейин ёғ юки кўлини маҳсиларига арта-арта, томоқ қириб, хим-им-м дейди, нарироқдаги яккамихга боғланган жийрон, отамнинг товушига жавобан қисқа, аммо ўткир кишнаб қўяди, кейин ёлларини селкилатиб бутун вужуди билан силкинади. Жо-о-он, дейди отам, ҳа жона-а, кетди дейди, осмонга бир қараб қўйиб. Менам кўкка қарайман, аммо бодраб турган сон-саноқсиз юлдузлар ва танҳо тўлин ойдан бошқа ҳеч вақони кўрмайман. Қаердандир учиб келган кўршапалак лип-лип қанот силкиб, яна бир зумда қайларгадир унсиз ғойиб бўлади. Кўршапалакни айтаяпсизми, дейман. Отам мийиғида кулади, хай улим-а, кўршапалакманам не ишим бор? Қишлоққа осмондан энаётган бало қазолар, яна келган жойига қайтиб кетди. Ҳеч нимага тушанмасам-да жў-ў-н ўтирабераман. Отам дастурхонга фотиҳа ўқийди, кейин аста туриб яккамих тарафга кетади. Қир тарафдан салкин эпкин эсиб, янги ўрилган беда хиди аралаш от тезагининг ачқимтил исини димокка уради. Сендай пайтимда, дейди отам, мен Қора йўрғага қарар эдим, у Қора йўрға номини тантанавор айтади. Сенга манави ишни қил демаса ўзинг билмайсан, бир чўбирни ҳам эплай олмайсан.

Отам гапира-гапира яна чорпояга чиқиб ўтиради, ёстикқа ёнбошлаб, пиёласига чой қуяди. Шунда аста гап очаман. Ота Қора йўрға асли қора байирларданмиди, дейман худди отларни яхши биладигандек. Отам ялт этиб менга қарайди, кейин чордона куриб ўтиради. Йў-ў-ғее, дейди, у пайтлари менам бола эдим, эндичи ўйлаб ўтираманда болам, асли у қорабайир ҳам, туркмани ҳам эмас, ё кирғизи ё арабийга димам, ўхшамасди.



Отам гапира-гапира яна чорпояга чиқиб ўтиради.

Бўмасам канака зотдан эди, дейман бесабрлик қилиб. Сўрадингми, энди шошмай эшит-да улим. Одамнинг шошка-лоғи-шайтоннинг чакалоғи. Энди у отмисан, бир от эди-да ўзи. Бу офтобруйнинг отларига сира ўхшамасди. Агар қорабайир бўлганида танаси қисқа, оёқлари бақувват ва узун, орқа оёқларининг ораси очик бўлган бўларди. Шунинг учун улар олчанглаб юради, аммо югурак келади. Туркмани ахалтака бўганда эди, боши қонғил-гўштсиз, бўйни ингичка ва узун, кулоқлари калта, аммо келишган, серҳаракат, оёқлари қиличсимон керилган ва ингичка бўларди. Бу зот ҳам югурак, туёқлари йирик эмас, бақалоғи калта, ёл ва думи сийрак келади. Кўзлари йирик ва одамга ўхшаб маъноли қарай олади...

Отам от тўғрисида гап очса ўзини буткул унутиб қўяр, хозир ҳам ёш болага эмас, бир уй меҳмонга гап бераётгандек очилиб кетди.

Ёвмут зотли йилқилар ҳам ахалтакага ўхшаб кетади-ку, аммо улим, фарқи шу танасининг сал калталиги, холос. Яна қобирғалари узун-узун, шунинг учун қорни сал осилиб тушгантоб келади. Қирғизи отлар-ку, қора йўрғанинг яқинига ҳам йўлай олмайди, улар ўлгудек қўски. Чўбир питиш келади. Араби зотлар ҳам асли шу туркмани, қорабайир зотларнинг аралашмаси, чунки Арабистонда аввал ўзи от бўлмаган, қадимда кўпчилик араблар туя, эшак миниб юрган. Отам кулиб қўйди. Бўлмасам мингбоши бобомнинг қора йўрғаси қандай зотли эди, дейман яна бесабрлик қилиб.

Отам бўйнини чўзиб чорпояннинг орқасига носини туфлайди. Пиёлага совиб қолган чойдан қуйиб, оғзини чайқайди. Кейин маҳсили оёғини узатиб менга тутлади. Торт дейди, торт-а улим, оёқлар ҳам би-и-ир дам олсин қани. Мен маҳсини отамнинг оёғидан суғуриб олиб, пайтавасини ичига тикиб қўяман, сўнг яна отамнинг юзига термуламан. Отам узоқ жим қолади, кейин катта бир сирни очаётгандек э-э-й-й дейди. Асли у хуттал зотидан эди чоғимда. Хутталон отлари шундайчикин зардаси тез, унча йирик бўлмаса ҳам бақувват, бўйни йўғон, боши каттиқ бўлади, юганга бўй бермайди. Эгасидан бошқани тан олмайдиган келади. Юриб-югуриб чарчамайди, жуда чакқон ва вафодор бўлади. Унинг яна бир номи бор, лоқайи

дейишади. Қора йўрға чамамда худди шу локай зотидан эди-ёв улим. Айникса, зийраклиги бўлакча эди-да жониворнинг. Асл тулпор эди.

Ўша йўрға учиб юрар экан. Олдинги икки оёқларининг ораси қўлтиғида қаноти бўлар экан. Аммо бу қанотлари ҳеч кимга кўринмас экан, фақат яхши синчиларгина илғай олар экан буни. Оғзим очилиб, нафас ютмай отамнинг суҳбатини тинглайман. Кейинчи ота, дейман охиста. Шу Қора йўрғанинг рости билан қаноти бўлганми ўзи? Отам жиддий киши эдилар. Қорача юзлари янада жиддийлашиб, мўйловларининг учини бош ва кўрсаткич бармоқлари билан секин-секин силаб, менга узоқ тикилади. Кейин, ҳали боласан-да улим, дейди.

Катта бўлсанг, биласан. Қора йўрғанинг қандайчикин от бўлганлигини. Агар учмаса, Каттакўрғонгача бўлган 42 километр масофани йўрғалаб ярим соатда босиб ўтармиди. Қанотларини ҳам кўрганмисиз, дейман. Йўк, дейди отам, нимагадир яккамих томон қараб, отнинг қанотини фақат зўр синчиларгина кўра олади.. Мен синчи эмасман-ку.

— Нега синчи эмассиз?

— Чунки мен кувиш қайтараётган отга йўлиққаним йўк ҳали. Кимки кувиш қайтараётган отни кўрсагина синчи бўла олади, Агар эплай олмаса ё кўркса, тентак-пентак бўлиб қолиши ҳеч гап эмас. От жонивор ҳам ҳадеб кувиш қайтаравермайди. Йилига бир маротаба ё тонг қоронғусида, ё тол туш пайти шуйтади. От кувиш қайтараётгандагина асл дев ҳолига кириб қолади. Шунда уйқум келиб турган бўлса ҳам кўзларим мошдек очилиб кетади. Отбоз деганнинг бари синчи бўлавермайди, улим. Синчига асли бир бало дорийди ўзи, кейин синчи бўлади чоғи. Отамнинг сайиси Сайидқул полвон ҳам балодай синчи эди. Қорақул мингбошининг сайиси, деб эл бардор-бардор қиларди, Аммо ўзи бу тўғрида ўла қолса бир оғиз гап-сўз қилмаган. Ҳар жондорнинг бир кушандаси бор. Сайидқул полвоннинг кушандаси Мирзо Отақул бўлган. Кўнглида не гапи бўлса шу одамга ёрилгич эди. Камбағал, ўзи бефарзанд ўтди. Бир кун борсам Мирзо Отақул айвонида хомсиғиниб ўтирибди. Ҳе-е-е?, дедим. Ай-й-й, деди. Ўзим, шу қариликда. Ёшинг қайтиб қолганидан сўнг гўр бўладими одам,

очик лаҳад бўладими, йиғловуч бўлади-да. Манаву маҳсини кия туриб Сайидқул полвон эсимга тушиб кетди. Асли бу шунинг, шу жўрамнинг иси эди, деб олдимга Мирзо Отакулнинг оёғидайчикин яна иккита оёқ кирса ҳам катталиқ қиладиган маҳсини шалп эткизиб ташлади. Кейин гапириб берди. Дев, пари дориган. Хислатли эди шўрлик, тек одам эмасди.

Бир куни тонг қоронғусида ташқарида бир ниманинг ғарт-ғурт, курт-курт қилган товуш эшитилармиш. Кўпқаридан кеч қайтиб, ўлғудай чарчаган эмасми, узоқ вақт иссиққина кўрпасидан чикқиси келмай ётаверибди. Ташқаридан ўқтин-ўқтин яна ғарт-ғарт, курт-курт товуш келармиш. Кеч тийирмоқ,* улғудек кескир, қора аёз, тургиси келмай ёта-ёта охири бўлмабди. Эрина-эрина даҳлизга чиқиб отдан хабар олай деса, боғдоди эшикнинг бир табақаси очик эмиш. Кўрсаки, кечқурун яккамихга боғлаб қўйган отнинг ўрнида бир бало ўтирганмиш, энди десанг устида кечқурун Сайидқул полвоннинг ўзи ёпиб қўйган пўпакли олача ёпқич, думини ерга тўшаб, олдинги оёқларини ерга маҳкам тираб чўнкайиб ўтириб олганмиш. Белидан паст тарафда ўша ўзининг кечқурун укалаб, супуриб олдига чўкир беда солиб қўйган кўпқаритоз самани, белидан олд кисми бир бедаво бало эмиш. Кўзлари пиёладай-пиёладай, иржайган тишлари Нишон нишолдачининг киём ковлайдиган ёғоч куракчасидай-куракчасидай келармиш, ғарт-ғарт, курт-курт кувиш қайтараётган эмиш, жағи ҳар қимирлаганда кўзларидан кўкимтир учқун сачрармиш. Шундай полвон, шерюрак Сайидқул чавандознинг ҳуши бошидан учиб, ҳайрон қолибди.

Индамай ичкарига кириб кета қолай, деб қадам босар-босмас, кўрканидан делбанглаб-делбанглар кетиб, эшикка суяниб қолибди. Шунда боғдоди эшикнинг туруми ғарт этиб товуш чиқарган экан, самани кургур сесканиб тушиб лабилунжини йиғиштира-йиғиштира бир силтаниб ўрнидан турибди. Изза бўлган боладай бошини олдинги бутига тикиб, ёлларини селкиллаб-селкиллаб, думларини елпиллатиб-елпиллатиб,

* тийирмоқ – демокчи.

яккамихни айланиб-айланиб чопибди. Кулоқларини жумийтиб, динкиб-динкиб, тарс-тарс қўйиб, тезаклаб-тезаклаб олаверибди.

Ҳа, эшканнамай кет, жамонлагир, деб гудранибди ўзича Сайидкул полвон, ҳеч одам бўлмадинг, одам бўлмадинг-да сен саман, бу не қилганинг эса, бу не қилиқ, буйтиб кувиш қайтарганингни кўрсатиб қуйганингдан кўра, бирон жирно-пирнога отиб уриб ташлаб кета қолганинг дурустмиди-а, Сайидкул полвонингни, саман. Ҳа, одам бўмайсан сен, девлигингни охири билдириб қўйдинг-а, буёғи неччи пул бўлди-я, саман? Тентак бўган қайтиб бўларди, шуйтиб бўлади чоғи-да, а? Менга ўхшаб.

Энди ҳангаманинг кизигини буёқдан эшит. Шу Сайидкул полвон аксланиб ётиб қолган кундан бошлаб, унинг самани ҳам ейиш-ичиш дегандек, бутун тирикчиликни жийиштирибди. Лаб-лунжи осилиб, айб иш қилган боладай нуқул бошини солинтириб турармиш. На емга, на емишга, на сувга назар солиш йўқ. Фақат ҳар замон, бир-замон Сайидкул полвон ётган меҳмонхона тарафга қараб-қараб, аста ҳўкраниб қўярмиш. Ҳовлидагилар қараса аҳвол чатоқ. Бир кун эмас, икки кун эмас, учинчи кундир-ки саманнинг аҳволи бул. Масалани Сайидкул полвонга етказайлик деса, ҳўжайиннинг аҳволи ул. Энди не қилдик, дейишибди, ҳовлидагилар. Отнинг жомонлаб қолганини айтсак, шундай ҳам бетоб ётган полвоннинг аҳволини яна танг қиламиз-ми, деб истиҳола қилишармиш. Шунда биттаси, қани қайтаркан, саманни қўйиб жубаринг, ўз ҳолига. Қайтса-шуйтсин, дебди. Шунда отни нўхтасини бошидан олишиб, эй жонивор, не бўлди сенга, мундайчикин одат чиқардинг, дейишибди. Саман эса, ҳеч нарса демабди одатда юлдузни кўзлаб тургич саман индамай, бир-бир босиб тўғри Сайидкул полвон ётган меҳмонхонанинг тушолига, тўғри боғдоди эшик тўғрисига бори-и-б қадалиб турайверибди. У вақтлари уйларда дераза ром жўқ. Унинг ўрнини босувчи икки табақали боғдоди эшик кечқурунлари ёпиқ туради. Бу вақт касал безовта бўлмасин, деб эшикларнинг тўргиси ҳам этаккиси ҳам ёпиқ, уй ичи нимқоронғи, фақат тепадаги тобадондан ним ҳол ёғду тушиб турган траманинг бир салқин намозшом куни экан. Саман ҳўкрана-ҳўкрана, искаланармиш. Ичкарида ётган

Сайидкул полвон ўзи бир ҳолда-ю, бош тарафида отининг эгар-анжоми. Ана кўрдингми улим. Отнинг анжомларини ҳам оёк остига ташлаб бўлмайди. Ниҳоятда покиза қилиб югани баланд михга, эгарни эса иложи бўлса бош тарафга қўйган маъкул. Чунки айтдим-ку, бу от-хоназот дегани бир покиза жондорда, у ҳаддан ташқари қирикликни суяди. Шуйтиб човондозлар ҳам, ҳар доим Саидкул полвонга ўхшаб отининг асбоб-анжомларини ўтирган уйининг тўрига, тоза ишкибозлари эса бошига қўйиб ётади. Отнинг ҳидидан тўйиб – тўйиб ҳидлаб маст, хурсанд бўлади. Э уккағар, бу чавондозлар ҳам тоза қизик халқда ўзи.

Шуйтиб Сайидкулполвон бош тарафидаги эгар қошига илинган камчиси билан базур чўзилиб эшикнинг бир табақасини итариб очиб юборибди. Қараса эшик-дераза орқасида Самани турганмиш. Обдол талагандек яп-яйдоқ на бошда нўхта, на белда ёлғич. Кўзлари ич-ичига ботган, ҳасратли бокиб юм-юм йиғлаётганмиш. Ий Саман, ҳе не бўлди сенга. Мен-ку буйтиб қолдим. Сен нега уйтиб журибсан?! Буйринг ич-ичига кириб кетибди. Булар сенга нима бало, томоқдан қарашмаяпдими? Нима Сайидкул полвон энди ўлади, оти кимга керак дедими булар?, деса Саман аста бош чайқаб, йўқ дебди. Оғир нафас олиб, у-ффф дегандек ихраб юборган экан. Отнинг ичидан чиққан оловдан Сайидкул полвоннинг дами қайтибди. Э, дебди у. Бу сен куйиб кетаяпсан-ку-а эй. Қани бермон келчи, эй Саман. Саман эшик орқали чавандозга бақамтироқ келибди. Секин чўккалаб полвоннинг куксига бошини қўйи-иб турибди. Сайидкул полвон, э-э-э-э саман, саман. Бу не қилиқ, тоза соғиниб қолдингми, дейман, а-эй бундай одатинг йўғиди-ку. Бай-бай-бай. Бошларинг мунча иссиқ, бу дейман озроқ дардинг ҳам бор чиқаров, дебди Саман узала ташлаб, ўзи ташқарида боши ичкарида чўзилиб ётганмиди. Аслида от камдан-кам чўзилиб ётади. Саман эса шунда бор-э, деб чўзилиб ётиб олган экан. Ани қизик, мани қизик.

Бу хангамани эшитиб ўтирган ҳовлидагилар, аввали ҳа энди Сайидкул полвондан ажралиб қопмиз. Шундай полвон ўзига-ўзи гапиргич одат чиқариб тентак-пентак бўлди-ёв, деб оғриниб ўтиришган экан. Отнинг қилиғини кўриб ўзлари ҳам

жинни бўлар даражада етиб, ура ташқарига қочиб чиқишибди. Одамларнинг тапир-тупиб шобиридан безовталанган саман ўрнидан кўзғалиб, бир силкиниб тек тури-и-б қолибди. Саман дебди шунда Сайидқул полвон ма, мановини еб ол. Бу дейман қорнинг ҳам пиёз-пўчоқ бўлиб кетгандир чоғи. Шунда уч кун туз тотмаган саман битта нонни пок-покиза тушириб сал ўзига келгандан сўнг, полвон яна гап қотибди. Энди Саман, бўлар иш бўлди. Бу гапни мен ҳеч кимга айтганим жўқ, сен ҳам бирон жойда сўйлаб журма, Гап-гаплигича қолсин. Энди мундай-чикин куйиб-пишайверма ҳам. Биз ҳам бўлсак мана сен келдинг, энди бермон қараб қолармиз. Ҳўп-пирим деб бир туриб кетсак, кейин ҳаммаси бинойидек бўлар. Сен ҳам мундай куйиб-пишиб бизни ётиб ёзғирайверма. Сал ўтсин товларга бирга ўриб келамиз. Ҳа ҳали отдай бўп кетамиз, девдай бўп кетамиз. Энг асосийси эгарда ўтиришни эпласак бўлди. Ҳисоб биззика, шунда бошдан туман таркайди.

Ана улим, чавондоз халқи ўзи шул. Эгардан йиқилиб лат еса ҳам, яна уни эгарга ўтқазишади. Шунда чавандоз енгил тортади. Отнинг парилари унинг дардини олади. Сайидқул чавандоз ҳам шуй демоқчи бўлганда асли.

Шу куйи Сайидқул полвон анча ётиб қолибди. Аммо бу воқеани ҳеч кимга айтмабди. Ҳа, шу... дейди, кўргани келган Мирзо Отакулга, бир ўқиб қўйсангиз, яна отдай бўп кетамиз, Худо хоҳласа, девдай бўп кетамиз. Мирзо Отакул Сайидқул полвонникига қатнайвериб, ўқийвериб тинмади. Охири дўстини оёқлантирди. Аммо от хангомасини полвон яқин кунларгача ҳеч кимга ёрилмади. Отга бешбаттар ишқибоз бўп қолди. От билан гаплашадиган, отининг гапини тушунадиган бўп қолди. Отининг кўнглида не гап бўлса барини биларкан.

Ана қўрдингми, улим, отга қараш, отбозлик қилиш дуруст. Лекин бунинг учун ҳаддан ташқари покиза бўлиш керак. Агар Саидқул полвон шу пайт бет-қўл ювуқсиз отининг олдига борганда иши чаток бўларди. От покизаликни суяди. Фаришталари ҳам шуни суяди. Парилари отнинг қулоклари орасида қўниб ўтиради. Шунинг учун отнинг бошига камчи солма, парилари аразлаб кетади, югурганда икки қулоғининг орасига тикилма болам. Девнинг тезлигидан шошган фариш-

талар кўзингга кўриниб кетмасин. Энди бориб ухла. Эртага кун қизиб Каттаарикда сув илигандан сўнг чўбирингни бир чўмилтир. Сувнинг тоза гум жойига олиб борсанг, ўзи ётиб-ётиб олади. Чотларидаги ит чибинлари қочиб, баданининг шўри ювилади. Бора қол, улим фақат эҳтиёт бўлиб жур. Чўбир чўбирда, минг қилганингда ҳам от эмас. Беўхшов қилиғи чиқиб қолмасин, Кейин жовурига ола бузоқнинг тезагини тортиб қўямиз, тузалиб кетади, худо хоҳласа. Асли жилқини жовур қилма, жовур бўлса, яраси ёрилмасдан совун суртиб эгар билан маҳкам босиб қўй. Сўрилиб кетади. Ёрилиб кетса иш чаток, тузалиши кийин. Аммо янги туғилган бузоқнинг тезаги тез эм бўлади, фақат ҳар куни эринмай тортиб туриш керак-да. Бузоқнинг дўнғолоғига етари жўк асли, жовур дорининг.

Чўмилтириб бўлганингдан сўнг яна яккамихга танғиб қўй. От билан ховлининг файзи ортади, бало-қазолар қочади. Тушундингни улим? Чунки дердилар отам чиппа-чини билан, асли юрти осмон, асли ўзи дев, шунинг учун шу ёқда не бўлаётган бўлса баригинаси-ни билиб туради. Фалакдан эниб келаётган бало-казоларни ҳали ерга тушмасиданоқ кўради. Сўнг ўхшатиб би-ир кишнаса бўлди, қанча офат, қанча бало бўлмасин, қўрққанларидан битта қолмай яна келган ерига қайтиб чиқиб кетади. Жилқиси жўк журт не бўларди, очик мозор бўлармиди, бало-қазо бемалол кириб, ўйнаб-ўйнаб куладиган ғамхона бўлади-да, болам.

Энди ухла, эрталаб чўбирингга чўбирсан демасдан от қатори яхшилаб қара, ювиб тара. Чўбир берган худойим от ҳам бериб қоларда, улим, ҳа ичингни кенг қилиб тур қани. Бу замонда шу жовур чўбир ҳам борда бор, жўқда жўқ. Асли ўзи жилқи зоти бакуват кўрингани билан дардга ўлгудек енгил келади. Тез касал бўлади. Ем-пемига аралашиб, билмасдан товук тезак еб қўйса, қоралак, захарак ўт егандек тўғри ичак бўлиб на тура олади, на юра олади. Ўраб-чирмаб, оғзи-бурнидан туз тикиб, йўрттирмасанг терламайди. Терламагунча кон сийиб, ичи кетиб тузалмайди. Бир балода-ей. Кўзикаса-ку, ишнинг расво бўлгани шул. Кўзиккан отни фақат Сайидқул полвон даволар эди. Бир ирим-сиримлари бормиди-ей. Қозон крумини қулоғидан думигача сочиб бориб, ерга бир тепиб

оғанга бор дер эдими-ей, ишкилиб эпларди-да, полвони курғир.

Узоқ масофа жўл журиб терлаб келган жилқини қантариб қўйилса ҳам тип-тикка қотиб қолади. Қавс бўлгани шу-да. Давоси бир-икки челақ қайноқ сувни отнинг тагига қуйиб, устига катта кигиз, ё гилам ташлаб ўраб терлатиш керак, оғзи-бурнини қисиб турсанг, кийналиб сийиб юборади, кейин тузалиши мумкин. Бўмасам нобуд бўлади. Охурни тоза тутмасанг ҳам шундай бўлади, тўрпоқлайди-да. Ана унда кўр азобни. Э айтаверсанг, гап кўп улим. Чириган емиш-хашак берма, сўлиқ касал бўлади. Озиб кетади тез-тез нафас олиб, ичини уради. Дармони жўқ-да. Ундай жилқининг одам бўлиши қийин. Ҳа, энди танглоқ-панглоқ бўлса тузатса бўлар. Танглоқ бўлмасин десанг, зўр жем жеб турган йилқининг ҳеч вақт бирдан емини узма. Фалокат босиб танглоқ бўлса, тишларининг милкига жуводдиз тикиб, қора қонини чиқариш керак. Оти бор уйнинг тўрида бир боғлам ондиз, бир боғлам ундов, бир боғлам адрасмон турсин улим. Шу ўтлар жилқининг не дарди бўлса барини олади. Худо жўл берса, хомикқанини ҳам, оёғига сув тушганини ҳам.

Ҳозирги эркаклар ҳам қизиқ. Қўлингдан от миниш келмас экан, кетайвер пиёда ё эшшак-пешшагингни миниб, ё мата-секил-патасекил мин. Не қиласан алам пуллик чўбирни оввораю, сарсон қилиб. Умрида от кўрмаган-да, ҳеч балони билмайди, жилқига эгар уриш ўйинчоқми сенга лаванг! Кечаям биттаси келди, ҳа, отингизни беринг эмиш. Ҳе-е дедим, аввал от не, чўбир не билиб ол, кейин қулоғингга қуйиб ол, от мингич эгар урушни, айилпуштон тортишни ҳам билиш керак. Ҳафта бурун чўбирни сўрадинг, бердим. Берганда гўр қилдингми, очик мазор қилдингми, қайтарингда эгарни ярим белига уриб, айилни салқи тортибсан, ана энди мунинг жовурини тузатаман деб, улимиз иккимиз ҳар куни икки марта бузоқнинг тезагини — дўнгглоғини чангаллашимиз керак. Ҳе ўргилдим сендайчикин от мингичдан!

Отамнинг содда, самимий қойишларидан от сўраб чиққан қўшниларимиз хафа ҳам бўлишмайди. Кейин ростини айтишади. Бурун сўнг йилки боқиб кўрмасак, фалончи ака,

энди би-ир ҳавас килувдик-да. Ҳавас қилган бўлсанг минасан ҳам, дейди отам, аввал муни бир чўмилтириб келсин, жовурини бироз қотирайлик кейин эҳтиёт бўлиб бориб келарсан эса, ука.

Отам отларни икки гуруҳга бўлиб атарди. Биринчиси — хоназот бўлса, иккинчиси — чўбир эди. Бияни ҳам от демас эдилар. Бия бу бия, бия ўз йўлига, от ўз йўлига. От туғмайди. Бия кулун туғади, Қулини трамоҳда туғилса жабағи бўлади. Кулун уч яшар бўлгунча тойчоқ, кейинроқ той бўлади. Учга киргач ғўнан, байтали ғўнажин бўлади, тўртга киргандан сўнг дўнан. Дўнажин қисир қолса, субай бўлади. Тўртдан ошиб беш-олти ёшни коралаб кучга эниб, суяғи қотиб, одам бўп қолдимо-ов, деб у ёқ-бу ёққа қараб кишнаб, одамсиб қолса кўрингки, қулинг ўргулсин отда. Ундан ё бедов-қочкир, кетгир югурак от, ё арғумоқ-танноз, худо ол кулим деб, накан-накани тулпор чикиб кетса... қўяверда, ҳай мундайчикини камдан-кам бўлади-ёв улим. Ҳай билмадим-да, мен эс билиб Оқтепасойда тулпор ўтганини эшитмадим, шу отамнинг Қора йўрғасидан бўлак. Сангир синчининг тарлонини ҳам тулпор ўтган дейишади, бари бекор гап, бир шанғи айғир эди, холос. Тулпор дегани қора бўлса Худонинг ол кулим дегани шул. Бу ранг асл отнинг ранги. Қора йўрға ҳам тим қора, бирон жойгинасида нўхатдек бўлса-да, бўлак рангда доғи жўк эди. Бировлар меҳмонхонанинг тўрига чиқиб олиб қариллашади-ей, қариллашади. Ундай-бундай, не эмиш асл ранг човқар-холдори кўк ранг эмиш. Оқ, кўк, саман, жийрон ҳам зўр-у, аммо қорадек маҳкам эмасда. Бекорга эл, қоранинг қони чиққунча, оқ, кўк сариқнинг жони чиқибди дермиди? Улар қорага қараганда сал бўштоб келади-да. Э болам, не бўлса-а, хоҳ кўк, хоҳ оқ, саманми, жийронми, бўзми, қора тўриқми, човқарми, олами ё жийрон ё тарлон бўлсин, ишқилиб от бўлсин-да. От, эр кишининг суянчи. Айниқса, хоназот отинг бўлса, бу дунёда беармон бўлганинг шул. Мен катталардек отларнинг тусини бир-бирларига аралаштирмасликка ҳаракат қиламан. Саманни — сариқ, тўриқни — қизил деб юборсам отамнинг аччиқлари чиқиб кетарди. От сенга сигир, ё қўймидики қизил ё сариқ дейсан, бетамиз, ахир у от-ку болам! От бу от-да. Уни хайвоннинг

ранги билан атаб бўлмайди, ахир у дев-ку, дердилар. Хайрон қоламан ўзи от бўлса, яна дев бўлса, бу ёғи қандай бўлди?!

Отамнинг от ҳақидаги суҳбатлари кизигандан-кизиб, қанча чўзилмасин барибир бир учи Қора йўрғага бориб тақалаверади. Асли дерди отам баъзан, ўша вақтнинг сайисларига ҳам, уларнинг отга ишқибозликларига ҳам қойил қоли-иб ўтираманда, улим. Ҳозиргининг отбозлари ҳар қанча отбоз бўлмасин биттасиям оти билан ётмайди. Ота, ўша кишилар оти билан бирга ухлашганми? Отам кулади, кейин носкадисини қидирақидира, бўлмасам-чи дейди. От билан ётмаса сайис бўладими?

Қора йўрғаям ўз-ўзидан Қора йўрға бўп қолди дейсанми, улим! Эҳ-хе-я, унинг ас-аса-ю дабдабаси оламни бузарди. Бир томонда Сайидқул полвон етмаганидек, Ўроз полвон, Аҳмад полвон, Узоқ парангилар отбозлик қиларди. Бири бўлмаса, бири ҳовлида қолиб Қора йўрғанинг тарбияси билан шуғулланарди. Қора йўрға яккамихни уч-тўрт айланиб тўхтагандан сўнг уларнинг бири отни тиндирмасдан яккамихнинг атрофида айлантриб совутган. Сўнг кашлаб-пашлаб олдиға тўрттагина чўкир беда солгандан сўнг эгари олиниб, ем беришган. Эҳ-хе-е, унга қилинган меҳнат, пошшо эди. Бу Қора йўрға, пошшо-я. Ёлини аёллардан бири келиб, силаб-сийпаб тараб кетарди, ёлининг қурч оғирлигини айт. Каттақўрғонга борса, шаҳардаги энам эркалаб парвона бўлган. Ана ундан сўнг кўр эшканнашини бу Қора йўрғанинг. Дунёда аёлнинг кўлидай майин нарса бўлармиди, шуни оти қурғур билганда. Эркалаган сайин эриб, ўршанглагани-ўршанглаган. Сайислари отхонада катта ҳаштакда ётишган отлар билан бирга-бирга. Битта тезаги тушса ҳам чиқариб ташлаган. От дегани... Шу пайт яна болалигимга бориб, хангомани бузиб кўяман. Ота, дейман, ҳаштак деганингиз не ўзи? Отам сўзлашдан шартта тўхтайди. Менга бироз норозидай қараб туради, сўнг анқара, дейди, анқара! Ҳали ҳаштак нелигини билмайсан. Ёстиқдай папкани кўтариб ҳар куни мактабга бориб келасан-у, ҳаштакни билмайсан. Отамнинг бир отхонаси бўғич эди. У «отхона» сўзини тантана билан айтади. Яна қирқ беш қадам ҳазил гапми, дейди. Кўпчилик одамларнинг ҳовлисининг ичи қирқ беш қадам эмас-ку. Икки қатор шопил устундан, узунасига ўн

бештадан жами ўттизта устун бўғич эди. Дарвозаси кўш табакали. Унча-мунча одам очиб-ёполмайди. Бениҳоят улкан ёғоч дарвоза эди.

Отхонанинг ичида отамнинг еттита оти саф тортиб турар эди. Қора йўрға, Кўрсаман, Жийрон кашқа... Яна қандай отлар бўларди, бари эсимда қоптими. Бари сатта кўпқари тоз отларни боқувга ташларди-да шуйтиб. Товда юргани қанчалигини мен билмайман. Нечи отлик меҳмон келса, барининг оти шу отхонага кетарди де. Икки қатор устун бўлса шунинг ўртангинасида бел бўйи кўтарилган супа-ҳаштак бўғич эди. Аёзли кунлари сайислар кигиз тўшаб, бошларига эгар-шолча қўйиб ёнбошлашиб гурунг қилишарди-ей, гурунг қилишарди. Ҳангоманинг баригинаси от тўғрисида. Сенга гапириб ўтирган гапларим ҳам асли шу гурунглارнинг қулоғимда қолган-қутганида, улим.

От ана шундай ҳам қудратли, ҳам нозик жондор, улим. Кучи кўп, кўнгли нозик, сал тегманозик десаям бўлаверади. Ҳозирги отлар янаям тегманозиктоб, орқа оёғидаги уч михли тақада базўр юради. Қора йўрға эса олдинги оёғида тўрт михлик, орқаоёғида уч михлик тақа билан юрган. Ана шундай зардаси баланд эди жониворнинг. Бадани қора қайроқдек қотиб кетган. Каттақўрғонга тўрт бориб келган вақтлари бўлган, аммо чарчоқ нелигини билмаган. Ҳар мускули полвонлар кўтарадиган тошдек бўлиб ўйнаб турарди. Учганда, шунда отам ҳикоясини тўхтатиб, менга қараб мағрур жилмайиб, кейин яна тузатиб қўярди, у шундай тез ва текисқадам ташлардики, оёғининг қимирлаётганини кўз илғамасди, кўрсанг худди ер бағирлаб учиб кетаётибди, дейсан. Эй улима-й, энди ундайчикин отлар қани. Тулпор эди-да, тулпор.

Бир куни отам қир боври билан ўтган йўлдан от солиб келаяпти де, мен Катта ариқда чўмилаяпман. Шу вақтлари сен қатори ёш боламан-да. Каттиқ шамол туриб тўполон бўлаяпти, кун бежоғим иссиқ. Шамол отнинг орқа тарафидан уриб турибди. Йўрға бўйинини бир газ қилиб чўзиб юборган қўйи шундай учиб келяптики, оёғининг тагидан кўтарилган чангни шамол тўзғитиб йўрғага ета олмаяпти. Ана қўрдинг-ми, улим, шамол тезмикан ё Қора йўрға, жонивор шамол-га етқизмай учгич эди-я, э товба!

Хоназот – бу суяги бузилмасдан асл девлик ҳолини сақлаб қолган аслзода дев-отлар. Оғзим очилиб анграйганимга отам хайрон қолмайди. Шуниям билмайсанми, дейди. Айтдимки ахир сенга неччи марта, отлар асли дев авлодидан деб. Сулаймон пайғамбар даврида отлар осмонда учиб юрар экан. Ҳар замон, бир замонда Қоф тоғи ортидаги Сут кўлига тушиб сув ичиб, сузиб-ўйнаб яна кўкка учиб кетиб қоларкан. Бу яrimi дев, яrimi жониворларни ҳеч тутолмаган пайғамбар кўлга уйқу дори куйдириб уларни охири ушлаб оларкан-у, яна учиб кетмасин, деб қанотларини кесиб ташларкан. Ул бўпти, бул бўпти, хулласкалом отлар бошқа уча олмай қолибди. Алғараз накан-наканларигина девлигига тортиб бизнинг Қора йўрға сифат учар экан. Аммо бундайчикини кам, асл тулпорларигина шундайчикин бўлади. Аслида ҳамма отларнинг ҳам атрофида гиргиттон юргич пари-девлари бор. Шунинг учун ҳечам улим, боя айтганимдек, қўлингни, юзингни ювмасдан жилқининг олдига бора кўрма. Ҳа, жилқи зоти хоназот бўсин, чўбир бўлсин озодаликни, покизаликни суяди. Парилари уларни ялайди-юлқайди, эркалайди. Шунинг учун жилқи жондор ўзини-ўзи яламаса-да ялтираб туради. Ҳар қанча ёлини тараб кўйсанг ҳам, думини тараб турсанг ҳам ўз-ўзидан ўрилиб қолайверади. Отамнинг отбозлигига ҳавас қилиб, мен ҳам жониворларни яхши кўрардим.

Бўйим етмаганлигидан охурга чиқиб отимизнинг ёлларини тараб кўйсам, эрталабгача бошқатдан шокила-шокила, кизларнинг қирқ қокилидек ўрилиб қолганлигидан хайрон қолар эдим. Кейин югургилаб отамнинг олдига келиб, ота дердим, отимизнинг ёли айтганингиздек ўрилиб қолибди, Тентак, дерди отам. Ҳали от не, чўбир не билмайсан. Ахир, у чўбир-у, шуям отми? Хоназот от дегани ё чопқирлиги, ё йўрғалиги, кучли, фаросатли девларга хос кўрқмаслиги билан бошқа жилқилардан ажралиб туради. Отамнинг Қора йўрғаси шундайчикин эди, жонивор, ранги тим қора, бахмалдек ялтиллайдиган туки текис ва қалта, гавдаси унча йирик бўлмаса-да энлик.



Қора йўрға, асл хоназот эди.

Устига минган чавандоз ўзини бир тахлам кўрпанинг устида ўтиргандек бемалол эркин сезар эди. Кўзи ўткир, сув-оловдан, баланд-пастликдан ҳайикмайдиган, хавфни олдиндан сезгич, яна ўлгудек қирик-покиза, тенги жўқ жўрға эди. Аммо бир чатоқ одати ҳам бўлган. Отамдан бошқа ҳеч кимни ёнига йўлатмаган ва бегона кўлдан жем-жемиш емаган. Ана, бу бўптида от!

Аслида жўрғалар уч хил бўлади, улим. Бир хил жўрға бор, лўкиллайвериб одамни безор қилади. Яна бирам хунук кадам ташлайдики, уни жўртоқи дейишади. Яна бири кийик каби отилиб кадам ташлайди. У ҳам яхши-ю, аммо чавандози тез толикади. Буни шунинг учун кийик-йўрға дейишади. Қора йўрғаси қургур ундайчикин эмас, сув йўрға эди жонивор. Сув йўрғада ўтирган одам энасининг тиззасида ўтирган гўдакдек озор топмай мазза қилади. Кун бўйи эгардан тушмаса ҳам асло толикмайди. Яна хар бир кадамни ўйнаётган танноз аёлдек адашмай, тергилиб бир меъёрда босади. Ана Худонинг каромати. Агар у дев авлоди бўлмаса, шундайчикин бўлармиди. Бўмасам дунёда не кўп жонивор-жондор кўп. Биронтаси Қора йўрға бўлиб бир йўрғаласинчи. Йўрғалаб бўпти. У юрмасди, баъзан оёғи ерга тегмасдан учарди. Туёғи ерга тегса бас, тупроқ-лой деган палахса-палахсалаб зарбининг зўрлигидан орқасига қараб йигирма-йигирма беш метр масофага учиб бориб тушайверган. Шунинг учун бирон жилки унга тенг юра олмаган, агар чопиб етиб юрса ҳам ўттиз-қирқ метр оралик сақлаб юрган. Чунки Қора йўрға орқага томон отиб кетаётган парча-парча лойдан куз оча олмаган. Жониворнинг шиддати шунчалар эдики, дарвозадан ҳовлига ўқдек отилиб киргач, таққа тўхтай олмай яккамихни тўрт-беш бора айланиб, кейингина жиловга бўйин эгарди. Ана кўрдингми болам, асл хоназот қандайчикин бўлишини. Сен бир чўбирни отга менгзаб ўтирибсан, суф-э сенга. Асли чўбирнинг шакли отга ўхшагани билан пийли ўхшамайди. Чўбир зоти ўлгудек кўски, шанғи бўлади, мирзо эмас-да, жомон, номард, бадфеъллари-ку хар кадамда учрайди. Ё билинтирмасдан ташлаб олади, ё тепади. Сермовичи энг ёмони, узангига энди оёқ қўйиб эгарга кўтарилаётган чавандозини орқа оёғини бир силтаб, чалиб юборади.

Жилқининг оёғи олдида, одамнинг не жони бор, Худо кўрсатмасин, бир силтов билан бир бечоранинг оёғи чиллак бўлиши ҳеч гап эмас. Ундайчикин молни, пастқамроқ жерга обориб миниш керак. Унинг устига чўбир халки кўп пешвой егич келади, суриниб юради, хайрон қолгир. Кейин не бўларди, очик мозор бўлармиди? Бемалол кетаётган чавандози илкис қоқилиб кетган жилқининг устидан учиб тушади-да. Ана сенга чўбир. Хоназот ўла қолса ундайчикин қилиқ қилмайди, улим.

Унинг устига чўбирнинг питиши-қўриниши ҳам хунук. Ё байтал калла, асли ўзи айғир бўлса ҳам, ё сағриси ясси, ё қорни осилиб тушган бўғоз биядек, ё туёқларини тап-туп бетартиб ташлайди, ё орқа оёғини олдингисига уриштириб юради. Уни пешвой егич, дейишади! Э, хулласкалом чўбир-да юрма, чўкирда юр, дегани шуда-е, улим. Чўбир шундай бир махлуқки, дўст-душман ажратмайди. Унга барибир. Одам бўлса бўлди, бўйин эгиб тураверади. Чунки зотининг тайини жўқ-да. Аралаш-қуралаш бўлиб кетган. Ана энди билдингми чўбир нею, хоназот нелигини? Ҳалиям тушунмадинг-а, ҳа каллаварам! Отам шундай пайтлари узоқ жим қолади. Мен бесабрлик билан Қора йўрғачи, дейман. Отам суйган сўзини ўнлаб бора қайтарар эди. Қора йўрға асл тулпор эди. Фаросати бир одамникидан ортиқ бўлса ортиқ, кам эмас. Отам уруш майдонига тушиб отишса ё қилич сермаса, Қора йўрға отамнинг йўриғига қараб юаркан. Искандар Зулқарнайнинг бир бало деган оти бўлган дейишади, оти ҳам нима эди. Бувисипо (Бутцепал демоқчи)ми? Хуллас шуда-е, сўғишда жовни тишлаб, тепиб, гавдаси билан уриб, Искандарга ёрдам берар экан. Ғиркўк, Бойчибор ҳам асли хоназот бўлган чиқар-да, бўмасам одам қатори уришармиди.

Отам неча марта Қора йўрғанинг шарофатиманам ўлимдан қолганлигини мен аниқ биламан. Оқтепани жов босганда отам ҳаммасини тирқиратиб қувиб солган. Қувиша-қувиша, отиша-отиша Зарбанд товнинг дарасига етганда ўкдек учиб келаётган Қора йўрға таққа тўхтабди. Отам — Қоракул мингбоши хайрон. Терлаб-пишиб, қорама-қора келаётган шериклари ҳам хайрон бўлиб тўхташибди. Ҳа, деб гапиринган отига, бир бало бўлдим сенга? Ўларсан-ов, чу! Қора йўрға қоқилган қозиқдек қотиб тураверган. Қизишиб кетган мингбоши қўлидаги

бешотарни елкасига ила сола эгардан ирғиб тушиб ўзи олдинга ўта-ўта отни юганидан тортган. Чу, хайрон қолгир! Қани юрса. Яна минган, ғазабланиб чу деган, от яна қилт этмаган. Умрида биринчи марта амрига бўйсинмаган Қора йўрғанинг чови аралаш аччиқ қамчи тортиб юборган. Шу вақтгача кумуш пойнакли ўрма қамчини шунчайин сиполик учун олиб юаркан. Шунда йўрғаси кургур не қилган де, мана сенга деб шартта бурилиб шу хайдагандан хайдаган, шу хайдагандан-хайдаган алғараз тўппа-тўғри ховлига кириб, яккамихни тўрт айланиб тўхтаган. Отам харчанд уринмасин уни тўхтата олмаган. Як жилов қилибди, бура олмабди, арра қилибди, тўхтата олмабди, секинлаш ўрнига рўбарўй жиловни босиб йўртармиш. Охири ол-е, дебди отам, билган номаъкулчилигингни қилмайсанми?! Охир бир жойга бориб тўхтарсан-да, деб келаверибди. Охири тўхтабди ҳам, боя айтганимдек яккамихни тўрт айланиб тўхтабди. Эгардан тушиб ҳа, дебди отам, ҳе буйтиб от бўлмай кет, бу не қилиқ? Уккағарларга етиб олиб энди ушладим, энасини кўзига кўрсатаман, деганимда нега буйтдинг? Одам бўлмадинг сен, барибир девсан-да, деб хомсиғибди отам. Қора йўрға бир оғиз ҳам гапирмабди, бошини четга бурибди. Аразлабди. Сўнг қамчи еган човини кўрсатгандек, орқа туёғини ерга тарс этиб уриб қўйибди, одамгарчиликми шу, депти. Бундай-чикин одамгарчиликдан девгарчилик яхши эмас-ми. Кейин юрганда халақит бермасин деб икки жойидан тугиб қўйилган думи билан уриб чотини кўрсатибди. Мингбоши қараса, узунасига чот аралаш тушган қамчининг изи бармоқдек бўлиб бўртиб чикқан эмиш. Отам бошини сарак-сарак қилибди. Лабини тишлабди. Қилган ишига минг пушаймон бўлиб, бошини қашлабди, этигининг қўнжига бир қамчи уриб уйга кириб кетибди. Адавур вақт ташқарига чикмай, кўксини ерга бериб ётибди.

Хуллас, отам кўп вақтлар ўйлаб юрибди. Ҳеч мундайчикин қилиғи йўқ эди мунинг, деб хайрон юрибди. Охир бир куни тушунибди ҳам. Қўлга тушган ғанимлардан бир мардроғи сўрок пайти туриб айтганки, Мингбоши ака, агар шу Қора йўрғангиз бўлмаганда эди, ҳў-ў шу бизни қувиб дарага қамаган кунингиз ишингиз чаток бўлар эди, Ҳе-е, депти отам, нега энди

чаток бўлар эди? Чунки депти шу жигит, биз тешик тошнинг оркасида бир милтик отарлик масофага яқинлашишингизни кутиб пусиб ётган эдик. Агар Қора йўрға бурила сола орқасига қараб ҳайдамаганида... Бўлди, депти отам. Бўлди, жўра энди тушундим. Шу гапинг ростми? Рост. Ҳалиги одам ичида ўзига-ўзи айтибди, аввал ўлмасам ҳам, энди ўлдим. Бу Қоракул энди мени тек қўймайди, ҳозирнинг ўзида теримни шилиб бошимга ёпади. Аммо гапидан қайтмабди, Ҳай, депти отам мулла Муродга, чеч мунинг қўл-оёғини, шоп-шалобу милтиғини ҳам қайтариб бер, истаган томонига кетаверсин. Мулла Мурод ҳайрон, жонини гаровга қуйиб мун тутиб келса-ю, мингбоши қўйвор, кетаверсин деса. Серрайиб турган мулла Муродга отам, майли депти, қўябер кетай берсин! Эр кишигина бировнинг орқасидан ўқ узмайди, Биз ҳам Мундайчикин эркак кишиларни отмаймиз! Бу жигит жувонмардга ўхшайди.

Ҳалиги одам уюшиб қолган қўл-оёғини ёзганга қадар талай вақт ўтиб ховлига чикса, Қоракул мингбоши Қора йўрғанинг бўйнидан қучоклаб хўнг-хўнг йиғлаётган эмиш, йўрғам, йўрғам, дермиш нукул. Қора йўрғагинам, ҳа сени урган қамчим титилиб жўлда қолса бўлмасмиди-я Қора йўрғам. Қора йўрғанинг ҳам кўзидан дув-дув ёш оқармиш. Ана кўрдингми, отамнинг жониворга меҳри шунчалик эди.

Ҳалиги жигит анг қолибди, танг қолибди. Кимсан Қоракул мингбоши, кимсан бутун Зарафшон воҳасидай кенг журтни оғзига қаратган, элнинг ўтағаси бир йўрғанинг бўйнига осилиб, сени негагина урдим, деб жилаб ўтирса-я. Шу одамнинг ноҳақ одам отишига ким ишонади, дебди. Шунда ҳалиги банди елкасидан милтиғини олибди, аста мингбошининг орқасидан кели-и-иб. Милтиқни қўндоғиманам қарсиллатиб... яккамихга биий-ир урибдики, милтик саккиз бўлак бўлиб кетибди. Ҳамма ҳайрон. Орқада наган тапанча ўйнатиб турган мулла Мурод ҳам ҳайрон, отқучоклаган Қоракул мингбоши ҳам, Қора йўрға ҳам ҳайрон. Охири ҳалиги бандилиқдан бўшаган жигит айтибди. Мингбоши ака, дебди. Мен сизни билмас эканман, ана энди билдим. Агар яна бир бор сизга қараб милтик кўтарсам қўлим

синсин! Отам оғир тин олди, кейин айтди. Шу одам кейинчалик ҳам, то ўла-ўлгунча ҳовлига келиб-кетиб турди.

Ҳар келганда яккамихга чуқур ботган изни кўрсатиб, манавини кўраяпсанми? Бизнинг милтикнинг қўндоғидан қолган-да бу из, деяркан, Яна айтар экан, шу-шу қўлимга қурол олмадим. Бари мулла... Қорақул аканинг тантилигидан асли, дерди камбағал. Мустаҳкам қайроғочдан ясалган, яккамихдаги бошбармоқ қалинлигича келадиган кемтикни менам яхши билардим. Яккамихнинг таги чириб олиб ташлаганимизга қадар турди шу милтиқ қўндоғининг зарбидан қолган из.

Отам жим қолди. Осилиб тушган мўйловларини силади. Менга бу гапди шу одамнинг ўзи айтиб эди, деди. Ана кўрдингми, хоназотни қандайчикин бўлишини! Отам яна узоқ жим қолди.

Ота, дейман отамга, Қорайўрғага кейин нима бўлди? Катта отам уни сотиб қўйдими? Э болам, нодон улим, отам ёнбошлаган томондан шахд билан туриб ўтиради. Эр киши отини, хоназотини ҳам сотадими? Отам мунгайиб қолди, узоқ вақт ерга қараб ўтирди. Мендай бир гўдагидан ҳам тортинмай, узоқ вақт елкаларини силкитиб-силкитиб, адавур вақт ерга қараб ўтирди. Кейин бу уккағарлар, деди отамни отишгач... У чуқур нафас олиб яна ерга қараб бирпас шу таҳлид тургач, Қора йўрғани ҳам газармаларига қайдаб кетишган дейишади. Шу вақт Қора йўрға бошида қўш каллак, олтин суви юритилган кумуш юган, худди шундайчикин ўмилдирик, энанг уйдаги катта сандиққа солиб қўйган тилла ҳалли узанги урилган холда Каттақўрғондаги ҳовлимизда экан. Соллотларга бўйин эгмай қўп можаро қилган. Кўплашиб уриб-сўкиб Қора йўрғанинг қиз боланинг кокилидек ёлларини, думларини қиркиб соллоти қилиб кузашган. Кейин бир ўрис командирга миниб юришга берган. Бегонага бўйин бермайдиган Қора йўрға пайт пойлаб янги хўжайинни ўхшатиб тепиб калласининг қатигини чиқарган, тўғри қишлоққа қараб қочиб хайдаган. Ярим кечаси макан. Ухлаб ётган эдик. Не пилла дарвоза олдига келиб тўхтаган от дупиридан уйғониб югургилаб дарвозахонага бориб зулфакни туширдим. Кўпириб кетган Қора йўрға одати бўйича

яккамихни уч-тўрт маротаба айланиб тўхтаб колди. Эгар жабдуқ анжомлари ўша-ўша. Аммо ҳамишаги шашти жўқ, гижинглаб ер тепиниш жўқ, бўйнини солинтир-и-иб турди. Ҳовлини мотам босган. Аёллар кўк кийган. Кимдир бир тутам беда ташлади-ю, от қайрилиб ҳам қарамади. Сал совигач Абдусамад ака келиб юган, эгар-пегарларни олиб, устини енгил шолча билан ёпиб қўйди. Йўрға безанглаб, жумийишнинг ўрнига қилт этмади... Ҳамма йиғлади, бизлар ҳам, укамларим ҳам йиғладик. Қора йўрға отамга аза тутди.

Тонг саҳар дарвоза орқали қишлоқ этагида бир дуркун соллот кўринди. Ҳамма билди, йўрғани кидириб келаяпти. Шунда Қора йўрға бир қадрайди, бир қадрайди, сўнг безовта бўлди. Думлари хода бўлди, кулоқлари динкайиб, жумийди. Яккамихни гир айланиб, арқонини таранг тортди. Ўхшатиб бир силтанди. Шарт этди. Арқон нўхтанинг тагидан чирт узилди. Қора йўрға ўкдек учиб дарвозадан чиқиб кетди. Ҳали-ҳали эсимда шунда ҳам югурмаган эди. Йўрғасини бузмай юлдуздай оқди. Соллотлар орқасидан тапур-тупур от қўйди. Чангига ҳам етолмай, лўкиллашиб ярим йўлда қолиб кетди. Ана одамгарчилик. Ҳовлига бир кириб от, дев боши билан отамга аза тутиб, хайрлашиб кейин кетганини айтмайсанми.

Орадан йиллар ўтиб улғайиб ишга ўтдим, деди отам. Нурота тарафларга давлат одами, финагент бўлиб солиқ тергани бордим. Шунда Қора йўрғани дарагини эшитдим. Уни таниганлар Қора йўрға яқин ўн йиллардан бери ҳеч кимга тутқич бермай уюрма-уюр, тоғма-тоғ, дарама-дара бедов юрибди, деди. Юрагим узилиб товонимга тушди. Яхши бир хоназотим бўғич эди. Шуни миниб Нуротага, Лангартоғ томон от солдим. Сой кездим, чикмаган чўққим, емаган сўққим колмади. Аммо Қора йўрғани на ўзини, на дарагини тополдим. Охир Зулкарнайн деган қишлоқда, бир синчи шуй деди. Болам деди, мен излаганингни биламан. Ундан умидингни уз. Неча замон, неча йил баданига қўл тегмасдан Қора йўрға бошкатдан қанот чиқарган, олдига борар-бормасингдан учиб кетади. Ҳушим бошимдан учди. Йўғ-э, дедим. Қушга ўхшаб учадими? Чол гувранди, тамшанди. Ёнбошлаб ўтирган қўйи нос отди.

Унчалик бўлмаса-ям, деди, оркасидан от солиб етолмайсан, жилқи зоти сакраб ўта олмайдиган зовлардан қайтиб ўтади еса, сакраб ўта олмайди-ку, учиб ўтади-да. Барибир ўзини ҳар кимга ҳам кўрсатавермайди, ушлашга-ку йўл бўлсин. Тарвузим қўлтиғимдан тушди. Хоназотимни орқага бурдим, Қора йўрғани биров бошқа кўрдим демади. Отам узоқ жим қолди. Осмондаги ой ҳам хира тортиб қолгандек туюлди; ой шом еди, маъюс ҳаёлимни яккамих тарафдан от кишнаши бузди. Отам ҳа-а-й, деди, кетди палакат, аммо бу сафар товуши сал бўштоб эшитилди.

Мен ҳам улғайдим. Аммо Қора йўрға тўғрисида бошқа ҳеч гап очмадим. Очиғи отамнинг яна йиғлашидан, эзилишидан кўрқдим. Йиллар ўтиб отам ҳам дунёдан ўтди. Энди менга на от, на чўбир тўғрисида ҳеч ким ҳеч нима гапириб бермас эди.

Ҳовлимиздаги яккамих ҳам бўм-бўш, сўппайиб турар, Қора йўрғани, мингбоши бобомни ва отамни эслардим. Унинг оти бор журтга бало-қазо, палакат доримайди деган сўзларини эслардим. Отам ҳам, мингбоши бобом ҳам. Қора йўрға, унинг яккамихи ҳам узоқ ўтмиш бўлиб қолди.

Бир кун ногахон яна Қора йўрға тўғрисида бир ғамгин хабар топиб олдим. Энди бу ҳақда Республика Фанлар Академияси журнали «Фан ва турмуш» (1997 йил, 1-сон)да ТошДУ аспиранти (балки ҳозир фан номзоди ёки фан докторидир) Абдумурод Тилавов ёзар эди. Айнан келтираман: «Бир пайтлар Зулқарнайн қишлоқ атрофида (Бизнинг ҳовлимиздан 80 км шимолда А.Н.) қора рангли, учқур бир тулпор бўлган. Бу тулпор ҳеч кимга тутқич бермас экан, ниҳоят ҳамқишлоқлар олтмиштacha от билан уни олдиндан тайёрлаб қўйилган «тузоққа» ҳайдаб келишади. От қутилмаганда жуда баланд қоядан сакраб қочган. Шамши мерганга уни олиш буюрилади... Ярадор бўлган отни «ҳалол қилиш» учун сўйишганда тулпорнинг икки қўлтиғи остида букланиб ётган қоп-қора қанот чиқади. Қассоб чўчиганидан бўлса керак, кўп ўтмай оғир касалликка чалиниб ҳаётдан кўз юмган. Шамши мерган ҳам хасталаниб бир ўлимдан қолган.» Бу ҳикояни

аспирант А.Тилавовга худди шу Шамши Мерган гапириб берган экан.

Зулқарнайнга Қора йўрганинг «изи»ни кидириб борганимда, Шамши мерганни дунёдан ўтиб кетган, дейишди. Аммо бир қария айтдики, от билан одам қисмати кўпинча ўхшаш бўлади, қачонки бу иккови калин дўст бўлишса. Қоракул мингбоши ва Қора йўрға қисмати ҳам, номлари ҳам, худди уйқаш бўлиб чиқади. Иккови ҳам шу элга, шу юртга хизмат қилди. Икковини ҳам офтобрўйда танимаган на қари, на ёш бор. Икковини ҳам худди шу ўзлари суйган, ўзлари қўриган одамлар отди. Ўхшашликни қара, Қоракул мингбоши ҳам, Қора йўрға ҳам бирпасгина бўлса ҳам озодликда юрай, деб ўлиб кетди. Қисматни қўрдингми, болам?

Мен индамадим. Қоракул мингбошининг неварасиман ҳам демадим. Уйга келиб, эна дедим. Ҳа, деди энам. Сандикни очиб менга Қора йўрганинг узангисини олиб беринг, дедим. Тўксонни қоралаган энам ивирсиб кўҳна сандикнинг тубини узоқ титкилади. Бир тугун чиқарди. Ихраб-сихраб уни ечди. Бундан нақд 79 йил муқаддам Қора йўрға ҳовлидан охириги маротаба чиқиб кетар тонгда қолдирган сержило, жозибадор тилла ҳал аралаш қумуш суви юритилган, ислимий нақш чекилган нафис бир пойгинаси сақланган узангини узатди. Ма, деди, не қиласан мун? Ишим борда, эна, дедим бағримга босиб. Сўнг ҳовлига, энди яккамихи йўқ ҳовлига, кейин Қора йўрға неча бор йўрғалаб ўтган қир йўлига чиқдим. Октепа бозори томон кетдим. Қўйнимда Қора йўрганинг бир пой узангиси ва ўтган ҳафта сотган болали сигирнинг пули. Ҳозир тўғри бозорга бораман-у от оламан. Чўбир бўлса ҳам, чўнток бўлса ҳам, белига манови бир пой гулдор узангини, мингбоши бобомдан, Қора йўрғадан қолган арзанда ёдгорликни осиб уйга келаман. Кейин уни ҳовлининг ўртасига кичикроқ бўлса ҳам яккамих ясаб танғиб қўяман. Йилким осмонга қараб бир кишнаса эди. Аммо от сотиб ололмадим. Шу бозор ҳам, келгуси бозор куни ҳам анконинг уруғидан бўлак нарсани топса бўладиган Октепа бозорига от тушмади. Гулдор бир пой узангига худди биринчи қўраётгандек яна узоқ тикилиб

қолдим. Шунда мингбоши бобомни, унинг Қора йўрғасини, отамни ва бир неча йил бурун олиб ташланган қайроғоч яккамихни қанчалик соғинганимни сездим.

*«Ишонч» газетаси,
2004 йил. 6, 7, 9, 10, 13 июль,
108, 109, 110, 111, 112-сонлар.*

ГЎЗАЛЛИК НИМА?

(ёки 40 йиллик савол)

Рўпарамдан бир опа кела бошлади. Кўзлари ерга тикилган. Енгил қадам ташлаб менга тенглашди. Бир учи елкаси оша орқага сириб қўйилган рўмоли хаёлчан юзини нимҳол бекитиб турган бўлса-да, истараси иссиқ кўринди кўзимга. Беихтиёр салом бердим. Кўлини кўксига қўйганча хиёл назар ташлаб ўтиб кетдилар. Кимида? Қандайдир таниш чеҳра. Э ха-а, бўлди, дедим ўзимга ўзим, эсладим. Болалигимнинг кадрдон хотираларидан кўнглим ёришиб кетди.

Ўшанда ёз палласи, 4—5 ёшар бола эдим. Аллақачон қалдирғоч, чумчуқлар чуғурлашиб даҳлиздаги тўсин, том бўғотларига қурган уяларидан сап-сарик тумшуқчаларини бор бўйича очиб чийиллашаётган полапонлариға қурт-кумурсқа ташиётган бир пайт. Ҳамма томони берк, дим ҳовлимизни тарк этиб чайлабошига кўчиб чиқардик. Чайлабоши деганимиз бу яккахона иморатдан иборат. Олдидаги ҳовузчаси атрофига бир тўп тол экилган кенг супалик боғ ҳовли эди. У атрофи узумзор билан ўралган ялангликда жойлашган бўлиб, бир томонидан чоғроқ ариқча тўлиб сув оқарди. Кўчишимиздан бир-икки кун олдин опаларим-акам, онам бошчилигида ён-атрофни супуриб-сидириб, озода қилардик. Мен бу ишларнинг тезроқ саронжом бўлишини сабрсизлик билан кутиб, гоҳ ариқчадан челақда сув ташиб кўлоблатиб сепаётган опаларимнинг, гоҳ тол новдаларидан тўқилган букри бел, ёғоч ғилдиракли замбилғалтакда

чираниб супуриндиларни бир чеккага тўплаётган акамнинг оёқлари остида ўралашаман. Ишлар эртароқ тамом бўлса танасига қучоқ етмас тутнинг шохига аркон ташлаб аргимчоқ қурилади. Кейин энг кизиги, ховлидан рўзғор буюмларини ташиш бошланади. Опаларим кўрпа-ёстикдан тортиб, қозон-товоқчача бўлган какир-қуқурларни галма-галдан ташишар, мендан сал дадилроқ акам эса эшагимизда олача, гилам каби оғирроқ юкларни олиб кетарди. Бундай вақтларда отамнинг деворда осиглиқ турадиган сербезак дуторини олишим учун менга анча кўз ёши тўкишга тўғри келарди. Аслида дуторни бизнинг қўлимизга берилиши падаримиз томонидан қаттиқ таъқиқланганлиги учун лоақал бир ушлаб кўришга ҳам жуда хавасманд эдим. Мақсадга эришгач, аввал кўрпа-тўшак кўтарган опаларимдан билдирмасдан ортда қола бошлайман. Кейин тупроқ йўлга оёқларимни баралла узатиб отамга таклид қилганча сознинг торларига панжаларимни уриб кўраман. Аммо ундан мен кутган, яъни отам чаладиган оҳанглар таралмасди. Дутор сеҳри бутун ҳаёлимни банд этганлигидан опамнинг узоқдан чақираётган товушини дарҳол англай олмайман. «Тезроқ келақол, — дерди, опам, кўзингга қараб юр, оёғинга чўкир кирмасин». Бу меҳрибон, аммо сал сержаҳл товушни яхши кўрар ва бироз кўрқар ҳам эдим. Ноилож йўлга тушаман. Чайлабошига етиб келганимда кўрқув ва ачинишдан опамнинг кўзлари катта-катта бўлиб кетди. Вой ўлай, энди отамга нима деймиз? Қўлимдагини ташлай сола ура қочаман. Дарҳақиқат, дуторни попук боғланган қулоғидан ушлаб қорнини ерга судраб келаверган эканман.

Уйимиздаги бизнинг тегишимиз қатъиян тақиқлаб қўйилган иккинчи буюм бу сарик рангли, текис, ялтироқ ёғоч кутилик, олдига жимжимадор мато тутилган радиоприёмник бўлиб, унинг икки четидаги қулоқларини бураб кўриш ниҳоятда марокли бўлса-да отамизнинг қаҳридан кўркиб яқин йўламасдим. Аммо уйда ҳеч ким йўқ паллалари аста қўл теккизиб ёки лампасининг ёруғи тушиб турадиган тешикчасидан ичидаги ашулачи опалар кўринармикан, дея мўралаб кўрардим. Унинг ён томонида битта ўша радионинг ярмигача ва иккита катталиги росмана мусулмони хом гиштдек келади-

ган жами учта батареяси токчамизни банд қилиб турар эди. Радио ҳамиша ҳам гапиравермасди. Унинг мурватини отам ёки онам гоҳ-гоҳдагина бурар, бу кўпроқ, эрта билан, тушда ва кечки овқат пайтида бўлар эди. Йўкса батареянинг қуввати тугаб қолади, деб уқтирардилар отам.

Отам таралаётган куйга қамоҳанг бош чайқаб ўтирар, биз шовқин қилиб ҳалақит берсак, норозиланиб, оббо, булар наъманинг (куй демокчи) қадрини қайдан билсин дегувчи эди. Баъзан радиода куй-қўшиқ тугагач, отамнинг ўзи ҳам деворда осиглиқ турган дуторни олиб, уни аввал эринмай чангларини артиб тозалар, кейин эса митти хўкизчанинг шохидек чиройли қайрилган қулоқларини хафсала билан тоблаб обдон созлагач, бирон машқни чалиб берардилар. Одатда, бундай паллалар окшом отам ишдан қайтиб, кечки дастурхон йиғиштирилган пайт бўларди.

Ён-атрофда бири-олиб бири қўйиб қуриллаётган қурбақалар, басма-басмасига чириллашаётган қора чигирткаларнинг товуши ёз окшомларигагина хос бўлган сокинлик билан қоришган дамларни жуда хуш кўрардим. Хатто доимо жиддий юрадиган падаримиз ҳам бу пайтлар мулойимлашар, унинг бу дилкашлиги бизга ҳам ўтиб, яна куйдан завқланиб дуторни яқинроқдан кўриш ва яхшироқ эшитиш учун отамнинг елкаларига бориб суйкалганимни билмай қолардим. Отам ўшанда сознинг учида осиглиқ турган шода-шода попук-туморларни кўрсатиб; кел улим, манавини тишлаб иккала қўлинг билан қулоқларингни ушлаб тургин, яхши эшитасан», дердилар. Яхши эшитганимни эслай олмайману, аммо куй тугагунча оғзим билан қўлим банд бўлганлигидан гапиравериб даврадагиларнинг ғашига тега олмаганим эсимда.

Туш пайтлари отам ишда бўлар, тол соя ташлаб турган супага қўшни аёллар тўпланишиб иссиқдан бўғриккан юзларидаги терни дам-бадам сидиришиб, кенг енглари билан елпина-елпина чой хўплар, бири олиб-бири қўйиб суҳбатлашишарди. Баъзан эса хой фалончи дейишарди онамга қарата, радиёлингизни (радио демокчи) қўйинг, қўшиқларидан эштайлик. Қишлоғимиздаги ягона радио бизникида бўлганлиги онамни ғоятда фахрлантириши унинг ҳаракатларидан кўриниб турарди,

Шунда онам тантанавор бир-бир босиб токча ёнига борар ва гулга кўниб турган капалакни ушлаётгандек бош ва кўрсаткич бармоқларида охиста радио қулоғини бурайди. Ён теваарак ялангликлардаги янтоқзор ва тут бутокларига ўрнашиб олган жизилловуқ кўнғиз ва мусичаларнинг жиз-жизлаши, гувв-гуввллашини босиб майин оҳанг таралади. Бу ашулани тез-тез эшитганим учунми ёки куй сеҳрининг кучими, ашулачи опанинг ширин лафзими мени дарров мафтун этарди.

Дейдиларки, шахримда бир гўзал бормиш.

Ҳар оқшом боққа кириб, мени сўрармиш.

Изларимни тополмай оҳлар урармиш...

Бу ашула таралаётган марказнинг номинигина эмас, унинг шаҳар эканлигини ҳам унча англай олмасдим. Опа дердим хотинлар уй-уйларига тарқаб кетгач онамга бароқ мушугимизга ўхшаб суйкалиб. Шаҳар дегани нима? Онам бунақа саволларимнинг кўплигига кўникиб қолган бўлсалар керак, шунинг учун пинагини бузмай бир йиғириб турган урчуғига, бир чап билагига ўралган юнг ўрамига қарай-қарай эшилаётган ип арқоғини тўғрилар экан, шаҳар тўғрисида сўйлаб берарди. Онамнинг тиззасига бош қўйиб ётганимча шаҳарнинг баланд-баланд бинолари, серкатнов кўчаларини хаёлан қишлоғимизнинг баҳор паллалари кип-қизил лолақизғалдоқлар билан қопланиб, ёз жазирамасида қуриб қақшайдиган лой сувок пастак томлари, иланг-биланг сертупроқ кўчалари билан таққослай олмасдан, онамнинг қўй кўзларига тикилиб туриб навбатдаги саволимни берардим. Ундай бўлса гўзал нима? Онам энди бироз ҳайратланганча ишидан нигоҳини узиб менга анқайиб қарайди. Баландга кўтарилган юнг ўроғлик қўлини пастга туширади. Бир зумдан сўнг лаблари ортидан оппоқ тишларини ним кўрсатиб жилмаяди. Бу гапни қаердан олдинг? Мен бир пас жим қоламан, Кейин «ана радиёлдан айтаяпди-ку», дейман онамнинг ҳеч нарсани билмаслигига ажабланиб. Онам яна жилмаяди. Ундай бўлса Ҳадияхон опангдан сўра. Мен Ойша хола, Ҳикмат хола, Тилла хола, Соғдат (Саодат) чеча, Микар (Мукаррама) амма, Зебо, Одаш, Бахмал опаларимни билар эдим, лекин уларнинг орасида Ҳадяхон опани эслай олмаганим учун, яна онамни саволга тутаман. Ҳадя опа ким

ўзи? Онам аллақачон яна урчуғини йигираётган бўлади. Ана шу ашулани айтган опангда деб қўяди оҳиста. Энди бола хаёлимни бошқа ўйлар чулғаб оларди. Ҳадяхон опам қаерда экан ҳозир, бизникига қўшни хотинлар каби чой ичгани қачон келаркан, у кишини қачон кўрарман экан?! Аммо буни онамдан сўрагани бироз иккиланиб тургач. юмшоқ жойимга шапалоқ тушиб қолишидан хавфсираб куюқ тол сояси тагида ўртоқлари билан кўчмак (тўққизта пиёладек чуқурчага қўй қийини ташлаб ўйнайдиган ўйин) ўйнаётган акаларим олдига шошиламан. Аммо ўшанда ҳам Ҳадяхон опамнинг юз-кўзларини тасаввур қилишга ҳаракат қилиб кўраман. Қаердандир Шаҳодат янгамга ўхшаса керак деган хаёл келиб қолади. Қайдам дейсиз. Балким янгамни жуда яхши кўрганлигимдандир. Балким янгамнинг баъзан уй ишлари билан бўлиб, секин ҳиргойи қилишидандир.

Янгам аммамнинг уйига янги келинчак бўлиб тушган. Баъзан деразасидан аста мўралаганимда чиройли читқўйлакларини кийиб, гулгун сўзаналар безаган уйини супураётган ва оҳиста ашула айтаётган бўлиб чиқади. Дейдиларки, шаҳримда бир гўзал бормиш... Балки Ҳадя опам ҳам ашула айтишни Шаҳодат янгамдан ўргангандир дейман ўзимча. Мени кўриб колса ура қочаман. Баъзан эса ушлаб олади. Қучоқлаб юз-кўзларимдан қайта-қайта ўпади. «Айланайин шу боладан», — дейди. (Янгаларимиз исмимизни айтиб чақирмасдилар). Акангиз аскарликдан келсалар сизга қоғозли конфет бераман. Юлдузли шапкасини қам берасиз-а, деб қўяман кўлимга қистирилган туршак ёки қуртни лунжимга тикар эканман. Яна Ҳадя опанинг ҳам кокилларига Шаҳодат янгамникидек попук тақилганмикан, ёки бағридан нозбўй ҳиди келиб турармикан, мени кўрса айланайин шу боладан, деб ўпармикан-а, дея ўйлайман. Кейин уялиб янгамнинг юмшоққина қучоғидан сирғалиб тушганимча том орқасидаги чорбоққа қочиб кетаман.

Хали айтганимдек Шаҳодат янгам яқинда отамнинг жияни Музаффар акамга тушган. Тўйларидан уч ой ўтгач Музаффар акамни армияга чақириб, жуда узоқ ва совук кишлоқларга аскарликка жўнатиб юборишибди. Мен буларни эслай олмасамда уйимизга радио эшитгани йиғилган аёлларнинг гап-сўзларига қулоқ тутиб билиб олганман. Шаҳодат янгамнинг

уйининг тўрида у кишининг ироқи дўппи кийиб тушган каттакон сурати осиглик турарди.

Шадад (Шаҳодат демоқчи) бежай келинчак-да деб қолади ҳар замонда Ойша хола ияги бурнига теккудек бўлиб. Келинлик синини ҳеч бузмайди. Мана уч жил бўлаяпти, Мукаррамдан бесўров на марака, на тўйга чиққанини билмаймиз. Иболи бўлса ўзига яхши-да, гап кўшарди яна биттаси. Бурунги келинчакларнинг шарму ҳаёси қайда дейсиз, ҳозиргилардан кудой сакласин. Жўк, Шадат айтавур мундай чикин эмас. Куёвини соғинади, соғинмай бўпти, лекин ҳеч сиртига чиқармайди, курғур, дейди атрофдагиларга бир-бир қараб.

Кўп ўтмай Музаффар акам армиядан қайтди, Кузнинг илиқ серкуёш кунлари эди. Мукаррама аммам бўлиқ гавдасига ярашмаган чакқонлик билан ҳар иккала қўлига иккитадан жами тўртта сабов (тол ёки тут хипчин) олиб айвонда пахта савар эди. Мен нимагадир кўшни болалардан ажралиб куви пишаётган Шаҳодат янгамнинг олдида куйманиб қолдим. Шунда у киши бир парча қора буғдой ноннинг юзига сариеғ суртиб қўлимга тутқаздида, энди журунг айланайин ҳона бола (ҳай бола демоқчи), ирkit тўрванинг оғзини ушлаб туринг, мен айронни қуйиб олай деб қолди. Дарров бориб ирkit атрофида ғужғон ўйнаётган пашшалар қулоқ-бурнимга кўниб ғашимни келтирса ҳам парво қилмай, янгам ёғ суртиб берган нон парчасини оғзимда тишлаб, бир жуфт ходага иккала томонидан осиб қўйилган ирkit тўрванинг оғзини очиб ушлаб турдим. Янгам анча дуркун эдилар. Кувини даст кўтариб айронни тўрвага ағдара бошлади. Шу пайт кўчадан шовкин-сурон кўтарилиб кимдир дарвозадан отилиб кирди-да телбалардек бакирайверди. Суюнчи, суюнчи!!! дерди у нафаси бўғзига тикилиб, суюнчи беринг, Музаффар акам келаяптилар! Мукаррама аммам аввал ағрайиб турдиларда, кейин қўлидаги сабоғини ҳам ташламасдан, «вой суюнчи деган тилгинангдан айланай, ҳовлимда қўлингга не илинса сеники, олақол», деганча ғоздек лапанглаб дарвозага томон интилди. Аввал эътибор қилмабман, бир вақт қарасам, кувидаги айрон ирkit тўрвага эмас, оёғимга қуйилаяпти экан. Чеча-чеча, дедим шунда, айрон... Қарасам янгамнинг ранги қув оқариб, қалт-қалт

титраётганини кўзларининг жовдираб дарвозахонага томон тикилаётганини сезиб қолдим. У нукул, вой, вой хона бола, болажон,- дерди. Кейин кувини ерга кўя сола, бирдан дарвозахонага томон эмас, боққа олиб чиқадиган дарича тарафга томон югуриб кетди. Бир пасда ховли одамга тўлди. Ҳамма солдат билан кўришиб ўзларини босиб, аммам бироз йиғи-сиғи қилиб олгач «Бир кулиб, бир кўз ёшини артиб, юз ойдин! юз ойдин! деган хитобларга, ҳамиша ойдин бўлсин, деган жавоблари бироз сийраклашгач, ҳов Шадат қани?», деб қолди. Хуллас янгамни кечкурунгача «йўқотиб» қўйдик. Охири уни қўшни ховлидан топиб олишди, нега ундай қилдинг дейишса, «уялдим», деган экан.

Бу гап жуда тўғри ва бундай бўлган эди. Ҳаммамиз меҳмонхонада эдик.

Музаффар акам баланд бўйлик, кўзлари йирик-йирик, мардона юзлари тошдан тарашланган каби таассурот қолдирсада, мулойим кулгувчи, ғайир сочлари орқасига таралган хушбичим йигит эдилар. Ҳарбий мундир унга хўп ярашган, ҳатто чеккасига қўндирилган пилоткаси ҳам худди ўзига мослаб тикилгандек, ўнг томонига кийшайиб, юлдузли кирраси нақ қора кошининг устига келиб қўнганди. Мен унинг зарҳал погонлари, ялтироқ мис тугмачали тик ёка мундири, худди шундай қўйлаги ҳамда энг қизиғи хипча белини сириб турган каттакон мис тўқали камарларига ҳавас билан тикилар эдим ва айни пайтда, агар катта бўлсам, ҳарбийга бориб, мен ҳам худди шундай кийиниб, каттакон қизил жомадон кўтариб келаман, жомадонимда ҳаммага, жумладан онам, Шаҳодат янгамга ҳам совғалар бўлади ва улар ичи ҳам худди сиртидек қипқизил жомадонимни кўрганларида, олиб келган совғаларимнинг кўплигидан оғзилари ланг очилиб қолишар ҳойнаҳой, дея ўй сулардим.

Кечга томон меҳмонлар сийрак тортиб меҳмонхонада учтўртта қўни-қўшнилар ёнбошлашиб чой ичишар,хушчакчак гурунглашардилар. Аммо Музаффар акамнинг нимадандир безовта бўлгандек тез-тез ховлига чиқиб, меҳмонхонага кириши, ичкарида ўлтирганда ҳам чой-нон баҳона дераза оша ташқарига назар ташлаб қўяётганлигини гўдак ҳолим билан ҳам илғаб ўтирардим. Чунки мени ташқарида чуввос солиб

ўйнаётган тенгдошларим ҳам, акамнинг дам-бадам бери кел энди, аскар акангни чарчатиб қўясан, дея чорлаши ҳам қизиқтармасди, Музаффар акамнинг юқори томони кенг пастки томони болдирларига ёпишиб турувчи галифе фасон шими сириб турган бақувват тиззаларига суянганимча катталарнинг ҳангомасига безътибор ўтираман. Музаффар акам ташқарига чиқса, қўлларидан ушлаб ташқарига чиқаман. Ва айни пайтда кип-кизил юлдуз қадалган яримта қалпоқ, қовун пўчоғини эслатувчи пилотка, ҳамда сариқ тўқаликамарни қўшни болалардан биронтаси илиб кетишидан ҳадиксирайман.

Қуёш ботар арафаси подалар қайтар пайт, қишлоқни ажиб бир сурон — сигирларнинг бузоғини соғиниб мўраши, эшакларнинг ҳанграб, итлар акиллаши авжига минар, бир палла Музаффар акам билан ховлига чиқдик. У менга мулоим жилмайди. Кейин, тоғача, деди. Чечанг қани, нега кўринмайди? Бу пайтда ҳам икки кўзим юлдузли пилоткада эди. Музаффар акам худди ўзининг саволидан хижолат тортгандек ўнг қўли билан пилоткасини ечиб, чапқўли билан панжаларини тарок қилиб сочларини тўғрилади, белини сириб турган камари бўйлаб мундирини орка томонга тортиб, каттакон, қолқора, нақ пойафзал мойи анқиб турган этикларини ерга тап-туп урди. Кейин мени даст кўтариб, нега индамайсан, чечанг қани, деди оҳиста.

— Айтиб келайми, — дедим.

— Оббо сен-эй, қаерда ўзи у?

— Билмасам.

— Унда қандай қилиб чакириб келасан?

— Излаб кўрамызда, — дедим катталардек, — фақат келгунимча қалпоқчангизни ҳеч кимга бериб қўймайсизми?

Музаффар акам, кўзларини катта-катта очиб менга бир зум қараб тургач бирдан қах-қах уриб, хандон отиб, оппоқ тишларини баралла кўрсатиб кулди. Кейин, э йўқ-э, бу фақат сеникида тоғачам дея, фуражкасини бошимга кийгизиб, ана энди кўнглинг тинчидими, дея яна қах-қах уриб кулди. Оббо тоғачам-эй, оббо тоғачам-эй у ҳамон куларди. Фуражканинг менга насиб этганидан хурсанд бўлиб, менинг ҳам оғзим

кулоғимда. Бор энди, фақат салом де, аммо ҳечким билмасин, хўпми, дедилар Музаффар акам оҳиста ва хавотир олгандек атрофга бир кур қараб кўйиб, аслида шундай ҳам ҳовли саҳнида иккимиздан бўлак ҳечким йўқ, фақат этак тарафдаги ўчоқбошида хотин халажлар куйманишарди. Аммо Музаффар акамнинг шу аснода дув кизарганини ва мени кўтариб турган мушакдор қўллари хиёл титраб кетганлигини сездим. Кейин у кишининг бағридан тушасолиб, бир қўлим билан резинкаси бўшлиғидан дам-бадам тушиб кетаётган иштонимни, бир қўлим билан бошимда қозондек бўлиб турган фуражкани ушлаганимча боғ қовлига олиб чиқувчи дарича томон зингилладим.

Аммо боғча бўм-бўш, кимсасиз эди. Не қиларимни билмай бирпас туриб қолдим. Шундагина боғ этагидаги олма ниҳолини подадан айрилиб қолган бир жуфт елиндор эчки, худди одам каби икки оёқда туриб новда баргларини кемираётганлигига кўзим тушиб қолди. Қўлимга илинган хивични олиб эчкилар томон югурдим. Ча, ҳа, тишинг сингурлар, ча деяпман! Эчкилар зингиллаганларича боғ этагидаги даричадан чиқиб тўғри амакиларимнинг ҳовлиси томон кетди. Ортидан мен ҳам чопдим. Эчкилар билан қорама-қора пастакгина дарвоза ўрнини ўтовчи даричадан амакимларнинг ҳовлисига кирганимда, янгамнинг ҳам ўша ерда эканлигини кўрдим.

Шаҳодат янгам тандир олдида туриб, қўлларида рапида иссиқ нон узаётгандилар. Чеча, чеча дедим ҳаллослаб, у кишим менга ялт этиб ўғирилдилар. Вой айланай ҳона боламисиз. Шапкаларингиз мунча чиройлик?! Акам бердилар. Сизга салом, дедилар. Янгамнинг тандир тафтиданми, балки яна нимадандир бўғриққан юзлар янада дувв кизарди. Рўпарамга чўк тушганларича икки кифтимдан ушлаб ўзларига қаратган кўйи, ростданми, ростдан салом айтдиларми?! деди. Ҳа дедим, ростдан, юринг тезроқ, бирга борамиз. Нега сиз бормаяпсиз, ҳамма келиб кўришиб кетаётибди-ку? Янгам жилмайган кўйи одатдагидек мени шарт кўтариб бағриларига босдилар, Ундан ғўзапоя тутуни аралаш, иссиқ нон ҳиди келар, ўзи секин титрарди. Салом айтди, денг дедилар яна, салом айтди, денг.

Айланайин эсли боладан. Мен мақтовдан талтайдим. Қийшайиб қолган пилоткамни тўғрилай туриб, тулинг жулинг кетдик, дедим. Янгам мени ерга қўйди, ўзи яна чўк тушиб, юзларимга боқди, йўқ, хона бола йўқ, ҳозир бормайман! Нега? Нега энди? Йўқ хона бола ҳозир эмас, уят бўлади. Уяламан! Кейин, энди, чопинг! Мендан ҳам, салом, денг акангизга, дедилар ва яна тандирга урнаб кетдилар.

Шу тариқа йил кетидан йиллар ўтиб кишлоғимизда электр чироқлари ёнди. Отам биринчилар қатори манглайида «TAURAS», деган ёзуви бор телевизор сотиб олиб келдилар. Ўн йиллар бурун одамлар уйимизга радио эшитгани қандай йиғилишса, энди худди шундай телевизор кўргани келишади. Гоҳо телевизор бир чеккада қолиб, кетиб бақириб-чақиритиб баҳслашиб ҳам кетишади. Булар нағманинг фарқига қаердан борсин, деб қўяди отам одатдагидек норози кайфиятда. Ана қаранглар Ҳадя Юсупова қўшиқ айтаяпти-э, эшитайлик-э. Дарҳақиқат экранда истараси иссиқ, кулча юзли бир опа бошини хиёл бир ёнга олиб, ўнг қўлининг панжаларини, чап қўлининг кафтига қўйганча кўзлари ярим юмик мароқ билан қуйлар эди.

Дейдиларки шаҳримда бир гўзал бормиш...

Э, Ҳадя опамиз шу киши эканларда, дейман энди 4—5 ёшар бола эмас, 14—15 ёшли ўсмир бўлиб. Хайрон қоламан. Мен у кишини 10 йил бурун гўдаклигимдаёқ худди шундай қиёфада тасаввур қилган эдим. Нима учун Ҳадяхон опани Шаҳодат янгамизга ўхшатган эдим ўзи. Ростдан ҳам бир-бирларининг тус ўзи-я. Тавба, гўзал кишининг сўзлаган сўзи ҳам гўзал бўлади, дермиди ёки гўзал сўзлаган киши гўзал дермиди, ишқилиб шунга ўхшашроқ бир гапи бор эди муаллимимиз Қўшон тоғанинг.

Мана ҳисларимни эзгуликка етакловчи шу товушни эшитганимга, ёки онамни «гўзал», дегани нима деб саволга тутганимга ҳам қарийб қирқ йил тўлибди. Ўшанда Ҳадяхон опамни қаерда, қачон кўрарман экан деган гўдак хаёлим улғайиб, 40 йилни ортда қолдириб кузнинг серёмғир дилгир қунларида у киши билан тўқнаш келиб ўтирибман.

Хира кўнглимда чироқ ёнгандек равшан тортиб дарсга кираман. Аудитория тўс-тўполон, биров кулаяпти, биров-бировига гап уқтираяпти. Одатим бўйича салом бериб, домла учун ажратилган стол устига китоб-дафтаримни қўйдим-да, атайлаб нарироқ ўрнатилган минбар ёнига бориб турдим. Шовкин аста-секин сўниб, сукунат чўкади. Шундагина олдинги катордаги ўриндикда бир-бирларининг пинжига суқилиб ачом-ачом қилиб ўтирган икки ёшга кўзим тушади. Уларга ажабланиб қарайман. Тавба, дейман, дарсхонада ҳам шунақа тарзда ўтиришадими? Менинг норози нигоҳимни англаган аудиториядан бир-икки товуш эшитилади. Домла, уларни безовта қилманг, ахир янги келин-куёвлар-а! Ана холос...

Хиёл очик деразадан қайдандир таралаётган қўшиқ оқиб киради.

Дейдиларки шахримда бир гўзал бормиш...

Аммо энди бу ашулани Ҳадяхон опа эмас, ёшлар ижро этишаётган эди. Чолғулари ҳам дутор, танбур, най, ғижжак ё доира эмас, аллақандай электр асбоблар, оҳанглари ҳам сунъий эди. Деразани қайтадан охиста ёпиб қўйдим.

«Шарқ юлдузи», 2008 йил 1-сон.

ЗУЛҚАРНАЙН ҚИШЛОҒИДА

(Қисса)



Мен сесканиб иссиққина танча ичига жойлашиб
оламан...



ЗУЛҚАРНАЙН ҚИШЛОҒИДА

Олам фотиҳи Искандарнинг қишлоғига бориб қоларман, деб сира ўйламагандим. Болалик давримдан таниш ном, бутун дунёга донғи кетган шоҳ Искандар, шоҳли Искандар... У вақтлари уйлари-мизда электр чироқлари йўқ эди. Керосин қуйиб ёритиладиган пиликли, шишали чироқлар ишлатамиз. Қишнинг узун тунлари, ташқарида тизза бўйи қор, совукдан бутун борлиқ чирсиллайди, баъзан қорни тўзитиб учираётган бўрон эшик деразаромларига урилиб, аянчли увиллайди. Мен унинг сасидан сесканиб, чўғи бозиллаб турган, иссиққина танча ичига янада чуқурроқ ўрнашиб оламан. Опаларим галма-галдан эртақ бошлар эдилар. «Ёрилтош», «Зумрад ва Қиммат», «Муқбил тошотар», эҳ-хе, улар жуда кўп, бир-бирларидан қизик, бир-бирларидан сеҳрли. Аммо энг ғаройиби ҳамда кўрқинчлироғи «Шоҳли Искандар»га навбат келганда, мен бир оз безовта бўла бошлардим, очиги кўрқар эдим. Гўдак шуурумда кўзларидан ғазаб ўти чақнаб турган, бошида ола ҳўкизи-мизники каби бурама шоҳи мавжуд бўлган Искандар Зулқарнайн ёнимда тўсатдан пайдо бўладигандек, эшикни совуқ шамол эмас, ўша шоҳли шоҳ пайпаслаётгандек бўлар, ҳовлида изғиб юрган совуқ бўрон гўё вужудимга кўчган каби сесканардим. Ўшанда опаларим меҳрибошшқ қилишар, менга жилмайганларича «Кўр-қаяпсанми, тентак, ахир бу эртақку», дея мени овутардилар. Аммо ўша вақтларда мени неча бор чўчитган, сирли эртақ қаҳрамони, шоҳли подшоҳ Искандар Зулқарнайн туғилган қишлоқни кўриш хаёлимга ҳам келмаган экан.

Ўшитган эртақларимдаги воқеаларнинг аксарияти тоғу тошларда кечар, томимизнинг устига чиқиб узоқларга боқсам қирлар ортидан ўрқач-ўрқач бўлиб, уларнинг чўққилари кўриниб турарди. Эртақ қаҳрамонлари ҳамон ўша жойларда тирик юрганмикан дея ўйлардим. Шу боисдан улғайиб йигитлик ёшига етганимда ҳам бир сирли маъво каби тоғлар мени нукул ўзига чорлар, натижада бўш вақт топдим дегунча пойи-пиёда тоғ-тош кезишдан чарчамас эдим. Бир сафар, балки ўнинчи бор Нуротани зиёрат қилгач, қайтишда қоялар ёқалаб секин-аста пиёда уйга

кайтмокчи бўлдим. Бунинг учун нақ юз чакиримдан мўлроқ йўл юришимга тўғри келади. Агар ҳар куни ўттиз чакиримдан юрганимда ҳам тўртинчи куни ҳовлимизга кириб бораман. Ўттиз чакирим тоғ йўли. Айтишга-ку осон, аммо уни елкадаги 10—15 килолик сафар халта билан кадамба-кадам, пиёда юриб ўтиш унчалар осон иш эмаслигини яхши билсам-да, Нуротани жанубий-ғарб томондан ўраб турган қадимги қалъа харобаларини томоша қила-қила, туя ўркачидек қатор тизилган чўққилар томон юқорилай бошладим.

Атроф кимсасиз, дайди шамол шувоқ, қуврай, янтоқ ўсиб ётган ялангликлар, узра изғиб, кийимларимдан тортқилар, билинар-билинемас тушган сўқмоққан тўппа-тўғри жанубга томон йўл кўрсатгандек бўларди. Офтоб тафти баланд, қоялар соясида дам ола-ола тушгача сайр қилиб ногоҳ ям-яшил жиякли митти воҳага рўбарў бўлдим. Воҳа деётганим, тубида жилдиروق ирмоқ оқувчи, беш-олти ҳовли ҳамда саноклигина дарахт ўсувчи кичкина қишлоқча эди. Планшетим — дала сумкадан харитамни олиб, жойга солиштириб кўрдим. Унда Зулқарнайн деб ёзилган эди. Ҳа-а, демак, Зулқарнайн қишлоғига келибман-да. Номи ҳам кизик. Ўй-хаёллар билан бу атрофдаги ягона кўкарчинлардан бири — улкан тут дарахтининг соясига келиб қолибман. Кунчиқар томондаги қоялар тубида ғалати бино қад кўтарган эди. Бу қўшустунли чоғроқ иморат хонадонга ҳам, масжидга ҳам, хонақоҳга ҳам ўхшамасди. Қизиғи, томининг устида очилган бир жуфт қўл панжалар худди «беш» деяётгандек тоғ эпкинисида тинимсиз силкинар, билақларига тақилган митти мис кўнғироқлари нафис жингирлар эди. Бу қандай уй экан, дедим ўзимча. Шу тобда сой этагидан думлари калта кузалган той етаклаб бир қария кўринди. У ҳали бардам, кўз қарашлари тетик ва маъноли эди. Дарҳол салом бердим. У рисоладагидек алик олиб, тойини сой бўйига арқонлади ва ёнимга келиб қўл узатди.

— Қани, меймон, келинг!

Сояга ўтириб сўрашдик.

- Эмасам, — деди у, — биззикага борамиз, аввал таом, кейин калом. Мен Шамси мерганман, отим Шамсиддин,

фамилиям Абдуназаров, кўпчилик Шамси мўйлов ҳам дейишади, — у жилмайиб мўйловларини силаб қўйди.

— Шамсиддин ака, бу не иморат? — бояги томидан бир жуфт қўнғирокли қўл чиқиб турган уйга имо қилдим.

— Буми, ҳали билмайсизми, бу Искандар Зулқарнайннинг хилхонаси-да, онаси иккалови шу ерга дафн этилган.

— Қайси Зулқарнайн?

— Қайси Зулқарнайн бўлар эди, ер юзида Искандарлар кўп, аммо бизнинг Искандар Зулқарнайн битта, у дунёдаги ягона фотих, бутун оламни ўзига қаратган, шоҳли Искандар Зулқарнайн шу кишим бўладилар-да. Ўқимишли одамга ўхшайсизу, нахотки шуни ҳам билмасангиз? Шоҳли Искандар, бизнинг қишлоқда туғилиб, худди ўзимизнинг қишлоқда дафн қилинган, онасининг қабрлари ҳам, ана, ёнгинасида. Томдан чиқиб турган иккала қўл эса Искандар Зулқарнайннинг қўли бўлади-да. Ёзилган бармоқларини қўраяпсизми, мана деяпти у, дунёнинг мен олмаган мулки-мамлакатни қолмади, аммо ўнта панжам бўм-бўш, нариги дунёга ҳеч нарса олиб кетаётганим йўқ, демокқа. Ана ўзингиз кўринг, эмасам. Ичкарига томон ҳайдай беринг, бермон келинг. тортинманг, Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм. — у қўш табакали гулдор боғдоди эшикни очиб, ичкарига қадам қўяр экан, менга бир қараб қўйди.

— Келинг яна, бир дуои-фотиха қилайлик, — деди ҳамроҳим.

Ўтириб оят ўқидик, ўтганларни дуо қилдик, ўрнимиздан туриб, қабрни айлана бошладик.

— Бу ерда шоҳнинг ўзи ётибдилар, узунлиги нақ 12 метрлик сағана. Ўнг тарафларидаги сағана 8 метр.

Бу кишим — оналари, — деди Шамсиддин ака. Мен лолу ҳайрон эдим.

— Шамсиддин ака, бу қабр ростданам Искандар Зулқарнайнникими? Нега мунчалар узун?

— Ҳа энди, бўйига яраша-да, укам. У кишим шоҳ, дунёни амрига бўйсундирган баҳодир бўлсалар, сағана деган ҳам шунга яраша-да энди. Оналари ҳам тек эмас эдилар. Авлоди парилардан ўтган, шундай пахлавонни оддий кампир туғмайди-ку, укам.



‘Шу тобда сой этагидан думлари калта қузалган той етаклаб
бир қария қўринди...

— Шамсиддин ака, мен ҳеч қаерга бормайман шу ерда ўтираман, — дедим. — Ий, кизиқ меймон экансиз-ку, ахир бизда ҳам уй бор, аввалчой-пойкилайлик, гурунг бўлса қочиб кетмас.

Пастга қараб этаклай бошладик. Бу ер асли эски қишлоқнинг ўрни.

Одамлари қаерга кетган? — дейман бесабрлик билан.

— Қаерда бўларди, Искандар Зулқарнайн ҳар сочини олдирганда, битта-биттада-а-ан манави тош устида, — у қизариб турган гранит қояни кўрсатади, — келмайдиган қилиб жўнатайверган-да.

Шу ерга келганда сабрим чидамади, таққа тўхтадим. Рост, жуда чарчаган эдим, бир озгина тамадди қилиб, дам олгим келарди. Аммо суҳбатдошим мени ўзига шунчалар ром қилган эдики, уни мижджа қокмасдан типпа-тик турган ҳолда ҳам тинглашга рози эдим.

— Юрайверинг, меймон, — деди у, — юрайверинг, ана шу бизнинг уй.

У қоялар устига қурилган шинамгина кўрғончани кўрсатди. Искандар Зулқарнайннинг дулдули билан ҳамсоя турамиз. Мен яна анграйдим.

—Қандай қилиб, Шамсиддин ака?

—Шундай қилиб-да, бермон келинг, — у мени гранит қоялар томон бошлаб келиб кунботар тарафни кўрсатди:

—Мана, кўраяпсизми?

Шундагина қоядаги суратга кўзим тушди. Унда оёқлари узун-узон, думи ерга тегиб турувчи, бўйни ва бели ингичка отнинг тасвири аниқ кўриниб турар эди.

— Ана укам, мана шу от Искандар Зулқарнайн минган дулдул бўлади.

—Буни ким чизган?

—Ким билади дейсиз, шу Искандар замонидан қолган сурат-да, меймон.

Дала сумкамдан эгилувчан метр ўлчагич, фото-аппаратимни чиқариб аввал суратга олдим, кейин кўҳна сурат ўлчамларини дафтаримга ёзиб қўйдим: бўйи 56 см, баландлиги 39 см катталиқда ишланган, тошга туширилган осори атиқа, ёши

4—5 минг йилдан кам бўлмаган қоя сурати эди. Унга ёнма-ён бир ва икки ўрқачли туянинг қаторлашиб кетаётган тасвири ва кийик, чавандоз уч жойда акс эттирилганлигини кўрдим.

— Матал эканини ҳам билмадим, рост эканини ҳам унча англай олмадим. Элда бир гап, хангома бор, шуни биламан. Ушбу гап Искандар Зулқарнайн даврида бўлган. Подшоҳ элни кўриб, юртга тинчлик энгач, одамларнинг курсоғи зоғора нонга тўйиб косибчилик, хунармандчилик ривожланибди. Нуротада шундай қоли гиламлар тўкилар экан-ки, энди асти қўяберасиз. Унча-мунча одам оёғини қўйгани ийманар экан. Ҳамма чорик кийган давр. Кир қилиб қўяман, деб истиҳола қилгандир-да. Аммо уят-андиша, истиҳола дегани шу вақтлардан қолгапми дейман-да. Ғазғонда бир тоштарош чиқиб, хунарини элга кўрсатайми, деган шекилли-да, яхлит одам бўйи қоядан сахти сумбати Искандар Зулқарнайннинг тус ўзи бўлган ҳайкал ясаб, туя қўшилган аравага ортмоқлабди-да эрта-метан. тонг саҳар худди мана шу ерда пайдо бўлибди. «Ҳе?» — дебди подшоҳнинг одамлари. «Шу»,—дебди у ста. — «Шохимга тўхфа олиб келдим, қараб турмасдан қарашиб жўбарсанглар-чи!»

Шундай, деб уста ҳалиги тошдан тарошланган ҳайкалнинг устига ёпиб қўйилган матони кўтарибди. Қарашса, аравада ётган одам шакли энди денг, Искандар Зулқарнайннинг тус ўзи эмишда-э. Э, отангга балли, дейишибди, товба, тошдан ҳам одам ясаса бўлар экану, фақат жони йўқда! Шу дамда подшоҳнинг ўзи ҳовлига чиқиб, қани не шобир, деб аравага яқинлашиб, ҳайкалга кўзи тушибди. Аммо ҳаммага маъқул бўлган тоштарошнинг иши, унинг кўнглига унчалик ўтиришмабди. Индамасдан бурилиб ичкарига кириб кетибди. Бундан тоштарош ранжиб, атрофдагилар эса бир оз мулзам бўлиб туришган экан, жиловдор Искандар Зулқарнайннинг отини етаклаб келиб қолибди. От жонивор ҳайкалга кўзи тушиб баралла кишнаб, ер тепинибди, сўнг ҳўқранибди.

— Ий!!! — дебди ичкарида турган Искандар Зулқарнайн, отининг товушини эшитиб. — Бу бизнинг от фақат мени кўрса кишнагич эди. Энди не синоат бўлдийкин, буйтиб товуш чиқарди, — деб яна қайтиб ташқарига чикибди. Қараса ҳалиги тоштарош не киларини билмасдан, ҳалиям серрайиб турганмиш.

Шунда Искандар Зулқарнайн:

— Эй жигит, майли кўп меҳнат қилибсан, тила тилагингни, — дебди. Тоштарош эса:

— Тилагим бир жуфт. биринчиси шу отингизнинг пешонасидан бир ўпиб қўяй, — дебди. Шоҳ ажабланиб:

— Ҳай майли, шулам тилак бўлдим, нега энди бизнинг отни пешонасидан ўпгнинг кеп қолди, — дебди.

— Чунки, — дебди тоштарош, у ҳунарни сиздан кўра яхшироқ тушунар экан. У манави ҳайкални кўриб сиз турибсиз деган ҳаёлга борди чоғи, шуйтиб кишнадимикан? — деб қолдим.

Тўғри гапга қорув жўк. Бу от асли от бўлиб баданига тук битгандан бери фақат мени кўрса кишнагич эди, шу одатини бузганини ҳозир кўриб ҳайрон бў-ў-ў-п турибман, гапинг ҳаққати ростга ўхшайди. Хай майли, иккинчи тилагинг не, бир кўза тиллами? — дебди подшоҳ.

— Ай-й-й, подшоҳи олам, тилла бўлса қочмас, сиздай одил шохимиз бор экан, олтин ғами биз фақир учун чикора.

— Ҳе, не еса, тезроқ сўлласанг-чи!

— Майли сўлласам, сўллай қолай. Мана шу жолпоқ тошга, отингизнинг сувратини чизиб қўйсам, не дейсиз, шуни сўрамоқчи эдим.

— Хай майли, — дебди шоҳ оккўнгиллик билан.

— Нега энди бизнинг отнинг суратини шу ерга чизгинг кеп қолди. бу бир жолпоқ тош бўса, унинг эса от бўса.

— Подшоҳим, шу от бўлмаганида эди, балким мен, кўнглим қабариб тошторашлик хунаримни ташлаб кетармидим. Шу жилқининг хосияти манам, энди уйга қайтиб тоштарошлашни мендан кўрсин эл, сурат эса биздан бир нишон бўп қоладима-а-а, дейманда.

Мерган чуқур нафас олиб давом этди:

— Ана шу ҳангома, меймонжон. Искандар Зулқарнайн ҳам ўтди, унинг оти ҳам ўтди, тоштарош ҳам ўтди, аммо унинг хунари қолди. Агар уста шугина суратни жолпоқ тошга солмаганда эди, бу ҳикматлар ҳам унут бўп кетармиди? Ана, шу замонлардан қолган ҳангома бўлмаганда эди, биз ҳам сиз

билан гурунг қилмасмидик. Сиз эса бизнинг кишлоққа меймон бўлиб келиб, бу суратни ким чизган, демасмидингиз.

Мен Шамсиддин аканинг хангомасидан беҳад таъсирланиб. хайратга тушдим, вужудимни хаяжон титроғи босди. «Жолпоқ тош»га яқинлашиб қадимги тоштарош мусаввирнинг чизган сурати — ёлдор ва думи узун отни аста силаб-сий-палагим келиб кетди.

— Булар Искандар Зулқарнайннинг қарвони, у кишим доимо сафарда бўлган, — изоҳ берди ҳамроҳим. — Ани, кўрдингизми, кирдик эса ичкарига.

Шамсиддин аканинг меҳмонхонаси ҳовлидан ташқарида қурилган экан. Узоқ тоғ кишлоқларидагина сақланиб қолган бу удум аслида меҳмон учун ҳам, мезбон учун ҳам катта қулайлик туғдиради. Меҳмон бундай шароитда қисилмасдан, бемалол ўтириб дам олиши мумкин. Ичкарига кирдик. Девор гирди бўйлаб кўрпачалар ташланган, гўёки меҳмон кутилаётгандек эди.

— Шамсиддин ака, кимдир келмоқчимиди? — дейман фотиҳадан сўнг.

— Йўқ, нима эди?

— Кўрпачалар тўшаб, болишлар қўйиб қўйибсиз.

Мезбон секин жилмайди:

- Ахир бу меймонхона-ку, очик эшик, ҳар дамда меймон келиши мумкин, агар келмаса ани уйнинг паришталари ўлтиришади, шунинг учун уйда ҳеч ким бўмаса-да, «Ассалому алайкум», деб кирамиз.

Ана шарқона одат, ана одоб, деб ўйлайман ўзимча, аммо суҳбатни яна Искандар Зулқарнайнга бураман.

ОВЧИ, ПАРИ ВА ЧОЛ-КАМПИР

— Шу дейман, Шамсиддин ака, Искандар Зулқарнайн ростданам сизнинг кишлоғингизданми?

— Эмасам-чи, бизнинг кишлоқдан-да, шу ерда, боя сиз соясида ўтирган тутнинг олдигинасидаги ғорда дунёга келган.

— Бир бошидан айтиб берсангиз-чи, мерган бова, — дейман мен ҳам тоғликларнинг сўзлашига таассуб қилиб.

— Бу бор гап, мана кўринг — кишлоғимизнинг номи ҳам Зулқарнайн-ку. Матал бўлса шундайчикин ном олармиди. Тоғ-тошда ов қилайин, йилқи боқайин, деб кўп юрдим. Юрайверган кўрайверар экан. Бир куни пари қизларга йўликдим. Қўлимда милтиқ, баланд зов устида коплондек пусиб ётибман денг, пастда шовуллаб сой оқаяпти, унинг бўйида соч дегани билакдек эшилиб-эшилиб ерда чўлғонган бир қиз кийик соғаетган экан. Бел дегани борми ёки йўқ билмайман. Бордир-ов, аммо мўрчанинг белидан ингичка бўлса ингичка, йўғон эмас. Шу десангиз йигитлик, болалик курсин, отмасам бўлар экан, кийикни кўзла-а-а-б қўйдим, қарсиллатиб... Бир вақт қарасам, ҳалиги пари йўқ бўп қолди, кийик эса ке-е-е-тди. Ўқдай учиб ке-е-е-етди, ўқ еган оёғини елкасига ташлаб, аёллар қадимда буғдой ўроқ вақти айтадиган қўшиғи бўйич эди... шуни айтиб кетаётибди, бир пасда унинг ҳам қораси ўчди. Мен эсам зовнинг устида қолайвердим милтиғимни кучоқлаб. Аммо уйга етар-етмас ётиб қолдим, учиндим. Муллалар ўқий-ўқий базўр «одам» қилишди. Зулқарнайннинг онаси ана шундай тоғ парилари қавмидан эди. Қизлик пайти бирам кўркам, бирам кўркам бўлганки, эиди унча-мунча эмас-да. Унга Рум мулкининг шоҳи харидор-у. беором бўлди. Шоҳ-шоҳда, васлига етмагунча тинчимади. Сухбатлашиб суҳбатига тўймади. Аммо биттагина ножўя савол берди. «Нега пойчаларинг мунча мўй'?» деди.

— Чунки, парилар авлодиданман, деди келинчак.

— Онам пари ўтган.

Шоҳнинг ҳуши бошидан учди, феъли айниди: «Бу пари бўлса, энаси пари бўлса, бир кун бўмасам, бир кун мени жинларга айтиб чалдиради. Ё оғзим қийшайиб қолади, ё кўзим

ғилайми, окий бўп қолади. Мундан тезрок қутулмасам бўлмас»¹.

Шу ерга етганда хонадон сохибаси чой-нон, бир лаганчада кўй гўшти қовурдоғини олиб кирди. Уларни даҳлиздаги сандал устига қўйиб, чойнак қопқоғини секин тикирлатиб. келганини билдирди-да, чикиб кетди. Тоғ қишлоғидаги маданиятдан кўнглим очилди, сохибанинг фасоҳатига ичимда таҳсин ўкидим.

— Қани меймонжон, нонга қаранг, ҳа яшанг, уялмасдан олайверинг.

Мерган суҳбатда давом этди:

— Мунақанги воқеалар тарихда кўп бўлган, Сулаймон алайҳиссалом даврида ҳам Яман мулкининг подшоҳи Аҳмадшоҳ ов қилиб юрса, бир тоғнинг устида оқ илон билан қора илон урушаётганмиш. Аҳмадшоҳ қора илонни қиличи билан шартта чопиб ташлаб, оқ илонни қутқарди. Шунда оқ илон чиройли йигитга айланиб, Аҳмадшоҳга миннатдорчилик билдирди. «Хизматингизга мунтазирман, хоҳласангиз табибликни ўргатай, тоғ-тоғ дур-жавоҳир ҳадя этай, пари синглимни сизга никоҳлаб узатай», деди. «Ҳе, негамунча такаллуф?», деди Аҳмадшоҳ. «Чунки,—деди оқ илон шаклидаги йигит, менинг душманимни чопиб ташлаб, жонимни омон сақлаб қолдингиз, эй мурувватли зот!»

Аҳмадшоҳ пари қизга уйланишини айтди. Кейинчалик шу никоҳдан бир ўғил ва бир қиз туғилди. Ўғил ўт ичида, олов ичида улғайиб, жанговар йигит бўлиб етишди. Алғараз отасининг мулкига даҳл қилган ғанимларни битта қўймай кирди, аммо ўзи ҳам қаергадир ғойиб бўлди. Қиз эса сак қабиласининг тарбиясида камол топиб, вафодорликда беназир бўлиб улғайди. Аҳмадшоҳ уни "Билқийс" деб атади. Мулкига ворис қилиб қолдирди. Ана шу Билқийс пари оловга сиғинувчи бўлди. Сулаймон алайҳиссалом даъвати билан Аллоҳни таниди. Билқийс парининг пойчаси ҳам эчкининг оёқлари каби сертук эди. Ана, меймонжон, бу дунёнинг кўҳнализини

¹ мўй — тук, тукли.

каранг, э яшайверган, кезайверган кўрайвераркан-да. Бу гапларни биз кумқулоқ бахшилардан эшитиб қолганмиз-да.

Мен шундагина қариянинг чехрасидаги нур бесабаб эмаслигини, тоғлик оддий кекса овчининг эмас, балки кўпни кўрган донишманднинг ёнида ўтирганимни англадим. Тинглаётган қиссамни китоблардан ўқиб билиш маҳол эди назаримда. Ким билади, Искандарнинг онаси ҳам Билқийс пари авлодидандир?...

—Хулласи калом, — деб суҳбатини давом эттирди мерган, — париваш ота юртига қайтди. Бизнинг эски кишлоққа келганида, боягина сиз дам олиб ўтирган улкан тут ёнида тўлғоқ тутди. Пари эмасми, лашкарларига билдирмайгина ўша ердаги ғорга лип этиб кириб кетди. Кўзи ёриди. Кўрсаки бўбак, ой деса оғзи, кун деса кўзи бор, қошу киприк қоп-қора бир ўғилча экан. Юм-юм йиғлади. Тўрткунимга, эрникида уч кун яшаб бола кўтариб қандай борай, деди. Бир тоғорага дуржавоҳир тўлдириб, хат ёзди. Кимки, шу болани боқиб олса, мана бу молу мулк буюрсин, она сутидек ҳалол бўлсин, деб битди. Мухрини босди, ўзи эркакча кийинди, энди мен аёл бўлсам ҳам эранман— йигитман, эркак бетини кўрмайин, деб белига қиличли камар тортди. Ўлмасам шу ерга келиб, боламни топарман, деб тўрт қунига томон от қўйди.

Мерган овчи менинг жимиб қолганимни кўриб баёнини авжига чиқарарди:

— Қишлоғимизда бир чолу кампир бўлиб, иккалови ўлгудек иноқ яшашар экан. Аммо бефарзанд экан факирлар. Битта-ю битта эчкиси бўғич эди, кампир шугинани соғиб қатиқ қилар, чол эса хурмачадаги қатикни Нуротага олиб бориб сотиб, пулига нон олиб келиб кун кўришарди. Иттифоқо эчки сут бермай қўйди.

— «Ий, не бўлди, кампир?», — деди чол.

— «Билмасам, чолгинам», — деди кампир ҳам хайрон бўлиб.

— Икки-уч кун ўтдики, елини тирсиллаб Ҳалайлининг тоғидан қайтадиган эчкимизнинг бир пиёла ҳам сути жўқ.

Шунда чол:

«Бу уккагарнинг ули, Омон чўпон, хай билмадим, эчкимизни соғиб ичии-б қўяптиёв», деб гудранди. Эмасам эчкининг сути нега жўқ? Эчкиэмар гумдон қиялптими, деса тоғда эчкиэмар не қилсин, яна Ҳалайлидек баланд тоғда-я.

«Ҳа-а-а,—деди кампир,—ҳа, жумиринг тешилгур Омон чўпон, кунинг менинг эчкимга қолдими?», деди. «Эртасин бўсин, кунингни кўрсатиб, элга шарманда қиламан. Ҳалайли тоғидан нари ўтказиб қўяман!».

— Шундай қилиб, кампир Омон чўпонга рўбару бўлди.

«Нега буйтаяпсан, яшшамагур, кунинг менинг эчкимга қолдими?!», деди.

«Эна, уят бўлади-е, ундай деманг-эй, агар шу ишни қилган бўлсам, манови таёғимдай қуврай, бунинг бир сири бор, чикар ҳали. Қани эна, аёллигингизга бориб мени буйтиб хапа қилмасдан эчкингизни ўзингиз боқинг. Ани Ҳалайли тоғининг жойлови кенг», деб аразлаб жўнайверди. Омон чўпон шу кетганча орқасига қарамай, бадар кетди. Кампир лолу хайрон қолайверди, эси жойига тушгач, сен ордонани деб боякишни хафа қилдим, деб эчкисининг бўйинбоғини ечиб, бир чивик солди.

«Ҳе диконгламай ўл, иягингга эна соқоли битганда буйтиб жургич бўмай», деб аста ўзи боягина сиз соясида ўтирган ўша кекса тутнинг панасига ўтди. Эчки кампирни уйга кетди деб хаёл қилди. Аммо жонвор ҳаддин ташқари хапа бўлди. Одамлар одам боши билан тугиб, боласини илинган камарга ташлаб кетайверсин. Биз эчки бошимиз манам одамгарчилик қилиб бўбакни эмизиб, қорнини тўйдирайлик, яна аччиқ хивич ейлик. Ий, шул ҳам инсофданми, деди. Шунда ҳам кўнглидагини кампирга билдирмай, думини ликиллашиб «Ҳайр эна, охири ўзинг тушунарсан», деди. Чунки эгаси жонворни жуда яхши кўрар экан.

Эчки Ҳалайлининг тоғига чикиб ўтлади. Сарпўшлининг булоғидан сув ичди. Кампир ҳаммасини кўриб ўтирар эди. Бир пайт диконглаб-диконглаб елини тирсиллаб тушиб келди. Уйга элтувчи сўқмоқдан ўнгга бурилиб, ха ўша тик қоядаги зинапоялардан сакраб-сакраб тушиб, ғорга кириб кетди.


Шу ерга келганда, сабрим чидамасдан: — Қайси зинапоя, Шамсиддин ака, —деб сўрадим.

— Ий, — деди мезбон, — эътибор бермабсизда ғорнинг оғзидаги тик қояда эчки юрайвериб-юрайвериб, силликланиб кетган ҳилламчик бор-ку, ана шуни айтаман-да.

Дарров фотиҳага кўл очдим:

Қани айтинг, таомга дастурхон ҳақиға дуо қилинг, эрта-рок бориб кўрайлик ўша зинапояни, эчки тушган ҳилламчикни, дедим.

— Э, бесабр бўлдингиз-да меймон, яна Искандарнинг ғорига қайтиб борамизми? Ҳа майли, жулинг бўмасам. Меймон — атои ҳудо, унинг амрини бажармоқ савоб, кетсак кетдик-да.





Шунда чол: «Бу Омон чўпон, хай билмадим, эчкимизни
соғиб ичиб қўяптиёв», деди ғудираниб.

ОНА ЭЧКИ ВА БЎБАК

Яна ўша кекса тут ёнидаги Искандар Зулқарнайн-нинг иккала қўли чиқиб турган мақбарага етиб келдик. Мақбаранинг шундайгина ёнида тик қоялар ўйиғида, энига 0.8 м, баландлиги 2,0 м бўлган ғор кўринади. У ичкарига томон 3 метрлар чамаси чуқурлаша бориб, торая-торая тугар экан.

— Мана шу ғор чақалоқ туғилган жой, у анави тошнинг ёнгинасида ётган, мана бу ерга жавоҳир тўлдирилган лаган ва хат қўйилган, бу зинапоялардан эса эчки тушиб келган, — деди Шамсиддин ака.

Дарвоқе, энди эътибор бердим, ғордан кираверишда ўнг қўл тарафдаги тик қояда жониворлар туёғи зарбидан шекилли, сийқаланиб кетган, чамаси 5 та поғоналик зина — ҳилламчик мавжуд экан. Қиссанинг давомини тинглаш учун қулоқларимни динг қилдим:

— Хуллас, эчки бир пасдан сўнг ғордан қайтиб чиқиб, яна ўтлагани кетибди. Бояги хивчин еган жойлари жаз-жаз ачишаётган экан. Бўксаларини шохи билан қашиб, юм-юм йиғлаб турса, така келиб, «Ҳе, нега буйтиб хомсиғи-и-иб ўтирибсан?», дебди. «Ай-й-й, не килай еса жиламай», деб хипчин еган бўксасини кўрсатибди эчки. «Момом мени урди», дебди. Улоқчам энди пишакдайгина бўганда сотиб жиб кўювди. Ҳалигача билмайман болажонимнинг қаердалигини. Уни излаб ғорга кирсам, бир гўдак жилаб жотипти. Дарров ялаб-юлқаб эмизиб, меҳрибончилик қилдим. Одамгарчилиги йўқ бу одамларнинг, деб боланинг бошларини искаладим. Улоқчагинамнинг, қашкагинамнинг ҳидини туйдим, соғинчим бир оз босилгандек бўлди. Елинимдаги бор сутимни болага эмизиб қўйибман, чақалоқ ҳам бўлимли экан-да. Шунинг учун момом мени. эна соқолинг иягингга битганида буйтиб журмай ўл, деб урди. Одамгарчилигинг жўқ сенинг, деди. «Агар баъзи одамларнинг ўзида тариқдай инсонгарчилик бўлса туккан боласини ғорга ташлаб кетармиди, бошига бир уюм сарик темир-терсак, жилтироқ тошлар қўйиб», деб такага хасрат қилибди. Шунда така, «Жилама, бу одам зотидан очкўз жондор бўлмаса керак ўзи дунёда, ҳаммаси эмас-у кўпида

умуман оқибат, одамгарчилик жўқ. Улардан кўра ўзимизнинг эчкигарчилигимиз авло, жилама. Дунёда эчки, така халкидек меҳрибон, ақлли қавм жўқ. Тўғри қиласан, ҳар куни бориб болани эмизайвер. Ўлиб-нетиб колмасин. Куни битмаган бўлса катта бўп қолар. Шунда ҳам барибир эчкигарчиликни билмайди. Қорни оч қолса икковимизни ҳам сўйиб еб қўяди. Яхшилигимизни эгамнинг ўзи билади-ку, шунинг ўзи кифоя эчкиой, оппоққина момиғим», дебди така, эчкининг қулоқларини хидлаб. «Энди, такажон, кимни эмизаман эса, боя ғорга қайтиб борсам, болани кимдир олиб кетиб қолибди. Ҳай билмадим, ҳашақалла бу шу ўзимизнинг энамиздан келган балоёв», дебди.

Кампир «Бу қандай синоат бўлди?» деб ғорга кирса, ҳалиги айтганимдай, ерда бир бўбак ётганмиш, эчкини эмганидан лабларида сутнинг қўпиги, бошида бир товоқ тилло дур-жавоҳир лов-лов ёнармиш. Кампир шошиб қолибди. «Вой айланайин-ай, сени бу ерга қайси бемеҳр ташлаб кетди-яй?» деб болани бағрига босса, гўдак йиғи ўрнига кампирнинг бетига қараб нукул жилмаярмиш. Вой кулган оғзиларингдан-ай, кўзларингдан-ай, деб ялаб-юлқаб, боланинг бошини силай деса, ангушвонадайгина шохчаси ҳам бормиш. Кампири курғур қўпни кўрган қушноч эди.

«Болапақир бекорга бу ғорда ётгани жўқ, бу ерда бир гап бор, эмасам бошида шохчаси, бир товоқ дуру жавоҳири бўлмас эди. Муҳри ҳам бор, бу не нома экан», деб хатни қўйнига урибди. Болани қучоқлаб, бойликни этагига солиб, тўғри чолининг олдига келибди.

Икковлари роса хурсанд, бу бизнинг бефарзандлигимизга Аллоҳимнинг инояти бўлди, деб севинишибди. Отини Искандар қўйишибди. Гўдак эса кундан-кунга улғайган сари, бошидаги шохчаси ҳам ўсайверибди. Чол бундан андак ташвишга тушиб кампирига, «Боламизнинг шохини ҳеч ким кўрмасин, бошига қўйнинг қорнини тесқари қилиб кийгазиб қўяйлик», дебди. «Хўп», дебди кампир ҳам. Қўшни болалар ҳар йили тўрт энлик ўсса, Искандар ҳар ойда бир қарич ўсибди. Болалар билан тоғда тошотар ўйнар экан. Энг полвон бола отган пиёладек тош йигирма қадамга етса, Искандар отган чойнакдек тош тоғдан

ошиб кетар экан. Бир куни шундай ўйинлардаи бирида Искандарнинг отган тоши зувиллаб келиб, кунчивокда чарх йигириб ўтирган кўшни кампирнинг ускунасига тегиб, уни чилпарчин қилибди. Кампир чўчиб тушиб, қаҳр билан: «Ҳа бепадар, нима қилиб қўйдинг? Энди чархни қайдан оламан?», дебди. Бу гап Искандарга оғир ботиб, уйига йиглаб келибди.

— Ҳе, не бўлди тойчоғим? — дебди энаси. — Нега жилаяпсан? Менинг жолғизимни хапа қилган қайси уйинг куйгир экан?

— Эна, мени чархчи момо бепадар, деди, менинг отам ким ўзи?

— Вой айланай, мана, отанг, — дея туршак шимиб мудраб ўтирган чолини кўрсатибди кампи. — Мен энангман.

— Нега бўлмаса, у мени бепадар, деяпти, бу ерда бир гап бор-ов. Мен энди катта бўп қолдим, отамни бир излаб келсам, не дейсиз, эна?

Кампир ноилож инжилибди. «Болани шаштидан қайтармайлик, кампир, ўтир дуо қилайин», чол ҳам қиблага юз тутибди. Кампир бир халтачага патир, жийда, ёнғоқ солиб Искандарни йўлга кузатаётиб, юм-юм йиғлабди. «Жилама эна, мен ўлгани эмас, отамни топиб, дунёни забт этгани кетаяпман, ҳали олдингга қайтаман», дебди Искандар. Шу пайтда кўм-кўк, тип-тиник осмондан чақин чақиб, ловуллаб ёниб бир қанотли от тушиб келибди. Тилла жуган, кумуш эгар паҳлавонга бирам ярашганмишки, эгар қошида забаржад дасталик олтин қилич ҳам осиглиқ турганмиш. Дулдул ерга тушиб ер тепинган экан, туёқ зарбидан хар томонга ўтли учқунлар сачраб тоғу тошни куйдирибди, шунда Шамсиддин ака сўзлашдан тўхтаб, кун чиқар томондаги қоятошларда ғаройиб шакл ҳосил қилиб турган чуқурчаларни кўрсатди ва:

— Ана излари, кўрдингизми, меймонжон. Э, бу кўҳна дунёда нималар бўлмаган, дейсиз.

Дарҳақиқат кўҳна Зулқарнайн қишлоғи ён-атрофидаги қоялар шунчалар илма-тешиқ бўлиб кетган эдики, бу ўйиқлар гўёки чўғ тушиб куйиб қолган тахта парчасини эслатар эди.

Хуллас калом, Искандар дулдулга сакраб миндию, шу топдаёқ фалакка кўтарилди. Дулдул тилга кириб, «Кўзингни

юм», деди. Искандар кўзини юмди. Кулоғи остида шамол ғувуллаб, булутлар устидан учиб ўтди. «Кўзингни оч», деди, очди. Қараса, бир тепаликка келибди, тумонат одам кураш томоша қилаётган экан. «Агар кимки, зўр паҳлавон бўлса, Нурота мулкининг подшоҳи қизини ўшанга беради. Маликанинг аҳди шул, деб жарчилар овоза қилаётган эмиш. Бу Деҳибаланддаги ҳозирги Искандар Зулқарнайн деб аталувчи тепалик экан. Кўрганмисиз ўша тепаликни?

— Ҳа, кўрганман, Шамсиддин ака, — дея бош ирғайман, Дарҳақиқат Деҳибаланд қишлоғининг кун чиқиш тарафида «Зулқарнайн тепалиги», деб аталувчи ёлғиз дўнглик бор эди.

Хуллас, бир полвон чиқиб, манман деган паҳлавонларни ерга отиб урайверибди. Бу паҳлавон полвонлар пири Жадди Аъло экан. Искандар Зулқарнайн ўша паҳлавон билан кураш тушмоқчи бўлибди. «Тушма ўласан, ҳой бола», дейишибди даврадагилар. Аммо Искандар даврага тушиб курашибди. Курашганда ҳам етти кечаю, етти кундуз олишибди. Охири Искандар Жадди Аълони ерга урай деб кўкрагига олганда, полвонлар пири Искандарнинг белини маҳкам сиқиб, аста кулоғига, «Мени ерга кўй, бир гап айтаман», дебди-да елкасига беш панжасини босибди, «Ана энди сен ҳеч қаерда ва бирон жангда енгилмайсан, курашсанг курагинг ерга тегмайди», деб ғойиб бўлибди. Нурота мулкининг подшоҳи уни иззат-ҳурмат билан саройига бошлаб келиб, «Мен кексайиб қолдим, тахтимга эгалик қилувчи ёлғиз қизимдан бўлак фарзандим жўк, сен ўғлим, ҳам куёвим бўлгин, токи бемалол оёғимни узатиб. чин дунёга кетайин», деб бир қанча муддатдан сўнг қазо қилибди. Шундай қилиб, эл Искандарни тахтга ўтқазибди.

Бир куни Искандар қишлоғимизга келиб, ўзини боқиб катта қилган энасини кўргани ҳовлисига кирса, кампир кунчивокқа хому-у-ш ўтирганмиш. «Ассалому алайкум, эна, манамен келдим», дебди. «Ваалайкум ассалом, бўйларингдан айланай, тойчоғим, бермон кел, бир рухсорингга тўяй.



Шу пайтда кўм-кўк, тип-тиник осмондан чақин чақиб,
ловуллаб ёниб бир қанотли от тушиб келибди.

Мунча кўзларинг киртайиб қолибди, оч колдингми, чарчадингми? Айт, эчки қуртидан куртоба қилиб берайинма, аччиқкина гўжа ош ичасанма? Кўшглинг не тусайди ўзи?», дебди онаизор.

«Э, энажон мен жаҳоннинг султони бўлсам. еганим олдимда, емаганим кетимда, хизматимда мингта гулому, мингта каниз. Бир гудугим сиз-у отам, ҳаддин кашалман. Журинг, Нуротага олиб кетайин, тагингизга қирқ қават кўрпа солиб, хизматингизга қирқта канизак қўяй», дебди ўғил. «Ай-й-й болам, канизагингни бошимга ураманми? Уз уйим, ўлан тўшагим. Отанг минам чолдевордек бўлса ҳам шу хонадонда турмуш куриб қаридик. Энди мана бу пўстаккинани устида ўтиришининг ўзи бизга бир бахт. Мени десанг бизни иссиқ жойимиздан қўзғатма, токи ўтирган жойимиз совимасин. Қирқ қават кўрпадан бизга йиртиқ бўлса ҳам мана шу пўстак аёло», деб кампир рози бўлмабди. «Нега эса мундайгина хому-у-у-ш ўтирибсиз, энажон? «Ай-й-й болам, тунов кунни Пашшотга борган эдим. Чўлдан келган яъжуж-маъжужлар қариндошларимни қутирган итдек талаб, бор-будини шилишибди. Кимки қарши чиқса аямай ўлдиришибди. Ёш-ёш йигит-қизларни банди қилиб боғлаб олиб кетишибди», дея она дардини тўкиб солибди.

Шунда Искандарнинг қаҳри келиб, ҳузурига вазиру вузароларини чорлар экан: «Шу бугун, шу сониядан бошлаб Нурота эли яшовчи юртни бир девор билан ўраб олингки, токи ундан яъжуж-маъжуж тугул куш ҳам учиб ўта олмасин. Деворнинг устига қирғий кўзли қоровуллар тайинланг. Мабодоки, бирон ағёр Нурота элига дахл қилар бўлса, дарров хабар қилинг, ўзим бориб улар билан ҳисоб-китоб қиламан», деб фармони олий берибди. Искандарнинг бу ишидан эл хурсанд бўлибди. Девор тезда тайёр бўлибди. У бутун Нурота-ю Бухоро юртини ўраб олган, узунлиги 200 чақиримлик, баланд Пироста девори экан. Нуроталиклар бу деворни «Садди Искандарий», яъни Искандар девори деса, яна баъзилари кампирнинг шарофати билан битиб қолган иш бу, шунинг учун номи «Кампирак девор», дейишади.

Шамсиддин ака бир оз тин олди, кейин қўшиб қўйди:

— Кампирак деворнинг қолдиклари ханузгача сақланади.
Биз уни Пироста ҳам деб атаймиз.
— Ҳеч Пашшотга борганмисиз?
— Ҳа борганман, мерган бова.
— Ана шу Пашшот қалъасининг кун ботиш тарафига бир эътибор қилинг-а, деворнинг изини кўрасиз.

Мен тасдик маъносида бош ирғадим.

Тўғри, бир вақтлари илмий ишларим билан юрганимда Пашшот, Кўчот, Хўшанг деган аждодларимизнинг излари сақланиб қолган жойларни кўздан кечира туриб, пахсадан ўралган Кампирак девор изларига кўзим тушган эди. У гўё узундан-узоқ бир боғ девори каби Нурота воҳасини Қизилкум чўлидан ажратиб турар эди.

ИСКАНДАРНИНГ КОРИЗЛАРИ

— Искандар қишлоғимизга яна бир куни келиб ҳовлисига кирсаки, энди отаси маъюс ўтирган эмиш. Шунда Искандар: «Эй отажон, нега буйтиб хомсиғи-и-иб ўтирибсиз? Нега киярга кийимингиз, еярга нонингиз жўқма, ё сизни биров хапа қилаяптима?» деб сўрабди. Шунда чол: «Э, болам, устимда алаки чопон, алаки жегда, оёғимда тош товон ковуш бўса, бир тишламгина нонга қорним тўйса, менга мундан бўлак мулкнинг не кераги бор. Пақат меҳнатимга ачини-и-иб ўтирибман-да», дебди. «Қандайчиқин меҳнат экан у, отажон, айтинг менам билайин». «Ай-й-й, анови Ҳалайлитовининг этагига кўклам бир корсонгина буғдой сепиб ундириб олувдим. Шу ҳамал ҳам, савр ҳам қурғоқчил келиб, лалмикор деҳқончилик қилгувчиларнинг ҳамма меҳнати зое кетди. Биз бир осмонга қараган деҳқонмиз, ёмғир-қор кўп бўлса, ризқу насиба бутун, бу йилгидек қурғоқчил бўлса, иш чатоқ.

Энди бу камбағаллар қиши билан не жеб тирикчилигини ўтказди, шунга ўйлани-и-и-б ўтирибман-да», дебди.

Искандарни ҳам ғам босибди, «Бу элим оч колса, мен подшоҳ бўлиб не қиламан», деб ғусса чекибди. Шу кеча куртоба ичиб отаси билан онасининг олдигинасида, пўстак

устида тунабди. Тонг саҳар туриб, мулозимларини эргаштириб, Нуротага томон жўнайберибди. Ҳали тўрғай чулдирамаган осуда бир субҳидам экан. Ҳалайли тогидан ошиб, энди текисликка чиқай деганда, отлар ҳуркиб такқа тўхташибди. Қарашса, бир оқ ятак кийган чол, толдан ясалган корсонни ерга ағдариб кўйиб, кулоғини унга кўйганча кўндаланг тушиб ётганмиш. Шунда Искандар овоз берибди:

— Кимсан, инсмисан, жинсмисан? Кўриб турибсанки, инсонман.

— Нима қилаяпсан?

— Эшитаяпман.

— Нимани эшитаяпсан?

Ернинг тагида нима оқаётганлигининг шобирини эшитаяпман.

— Хўш, нима оқаётган экан?

— Саккиз қулоч чуқурликда ё сув, ё симоб оқаяпти, шуни эшитдим. Агар сен кела сола шовқин қилмаганингда эди, икковидан қайси бири оқаётганлигини аниқ айтиб берар эдим.

— Хўп, бу гапингга ишондим, яна бир қулоқ солчи, тагин нималарни эшитар экансан?

— Майли, фақат жим туринглар, — чол яна тўнқайиб, кулоғини корсонга тутиб, хиёл шу тақлид турибди. — Бўлди, эшитдим, — дебди у, ўрnidан туриб тиззаларининг гардини коқар экан.

— Хўш, нимани эшитдинг?

— Қирнинг ортида икки отлиқ кетаётганини эшитдим. Отнинг бири чўлоқ, бири йўрға, бирида эркак, иккинчисида аёл ўтирибди.

Шунда Искандар таажубга тушиб, мул озимлардан бирига буюрибди:

— Югур, от сол, қирнинг ортига бориб, аҳволни бил ва тезда менга хабар бер. Агар чолнинг гапи тўғри бўлса, мукофот олсин, ёлғон бўлса жаллодим унинг бошини танидан жудо қилсин.

Бир пасда ҳалиги мулозим отини қичаштириб, ҳаллослаб қайтиб келибди, шохга таъзим қилиб, тупроқни ўпибди.



... Искандар қишлоғимизга яна бир куни келиб ҳовлисига кирсаки, энди отаси маъюс ўтирган эмиш.

—Эй, олампадох, бу чолнинг ҳамма гапи тўппа-тўғри чиқди, — дебди у.

—Қир ортида ростдан ҳам икки суворий от қўйиб кетаяпти. Бир йўрға устида гавшана чавандоз ўтирибди. Иккинчисининг олдинги оёғидаги тақаси тушиб қолган шекилли, сал оқсоқланиб қадам ташлаяпти, суворийси озғин аёл экан.

— Қизиқ, эй чол, бу ҳолатни қандай билдинг, бизга ҳам синоатини оч, — дея ҳалиги чолга юзланибди шоҳ.

— Ҳеч қандай синоат-пиноати жўқ, — дебди чол, оғзидаги носини ерга туфлаб. — Корсонга кулоғимни қўйганимда, иккита отнинг дупурини аниқ эшитдим. Биринчиси текис, равон, аммо зарб билан қадам ташлади. Демак, йўрға экан, устидаги чавандози оғир, демак эркак киши, деб тахмин қилдим. Иккинчи йилки эса бир оёғини авайлаб босаяпти, зарби ҳам енгил, демак юки оғир эмас, суворийси аёл бўлса керак, деб ўйладим. Бор гап шу, — дебди чол.

Шунда Искандар ҳам отдан тушиб, корсонга кулоғини қўйганча узала тушиб ётиб, ҳарчанд уринса ҳам ҳеч нарсани англай олмабди. Кейин жойидан туриб, «Эй чол, мен ҳеч нарсани эшитмадим-ку?», дебди.

— Чунки, — дебди чол, — сен шоҳсан, мен эса коризгорман. Шу ишнинг устасиман.

Шунда Искандар:

— Э, бу чол бизга керакли одам экан-ку, — дебди ва отасининг сув йўқ, қурғокчиликдан экин-тикин қувраб кетди, элнинг тирикчилиги не бўлади, — деб ёзғирганини эслабди-да, чолни ўз қасрига олиб кетибди. Унинг олдида бир товоқ тилло қўйиб: — Мана, ваъда қилган мукофотим. Энди бизга қаерлардан кориз қазिश кераклигини кўрсатасан», дебди.

Шундай қилиб Нурота элида ҳамма ёшу қари кориз қовлашга жалб этилиб, ер остидан сув чиқарила бошланибди. Шоҳ одамларни шундай ишлатибдики, ундан эл зулм кўрибди. Нимжонроқ одамлар ўлиб, полвонларининг бурнидан қора қон келибди. Шунинг учун Нуротадан чиқиб кун чиқарга томон юрсангиз, катта коризга дуч келасиз, ана шунинг номи Зулм кориз, яна Зулқарнайн коризи ҳам бор, Нурота атрофида 360 та

кориз бўлса, шундан тенг ярми Искандар даврида пайдо бўлганда-е!

Мен унинг гапини бош ирғаб тасдиқладим. Ҳақиқатан ҳам бу коризлар ҳақида эшитганман. Илмий маълумотларга қараганда, араб алифбосидаги ҳар бир ҳарф маълум бир ракамга тенг кўрсаткич ҳисобланади. Шунда «Зулм» сўзидаги «З» ҳарфи — 900, «л» — 30 ва «м» — 40 сонларига тенгдир. Демак, «Зулм» коризи ҳарфларининг йиғиндисидан 970 раками, яъни йили келиб чиқади. У милодий йил кўрсаткичида 1533-1534 га тенгдир.

«Энди билдим, дебди Искандар Зулқарнайн, ҳамма жойда сув ернинг сиртида оқса, Нуротада ернинг тагида оқар экан. Энди Нуротанинг деҳқонлари қийналмайди, улар учун бозор бунёд этиш керак, бозор шаҳарда бўлади. Шаҳарнинг эса дарвозаси, қальасию девори бўлади», деб орзу қилибди. Сўнг тоғ ёнбағридан, шундайгина тошнинг устидан пахса деворлик бир қаср бунёд этибди. Унинг тупроғини эса қальанинг кун ботар тарафидан ташиб келтиришибди. Агар эътибор берсангиз, ўша жой ҳалигача ҳандак-ҳовуз бўлиб ўйилиб ётибди.

— Бу қасрнинг қурилиши ўзи бир тарих, — Шамсиддин ака унутган воқеани эслаётган киши каби узоқ тин олиб, Ҳалайли тоғининг адоғида сўппайиб чиқиб турган яланғоч қоялар томон қараб кўйди. — Искандар ҳа-а анови тоққа чиқиб, бомдод ибодатидан сўнг дунёнинг жамолини томоша қилишни хуш кўрар экан. Асли парвардигорнинг қудратини кўрай десанг, тоққа чиқ, деб бекорга айтмаганлар. Бу гаплар ҳай билмадим, Искандар даврида ҳам бўлган чиқар. Яшасанг ё шаҳри азимда, ё кўҳи азимда яша, деган гапларни ҳам балки Искандар Зулқарнайн айтгандир. Хуллас, шоҳ атрофга қараса, бир жойдан нур таралиб, осмону фалакка ўрлаётган эмиш. «Ие, бу не синоат бўлди?» дея ҳайратланибди шоҳ. Қараса, ажиб овлок жой, парилар улкан булоқ атрофида тўпланиб, базм қилаётган эмиш. «Ҳа-а, дебди Искандар Зулқарнайн, демак бу жой тек эмас, Аллоҳнинг назари тушган хўп азиз бу жойда бир гап бор, шекилли, эмасам бутун ер юзига нур осмондан тушадию, шу ергинада бошқача, ердан фалакка чикаяпти, демак бу ерни ўраб қўяйлик» деб одамларни бошлаб

келибди. Пахсадан бир улуғ қалъа бунёд этишибди. Сиз кўрган чолдеворлар ана шу қалъанинг қолдиклари, ҳаттоки дарвоза-хоналаригача билиниб турибди, эътибор қилдингизми?

Мен бошимни силкиб, тасдиқ ишорасини қилдим ва сўрадим:

— Шамсиддин ака, демак, қалъа ҳам Искандар Зулқарнайн давридан қолган экан-да.

— Ҳа-да, бу кўхна дунёнинг кўп ишлари аслида Искандар Зулқарнайн даврида бўлган. Нега ҳайрон бўлаяпсиз, бу ҳақда элнинг мундайчиқин ҳангомаси ҳам бор-ку. Мана, эшитинг:

Отахон моҳир актёр ёки шеър ўқиётган газалхон каби кўзларини ярим юмиб, қуйидаги сатрларни ёддан шариллатиб ўқий бошладики, мен талай давраларни кўрган бўлсам-да, бунака иқтидор эгасига йўлиқмаган эканман. Бутун вужудим кулоққа айланди:

Дедиларки, Муҳаммад шоҳи Мухтор.
Сўрадим Жаброилдин ман бо як бор.
Бино қилди нечоқ одам бу иикарни
Киши кўрса очилур турфа баҳри?

Дедилар Жаброил: Эй шоҳи Мухтор,
Қилай Нурнинг васфин ман бо як бор.
Хуруш айлаб Искандари подшоҳи,
Борибон чикдилар болои кўҳи.

Зиёрат этмак ул тахти гавҳар,
Юруш этди ба фармони Илоҳий.
Борибон киштини қилди зиёрат,
Неча вакт қилди кўҳ узра ибодат.

Худонинг тоатига эрди машхул,
Назар айлаб баногоҳ Нур тараф ул.
Кўрар арш била кўкдин нур тўкилур,
Ҳаводин барф-барондек чу ёмғур.

Ёғар сарчашманинг устига доим,
У ерга Нур ато этди Худойим.
Кўриб бу сирни Искандар баногоҳ,
Жўнади Нур тарафга анда ул шох.

Борибон кўрдилар, жойи муаттар.
Суви айна мисоли оби Кавсар.
Ажаб сарчашмаи ул бо сафои,
Фазилатли ажаб турфа жойи.

Кўрибон завқ этиб, очилди бахри,
Анинг отини қўйди Нур шаҳри.
Томоша қилдилар ҳар ён юрибон.
Ўшал сарчашма гирдин ўргулубон.

Кўрарлар бир жамоат паризод.
Ўтурур базм айлаб хурраму шод,
Экан бу жой париларнинг макони,
Барини кўрди Искандари замони.

Хукм бирла гирдин қилди кўрғон,
Парилар тарқашиб кетди ҳар ён.
Ичига неча одамни солибон,
Кўчу кўронини кетди олибон.

Ки мўминлар зиёратгоҳи бўлди
Мусулмон бандалар дилхоҳи бўлди...

ИСКАНДАР ВА ЧЎПОН

Шеърни ниҳоялатган менинг «зўр актёрим» жим қолди. Иккаламиз учун ҳам ниҳоятда ҳаяжонли дамларни ато этган бу сатрлар кўнглимизни Ҳалайли тоғидан ҳам баландроқ нуқталарга кўтариб қўйган экан шекилли, у ерлардан «тушиб келгунимизга» қадар бироз вақт ўтди. Мен бу курашчи, мерган, чавандоз, зулқарнайнлик чолга ҳавас қилиб ўтирардим.

— Шундай қилиб, Искандар Зулқарнайн Нуротада бир қаср қурдирди, аммо туғилган жойи — бизнинг қишлоққа тез-тез келиб турган, — деди бир вақт Шамсиддин ака. — У ҳар сафар ўзи билан янги сартарош олиб келар, кетаётганда эса бир ўзи қайтаркан. Анави қоядаги қизариб турган доғлар ўша сартарошлардан оққан қонларнинг изи. Аҳвол шу даражага етибдики, мамлакатда биронта ҳам сартарош қолмабди. Шоҳ уларнинг барчасини «Бошимда шохим борлигини элга айтиб қўямасин», деб ўлдиртириб юборайверган экан.

Охири биронта уста қолмагач, сартарош бўлмаса ҳам навбат Омон чўпонга етибди. Навкарлар келиб, эртага бориб шоҳнинг сочини олар экансан, деб кетибди. Омон чўпон сартарошларнинг қисматини эшитар экану, аммо сўйилиши сабабини билмас экан. У ғамга ботиб, кечқурун онаси пиширган пиёва-шўрвани ҳам ичгиси келмабди.

— Ҳа улим, — дебди кампир. — Нега тумшайибгина ўтирибсан?

— Э, эна, — дебди Омон чўпон, эртага сартарош бўлмасам ҳам шоҳнинг сочини олгани ғор оғзига боришим керак. Агар борсам, қайтиб келмайман, ўзингиз биласиз, бормасам шоҳ ернинг тагидан бўлса ҳам топиб олиб ўлдиради, не қилай, бошим қотяпти.

— Ай, улим, — дебди кампир. — Шунга ҳам ғам жема, ол, ошингни ич, кейин ётиб ухла, эртасин бир гап бўлар, ўзим сенга бир иш уйратаман. Шунини қилсанг, бошинг омон қолади, улим.

Эртасин бўлибди. Кампир Омон чўпоннинг кўлига бир тугун тутказиб:

— Шохга олиб бор-да, таъзим қилиб, «Шоҳим, мен бир фақирман, ҳузурингизга қимматбаҳо совғалар тортиқ қилиб кела олмадим, шугинани келтирдим», дейсан. — Агар, бир гап сўраса, энам билади, деб турайверасан, — дебди.

Омон чўпон келса, Искандар Зулқарнайн манави курсида савлат тўкиб ўтирган эмиш. Назар солсам, ғорнинг оғзида бир тош курси қояларга бирлашиб кетган эди. Ўтиргичи энига 48 см, бўйига 1.0 м, суянчиғи энига 66 см, тиклиги 78 см. Оёқ қўядиган жойи ҳам чоғроқ хонтахтадек бор. Курсининг чап қўл тарафида устара қўядиган токчаси ҳам сакланган... Шамсиддин ака унга жойлашиб олди. — Мана буйти-и-и-б ўтирган бу ерда Искандар, — дея у қовоғини солиб, гўёки шох қиёфасига кирди ва курсидан базўр тушди.

— Бу курси жуда баланд экан, Шамсиддин ака.

Ҳа, энди эгасига яраша-да, у Искандар Зулқарнайн бўлса, паҳлавон деган оти бор, кичкина курсида ўтирса кулгили эмасми, ҳали нарироқда тахти ҳам бор, уни ҳам кўрсатаман.

— Хуллас, шох Омон чўпонга нега мунча кечикдинг, деб зуғум қилибди. Омон чўпон энаси ўргатганидай, аввало, ер ўпиб, сўнг тугунни узатиб:

— Олампаҳо, мен бир фақирман, қутлуғ жойга курук борма, болам, шугинани олиб кет, шоҳингга, деб энам сизга мановини илинди, — дебди. Искандар бир оз шаштидан тушиб, мулозимларига имо қилибди. Мулозимлар тугунни очса, қора буғдой унидан қилинган бир жуфтгина кулча эмиш.

— Ҳа-а-а, кулча олиб келдингми?

— Ҳа, тақсирим, кулча олиб келдим,

— Қани, нондан азиз неъмат жўқ, бир тишлам тотиб кўрайлик-чи, Бисмиллоҳир Раҳмонир Роҳийм. Э, мунча ширин бу кулчанг? Қоп-қора уну, мен ейдиган қайроки оқ буғдойнинг унидан ҳам ширин-ку. Бай-бай-бай. Мен умрим бино бўлиб мундай чикин ширин нон емаб эдим. Айт, бунинг сири не, эй Омон чўпон, — деб сўрабди олампаҳо.

— Билмасам, тақсири олам, энам билади, — дебди Омон чўпон. Шунда шох ясовулларига кампирни келтиришни буюрибди.

— Эй, она, бу кулчани сиз пиширдингизми?

— Ҳа, подшоҳим, мен ёпдим.

— Мунча ширин экан бу, қандай қилиб тайёрладингиз?

— Эй, шоҳи замон, эй, ҳукмдорим, бир қошиқ қонимдан кечсангиз айтаман.

— Айтинг, кечдим. Шунда кампир:

— Эй, доно ҳукмдор, қутлуғ жойга қуруқ бориб бўлурму? Балким мумкин, аммо бизнинг элда жўк, бундай одат. Ана шоҳим, биз юрган бир факиру-ҳакир бўлсак, элтарга ҳеч нимарсамиз бўмаса. Сурпани очсам бир косагина кепак қолибди. Патир ясай десам, ёғ жўк. Шунда кўкрагимни совсам, сут келди. Унга аралаштириб, ҳамир қоридим. Нон жовиб, тортиқ учун сизга жубордим, бор гап шул. Дунёда энанинг ситидан ширинроқ не бор, шоҳим. Кулча ҳам шунинг учун шириндир-да. Раҳмат, қора нон демасдан тотиб кўрибсиз. Ҳа, айтгандай, энди муборак бўлсин, менинг улим сизга ини бўлди, ини бўлганда ҳам тутинган-путинган эмас, нақ эмчақдошингиз. Мен эса энангиз бўлдим, болам.

—Ҳа-а, — дебди шунда Искандар, ҳақиқатан ҳам сиз менга эна, улингиз Омон чўпон эса ака бўб қолди чоғи, дебди. Энди бу одамни ўлдириб бўлмайди, аммо соч оладиган ҳеч ким қолмади-ку, дея ўйга толибди ва Омон чўпонга:

—Эй ака, манави устарани ол-да, сочимни қириб ташла, — деб қалпоғини, қалпоқ тагида энаси тикиб берган қўй қорнини ечган экан, бир жуфт бурама шохлар кўриниб, Омон чўпоннинг ҳуши бошидан учибди. Шунда Искандар:

—Нени кўрдинг? — дебди. Омон Чўпон ҳам унча-мунча қувлик қилиб:

—Ҳеч нарсани кўрмадим, — дебди.

—Эй ака, бу гап орамизда қолсин, токи биров билмасин, акс ҳолда акам бўлсанг ҳам аямайман, —дебди.

—Шундай қилиб, Омон чўпон мана шу курсида, Искандарнинг сочини олибди, устарасини мана бу тоқчагача қўйибди. Чўпон шу кундан бошлаб, уста ҳам бўлиб қолибди. Кўп ўтмай дастлабки куни кўрққанидан лабига тошган учуқлар тузала бошлабди, аммо ўша сир ичига сиғмасдан қорни кундан-кунга шишиб, дўмбира бўлиб, дамлаб кетайверибди.

Шунда Омон чўпон энасига, эй эна, не қилай, ёрилиб ўламан-ку бу туришда, деб маслаҳат сўрабди. Кампир, «Тонг сахар ҳеч ким жўғида Ойқудукқа боргин-да, ичига бошингни тикиб, Искандарнинг шохи бо-о-о-р, деб аста-аста айтиб кўр, зора дардинг енгиллашса, улим», дебди. Омон чўпон тонг сахар подани Сарпўшли булоғидан суғориб, қишлоқнинг этак томонидаги Ойқудук бошига бориб, унинг ичига энгашиб бошини суқибди. Қараса, қудук тубида осмондаги ой кўриниб турганмиш. Ҳозир ҳам Ойқудук дейилади.

Мен яна сергакландим:

— Шамсиддин ака, Ойқудук ҳали ҳам борми?

— Эса-чи, меймон. Борда, журиг бориб кўрамиз.

Кўхна Зулқарнайн қишлоғининг харобалари билиниб турган жойдан пастроқда диаметри 0,5 метрлар бўлган қудук бор экан. Деворларига кум кўчиб тушмаслиги учун тартибсизрок бўлса-да тош терилган. Икки қулоч чуқурликда сув милтираб кўринади.

— Юз челақ суви бор, — деди Шамсиддин ака, —суви роса ширин эди, ҳозир бир оз ўзгарган. Тагида чорчўпи бор, тут новдасидан ясалган. У узоқ йиллар сувда турганлиги учун темирдек қотиб кетган. Худо сақласин, бирон жонлик тушиб кетса, ўша чорчўп ушлаб қолади, демак, сувга чўкиб кетмайди. Бошимни қудук ичига тикиб, мен ҳам астагина «Искандарнинг шохи бо-о-ор», дегандим, юзимга муздай эпкин урилиб ҳузур қилдим. Мен эртакнинг сирли оламида кезиб юрар эдим. Ўзимни Омон чўпон ўрнига қўйиб қудукқа «дардимни айтаётган» бир паллада, «ҳа, қалай», деди Шамсиддин ака. Мен дабдурустан чўчиб тушдим. У секин жилмайди ва кейин давом этди:

— Шуйтиб, Омон чўпон энаси ўргатгандай Ойқудукқа бошини тикиб, «Искандарнинг шохи бор», деган экан, қорнидаги таранглик бир оз тарқаб, дами чиққандек ҳузурланиб, иккинчи бор қайтарса, яна пасайгандек бўлибди. Хуллас, чўпон то ўзига келгунча ўша гапини такрорлайверибди. Аммо кечга бориб яна қорни дамлаб кетармиш. Э уккағар, дебди Омон чўпон, бу бошимга битган бир бало бўлди-ку. У ҳар кунни эртасин қудук бошига борармиш. Бир кун қараса, қудук

ичидан чиройли камиш ўсиб чиқиб турганини кўрибди. Роса зўр най бўларканми, дебди Омон чўпон. Сўнг энгашиб шартта кесиб олибди-да, кудук ичига қараб, яна «Искандарнинг шохи бо-о-о-р», деб қўйибди. Сўнг ўзи Ҳалайли тоғида қўй-эчкиларини ўтлоққа ёйиб, най ясашга тушибди. Бир пасда чиройли най тайёрлаб, лабига қўйиб пуфлаган экан, бирдан «Искандарнинг шохи бо-о-о-р», деган садо таркалиб кетибди. Ўшанда Искандар манави жойда (Шамсиддин ака кудукдан нарироқда жойлашган курсисимон ёлғиз турган харсанг тошни кўрсатди, у нилий рангда товланар эди) дам оли-и-иб ўтирган экан. Бу оддий тош эмас, асли Искандарнинг тахти бўлган. Баъзан қишлоққа келганда, шу тахтида ўтириб юрт сўраган.

Ўлчаб кўрдим, баландлиги 2,2, эни 2,1 м бўлган геологияда биотитли апплит, деб аталувчи тоғ жинси улкан курсини эслатади. Уни эл муборак тош, Искандарнинг иси теккан деб кўкйўтал, ич касалликларига даво билиб чайиб ичишади.

Бундай тоғ жинсларининг таркибида 60–70 фоиз кальций мавжуд. Шунинг учун нордон таъм беради. Сувга солинганда кремний қисман реакцияга киришиб, баъзи элементлар эрийди ва бу тирик организмга ижобий таъсир қилиши мумкинлигини биламан.

— Қисқаси, Омон чўпон чалган найдан чиққан овоз бутун Нурота воҳасига ёйилиб, Искандарнинг ҳам қулоғига етиб келибди. Узоқ вақт тинмай «Искандарнинг шохи бо-о-о-р», деган нидо кўкда учиб, тоғларда, қояларда акс садо берибди. Ниҳоятда қаҳрланган Искандар бу сирдан воқиф бўлиб, камишга бўған солинглар-э, токи уни ўчсин, дебди. Шундай қилишган экан, товуш ўчибди. Шу кундан бошлаб камиш бўғин-бўғин бўлиб қолганмиш. Энди кудукнинг тубига қаранг.

Энгашиб кудук тубига қарадим.

—Нени кўрдингиз?

—Битта учқур тошни.

—Ана ўша тош Омон чўпон пичоғи билан қиялатиб кесиб олган камишнинг ғарови, туби, туб қолдиғи бўлади, учқурлигини қаранг.

Шундан кейин эл, «шоҳли Искандар» дейдиган бўлибди. Бундан шох ниҳоятда ғазабланибди. «Ўзи бу дунёда вафо дегани жўкка ўхшайди. Агар бўлса, Омон акам менга вафо қилмасмиди. Аксинча, сиримни очиб, бутун журтга шарманда қилди. Вафо жўк, агар бўлса ҳам ернинг тагида бордир. Қани энди ўша ерларни ҳам забт қилиб кўрай-чи, бутун мулкни олай-чи дебди. Бутун дунёни босиб олдим. Унинг маркази Нурота бўлди. Энди ернинг таги, сувнинг тагидаги мулкни ҳам забт қиламан, қўшин йиғаман, ким қарши чиқса, ўзидан кўрсин. Агар кимки, нимага бу ишни қилаяпти, бошида шохинг борми, деса, ҳа шохим бор, деб очикча айтаман, энди яширадиган жойим қолмади, деб ўйлабди.

Аслида халқнинг оғзидаги «бошингда шохинг борми», деган ибора ўша Искандар Зулқарнайн давридан қолган-да, — деб Шамсиддин ака яна давом этди:

— У даставвал қишлоқдаги Сарпўшли булоғининг тагига тушиб кўрди. Булоқнинг тагидаги йўл бир томони Нурота чашмаси, бир томони Ғазғон чашмаси, бир томони Деҳибаланд чашмаси, бир томони Балиқчи ота чашмасига кетаётган экан, туташ бўлганлигидан балиқлари алмашиб ётибди. Бундан хулоса қилган Искандар Зулқарнайн ернинг тагидаги ҳаёт ҳам ернинг устидагига ўхшаш бўлар экан, деб булоқнинг кўзига тош бостириб қўйибди. Шундан кейин булоқ Сарпўшли, яъни боши ёпилган деб ном олди. Ҳозир биз ҳам бу булоқни Сарпўшли деймиз.

Қопқоғи (япалоқ тош — сланец) тагидан секундига 0,3 л микдорида сув сизиб чиқиб турибди, ҳарорати 19,50 °С ни ташкил этади. Бу Нурота чашмасининг ҳарорат кўрсаткичига тенгдир, ажиб ўхшашлик.

ЗУЛҚАРНАЙН ВА ШАРҚ ДОНИШМАНДЛАРИ

— Эй, укам эй, шундайчигин гаплар. Тозаям бижинглаб, сизнинг қулоқ-миянгизни қокиб қўлингизга бермадимми, ишқилиб?

Унинг содда, серсоқол юзига табассум ёйилди. Одам кексарган сайин гўр бўлармиди, бижинг-сергап бўп қолар экан-да.

Асли менам ундай кўп сўзлайбермасдим, шекилли энди сизни кўриб би-и-и-р хангама килгим келиб қолди чоғида. Хай эса, мен манови тойимни сал нарироқ силжитиб келайчи, сўнг тагин гапхона қилармиз.

Шамсиддин ака увишиб қолган тиззаларини уқалай-уқалай нарироқда ажрик чимдиб турган тойни серўтроқ жойга силжитгани кетди. Мен эса ажиб хислар қуршовида ёлғиз қолиб, улкан тут танасига аста суялдим. Кун иссик, бир оз дим бўлса-да, тут шохларида кушлар чуғурлар, афтидан тут ковагидаги полопонларини мендан кизғаниб, безовталанаётганди. Аммо қулоғимга ҳозир на кушларнинг чиркиллаши, на ирмок тубида оқаётган жилғанинг шилдираши, на Ҳалайли тоғининг баланд чўққиларидан эсаётган эпкиннинг майин шувиллаши эшитилар эди, бутун фикру зикрим Искандар Зулқарнайн билан банд, хаёлан ўша қадимий дамларда яшардим. Чамаси

Искандар Зулқарнайн шахси кириб бормаган уй -хонадон Нуротада йўқ шекилли. Уни биров элга сал зуғумини ўтказинкираган деса, яна биров ундай одил ундай донишманд подшоҳ ўтмаган бу офтобрўйда, деб хангома беради. Ўзбек халқ эртакларида «Шохли Искандар» золим шох образи орқали ифодаланган.

Улуғларимиз ёзган китоб-дафтарлар ҳам Искандар Зулқарнайн алқови билан тўла. Ҳазрати Алишер Навоийдек донишманд ҳам «Тарихи анбиё ва ҳукамо» номли китобида аллақандай буюк Искандар хакида ёзади. Эл орасида эса, Искандар Зулқарнайн миллоддан олдинги 329-йиллари ўлкамизга босқин уюштирган Александар Македонскийнинг худди ўзгинаси деган фикрлар юради.

Искандар Зулқарнайн тўғрисидаги мухтасар фикрни, шаркнинг буюк донишманди Абу Райҳон Берунийдан ўқиганим эсимда. «Матнлар мазмунича Зулқарнайн солиқи ва қувватли киши бўлган, деб ёзади олим ўзининг машҳур «Қадимги халқлардан қолган ёдгорликлар» асарида. Абу Райҳон Берунийнинг фикрича, Зулқарнайн лақаби билан маълум ва машҳур бўлган кишилар битта эмас, аксинча, бир қанчадир. Шулардан дастлабкиси юнонлик Искандар ибн Филифдир. Искандарнинг Филиф ўғли экани яширин эмас, жуда равшандир», дея унинг насабини тўлиқ келтиради ва балки бу ўринда бирмунча афсоналарга берилиб кетади.

Беруний шу китобида яна иккинчи фикрни айтади. Зулқарнайн Атракис исмли бир киши бўлган. У Бобил подшоҳларидан бири Сомирусга қарши чиқиб, у билан жанг қилган. Ниҳоят, галаба қозониб, уни ўлдирган ва қалласининг терисини сочи ҳамда иккита қоқили билан биргаликда шилдириб олган. Бу терини ошлатиб, ўзига тож қилган, шу сабабли Зулқарнайн деб лақабланган.

Олимнинг Зулқарнайн тўғрисидаги учинчи фикри қуйидагича: Зулқарнайн — Мунзир ибн Мауссамо исмли афсонавий шахс бўлиб, у хақида ажойиб афсоналар яратилиб, унинг онаси жинлардан эди дейилади. Мунзир ибн Муассамо Эронга қарам бўлган лақмийлар сулоласи подшоҳларидан бири Мунзир ибн Муассамо кўзда тутилаяпти. Лақмийлар Бобилдаги Ҳира шахрида VI асрда ҳукум сурган.

Абу Райҳон Берунийнинг Зулқарнайн хақидаги тўртинчи фикри ҳам бор. Унда, «Зулқарнайн – Сяб ибн Ҳаммар Химярийдир», дейди, буни ибн Дурайд (Дурайд – араб филолог олими, ваф. 933 йил).

Яна бешинчи фикри «Зулқарнайн - Абу Кариб Шаммор Юрџиш ибн Ифрикис Хийорийдир, у икки елкасига тушиб турган иккита қоқили сабабли шу исм билан аталган. У ернинг кун чиқиш ва кун ботиш томонларига етиб борган, шимол ва жануб томонларини кезган, мамлакатлар фатҳ этиб, халқларни ўзига бўйсундирган, Яман подшоҳларидан бири бўлган», дейди. Бу ерда олимнинг фикри бир тўхтамга келади ва қатъий таъкидлайди. «Шу сўзлар, (фикрлар демоқчи - А.Н.)

орасида охиргиси тўғрига ўхшайди. Чунки «зу» (зу - эга, бирор нарсга эгаси, эгалик қилувчи маъноларни англатади) лақабли кишилар факат Ямандан бўлиб, бошқа жойларда учрамаган. уларнинг исмлари «зу» лафзидан ҳоли эмас эди, масалан, Зулманор, Зулаъзор, Зуш-Шакотир, Зу-Нувос, Зу-Жодан, Зу-Язан ва бошқалар.

Абу Райҳондек буюк олимни ҳам Искандар Зулкарнайн шахси роса қизиқтирган кўринади. Шу боисдан бу масалага китобидан катта бир мақоласини бағишлабди. Ниҳоят у биз кидирган Зулкарнайн асли яманлик (Арабистон ярим оролининг жанубидаги мамлакат - А.Н.) Абу Кариб Шаммар Юрйиш ибн Ифрикис Хиёрий, деб билади. Масаланинг қизиғи ҳали олдинда шекилли. Чунки Абу Райҳон Беруний фикрлари бу билан тугалланмайди, балки масаланинг бир учи биз томонга чўзилиб келиб қолади. Яхшиси келинг, аллома бобомизнинг фикрларини янада диққат билан ўқийлик.

Мамлакатлар ва шаҳарлар ҳақида гапирадиган китоблар, чуннончи «Жуғрофия» ва «Йўллар ва давлатлар ҳақида китоб» («Китоб-ал-масолик ва-л-мамолик» номли бир неча араб тилидаги географик китоблар бор. Жумладан, бухоролик олим ва давлат арбоби — Жайхоний (X аср) нинг ҳам шундай ном билан юритилувчи китоби мавжуд — А.Н.)ларда Яъжуж ва Маъжужни бешинчи ва олтинчи иклим (инсон яшайдиган ва яшамайдиган ерлар — А.Н.)да яшовчи Шарқ туркларидан бир синф деб кўрсатган. Шу билан бирга, Муҳаммад ибн Жарир ат-Табарий ўзининг «Тарих» китобида ҳикоя қилишича, Озарбайжон ҳукмдори у ерни фатҳ этган кунларида Ҳазар томонидан бир одамни ўша тўсиқ олдиға юборган. У одам бориб тўсиқни кўрган ва уни пишиқ ва маҳкам хандакнинг нариги томонига жойлашган улкан, баланд, қора бино экан, деб тавсиф қилган.

Абдуллоҳ ибн Абдуллоҳ ибн Хурдодбех (IX асрда яшаб ўтган араб географи - А.Н.) халифа саройидаги бир таржимондан ҳикоя этишича, ал-Муътасим (аббосий халифаси IX) тушида ўша тўсиқнинг фатҳ этилганини кўрган ва бориб кўриш учун эллик нафар кишини у ерга юборган. У кишилар Боб ал-Абвоб, Лон ва Ҳазар йўли (X аср Каспий денгизи ва унинг

шимолий қисми Ҳазар дейилган, яна Зарафшан водийсининг Навоий шаҳри яқинидаги энг тор жойи қадимда замонамизда ҳам Ҳазар йўлаги деб аталади. Биз ўтирган Зулқарнайн қишлоғи билан Ҳазар йўлаги бир кадам йўл-ку, деб ўйлайман—А.Н.) билан юриб, тўсиққа етиб борганлар, тўсиқнинг темир парчалардан ишланиб, эритилган мис билан маҳкам қилингани, унинг қулфланган дарвозаси борлиги ва у ерга яқин шаҳарлар аҳолиси уни қўриқлаб туришларини кўрганлар. Қайтишларида йўл бошловчи уларни Самарканд рўпарасидаги жойларга олиб чиқади. Эътибор берган бўлсангиз воқеа тафсилотлари Самарканд атрофларида, яъни Зулқарнайн қишлоғи яқинида кечаётгани қизиқ эмасми? Шу нуқтага келганда Абу Райҳон Беруний ҳам ривоятлар тафсилоти ичида бирмунча иккиланиб, «бу қисса гувоҳлари шундай бўлгач, улар орқали ҳақиқатни билишни умид қилиб бўлмайди. Яна Худо донорокдир», деб қўя қолади.

Аслида фикр юритаётган қаҳрамонимиз Искандар Зулқарнайннинг ким бўлишидан қатъи назар, биз учун унинг шоҳлиги эмас, балки ибратли ҳаёти қизиқтирар эди. Инсоннинг бу дунёга бир зумлик меҳмон экани, бойлик, давлат қўлнинг кири каби омонат бўлиши, асл инсоний фазилатлар эса мангуликка етакловчи амал эканлигидан сўзловчи бу қисса мазмунини юракдан ҳис этиб турар эдим.

ЗУЛҚАРНАЙН ВА ИНДАМАС ПАРИЛАР

Бир тадқиқотчи сифатида Нурота, Деҳибаланд, Ғозгон, Чуя, Ғужумота, Балиқчи ота булоқларида қизиқ бир ўхшашлик борлигини сезаман. Бу фикрнинг аслида кашфиёт эмас, эл оғзида юрган ривоятлар асосига шаклланганини англай бошладим. Айтишларича, ушбу булоқлар ер ости йўллари орқали бир-бирлари билан туташиб турар эмиш. Шунинг учун балиқлари жуда ўхшаш, бир-бирлари билан алмашилиб туради, уларнинг ранги-туси бир хил, одамдан қочмайди ва қўрқмайди.

Зулқарнайн кишлоғидаги Шамсиддин мерган таъриф берган азиз жойларни зиёрат қила туриб, булоқларга эътибор қилдим. Сарпўшли булоғининг ҳам юқоридаги булоқларга қисман ўхшашлигини сездим. Фақат ҳароратининг айнан бир хил эмаслиги, балки кимёвий таркибининг фақат мутахассисларгина илғаб оладиган жиҳатларидаги уйғунлик ҳам мени таажужлантирар эди. Аслида дунёдаги миллиардлаб кишиларда турфа феъл-атвор бўлганлиги каби, булоқларимиз ҳам қанчалар кўп бўлса, уларнинг хусусиятларидаги такрорийлик камёб ҳолатдир. Дейлик, Нурота, Деҳибаланд ёки Ғозгон булоқлари оҳақтош, ёки мраммрлашган оҳақтошлардан сизиб чиқади, оҳақтошларнинг пайдо бўлиш даври ҳам геологик даврларга хос. Аммо Сарпўшли булоғи эса гранит қояларнинг ёриғидан сизиб чиқади. Шундай бўлса-да сувининг таъми, ҳароратида бошқа машҳур булоқлардаги каби уйғунлик мавжуд. Ушбу нозик) ўхшашлик ҳам зукко элимизнинг ўтқир назаридан четда қолиб кетмаган. У Искандар тили билан баён қилиниб, неча минг йиллардан буён эл орасида «ер ости ҳаёти ҳам ер устида қандай бўлса шундай экан», ибораси билан эътироф этилмоқда. Бу ўхшашликнинг ялпи сабаби уларни бир-бирлари билан туташтириб гурувчи ер ости тектоник ёриқларидир.

Ҳаёлимни тойнинг кишнаши бузди. Менинг Сарпўшли булоғи бўйида қуйманиб қолганимдан фойдаланган суҳбатдошим, боя ўтлоққа арқонланган йилқисини силжитгани кетиб бормоқда эди. У кўп ўтмай қайтиб келди ва менга жилмайганича, «Ана шунақа», деб қўйди. Кейин давом этди:

Искандар Зулқарнайн лақабини олиб бўлгандан сўнг унинг шуҳрати кундан-кунга ошиб, қудратига-қудрат қўшилибди. Лашкар тўплаб, энди сувлиқларнинг ҳам остини оламан, деб отланибди. Кемаларга ўтириб сув остига қирадиган йўл ахтара бошлабди. Бир жойга етса, ер-сув тагидан бурқираб буғ кўтарилиб турганмиш, яқинроқ боришса, улкан бир обгурда, яъни қудук, ер юзининг жамики суви ўша ерга қуйилиб, ер тагига тушиб кетаётганмиш. Искандар Зулқарнайн англабдики, ер остига қирадиган ягона йўл шул, аста яқинлашиб пастга қарасаки, еттига малоика сувга маҳлиё бўлиб, хомуш ўлтиришган эмиш. Малоикалар ёнидаги битта ўрик данагининг

икки палласига жамики дунёнинг суви қуйилмоқда, аммо паллалар ҳечам тўлмаяпти. «Қаранг, кичик бир ўрик данагининг палласига, оламнинг суви шовуллаб қуйилаяпти-ю, аммо ҳечам тўлмаяпти. Бу не синоат экан?», деб ўйлабди шоҳ. Ёнига дарҳол хос кишиларини чорлаб, машварат ўтказибди. Етти кишини элчи қилиб, етти малоика ҳузурига жўнатишибди. Элчилар малоикалар ҳузурида ер ўпиб, Искандар Зулқарнайнинг саломи ҳамда совғаларини топширишибди. Совғалар етти дона олтин ёмби экан. Малоикалар осмони фалак иморатнинг деворидаги арзимас ёриқни кўрсатишибди. Ёмбини ўша ёриқ ерга қўйишган экан, худди атайлаб қилингандек қил сиғарлик жой қолмасдан, дарз тўлибди. Шундагина элчилар диккат билан қарашса, бутун қаср девори олтиндан, ичидаги иморатлари инжулардан иборат эмиш. Олиб келган «катта» совғалари малоикалар назарида арзимас бир матоҳ эканлигидан ҳижолат тортган элчилар, Искандарнинг ҳайратини малоикаларга етказиб одоб сақлаб туришибди. Шунда малоикалардан бири ердан бир чимдим тупроқ олиб, ўрик данагининг палласига қўйган экан, у бир пасда тўлибди. Тавба, дебди элчилар бутун дунёнинг суви бир умр қуйилса ҳам тўлмаган ўрик палласи, бир чимдим тупроқ билан тўлса-я. Аммо фаришталар ҳамон сукутда, ўрик палласига термулиб ўлтиришганмиш. Шунда индамас малоикалар иккинчи ўрик палласига ҳам бир чимдим тупроқ солибдилар. Иккинчи палла ҳам шу ондаёқ тўлибди. Ҳеч вакога тушунмаган элчилар қайтиш фурсати етганлигини англаб, малоикалардан кетишга изн сўрабди. Шунда бир чиройли фаришта пайдо бўлиб, элчибошига кичкина халтача тутқазибди ва шу ундан хамир қориб подшоҳларингга кулча пишириб едиринглар, токи у нонни егач, ўлимга чора топа оладиган ҳаким даражасига етсин, акс ҳолда нобуд бўлади, дея имо қилибди. Элчилар дарҳол куллуқ қилиб, изларига қайтишибди ва нонвойни чақириб, халтачадаги унни унга тутқазишибди. Дарҳол кулча тайёрла, биз уни шоҳга тортиқ қилиб олиб борайлик, дейишибди. Нонвой ундан хамир қориб, тандирга ёпибди. Аммо кулча пишмасданоқ, тандирдан оқиб тушиб, кулга беланибди. Нонвой кулчани бу ҳолатда шоҳ олдига киритишга

кўркиб, уни кемада эшкак эшитаётган қулнинг олдига ташлабди. «Ма, мановини заҳарингга ютиб ол, эй қоравой», дебди. Эшкакчи қул ўлгудек беозор ва оч эди. Қулчани икки ямлаб бир ютади, тўймайди, аммо сабр этади. Бу сифат Аллоҳга ёкибди. Яна берармикан, деб нонвойга кўз тикмабди. Шунга ҳам шукр, Аллоҳим, дебди. Нонвойнинг ташвиши бошидан ошиб-тошиб ётар эди. У қулга беланган қулча ўрнига, шуни ким билиб ўтирибди, дея ҳар доимги нон қиладиган унидан бир коса оласола, яхшилаб ҳамир қорибди-да, ширмой нон ёпиб, элчилар қўлига тутказибди: «Мана тақсири олам, дебди, қулча тап-тайёр!».

Элчилар шоҳ хузурига кириб, таъзим қилибдилар. Кейин сўзлашга ижозат теккач, неки кўрган бўлсалар, барчасини бир бошидан оқизмай-томизмай сўйлаб беришибди. Охирида малоикалар бериб юборган «уннинг» қулчасини Искандар Зулқарнайнга тутказишибди. Шоҳ унинг на таъмини, на хидини фарқлабди. Шу боисдан ортиқча эътибор ҳам қилмабди. Элчилар келтирган хабар ортида нелар яширин эканлиги Искандар Зулқарнайнга аён бўлганлиги учун у хафароқ экан. «Тезда отланинг, Нуротага қайтамиз», дея фармони олий берди шоҳ. Ҳеч ким оғиз очиб, «сабаб не?», деб сўрай олмабди. Шундай бўлса-да шоҳнинг ўзи, энди дўстлар қайтар пайти келди, дебди. Биров буни тўғри тушунса, кексалар бошқачароқ қарабдилар. Шу боисдан оломон, «Эй одил шоҳ! Бу ҳукмининг мазмуни не? Биздек оми асхобларингга аён эт», дейишибди. Шунда Искандар Зулқарнайн, сиз кўрган ўша ўрик данагининг икки палласи, инсон зотининг иккала кўзига ишора. Унга қуйилаётган бор дунёнинг суви эса, олам мулкига киёс. Қанча қуйилса-да, ўрик донасининг палласидек кўз қургур пул, мол-у дунёга тўймайди. Тўяди, қачонки иккаласига икки чимдим тупроқ тўкилсагина тўяди. Узимиз-чи, ўзимиз не қилдик, ернинг устидаги бутун мулку мамлакатларни олдик, тўйдикми? Ер остидаги мулкни олдик, тўйдикми, энди, сувнинг остидаги мамлакатлардан ҳам умидвормиз. У сиз кўрган индамас малоикалар бесабаб у ерда ўтирган эмас, улар кўрсатаётган сир-синаотлар ҳам беваждан эмас. Мен ана шундан ташвишдаман, дебди. Асхоблар шоҳнинг заковатига

офарин, деб барчалари йўлга отланадилар. Кўзимизга бир чимдим тупроқ тўкилмасидан эртароқ юртимизга етиб олайлик, дея ошиқибдилар, Йўл-йўлакай кемада келар эканлар, Искандар Зулқарнайн, эҳ аттанг дебди, шоҳ бўлса ҳам гадо қатори юм-юм йиғлабди, мулозимлар ҳам йиғлашибди, шунда суҳбатдошимнинг товушида титроқ ҳосил бўлди.

Дарҳол унинг руҳияти менга ҳам кўчди. Кўнглимнинг тубидан, ҳам қаҳрли, ҳам донишманд ҳамда чексиз ирода, куч-ғайрат соҳиби Искандар Зулқарнайндек мураккаб феъл-атворли кишига ҳам ачиниш, ҳам ҳамдардлик хисси кайнаб тошди. Шубҳасиз, суҳбатдошимнинг борлиғини ҳам худди шу каби ўйлар чулғаб олган эди.

— Шу кундан бошлаб, — деди сўзида давом этиб Шамсиддин ака, — шоҳ Искандар шўрлик бир дардга чалинди. Кундан-кунга сўлиб-сарғайди, алоғ-чалоғ тушлар кўрди. Мени ким туғди экан, туккан онам тирикмикан, деб кўп хаёл қила бошлади. Балки шу ғам туфайли дардман бўлгандир? Эна меҳрини соғиниш унинг букилмас иродасини заифлаштиргандир, билмадим, бу шундай кизик дунё-да.

Бир куни осмон тиниқ, денгиз сокин мавжланиб турар сувнинг тиниқлигидан сузиб юрган баликлар ҳам кўриниб турар жойда дам ола туриб, Искандар Зулқарнайн мулозимлари билан машварат қилибди ва дебди: «Ё аҳли мулозим, ҳай менинг содиқ асхобларим, шунча юртни олдик, инсон қилмаган ёвузликни ҳам, инсон меҳрини ҳам, барини кўрдик. Ер юзида биз забт этмаган журт қолмади. Ҳар бир ишимда сиз содиқ бўлдингиз. Энди менинг сафарим тугади, чоғи. Агар мен бу дунёдан кўз жумар бўлсам сизга айтар учтагина васиятим бор. Токи уни бажариш сиз учун ҳам шараф, ҳам қарздир».

Шунда мулозимлар юм-юм йиғлашиб: «Ҳай аттанг, номард новвой бир балони бошлаган чиқар, эмасам малоикалар бериб жубарган уннинг кулчаси бўлганида эди, шохимиз, буйтибгина ўн гулидан бир гули очилмай навкирон даврида сўлиб ўтирмасди, ҳай аттанг, ғафлатда қолибмиз», дейишиб пешоналарига шапатिलाшибди. Аммо бу фикрларини шохнинг олдида айтишга ҳайиқишибди. Шундай бўлса ҳам бир

дадилроғи туриб: «Ё, шоҳижаҳон, не истагингиз бўлса, мухайё қилайлик, айтинг хизматингиздамиз», дебди.

Суҳбат шу ерга етганда шоҳнинг ҳузуридаги мажлисдан билдирмайгина сирғалиб чиккан мулозим-элчилардан биттаси тўғри новвойнинг олдига келиб, кекирдагига ханжар қадабди: «Эй, бефаросат махлуқ, бояги биз берган халтачадаги унни не қилдинг?» Новвойни титроқ босиб, эси чикиб кетибди: «Эй саховатли инсон, раҳм қил, мен ҳамирни эплаб ёпа олмасдан кулга белаб қўйдим, кейин увол бўлмасин деб анавинга (эшкакчини кўрсатибди) бердим. «Ҳа уккағар, наҳс босган, кулга беланса ҳам олиб кирайверсанг ўлармидинг», дебди мулозим. Шу онда кемалар қирғоққа етиб, лангар ташлайди. Мулозим жаҳл устида новвойни ҳам, эшкакчи кулни ҳам кетига тепиб, кемадан ҳайдайди. Эшкакчи, — Шамсиддин ака ҳикоясини шу ерида бир зум тўхтатиб, овозини бир оз пасайтирди, юзига сирли жилва қалкиб чиқди, — асли, — деди у шивирлаб, — эшкакчи оддий қоратанли одам эмас, Луқмон, ўша машҳур Луқмони Ҳакимнинг ўзгинаси эди».

Луқмони Ҳаким исмини эшитиб сергакландим. Суҳбатдошимнинг сўзини бўлиб қўйиб, савол бердим:

— Шамсиддин ака, нима, бу Луқмони Ҳаким ҳам Нуротада ўтганми?

— Э, эсачи, албатта, Нуротада ўтган, бизга қишлоқдош бўлган-да.

— Ахир у кишини зангилардан, асли хабаши бўлган дейишади-ку.

— Ай-й-й укам-ай, шу ҳам гапми, Нуротада кора рангли одамлар кам эканми? Мана биз ҳам унчалик оппоқлардан эмасмиз, — дея шопдек мўйловларини бураб-бураб, мириқиб кулади, ўз гапига ўзи маст бўлиб, наъза қилади. Суҳбатдошимнинг бир содда, бир эътирозга ўрин қолдирмайдиган даражадаги маънодор сўзларига дилим яйраб, мен ҳам унга қўшилишиб куламан.

Шу он этак тарафдан мода эшак минган бир қария кўринди. У ортига қараб нукул: «Кур-р-р, кур-р-р, ҳа ҳайрон қолгир, келақолсанг-чи», дер эди. Мода эшак, кейинда қолаётган боласига кашал бўлиб дам бадам ортига бурилиб қарар,

юриши унмас эди. Паҳмоқ жун, шалпанг кулоқ, чиройли хўтикча эса парвойи палак, на онасининг жовдираши, на бобойнинг кур-курлашига эътибор бермасдан гоҳ йўлда учраган буталарни чимдир, гоҳ тупроқ хидлаб имиллар, гоҳида эса шаталок отиб дикир-дикир сакраганча онасидан ўзиб кетарди. Шамсиддин ака ўрнидан туриб чолга пешвоз юрди, мен узокдан бош ирғиб, кўлимни кўксимга қўйиб еаломлашдим. Чол эшакда, Шамсиддин ака тик турганча суҳбатлашиб қолдилар. Яна ёлғиз тутга суянган қўйи хаёлга толдим. «Бу Нурота халқи тоза ғаройиб эл-да ўзиям. Кўпгина азизларни аллақачон «ўзлариники» қилиб олганини айтмайсизми. Ғазгон Ҳазрати Алининг қадамжоси, қабрлари ҳам шу ерда, Деҳибаланд эса Имом Ҳасан, Имом Хусаннинг қадамжойи, у кишимларнинг ҳам бу ерда қабрлари мавжуд, дебди. Аслида ҳар уччаласи ҳам Ироқда дафн қилинганлиги ҳаммага маълум-ку.. «Ҳа энди, бу халқнинг азизларни ўзларига нақадар яқин тутишига бир ишора-да. Бу ҳақда кўп ўйлар эдим. Аммо Лукмони Ҳакимдек номи эл назарига тушган улуғ зотнинг Зулқарнайн қишлоғидан «чиққани» мени роса лол қолдирди. У киши Довуд алайҳиссалом суҳбатига мушарраф бўлган улуғ зот бўлиб, минг йил умр кўрган эканлар. Улуғларимизнинг ёзишларича, у кишига нарса ва воқеа-ҳодисаларнинг моҳияти, уларнинг ҳақиқатига беҳато етишишдек хислату ҳикмат ато этилган экан. Гап уларнинг қаерда туғилиб, умргузаронлик қилганларида эмас, балки уларнинг халқимиз қалбидан мангу жой олганлигида, деб ўйлайман. Шу боисдан, неча асрлар ўтса ҳам улар ҳар бир нуроталик билан бирга-бирга нафас олмоқда ва ҳамон уларни ўз оға-инилари каби қишлоқдошим дея ардоқлайди, улар билан фахрланади. Ана жайдари фалсафа. Уларни халқ матал, афсоналарида тилдан қўймай, қўшиқларида куйлашади. Тоғу тош, чўлу биёбонлардан изларини кидиришади. Сал келбати келишган жойлардан излаганларимиз шу ерда эканмикин, дея «изи»ни ўчирмаслик учун ёдгорликлар барпо этишади.

Эшак минган қариянинг нималардир дея, шан-ғиллаб гапиришидан хаёлим бўлиниб, ўзимни йиғиштириб олдим. Шамсиддин ота: А-а-й-й, бу чол асли зўр кўпкаритоз, полвон

чопогон эди, бир вақтлар, — дейди. Унинг тақимиға тушган улоқ, бировнинг қўлиға ўтганини эслай олмайман. Ани ҳаёт, энди қартайиб эшакнинг устида базўр ирғалиб кетаяпти. Шамсиддин ака калласини сарак-сарак қилиб, нимагадир мийиғида бир кулиб қўйгач, менга юзланиб, гапида давом этди...

ЛУҚМОН, НОВВОЙ ВА АЖДАРҲО ҚИССАСИ

Эшкакчи ҳўп юввош ва раҳмдил кул экан. Шу боисдан чоригини ечиб, новвойға берибди. Оёғингга тош ботмасин деб оёқ-кийимини ҳам ечиб берибди. Чўл оралаб борар эканлар, новвой тезда кучдан қолибди. «Эй Луқмон, беҳад чанқадим, сув бер, йўкса ўламан», дейди у. Луқмон дўстининг аҳволидан жуда ғам чекибди. «Сув йўқ, эй биродар», дебди. Шунда қайдандир, «Мана мен сувман», деган товуш эшитилади. Луқмон атрофға аланглабди, аммо ҳе-е-е-ч кимни кўрмабди.

Шунда товуш яна қайтарилибди. Бу сўзни янтоқ сўзлаётган экан. Луқмон янтоқ илдизини кесган экан, сув сизиб чиқибди ва иккаласи чанкоғини қондирибди.

Яна бир оз юрибдилар. «Қорним очди, нон бер, йўкса ўламан», дебди новвой. Луқмон яна ғамга ботади ва дўстига «Нон йўқ, эй биродар, бир оз сабр килгин», дейди. Шунда бир овоз, «Мана мен нонман», дейди. Бу сафар Луқмон туятавон ўт сўзлаётганини англайди ва унинг туганагини қовлаб олиб, дўстига едиради. Яна йўлга тушадилар.

Луқмон кўрсаки, иккита чумоли олдинма-кетин шошилиб кетмоққа ва бир-бирлари билан сўзлашмоқда. «Тезроқ инимизга кириб олайлик, йўкса ҳалок бўламиз, ҳозир кум бўрон туради», дерди биринчиси. Луқмон тезда бир йирик саксовулнинг танасидан тутганича чакмонини ёпиниб юзтубан ётди-да, новвойдан ҳам шундай қилишни сўрабди. Аммо у тинглагиси ҳам келмай йўлида кетаверибди. Тезда бўрон қўзғалиб, у кум тағида қолиб ҳалок бўлибди.

Луқмон омон қолади, аммо йўлдан адашади. Адашганда ҳам ёмон адашади, қаёққа борарини билмайди бечора. Тасо-

дифан олдидан бир девор чикибди. У деворга сакраб чиққан экан, халиги тўсиқ бирдан ўрнидан кўзғалиб юриб кетибди. Кўркиб кетган Лукмон Аллоҳга нола қилиб, ё Раббано, бу не синоат, девор ҳам юрадимиде, деган экан. Девор тилга кириб:

— Эй, Лукмон, биламан, сен дунёдаги инсон жинсининг энг меҳнаткаш, энг қаноатли, энг раҳмдил, энг содиқ тоифасидансан, мен девор эмас, аждарлар султониман. Ҳозир мен билан қароргоҳимга борасан. У ерда кичик боламнинг корнига чўп кириб, минг йилдан буён азоб чекапти, уни тузатиб қўй, — дебди.

— Ахир мен даволаш илмидан беҳабарман, ё аждар наслининг подшоҳи!

— Сен ўша кулга беланган кулчани еган кунингдан бошлаб ер юзидаги энг билимдон, энг чапдаст ҳақимсан, эй инсон боласи. Энди сен даволай олмайдиган дарднинг ўзи йўқ. Чўпни норастигинамнинг корнидан суғуриб олсанг бас, ўша зирапчанинг ўзи сенга давосини ҳам айтади, агар минг йилдан буён чириб кетган бўлса ҳам.

— Вой-бу-ў-ў-й, кичик болангнинг корнига зирапча кирганига минг йил бўлган бўлса, унда ўзинг нечага кирдинг?

Аждарҳо жилмайиб қўйибди-да, сўнг:

—Бошимдаги шохимнинг нечта айриси бор? —деб сўрабди.

—Олтита шекилли, тез юраётганингдан кўзим тиниб кетаяпти, санай олмаяпман.

—Ҳа-а-а, баракалла, ҳар айриси минг йилдан-да. Энди, эй, инсон наслининг меҳрибони, сен ҳам нақ минг йил умр кўрасан.

—Йўғ-э, буни қайдан билдинг. эй яшин шижоатли зот?

—Чунки ер юзидаги барча гиёҳ, барча жонивор сенга ўлимнинг давосини кўрсатиб туради. Меҳрибонлигинг учун парвардигор сенга шу хислатни раво кўрди. Аслида малоика-ю, парилар бу хислатни Искандар Зулқарнайнга олиб бермоқчи эди. Уларнинг айтгани бўлмай қолди.

—Нега энди, эй аждарлар шоҳи?

— Э. инсон боласи, барибир баринг хом сут эмган-санлар-да, жумладан, Искандар Зулқарнайн ҳам. Бу ёғини айта

олмайман, чунки парвардигордан донишмандроқ олий зот йўк. Не қилса ўзи энг буюк ҳакам. Сенга маслаҳатим шул, кўп савол сўрагандан кўра, кўпроқ фикрлашни одат қилгин. Асли инсон наслидан ҳам сергап тоифа йўк. Кўрмайсанми, биз илон, аждарҳолар доимо жим юрамиз.

—Маъкул, эй аждар. Лоақал битта савол сўрашга ижозат эт.

—Сўра, эй одам боласи.

—Қара, шунча йил умр кўрдинг, дунёдаги энг донишманд жондорлардан бирисан, сендан ақллироқ тирик жонни топиш амри маҳол. Наҳотки болангнинг қорнига кириб қолган оддий бир чўкирни олиб ташлашга минг йилдан буён фаросатинг етмаса.

—Эй, хом сут эмган инсон боласи, яна гапирасан-а, ахир айтдим-ку, бижингсан деб, Яратганнинг амрисиз бирон кимарсага, ё нимарсага чўп ҳам кирмайди, ё кирса чиқмайди. Агар болам минг йил олдин бир бўғоз қўйни бесабаб чакиб олиб азоб бермаганда эди қорнига чўкир-тикан қадалмасди. Энди у бир беозор жониворга кўрсатган жабрининг жазосини тортаяпти.

Ажаб бўпти! Бундан кейин қиладиган ишини аввал бир оз ўйлаб кўрадиган бўлар, эси кирар. Ҳарчанд уринмайин мен боламини бу жазодан халос эта олмайман. Мен минг донишманд, фаросатли бўлсам ҳам шу ишни ўзим бажара олмайман, тушундингми?

Ана келиб ҳам қолдик.

Улар бир улкан ғорга яқинлашдилар. Ичкаридан лангиллаб ўт-аланга чиқиб ён-атрофни жизганак қиляётган эди. Шунда Лукмон сўради:

—Аё аждар, бу қандай ўт-олов? Аждар айтди:

—Боламнинг оғзидан чиқаётган тафти.

—Мен унга қўшилиб куйиб кетмайманми?

—Йўк, эй одам боласи. Қирқ йил қирғин бўлса ҳам ажали етган ўлади, юрайвер. Ичкарига кирамиз. Демак, уни олиб ташлаш сенга буюрилган экан-да. Қани бир уриниб кўр-чи.

— Майли, — дебди Лукмон. — Бир кўрсам кўраин, ихлос қилсанг давоси чўпдан. Ё бисмилло... Ҳа ана, шугина экан-ку, жилама-е. Бирпасда яхши бўп кетасан, — дебди.

— Йў-ў-ўк, — дебди шунда зирапча, — у шундайлигича яхши бўп кетмайди. Энди мени ўтда куйдириб, кулимни захмга босиб қўйсанг, яхши бўлиб кетади.

—Эй инсон боласи, минг раҳмат сенга, боламни дарддан холос қилдинг. Энди сен Лукмон эмас, шу бугун, шу сониядан бошлаб Лукмони Ҳакимсан, дунёда сен тузата олмайдиган дарднинг ўзи йўк. Тила тилагингни!

—Э, менинг нима ҳам тилагим бўлар эди, ҳа айтгандай, Нуротага, уйимга кетаётган эдим-ку, йўлдан адашдим. Подшоҳимиз Искандар Зулқарнайннинг олдига тезроқ боришим керак, чунки у касал, мен уни ҳам тузатишим керак. Шунинг учун уйимга тезроқ бораин.

Шунда аждар жим қолди. Бир оз сукутдан сўнг:

— Елкамга ўтир. Факат бижинглайвермай, шохларимдан маҳкам ушлаб, жў-ў-ўн ўтириб кўзингни юмгин, иккаламиз осмонга учамиз, сени Нуротага ўзим элтиб қўяман, — дебди.

«Ҳа-а анави чўққини кўраяпсизми»,—деди суҳбатдошим. Дарҳақиқат чўққи гўёки устида туман бордек ўтирган жойимиздан элас-элас кўриниб туради.

Шу ерга қадар учиб келишганда бир жуфт бўз тўрғай вижирла-а-а-б бўзлайверди.

—Ана кулоқ тут, тўрғайлар не деяпти, деди аждар. Лукмон тўрғайлар сасига кулоқ тутиб тургач:

—Во-о-о-й, шўрим курсин, подшоҳимиздан ажраб қолибмиз-ку, - деди.

—Хайр, эй одам боласи, – деди аждар.

— Э-э-э, шошма-я аждархо, ахир одамгарчилик деган гап бор бизнинг элда. Уйга борайлик, бир пиёла чой ичиб кетгин, ахир ошна бўлиб қолдик-ку, кишлоққа қирамиз, – дебди ҳаким, ош, нон, сут, қатик дегандек бирга баҳам кўрайлик.

Шунда аждар иккинчи бор жилмайибди:

— Эй, одам шу ширин лутфинг, шу очик дастурхонларингга қойилман-да. Аммо мен кишлоғингга кирмаганим маъкул.

— Нега энди?

— Нафасимдан еру кўкни аланга қоплаб келаётганини кўрмаяпсанми?

— Кўраяпман.

— Кўрсанг бўпти-да. Кишлоғинг ҳам бир пасда куйиб кулга айланмасдан шу ердан қайта қолай. Хайр, эй меҳрибон одам.

— Хайр, аждар, хайр эй индамаслар мулкининг фасоҳатли султони...

Ўша аждар қўнган жой тап-тақир ҳалигача бирон гиёҳ кўкармайди, қоп-қора бўлиб куйиб кетган. Оти ҳам шунинг учун Бахилтов. Шу оловнинг бир чети Лукмонга ҳам тегди. Қул корамағиз эмасми, аждарнинг оғзидан чиққан оловдан юзи куйиб яна қорайди. Шундай Лукмонни билмаганлар занги бу дейишди.

ЗУЛҚАРНАЙН ВАСИЯТЛАРИ

Ошпаз ва Лукмонни чўлга ҳайдаб юборган мулозим машваратта қайтиб кирса, асҳоблардан дадилроғи: «Ё шоҳи жаҳон, не хизматларингиз бўлса килайлик, фармон килинг», деб турган экан.

Искандар Зулкарнайн мулозимларнинг дилбарлигидан бир оз кўнгли ёришиб:

— Биринчи тилагим, агар ҳалок бўлсам, пешонамда бори, — деб юм-юм кўз ёши тўкибди, — тобутимдан иккала қўлимни ҳам чиқариб қўйинг.

Асҳоблар ҳам юм-юм йиғлашиб:

— Нега энди, эй шоҳи олам, нега буйтиб кўлингизни чиқариб қўяйлик?

— Чунки, — дебди Искандар Зулкарнайн, — мен бутун дунёнинг мулкани олдим, аммо ўзим билан ҳеч нарса олиб кета олмаётиман, шуни элу журт билсин, — дебди. Асҳоблар шоҳнинг донолигига яна бир бор қойил қолишса, ундан айро

тушаётганликларидан изтироб ўтида ёнишибди. Шундай бўлса-да зўрға ўзларини тутиб:

—Эй шоҳим, иккинчи истагингиз не бўлди, — дейишибди. Шунда шоҳ:

—Иккинчи истагим, мени ҳеч кимнинг ҳоки бўлмаган, ҳеч кимнинг мурдаси кўмилмаган жойга дафн қилинглар, — дебди. Бу хангомадан асҳобларнинг аҳволи танг бўлиб:

—Ё шоҳи олам, ё донишманд шоҳ, бизнинг калта фаҳмимиз бу қадар чигал масалани ечишга қодир эмас, ўзингиз ёрдам беринг, у қандай жой эканки, инсон танаси кўмилмаган бўлса, — дейишибди. Шунда Искандар Зулқарнайн:

—Бу жой мен туғилган ғор, — деб бизнинг Зулқарнайн қишлоғини, мана шу ғорни—Шамсиддин ака ғорга имо қилиб қўйди, — кўрсатибди.

— Учинчи истагингиз не, эй диловар зот? — дейишибди асҳоблар. Шунда шоҳ:

— Кимки менинг зиёратимга келса, номимни айтиб чақирсин, шунда мен жавоб бераман, — дебди.

Кўп ўтмасдан Искандар Зулқарнайн йўлда Нуротага етмасдан вафот этибди. Унинг содиқ асҳоблари, хос-хизматчилари, навқару, чериклари тобутидан қўлини чиқариб, неча эл, неча юртлар устидан пойи-пиёда босиб ўтиб, қўлма-қўл кўтарганларича бизнинг қишлоққа келиб, мана ўзингиз кўриб турибсиз, шу ерга дафн қилишибди. Лукмони ҳа-ким ана шу воқеанинг устидан чиқиб турган экан. Ёмғир-қорда даҳма бузилиб кетмасин, деб устини ёпиб шиферлаб қўйдик. Асли қабр, қадимда қандай бўлса, шундайлигича қолган. Мен ҳар замон, бир замонда келиб даҳмани, мана бу масжидимизни супуриб, сидириб кетаман, бор гап шул, ука. Энди журинг, уйга бориб чой ичамиз.

Менинг бу сирли жойдан ҳеч қаерга кетгим келмас эди. Бу қадимги қишлоқ яна қандай сиру асрорларни ўз бағрида яшириб ётган экан, дея ҳаёл сурдим. Кейин суҳбатдошимга юзланиб:

—Шамсиддин ака, бу иккинчи қабр, Искандар Зулқарнайн оналарининг қабрлари қандай пайдо бўлиб қолди, — деб сўрадим.

—Э, эсим курсин, — деди у, — буёғи хаёлимдан кўтарилибди-ку. Хуллас, паризод болани ғорга ташлаб кетган кундан бошлаб ороми йўқолибди. Ўзи эркак либосини кийиб, энди мен бошқа бировга аёл бўлмайман, деб эр киёфасида юрар экану. туну кун чакалоқ ҳолича ташлаб келган гўдаги хаёлини тарк этмас экан. Охири чидай олмасдан уни излаб йўлга тушибди. Бизнинг қишлоққа келиб ғорга кириб чиқиб, беором бўлиб турса, Искандар Зулқарнайнни боқиб катта қилган кампирнинг чоли ўтайверибди, анов сўқмоқни кўраяпсизми, худди шу жойдан.

— Ҳа, —дебди чол, — қани жигитча, буйтибгина беором бўп турибсиз, не гап?

Искандар Зулқарнайннинг онаси эркак либосида эди-да.

— Бир мусофирман, — дебди у. — Тунагани жойим йўқ.

—Жой бизникида-да, кетдик эса, гапхона қили-и-иб жотамиз. Олдинма-кейин бошлашиб чолникига кирса, кампир ҳам, Искандар Зулқарнайнни соғиниб зор-зор йиғлаб ўтирган экан, қўлида Искандар Зулқарнайннинг онаси муҳр босган мактуб, боламнинг иси бор, деб ҳидлаб-ҳидлаб қўярмиш. Шунда паризод дастхатини танибди, ўзини кампирнинг оёқ остига ташлаган экан, телпаги учиб кетиб, қоп-қора икки ўрим сочи илондек чўлғаниб елкасига ёйилиб тушибди. Аёл кампирга ўзини танитибди. Учаласи ҳам йиғлашиб ўтирган аснода ғала-ғовур кўтарилиб, Искандар Зулқарнайннинг мурдаси солинган тобутни кўтариб келиб қолишибди. Қишлоқ этагидаги кулфак-ли ҳовузчани кўраяпсизми?, сўради суҳбатдошим. Дарвоқе, боя кўҳна қишлоқ этагида мўъжазгина ҳовузга кўзим тушган эди. Ўша ҳовуз бўйидаги майдонда жаноза ўқилиб, Искандар Зулқарнайнни мана шу ерга олиб келиб дафн қилишади. Она бечора «до-о-од болам», деб ўзини тобут устига отиб урганича жон берган экан, уни ҳам Искандар Зулқарнайн билан ёнма-ён кўмиб қўйишибди. Ана ўзингиз кўрдингиз... Қабрлари ёнма-ён турибди.

—Болани асраб олган чолу кампирнинг кейинги тақдири не бўлди? — деб савол қотаман суҳбатнинг тугаб қолишини истамай.

—Э, у шўринг қургурлар ҳар куни қабр бошига келиб йиғлаб-сиқтаб кетаркан. Айникса, кампир ҳар келганда Искандар-у-у-у-в-в, Искандар, деб эмизикли боласини йўқотган мода бўрига ўхшаб увларкан, йиғларкан. Еттинчи куни келиб яна «Искандар», –деб чақирса қабрдан товуш чиқибди. «Эй эна, — дебди овоз, агар энди келсангиз, менинг номимни тўлик айтиб чақиринг», — Искандар Зулқарнайн деб чақиринг». «Нега, болажоним, шохли кўзичоғим, аввалгидеккина Искандар деб чақирсам бўлмайдими?» –дебди кампир. «Йўқ энажон бўлмайди, чунки бу ерда мендан бошқа яна 71 нафар Искандар ётган экан, агар мени Искандар Зулқарнайн деб чақирмасангиз қайси биримиз эканлигимизни билолмасдан ҳаммамиз бир овоздан ҳо-о-о-ов, деяверамиз». Шунда кампир чолига: «Эй чол, одамнинг ҳоки қўйилмаган жойда Искандар деганнинг ўзидан 71 таси ётган бўлса, дунёнинг бошқа жойларида ахвол қандайчикин экан-а», дебди. «Э, кампир, бу қўҳна дунёда одам келаверади, кетаверади, тупрокка айланаверади, яна ўт-ўлан бўлиб қўқариб чиқаверади, ундан қоладигани не, бойликми, тиллами?» У ерда суҳбатдошим жим қолди. Мен ҳам жим эдим. Гўёки иккимиз ҳам чолнинг саволига жавоб тополмаётгандек бир нуктага боқиб узоқ ўтирдик. Кейин аста ғор оғзига бордим-да, бир оз каловланиб турдим. Бу ишимдан Шамсиддин ака бирон маъни англай олмай ҳайрон эди. Кейин астароқ «Искандар-о-о» дедим. Ҳеч ким индамади, бирон сас чиқмади. Кейин баландроқ овозда «Искандар-о-о-о-в» дегандим, «ҳо-о-о-в, ҳо-о-о-в, ҳо-о-о-в» деган товушлар эшитилди. Аммо бу овозларнинг қаердан келаётганлигини англай олмай қолдим. Ғордан чиқаётгандими ёки теварак-атрофданми била олмадим. Аммо Искандар Зулқарнайн менга нидо берганлигидан у билан гаплашгандек, дардлашгандек сездим ўзимни.

Эрталаб чойдан сўнг:

— Йўл бўлсин, — деди Шамсиддин ака тоғликлар ода-тига кўра, худди мени ҳозиргина кўриб тургандек.

— Мен пойи-пиёда Октепага, қишлоғим Тулабосдига ошиб кетаман, — дедим.

—Агар мени десангиз, сафарни шу ерда якунлаб қўяверинг ука.

Мен бу донишманд қариянинг сўзларини икки қилгим келмай:

— Хўп, — дедим.

Унинг чиройи очилиб кетди:

— Кун жуда иссиқ, бундай сафарларни Нуротада баҳор фаслларидагина қилган маъқул, мен ҳам шерик бўламан, — деди мерган.

— Хўп, — деб ортга қайтдим.

Ҳалайли тоғларининг қир учига чикиб ортимга қарадим. Бу ердан бутун Нурота водийси кўзга ташланарди: жумладан, Искандар Зулқарнайн қабри ҳам, қабрдан чикиб турган қўллари ҳам. Тоғ шамолида бу рамзий панжалар силкиниб туради, ҳатто билакларидаги кўнғироклар жинғирлаши ҳам эшитиландек бўлади. Тоғ тепасида бир парча олпоқ булут сузиб юрар, бўлуб остида эса ипча осилгандек бўз тўрғай вижирлаб сайрар, салқин тоғ этишини изларимни силаб ўтар эди. Бечора тўрғай, гўё у кам Искандар Зулқарнайн қиссасини бутун элга сўзлаётгандек эпкин эса уни узоқ-узоқларга олиб кетаётгандек эди. Тоғ тепасида ҳаёл суриб узоқ ўтирдим. Аммо Зулқарнайн қишлоғи, унинг саҳоватли одамлари, донишманд қария Шамсиддин ака билан яна бир бор учрашишни дилимга тугиб қўйдим.

Дарҳақиқат, Зулқарнайн қишлоғи менга бир умрга татигулик таассурот бағишлади. Бу ердаги Искандар Зулқарнайн туғилган ғор, она эчки сакраб-сакраб тушган пиллапоя-зиналар, афсонавий шох ўтириб, соч олдирадиган курси, устара қўядиган токча, дулдул отнинг туёғидан сачраган учкун, сирлиқоялар, сарторошлар тақдири, дулдул отнинг думдор, хипча бел сурати, қамиш униб чиққан Ойбулоқ қудуғи, Зулм, Зулқарнайн коризи, Сарпўшли булоғи, мовий ранг тош-тахт, шохнинг жанозаси ўқилган қулфакли ҳовуз бўйидаги майдон, Зулқарнайн масжиди, чол-кампира...

Бу ерга албатта, яна бир бора келаман, дўстларим билан келаман. Токи улар ҳам Искандар Зулқарнайннинг қўлларини ўз кўзлари билан кўрсинлар, дея дилимга тугдим.

Зулқарнайн – Тўлабосди – Тошкент

САНЪАТ, ХУНАРМАНДЧИЛИК, ЭТНОГРАФИЯ, ТАРИХ

(Публицистик мақолалар)

Тўғон ва Қорақулбек



**Мулла Қорақул Мингбоши
Фармондўм ўғли -1922 йил.
Каттақўрғон шаҳри.**

XX аср бошларида юзага келган сиёсий муҳит туфайли рўй берган воқеалар тафсилоти шунчалар чалкашки, мозийнинг хира пардалари оша дўст киму, душман ким бўлганлигини ажратиб олиш унчалик осон эмас. Истиқлол туфайли тикланаётган тарихимиз тафсилотларига кўра, ўша давр қурбонларининг кўпчилигини Ватан озодлиги орзусида ҳаётини гаровга қўйган ва аксарияти шу йўлда жон берган юрт фидойилари бўлганликларини билиб олмоқдамиз.

Самарқандлик Қорақулбек ҳам шундай инсонлар сирасидан бўлган. У кишини биров Бек бобо, Мулла ака, Мингбоши ота, Мирзо Қорақул, деб ардоқласа, яна бирови хохламайроқ тилга олади. М.Шевердиннинг «Бўри изидан», А.Листовскийнинг «Боботоғ устида қуёш» роанларидаги ғирт уйдирмалардан ташқари, Қорақулбек шахси тўғрисида бирон жўяли маълумот топиш гумон эди. Дарвоқе, шўролар даврида у киши хусусида нафакат ёзиш, хатто овоз чиқариб гапиришнинг ҳам имкони йўқ эди. Бугунги кунда эса, биз билмаган кўплаб манбалар юзага келмоқдаки, улар орасида Қорақулбек номи ҳам тез-тез

кўзга ташлана бошлади. Шундай манбалардан бири атоқли шарқшунос олим Аҳмад Закий Валидий Тўғоннинг қатор мақола ва хотиралари бўлиб, уларни халқимизга таништиришда профессор Б. Қосимов, фалсафа фанлари номзоди А. Зоҳидий, А. Воҳидов, филология фанлари номзоди Ш. Турдиев, тарихчи олимлар С. Аъзамхўжаев, Қ. Ражабовларнинг хизмати катта бўлмоқда.

Асли бошқирдистонлик бўлган Аҳмад Закий Валидий 20-йилларда ўтқир сиёсий арбоб сифатида танила бошлади. Унинг Бошқирдистон ҳукумати қўшини Бош қўмондони сифатида ҳамда Ленин, Сталин ва уларнинг бошқа сафдошлари билан бир қанча йиллар бирга ишлагани бежиз эмас. Худди шу даврда тўплаган ҳаёт сабоқлари унга большевиклар партияси тузган тузум туркийзабон халқларга озодлик бера олмаслигини англаб етиш учун кифоя килди. Бу фикр Валидийнинг Ленин, Сталин, Чичеринларга ёзган мактубларида ифодаланган.

У 20-йилларда большевиклар Бошқирдистонда анча томир отиб улгургани туфайли шўроларга қарши курашни Туркистон ўлкасида давом эттириш учун бир қатор сафдошлари билан 1920 йили 31 декабрда Бухорога келади. Бу ерда Аҳмад Закий Валидий Тўғон учун большевикларга қарши иш юритиш ҳам қулай, ҳам мушкул эди. Қулайлиги шунда эдики, ўлкада большевистик рух унча ёйилмаган, уни бўғиб ташлаш Бошқирдистон, Татаристон ёки Кавказ ўлкаларидагичалик қийин эмасди. Аммо сиёсий уюшмаган омма орасида кураш уюштиришнинг ўзи бўлмасди. Аҳмад Закий Валидий шарқшунос олим сифатида Ўрта Осиёда, хусусан, Фарғона, Самарқанд, Қарши ва Бухорода икки бор узоқ илмий сафарда бўлган, шу боис зиёлилар орасида яхши таниш эди.

Мунаввар Қори, Усмон Хўжа каби маҳаллий зиёлилар иштирокида Ўрта Осиё Миллий мусулмон жамиятлари федерацияси, деб номланган қўмита ташкил қилиниб, унга Аҳмад Закий Валидий раис этиб сайланади. Қўмитанинг мақсади Туркистонни мустақил давлат сифатида эълон қилиш эди. Мақсадга мувофиқ, ички (Амир Олимхон ҳокимияти) ва сиртқи (Россия ва бошқа босқинчилар) сиқувга дош бера оладиган мунтазам қўшин шакллантирилиши лозим эди. Бунинг

учун Карманада ҳарбий мактаб очилади. Аммо кўп ўтмай, Файзулла Хўжаев қуролсиз деҳқон ва қосиблардан ташкил этилажак ушбу қўшин ҳам сиёсий, ҳам ҳарбий жиҳатдан яхши тайёрланган ва замонавий қуролланган Амир Олимхон ҳамда Россия қўшинига қарши тура олмайди, деган фикрга келади. У Амир Олимхон салтанатини ағдариб ташлашнинг қулай ва ягона йўли большевистик Россиядан сиёсий ва ҳарбий ёрдам сўраш деб билади. Лениннинг маккорона сиёсатидан яхши хабардор бўлган Закий Валидий эса Ф. Хўжаев фикрининг акси ўлароқ, бу ҳамкорлик мамлакатни ҳалокатга дучор этади, деган тўхтамга келган эди. Шу боис уларнинг фикрлари айрича аҳамият касб эта бошлади. Алхусус, Закий Валидий хотираларида шундай ёзади: «Ф. Хўжаев Анвар пошо ҳам, сиз (Валидий – А.Н.) ҳам босмачиларга қўшиладиган бўлсангиз, биз очиқ курашга ўтамиз, раҳм йўқ, муносабат шафқатсиз бўлади деди. Кўзлари жикқа ёшга тўлди, менинг кўзларим ҳам ёшга тўлди». Бу икки туркий қавмнинг ўша тўфонли йилларда кечирган ҳиссиётларини биз авлодлар 80 йил кейин ҳам яққол тасаввур қила оламиз. Дарҳақиқат ҳар иккала оға-инининг бир-бирларига тиғ чархлашлари ҳеч бирига осон эмасди. Шу боис ҳам, Ф. Хўжаев билан йиғлаб ҳайрлашдим, деб эслайди Закий Валидий хотираларида.

Ватан озодлиги йўлида ҳарбий ишларни ташкиллаштириш учун, Ғарбий Бухорода (Сурхон ва Қашқадарё воҳаси, Тожикистон) Анвар пошо, Зарафшон водийсида эса, Аҳмад Закий Валидий Тўғон фаолият олиб боради. У ҳаракатни эл-юртнинг обрўли кишиларини уюштиришдан бошлаш лозим, деган режа билан Бухородан Кармана ва Каттакўрғон орқали Самарқанд тарафга йўл олади. Мана шу ташкилий ишлар муносабати билан Қорақулбек тўғрисида бизга жуда илиқ хотиралар етиб келган. Закий Валидий уни баъзан каттакўрғонлик деса, баъзан октепалик деб ёзади. Гарчанд Каттакўрғон билан Нурота тоғларининг жанубий ёнбағирларидан оқиб тушувчи Октепа сойи ораларидаги масофа унча узоқ бўлмаса-да, баъзи чалкашликлар ҳам йўқ эмас. Дарвоқе, октепалик Қорақулбек ҳам умрининг охириги йиллари Каттакўрғоннинг шундоқ биқинига жойлашган Жарбоши мавзеида мингбо-

шилиқ қилган ва табиийки, Каттақўрғон шаҳрида ҳам ҳовли-жойи бўлган (ҳозирги Мирий кўчаси, 6-уй, шоира Мутрибанинг умр йўлдоши, бизнинг бузамиз — А.Н.). Шуларни назарда тутганда Закий Валидий хотиралаётган Каттақўрғонлик ва Оқтепалиқ Қорақулбеклар (уларнинг исми-шарифи кўрсатилмаган) бир киши бўлса керак, деб ўйланиб қолади киши.

Аҳмад Закий Валидий март ойларида каттақўрғонлик Қорақулбек билан учрашгани, унинг қишлоғида меҳмон бўлгани ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Каттақўрғон атрофидаги «босмачилар» раиси Қорақулбек олдида жўнадик. Бу ойларида ўзбеклар қорақулбарра сўйғонлигидан гўшт жуда кўп бўлди. Ҳаммамиз бирга бўлганлигимиздан хурсанд эдик. Тез орада Бухоро ўлкасида кураш бошланажак. Анвар пошонинг раҳбарлиги омадли бўлса, биз Зарафшон бўйида Очил ва Қорақулбеклар билан бирга бутун атрофни босиб олардик».

Каттақўрғон шаҳри яқинидаги Байнал қишлоғида яшовчи 92 яшар Холбой бобонинг ҳикоя қилишича, Валидий «босмачилар раиси» деб атаган Қорақулбек ўзбекларнинг найман уруғи кенг тарқалган (Валидий ҳам уни найман уруғидан деб ёзади — А.Н.) ҳозирги Нуробод туманига қарашли Олти ўғил қишлоғидан бўлган. Бу жой аҳли қадимдан чорвачилиқ билан шуғулланганлиги учун ҳам Валидийнинг барра гўшт кўп бўлди, деб ёзиши тасодифий эмас. Қорақулбек шу атрофда мустақил иш юритиб, Мирбозор, Хатирчи, Нарпайда жойлашган қизил аскар гарнизонларини тор-мор қилади. У Мамадиёр қози, Раҳмон дўм мингбоши, Ортик Эшон пир билан бамаслаҳат иш кўрган, ўзини ислом лашкарларининг қўмондони, деб ҳисобловчи киши эди.

Ўзбекларнинг туркман уруғидан чиққан оқтепалиқ Қорақулбекни Аҳмад Закий Валидий «жуда хуш ахлоқ, тарихдан хабари бор, шу атрофнинг эътиборли кишиларида эди», деб эслайди. Оқтепасойнинг Тўлабосди қишлоғида туғилиб ўсган, Фармон дўмнинг кенжа ўғли бўлган Қорақул Бухоро мадрасаларида таълим олиб қайтгач, дастлаб мирза, кейинчалик элликбоши ва мингбоши этиб сайланади. У 25–30 ёшларидаёқ эл орасида бир сўзлиги ва одиллиги учун катта ҳурмат қозонади. Юрт ташвиши уни сира тинчлантормаган,

шу боис кўнгилли равишда оқтепалик етти йигит билан 1916 йили Жиззах кўзғолонида қатнашади. Бу ҳаракат унинг чор Россияси ўрнатган тартибга нисбатан дастлабки норозилик кайфияти кўринишларидан эди. Жаҳолат ва ахлоқсизликка йўғрилган Амир Олимхон салтанати ҳам унинг ҳақпараст дилига кўп ўтиришмас, у бу феълени Бухорода ўқиб юрган кезларидаёқ сездириб қўйганлиги туфайли, анча муддат амир таъқибига дучор бўлганди. Унинг ана шу қарашлари Заки Валидий ғояларига мос келиб, дўстлашишларига сабаб бўлган. Қоракулбекнинг кўрсатган хизматларидан энг оддийси ва айни вақтда, унга довруқ келтиргани ўша вақтлари юзага келган бош-бошдоклик туфайли ҳар қадамда бўй кўрсатаётган зўравонлик, ўғрилиқ, қароқчилик ва бошқа тартибсизликларга қарши аёвсиз кураши бўлди. Бу борада у нафақат Оқтепасой ёки Оқтов этакларида, балки бутун Нурота воҳаларини ташкил этувчи Офтобрўйда ҳам тартиб ўрнатишга муваффақ бўлди.

Қоракулбек тузумни ўзгартирмасдан элда ободлик қарор топмаслигини яхши тушунган. Айнан мана шу ҳақиқат йўлида Закий Валидий билан дўстлашган. Юқорида айтилганидек, Закий Валидий Туркистонда ниҳоятда пинҳона иш тутишга мажбур бўлган. Бундай масъулиятли ва қийин даврда ҳарбий-сиёсий ишларни ташкил этишда Қоракулбек ва унинг йигитларига қаттиқ суянганлиги Тўғон хотираларида тез-тез учрайди. Аммо бу кураш жараёни узоқ давом этмади. Бухоро амирининг тарафдорлари бўлган таваккалча лақай ўзбеклари ўзлари билмаган ҳолда Анвар пошони қамаб қўйиши, кейинчалик унинг Болжувонда, руслар мактаганидек, улар томонидан эмас, балки дайди ўққа учраб, ҳалок бўлиши, устига-устак Тўғон ибораси билан айтганда, Қахҳор (нуроталик Абдуқахҳор қўрбоши эмас — А. Н.), мулла Мустаҳ каби амир тарафдорларининг Бошқирдистондан Туркистонга ёрдам учун келган зобитларни хоинона ўлдириши, хуллас, уюшмаслик ва омилик сабаб Туркистонда большевизм кенг ёйила бошлади.

Совет-Польша урушининг руслар фойдасига ҳал бўлиши Туркистонда кўплаб қўшин тўпланишига ва бу ўлкада қизилларнинг қўли баланд келишига сабаб бўлди, деб ёзади

Ахмад Закий Валидий Тўгон. У 1923 йил февраль ойида чет элга чиқиб кетишдан бошқа илож топмади.

Кўп ўтмай, яъни 1925 йилнинг кузида Қорақулбек шўро ҳукумати томонидан қамокқа олинди ва Каттакўрғон шаҳрида суд қилинмасдан, жинояткорона отиб ташланди. Бешотар қуролининг барча ўқи ҳам бекнинг кўксига жо бўлганда, ҳали у қирқ ёшни ҳам қораламаган эди. Шу тариқа Ватан яна бир шерюрак ўғлони Қорақулбекдан жудо бўлди.

*«Фан ва турмуш» журналидан.
2000 йил, март*

«ХАТ БИЛАН ГУЛ СОЛДИМ БУ ТОШ ЛАГАНГА...»

Айрим хонадонлар ўзига хос музей вазифасини ўтайди. Шундай хонадонлар сирасига Самарқанд вилоятининг йирик бекларидан ҳисобланган Қорақул мингбоши оиласи мансубдир. Мирзо, Мулло, Мингбоши атамаларининг тиркаб аталишининг ўзи ҳам Қорақулбек ўз даврида Зарафшон воҳасининг обрў-эътиборли кишиларидан саналганлигидан дарак беради. Бек бобомиз томонидан ҳар бир халқ ҳунармандчилиги маҳсулоти оддий буюм сифатида эмас, балки етук санъат асари каби қадрланган. Айнан шу хусусияти билан ҳам у нафақат сиёсат, этнография ёки тарихни ўрганувчилар балки санъатшуносларнинг ҳам эътиборини жалб этади. Аниқроғи у киши яшаган давр (XX аср бошлари)га хос ёғоч ўймакорлиги, мис-металлга ишлов бериш (кандакорлик), ганчкорлик, тоштарошлик, гилам-тўкимачилик санъати намуналари ўзига хос музей шаклида бир жойга — бек хонадонига тўпланиб қолганлиги диққатга сазовордир.

Айни пайтда номи унутилган ёки унутилаёзган халқ усталарининг асарлари санъат тарихида ўқилмаган саҳифаларни битишда муҳим аҳамият касб этади.

Қорақулбек 1925 йил қатл этилгач, унинг оиласи аъзолари бошига советлар тузуми туфайли кетма-кет кулфат ёғила бош-

лайди. Аммо нозиктаъб бегойим Қаршигул бувимиз (вафоти 1937 йил) ва падаримиз мулла Низомиддин (вафоти 1986 йил)ларнинг саъй-ҳаракатлари туфайли оиладаги санъат асарларидан баъзи намуналар сақланиб қолган. Ғазғонлик моҳир сангтарош Абдурахим муҳандис Қорақулбек номига атаб ясаган 9 дона мармар тош лаган, шарқона тўқиз хил таомга ишора ва бир дона обреза-тошнов — шулар жумласидандир. Абдурахим Ғазғоний Бухородаги Ситораи Моҳи Хосса ёзги саройини, Амир саройига кираверишдаги мармар тошдан ясалган бир жуфт шер ҳайкали Карманадаги амир Абдулаҳадхон даҳмасини, Султонободдаги Олчин боғини, Ғазғондаги Жомеъ масжидини Тошкентдаги ҳозирги ЎзФА биносини, Шимолий темир йўл вокзалининг ўша даврлардаги биносини безашда олиб борган ишлари, Ғазғон қишлоғида ясаган наҳанг балиқ ва тимсоҳ сиймоси маълум. Қорақулбек хонадонида сақланаётган бу буюмлар санъаткор ижодининг кирраларини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Лаганларда оқ, кулранг-қора ранглар табиий ҳолда уйғунлашиб кетган. Улар Ғазғон мармаридан 43,5 ва 45,2 см катталикда ясалган бўлиб, четларини нақш шаклида битилган арабий (куфий) хатларда калима ва байтлар беаб туради. Аслида лаганлар тўққиз дона бўлган экан, аммо беҳаловат йиллари уларнинг олтитаси изсиз йўқолган, қолган уччаласи эса яхши сақланган. Уста уларнинг бирини палов сузиш учун мўлжаллаган шекилли, деярлик ялпоқ шакл касб этувчи гардишини (атиғи 3 см кўтарилган, оғирлиги 3,5 кг, диаметри 45 см) ҳуснихат билан араб алифбосида «Мулло Қорақул бекбоши 1344 (яъни шамси-қамарий 1925 й.) Мулло Фармон Ўғли» мазмунидаги жумла ва ушбу тўртлик чекилган.

**Бо хат гул кандам ин зарф бар ҳажсар
Шод қардад ҳар, қаси созад назар.
Асли қонаш аз қаромати Али,
Нақл мекарданд бузургон ин хабар.*

* Шеърларни форс тилидан тарих фанлари доктори, шарқшунос олим, шоир Маҳмуд Ҳасаний таржима қилган.

Хат билан гул солдим бу тош лаганга,

Шодлик бағишласин уни кўрганга.

Асл кони — Али кароматидан,

*Бу хабар улуғлар ривоятидан.**

Санъат асаридаги безаклар қачон, ким учун ва қаерда ясалганлиги тўғрисидаги хабарга айланиши билан биргаликда, тоштарошлик, ҳуснихат, назм санъати жамланган ҳунар эканлиги кўриниб туради. Лавҳа орқали Ғазгоннинг тоштарошлик санъати ривожланган тарихий макон эканлиги тўғрисида яна бир ёзма маълумотга эга бўламиз. Ғазгон қишлоғини ва у ердаги мраммртошни ерлик аҳоли Ҳазрат Али қадамжоси сифатида улуғлашлари, усталари тошни пичокда ҳамир тилгандек оппа-осон кесиб жило беришини, ҳатто уни ноҳос кўрган кишининг ҳам қайғуси ариб, шод бўлишини ғазалда кўрсатилгани каби бир каромат дея биламиз. Лаганга назар ташлаган ҳар бир киши бу ишдан таажжубланиб, кўнгли қувончу завққа тўлиши — кароматнинг исботидир.

Шарқда меҳмоннавозлик-маданиятнинг энг юқори чўққиси ҳисобланган. Мезбон хонадонига кириб келган меҳмонни қандай йўл билан бўлмасинкўнглиниовлашга ҳаракат қилинган. Нақл қилишларича, Қорақулбек тортиниб турган меҳмонларига: «Қани, меҳмонжонлар, ошни охиригача олиб қўяйлик, шунда ажиб бир сирдан воқиф бўласизлар, фақат бунинг учун идишда бир дона ҳам гуруч қолмаслиги керак!» — дер эканлар. Қўл артишга чоғланиб турган меҳмонлар қизик-қизик билан лаганни ошдан тозалаганлару сари ёзув мукамалроқ кўрина борган. Саводи бор меҳмонлар сир нимада эканлигини дарҳол англасалар,баъзисоддароклари: «Бек бобо, ошни-ку еб бўлдик, аммо ҳеч сир кўрмадик, шекилли» дейишар, шунда Қорақулбек лагандаги ёзув ва ғазални ўқиб бергач, меҳмонлар лаганни юз-кўзларига суриб: «Ҳам қорнимиз тўйди, ҳам жойимизда ўтирган ҳолда улуғ жойлар улушини зиёрат қилдик, бу ҳақиқатдан ҳам мўъжиза эмасми?» — дея шодланишар экан. Уста

Абдурахим ва Қоракулбекни таомдан кейинги фотиҳага қўшиб алкашар эканлар.

Иккинчи лаган биринчисига нисбатан каттаро, оғирроқ бўлиб, диаметри 42,5см, оғирлиги ҳам 3,4 кгни ташкил этади. Унинг гардиши тикроқ, 4 см кўтарилган. Куфий ёзувда битилган «Машоллоҳ» — «Олло» нени хоҳласа», калимаси идишга улуғвор бир сирлилик бахш этиб туради. Ушбу дуо гардишининг уч жойини тенг геометрик ўлчовларда банд этганлиги устанинг ўз ишига ниҳоятда моҳирлик билан ёндошганлигидан далолат беради. 120° қияликда жойлаштирилган ёзув нурсимон тарқалган геометрик тўғри чизик шаклидаги безак ўрнини ўтайди.

Учинчи идиш аввалгиларига қараганда янада жозибалироқ. Унинг қирралари дастлабкиларидан тикроқ, 6,5 см. вазни енгил (оғирлиги 2,7 кг. У ҳам ниҳоятда нозик ишланган. Диаметри 44,5 см. Гардиши доиранинг тўртдан бири шаклида тўғри тўрт қисмга бўлинган хошия-гириҳ билан безатилган. Хошия ичига зич қилиб «Машооллоҳ» калимаси бир-бирига акс таъсир ҳолида қабартириб чекилган бўлиб, дуо 360° қияликда 16 маротаба такрорланган. Куфий хат шунчалар жозибадор-чекилганки, дастлабкиназар биланунинақш ёки бир ажойиб безакдан фарқлаш қийин. Бу — энг қадимий хаттотлик усулларида бўлиб, уста ўз санъатини ёмон нафаслардан, кўзлардан сақлаш учун, оят калималарини юзакиликдан асраш учун тилсим сифатида, гўё нақш чекилгани каби ишлаган. Устанинг киши дилини лол қолдирувчи санъати -жимжимадор насталик хатини куфий ёзувлар оралиғига тенг масофада сиғдириб, яхлит бир композиция ташкил этганлигидадир.

Куфий ва насталик ёзувлари бир қарашда уйғунлашиб, иккинчи назарда бир-бирини ошкор қилаётгандек жимирловчи жонли манзара касб этади. Унда шундай байт (дубайт) битилган:

*Касе, ки лаззати ганжи ҳаётро фаҳмад,
Табақ-табақ гуҳар нисори аҳбоб кунад.
Саҳои туро ба ҳама даҳр ошкор кунад,
Азизу муҳтарам, соҳиби эътибор кунад.*

*Фаҳмлар гар ҳаёт гаштин лаззатин ҳар ким,
Товоқ-товоқ гавҳарин дўстларга нисор қилур.
Саховатинг номингни оламга ошкор айлаб,
Эл ичида азизу, соҳиби эътибор қилур.*

Содда, аммо ҳикматга йўғрилган бу тўртлик ҳар қандай кишини дафъатан чуқур фикрлар оғушига олади. Товоққа қараб туриб, шу тош идишга тўлатиб дўстларинг олдида очиқ кўнглинг билан қўйган таоминг, эрта-индин уйингни саховат нури билан тўлдиришини аввал ҳеч ўйлаб кўрмаганингга ҳайрон қоласан.

Балки шу калима Қорақул мингбоши хаёлларини ҳам банд этгандир?

Товоқлар тухфа қилинган куннинг эртасига уста Абдурахим Ғазғонийга ва шеригига бошдан оёқ сарупо ёпилиб, бир жуфт аргумок (эгар-жабдуғи билан) тортик қилинади.

Шуни таъкидлаш ўринлики, уста товоққа ушбу тўртликни мингбошидан тухфа олиш мақсадида ёки Қорақулбекнинг саховатли бўлишга чорлаб ёзмаганли-ги аниқ. Чунки уларнинг иккалалари ҳам саховатли, қўли очикликда бир бирларидан қолишмас эдилар. Қорақулбек бирор одам қарз сўраб келган пайтида чўнтагидаги пулини санамасдан узатиш одатини эл ҳозиргача эслаб юради. Ҳатто «Қорақул мингбоши бўл-е!» деб қўйшади гапнинг расамадида, баъзи сахийроқ кишиларга нисбатан орқаравотдан.

Абдурахим муҳандис ҳам қўли очикликда кўпчиликни лол қолдирган усталардан экан. Накл қилишларича, Тошкентдаги ишларини бажариб бўлгач, Файзулла Хўжаев у кишига милтиқ ва патефон совға қилади. У киши Ғазғонга етиб келиб кўчаларига бурилсалар, бир қариндошлари чиқиб қолади ва: «Бизга нима совға олиб келаётирсиз, уста?», деб қолибди ҳазиллашиб. Уста ўша вақтлари ноёб ҳисобланган қўлларидаги патефонни ҳеч иккиланмасдан ўша кишига бериб юборган эканлар.

Демак, устанинг қалбидаги саховат асарларига ҳам кўчган. Бу самимият мухлисларни ҳам тўлқинлантирган.

Очиққўл, бағрикенг инсон Қорақулбек томонидан устанинг ўзи ҳам, ишлари ҳам шу тариқа ардоқланган. Чунки уста бекнинг кўнглидаги сўзларни топиб тошга туширган эди. Натижада, лаганлар авлодларни эзгуликка чорловчи нодир санъат асарлари қаторидан ўрин олди.

ГИЛАМ ЖИЛОСИ*


Нурота тоғи этакларида яшовчи эл қадимдан гиламдўзлик билан шуғулланган. Улар босма кигиз, содда тўқилган олачадан тортиб тақир гилам, жулхирс, қоли гиламларгача тайёрлашган. Уларнинг хонадониди гиламчилик асосида тўқилган иркит-тўрва, тузхалта, ойнахатла, дастурхон, хуржунларнинг ранг-баранг турларини, шунингдек от жабдуқларини учратиш мумкин.

Олачанинг ҳам бир неча тури мавжуд. Қокма олача-арқов (кўндаланг тўқилган) қаттиқ тут ёғочидан ясалган 0,6-0,7 м.лик қиличсифат тўқув асбоби (қилич-А.Н.) билан бир-икки уриб-қоқиб тўқилганлиги учун шу ном билан аталади.

Касмалдак — содда, қирқоёқ шаклидаги йўл-йўл гул солиб тўқилади. Қокма ва касмалдак тўқилиш жараёнидаги баъзи мураккабликлар ва гулдорлигини ҳисобга олмаганда бир-бирларига жуда ўхшаш.

Гулдор олача сербезаклиги билан қокма ва касмалдакдан фаркланади. «Қулфи-калит», «қўзи тиш», «майизгул», «ханжаручи», «қуроқгул», «туморгул», «балиққўз», «иттовон» каби шакллар олачани жуда сербезак, ҳашаматли кўрсатади. Ҳар бир безак шакли ўзига хос рамзий маънога эга.

 Қўзи тиш — қўзи тиши каби майда, оқ донатор нуқталар бир қатор тизилади. У қут-барака рамзини билдиради.

 Қулфи-калит — бир-бирига акс таъсир шаклда туширилган шохдор қўчқор калласини эслатувчи шакл. У

* Турмуш ўртоғим Мухаббат Низомова билан ҳаммуаллифликда ёзилган.

хонадон эшиги дўстга очик, ағёрга ёпиқлигини билдирувчи рамзидир.



Қуроқгул — бир-бирига занжирсимон чирмашиб кетган архарнинг бурама шохини эслатувчи безак. Икки ёш (келин-куёв, олача тўшалган хонадон эгаси) бир-биридан ажралмасдан, бирикиб-чирмашиб юрсин деган ниятда чекилади.



Иттовон — тўрт бурчагида тўртта нўхатдек хол туширилган гўё итнинг изини эслатувчи тўртбурчак шакл, чиллалли келинчак, ёш гўдакни ёмон кўзлардан, суқдан асраш, итланмаслиги мақсадида туширилади.



Ханжар учи, туморгул — бир-бирига ўхшаш учбурчак шакллар, бир қарашда пичоқнинг учи ёки туморга ўхшаб кетади, Гўёки у хонадонга қаратилган ёмон нафасни кесиб, уй соҳибини асраб авайлайди ва ҳақозо.

Олачага чироз чекиш расм. Чироз тўкилмайди, балки тўшанчинини гир айлантириб, оқ ва қора рангда (ола була) илонсифат 3–4 см энликдаги ҳошия шаклда тикилади. Чироз ўзига хос безак шаклини ўташ билан бирга, тўкилган ипни тўзиб, тарқалиб кетишдан сакловчи ҳимоя вазифасини ҳам ўтайди. Кўзга яққол ташланувчи оқ холлик қора заҳарли илон шаклидаги чироз хонадонни ёмон кўздан сакловчи ҳимоя рамзий маъносига эга.

Тақир гилам тўкилиш ва гул солиниш усули билан гиламчилик технологиясига яқин турса-да, патсизлиги туфайли олачага ҳам ўхшаб кетади. Шунинг учун тақир ёки тақирлоқ номини олган.

Жулхирс (жуни хирс–айиқ жуни) пахмоқлиги ва безакларининг ўзига хослиги билан калкон гиламдан фарқланади.

Нурота гилам дўзлигининг энг нодир намунаси «калкон тури» бўлиб, бу гилам тури сербезаклиги, ўзига хос жозибаси билан диққатни жалб этади. Бу гиламдаги безакларнинг ҳар бири ўзига хос фалсафий-тарихий аҳамият касб этувчи санъат асаридир. Мана шундай кўҳна гиламлардан бири хонадонимизда авайлаб сақланмоқда. Уни мингбоши бобомиз Қорақулбек 1914 йили тўнгич ўғли падари бузрукворимиз Низомиддин

туғилганида Октепа бозоридан сотиб олади. Аслида гиламлар ўша вақтда етти дона бўлган экан. Уларнинг ҳар бири саккиз холлик, сербезак, тароватда бир-бирларидан қолишмас, арқоқлари майин қўй юнгидан йиғирилган, рўян, испарак каби ўсимликдан олинган табиий бўёқларда ранглангани туфайли чўғдек товланиб, кўзни яшнатар эди. Гиламлар ўн йил бекнинг меҳмонхонасини безаб турган. Аммо нотинч йиллар бошланиб хонадон соҳиби қатл этилгач, падаримиз Мулла Низомиддин, бувимиз Каршигул бойбича билан биргаликда кўпгина ёдгорликлар қатори бу гиламларни ҳам ертўлага беркитиб қўйишган. Зах таъсирида уларнинг баъзилари кўпроқ, бизгача етиб келгани эса камроқ чириган бўлса-да, ҳамон ўз жозибасини йўқотгани йўқ.

Гиламнинг эни 1,75 м., бўйи 4,10 м, теварагини эса 0.36 м кенгликдаги хошия-чироз (оқ сув-А.Н) қуршаб олган бўлиб, у буюмдаги яхлитлик, улуғворликни бўрттириб кўрсатаётгандек таассурот қолдиради. Чирознинг ичи бир-бирига акс таъсирида чирмаштирилган қўчқор шохини эслатуви митти шакллар занжирсифат чўзилиб кетган. Юқорида эслаганимиздек, бу кулфи-калит номли безакнинг бир кўриниши бўлиб, у гиламнинг теварагини тўртбурчак шаклда икки қатор бўлиб эгаллаб туради.

Ҳар иккала сиртки чироз оралиғида пайдо булган 0,12 м.лик хошия (зарбоп-А.Н) қоронгилашиб қолган осмон бўшлиғини эслатувчи оч кулранг кўринишини беради. «Осмон» юлдузлар (чорғўза-А.Н) билан тўла. Юлдузларнинг маркази баъзан қорамтир қизил, кейин қизғишроқ ва ниҳоят ёрқин қизил тусда порласа, баъзиларининг маркази хира сариқ, кейин қизғиш ва ниҳоят тўқ қизил рангда жуда «узоқлардан» милтираб кўриниб туради. Ҳамма юлдузлар ўн икки қирралик, аммо унинг тўрт қирраси равшанроқ ёлқинланиб турадиган тусда. Ахтарлар орасида осмон рангидан бирозгина фарқланиб турадиган хира юлдузчалар ҳам элас-элас кўзга ташланади.

Чироз икки тизимли бўлиб, ҳар қаторда саккизтадан жойлаштирилган жами ўн олтита саккиз қирралик (0,47-0.38 м)

* Ахтар – юлдуз, осмон ёриткичи.

қалқон рамзи туширилган. Қалқон ҳам тўрт қисмга бўлинган бўлиб, марказидаги тўртбурчак (сандиқ ёки ховли-А.Н) ичига ёрқин порлаётган саккиз қиррали қуёш шакли солинган. Қалқоннинг тўртала бурчида ҳам тўрт оёқли икки бошли қўй (гиламдўзлар қўчқорак деб аташади-А.Н) ёки ён томондан акс эттирилган от рамзи ҳамда унга қарама-қарши тарафда оёқларини кенг ёйиб туган шохдор қўй ёки тоғ эчкиси тик қараб тургандек таассурот қолдиради. Қалқоннинг иккала четида қўчқоракнинг оёқлари олдида тўртта тумшукдор, узун бўйинли қуш тасвири туширилган.

Қалқонларнинг ўртасида ҳосил бўлган хошия қизғиш товланаётган кенглик (0,12 м) уфқни билдиради. Унинг ортида ёрқин сариқ рангда ловуллаб кўтарилаётган қуёшнинг гирди қорамтир қизғиш, кейин янада ёрқинроқ сариқ ва ниҳоят ним қизилда берилган. Қуёш атрофида эрта тонгнинг сўнгги юлдузлари саккиз қиррали шаклда кўриниб турибди. Юлдузлараро яна сийрак бўлса-да (хар икки, баъзан қалқонлараро) яна шохли қўчқорлар гажак шохларини кўз-кўз қилмоқда.

Қалқон марказини тўғри тўртбурчак шакл ишғол этади. Бу шаклни гиламчилар сандиқ, баъзан уй, хонадон рамзи сифатида тасаввур этишаркан. Сандиқ ёки уй, хонадон марказида бахт, ҳаёт рамзи саналган юлдузсифат чорғуза порлаб турибди. Сандиқ ичига назар ташласангиз, унинг тўрттала бурчида биттадан, жами тўртта тилсим акс эттирилган бўлса, уларнинг марказида улкан чорғуза порлоқ иқбол сифатида чақнаб турибди. Сандиқ теварагида эса иқбол омиллари от—дўст-ёр, ривожланиш рамзи, қўй-қўчқор — давлат, бойлик рамзи, чўмич тўкин-сочин ризқу рўз, қуш — бахт рамзи, инсу жинслардан сақловчи ҳолдор илон — хонадон қўриқчиси сифатида жой олган.

Гиламда жами ўндан ортиқ белги бўлиб, кекса гиламдўзлар фикрича, улар шундай рамзий маъно касб этадилар:



Сандиқ — буюмнинг, асосан қоли гиламнинг асосини ташкил этувчи тўртбурчакли шакл. Баъзан у ховли ёки уй ҳам деб аталади. Буюм эгасининг маънавий ва моддий бойлигини асрагувчи тилсим

рамзи.



Чорғўза — хонадон эгасининг порлоқ иқболи, бахт рамзи.



Чўмич — тўкин-сочинлик, ризқу-рўз рамзи.



Куш — бахт рамзи.



От — дўст-ёр, ривожланиш рамзи.



Кўй, кўчкорак — кут-барака, бойлик рамзи.



Туёқча — кутлуғ қадам рамзи.



Сув — ҳаёт рамзи.



Илон-ҳимоя рамзи.



Туморгул — хонадон эгасини ёмон кўзлардан ҳимоя этувчи белги.

Мазкур гилам барча хусусиятларига кўра, В.Г.Мошкова тасниф этган Нурота этакларида яшовчи ўзбекларнинг (туркман уруғи гиламдўзлари томонидан тўқилган) гуруҳига хосдир. Бу гилам ўзининг безак хусусиятларига кўра, бошқа ўзбек, туркман, қирғиз гиламларидан фарқ қилади. Нурота гиламларининг чироз қошияси турлича шаклда безалиши мумкин. Аммо қалқонларининг шакли (ўлчами ҳар хил бўлишидан қатъи назар, саккиз қирралик) ва кўчкорак, от, куш рамзининг такрорланиши барча қалқоннусха қолигилаамларда кузатилади.

Чеварлар бу гиламда қўл етмас осмон, юлдузлар туркуми, сирли сомон йўли остидаги яшил яйлов, дала-даштларда ўтлаб юрган кўй-қўзилар, ховлилар атрофини қуршаган боғ-роғлар (қалқонлар бир қарашда чорбоғни, қалқон ичидаги тўртбурчак шакл ҳовли-уйларни, қалқонлараро солинган ҳошия (сув-А.Н)., — ариқ шакллари хам эслатади А.Н.) бир сўз билан айтганда,

Нурота манзарасини рамзий тарзда тасвирлашганлар. Шундай бўлиши табиий. Чунки илхомнинг дастлабки манбаи ижодкорни қуршаб олган муҳитдир. Жанубий Нуротанинг Оқтов дараларидаги қояларга қадимда бобокалонларимиз тасвирлаган тоғ эчкилари, тоғ қўйи-шоҳдор архарлар билан XX аср бошларида тўкилган гиламлардаги қўчқораклар ўртасида узвий боғлиқлик бормикан, деган ҳаёлга борасан. Қорақулбек сотиб олган худди ўша гилам тўкилган Октепа воҳасининг юқори қисмида жойлашган Булок боши кўрғонидан қадим шунос Г.А.Пугаченкова топиб олган ашёларда ҳам шоҳдор, кўзи ярим юмуқ, оғзи хиёл очилган қўчқор сиймоси, қозон таглигининг ушлагичи шаклида тасвирланган эди. У бир қарашда безакка ўхшаса-да, аслида оила бахтининг қўриқчиси, ризку насиба рамзи саналади. Бу буюмлар эрамиздан аввалги III-II асрларда ясалган, деб ёзади олима.

Қоя тошларида, сополда, металлда акс этган қиёфалар ўша даврда тўкилган матоларда, балки гиламларда ҳам акс этган бўлиши табиийдир. Охириги фикримизни ривожлантириш учун бизда етарли асос бўлмаса-да, шундай қарашни ўртага ташлашга журъат қилдик. Чунки биринчидан, В.Г. Мошкова гиламдўзлик санъати тарихини ҳақли равишда эрамиздан олдинги минг йилликлар маданиятига боғлайди.

Иккинчидан, қадимги газламаларда зооморф* безаклар кенг ўрин олганлиги маълум. Демак, металлга, газламага туширилган безаклар гилам матосида ҳам қайтарилган бўлиши ва у минг йиллар оша бизнинг давримизгача етиб келган бўлиши мумкин. Аммо асримиз бошида тўкилган Нуротанинг қоли гиламлари XX аср 60-йиллардаги тўкилган қоли гиламлардан нафакат нафислиги, балки безак унсурларининг мукамаллиги жиҳатдан ҳам анча устун туради. XX аср иккинчи ярмидан кейинги тўкилган Нуротанинг қоли гиламларидаги зооморф унсурлар қисман бўлса-да, архаик аҳамият касб этмокда. Масалан, қўчқоракларнинг жуфт-жуфт шоҳлари ёш авлод томонидан тўкилган гиламларда ягона бўлиб қолмокда ёки умуман қалқонсифат безаклар ўрнини турли ислимий* шакллар эгалламокда. Аммо қисман бўлса-да, ҳозиргача сақланиб келаётган

* – жониворлар тасвири.

қадимги безак шакллари Нурота гиламчилари тасаввурида айна пайтда ҳам қадимги мазмунини йўқотмаганини билдиради. Бу гиламлар, ҳамда улардаги шакл, безаклар халқлар тарихи, этнографиясини ўрганишда ажойиб манба бўлиб хизмат қилади.

Ушбу гиламда акс этган рамзий маънолар, муаллифнинг Нурота тоғлари бўйлаб ўнлаб йиллар мобайнида ўтказган географик тадқиқотлари ҳосиласи ўлароқ йиғилган бўлиб, уларнинг аксарияти халқ усталаридан ёзиб олинди.

*«Соғлом авлод учун»,
2003 йил, 6- июнь*

ЛАТИПА - АРАВАК

Латипа кўпгина шарқ мамлакатлари каби ўзбек аёлларининг ҳам сеvimли, аммо тобора унутилиб бораётган такинчокларидан биридир. Узук панжаларга, билагузук билакка, мунчоқ бўйинга, исирға кулокқа тақилгани каби латипа улардан фарқли ўлароқ бурунга тақилади. Этнограф И.Жабборов маълумотича уни бурунсирга дейишади, аммо латипанинг эл ичида турлича номланиши қизиқдир. Нурота ён бағрида яшовчи ўзбеклар латипа дейишса, Зарафшон воҳасининг ўрта қисимларида яшовчилар булоқи, бурун-булоқи, бурноқи, қуйи Зарафшон ва Қашқадарё воҳасида яшовчи элатлар эса арабек, излом, натбина, натти, Хоразм воҳасида аравак ҳам, деб аташади. Биронта такинчокнинг бунчалар кўп номи бўлмаса керак, жами йиғилиб ўнта, ҳатто наттининг икки тури мавжуд. Натти-бурун тешикларининг ўртасига тақиладигани, чет натти-бурун парракларининг албатта чап томонига тақилади. Уларнинг тақилиш вақтида ҳам маълум тартиб кузатилади. Олайлик натти фақат келинга никоҳ кечаси тақилади, чет натти эса унғача, ундан кейин ҳам тақилиши мумкин.

Бу такинчокнинг ўлкамизда пайдо бўлиши, араблар истилосидан кейинги даврларга хос, деган фикрлар санъатшунос олим Фахритдинова Д.А. томонидан ҳақли равишда олға сурилган. Чунки аравак, арабек атамасининг ўзигина унинг

аробий келиб чиқишга эга эканлигидан дарак беради. Ҳатто латипага ўхшаш кулоққа осиладиган ярим халқа шаклидаги исирғанинг «халқа-и Мухаммади» дея аталиши ҳам латипанинг келиб чиқишига кичик ишора деб билиш мумкин.

Д.А. Фахритдинованинг фикрича латипанинг пайдо бўлиш тарихи бироз мунозарали, айтиш мумкин-ки қоронғидир. Энг қадимги манбаълар XVI асрга бориб тақалади, дея хабар беради олима. Аммо баъзи адабиётларда келтирилган тарихий далилларга кўра латипанинг такинчоқ шаклида пайдо бўлганлигига биз қиёсий таққослашларга таяниб 4000 йил бўлди дея оламиз. Латипа тарихи пайғамбаримиз Иброҳим алайҳиссалом яшаган даврларга бориб тақалади, Маълумки, у Дажла ва Фурот дарёси оралигидаги Бобил давлатига қарашли Совод деган жойда таваллуд топди. Кейинчалик Мисрдан аёли Сора ва хизматчиси Хожар билан Фаластинга кўчиб келадилар. Бу вақтда улар анча кексайиб қолган, аммо бефарзанд эдилар. Шу боисдан Иброҳим алайҳиссалом Аллоҳ таолога доимо «Парвардигоро, менга солих фарзанд ато қилгин», - дея дуо қиларди. Иброҳимнинг хотини Сора эрининг кўнглидаги умидларни сезиб:

Менга энди фарзанд туғиш насиб этмайди шекилли. Сиз яхшиси Хожарга уйлансангиз бўларди. Зора ундан фарзанд кўрсангиз, - деди. Шу тақдир Иброҳим алайҳиссалом Хожарга уйланди ва ундан ўғил фарзанд кўрди. Боланинг исмини Исмоил, дея аташди. Боласини суяб эркалашларидан рашки келган Сора, Хожарни эри Иброҳимдан кизғана бошлади. Хожар Иброҳимга хунук кўринсин дея дастлаб унинг кулоқларига халқа осиб ташлади. Бундан Хожар янада очилиб кетди.

Бошқа ривоятларда нақл қилинишича Хожарнинг бурунларини ҳам тешиб халқа осиб қўйди. Бундан янада чирой очган кундоши билан бир хонадонда тура олмасликга кўзи етган Сора, Иброҳим алайҳиссаломдан Хожар ва унинг ўғлини узоқроққа юборишни талаб қила бошлади. Иброҳим алайҳиссалом Парвардигорнинг амри ва Соранинг хоҳишига кўра ёш

гўдак Исмоил ва унинг онаси Хожарни олиб ҳозирги Маккаи Мукаррама шаҳри томон йўл олди.

Кўпгина олимлар қатори, араб тарихчи олими Масъудийнинг битикларига кўра Исмоил алайҳиссалом милоддан аввалги 1910 йилда туғилган эканлар. Демак, Исмоилнинг Хожар билан Маккага келган вақти милоддан аввалги 1910 йил бўлиб, яъни 4000 йилга яқин вақт ўтибди.

Демак Хожар онамизнинг муборак бурунларига Сора онамиз томонидан тақилган халка-латипанинг пайдо бўлганига ҳам 4000 йил тўлибди, дея оламиз.

Айни вақтда Ўзбекистон худуди бўйлаб тарқалган халқ ва элатлар, айниқса ўзбеклар орасида латипа-аравак тақиш кундан-кунга русум тарзидан четланиб бормоқда. Қашқадарё областининг Жейнов худуди бўйлаб тарқалган, ўзбеклар билан қисман ассимиляцияга киришган араблар орасида латипа-аравак тақиш кўпроқ учрайди. Фотосуратда кўрсатилгани каби кекса аёллар қатори, ёш келинчақлар ҳам латипа-аравак тақишга ишқивозлик билдирадilar.

«Ишонч», 2005 йил 14 декабрь.

МУБОРАК ТУТ

Қарши шаҳри билан Косон ўрталиғида Пудина номли ажиб бир қишлоқ мавжуд. Бу қишлоқ қадимда йирик маданий марказ бўлганлигини яқингинада билиб қолдим. Аслида у ерларга Қашқадарё воҳасининг кўҳна обидалари — сардобаларни ўрганаман, деб боргандим. Дарвоқе, илмий адабиётлар ўтган асрнинг бошларида Пудинада маҳобатли сардоба — усти гумбаз билан ёпилган эшик, туйнукли, зинапоялик ажабтовур сув иншооти мавжуд, дея хабар берарди. Юзлаб чақирим йўл босиб Пудинага етиб келгач, тарвузим қўлтиғимдан тушди. Чунки мен кўришга иштиёқманд бўлган қадимги гидротехник

иншоот — сардоба 1935—40-йиллардаёқ аввал гумбази ўпирилиб тушиб, кейинчалик эса гиштлири турли мақсадларда ишлатилиб кетган экан. Бу хабарни қишлоқдаги «Қусам Шайх» ансамблини зиёрат қилиб туриб танишган пудиналик янги танишларим Рўзимурад Норов, Омон Бокиев, Зоир Наимовларнинг берган гурунғидан билиб олдим.

Ажабтовур шарқона меъморчилик русумида қурилган хонақоҳ, масжид биноларини томоша қилар эканман, сарҳовуз қирғоғи бўйлаб барқ уриб турган аллақанча дарахтлар билан биргаликда, маҳобатли тутга рўбарў бўлдим. Унинг кексалиги улкан қомайдан билиниб турарди. Аммо тарвақайлаб кетган шохлари қуриб қолган, кучоқ етмас танаси ёрилиб-ёрилиб кетганди. Хайрон қолдим. Қуриб қолган ёғоч, боғчага унча кўрк бермаётгандек, эди назаримда Шерикларим дарҳол мени тушунишди.

— Баховуддин Нақшбанд ҳазратларидан қолган ёдгорлик! Шунинг учун қуриб қолган бўлсада авайлаб сақламоқдамиз. У киши болаликларида шу тут ниҳолини ўз қўллари билан эккан эканлар.

Мен хайрон бўлиб қолдим. Бутун мусулмон олами зиёрат қилишни орзу қилган, кўнгилларни ажиб бир меҳрга тўлдирувчи зотнинг муборак излари тушган заминда турганлигимни сезиб қолдим. Вужудимни қамраб олган ҳис-ҳаяжонни таърифлашга тил ожиз.

Дарвоқе, мен сардобаларни ўрганаман, деб қанчалар буюк зот Аҳмад Яссавийнинг қиз тарафдан эваралари, Хонзода Муҳаммад Ал-Машхур Қурра Хожа Атойи ўғли Қусам Шайх (тахминан 1198—1338 йилларда яшаб ўтганлар)нинг муборак хоклари қўйилган муқаддас зиёратгоҳга келиб қолган эдим. 1218 йили Қусам Муҳаммад ва Исҳоқ Муҳаммадлар билан Арабистон томонларга илм истаб отланадилар. Йигирма йиллик таҳсил дан сўнг Қусам Муҳаммад ҳалигача ҳаяжонимизни боса олмасдан турганмана шу замин—Косон туманига қарашли Пудина ҳадисшунослик мактабига асос соладилар. Шу тариқа ўз даврининг улуғ шайхи даражасига етишган Қусам

Шайхнинг Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий каби буюк калам соҳибларининг ҳам асарларида муносиб ўрин олганликлари бежиз эмас, Балки Абдурахмон Жомий ёки Алишер Навоий Қусам Шайхни Баҳовуддин Нақшбанднинг устозлари эдилар, дея эътироф этиб, Пудинани бир бор зиёрат қилиш орзусида бўлгандирлар.

Ривоят қилишларича, илм истаб келган бир ўспирин Қусам Шайх ҳазратларининг эътиборини тортади. Бу вақт Шайх ҳазратлари қовун еб ўлтирар ва бот-бот пўчоқларини ерга ташлар эдилар. Шунда ўша ўспирин тупроққа беланган пўчоқни муборак нафаслари теккан неъмат тарзида ердан ола солиб еб қўяверади. Бу ҳолат уч бора такрорлангач, Қусам Шайх ўспириннинг илм олишга иштиёқи ниҳоятда баланд эканлигини англаб, уни шогирдликка оладилар. Бу ўспирин, кейинчалик дилларга Аллоҳ номини нақшдек банд этиш йўлида ўзгача бир мактаб яратган, бутун мусулмон олами унинг зиёратига бир бора етмоқни орзу қилувчи пири муршид Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари эдилар.

Бу неҳолки, ўтган асрнинг етмишинчи йилларидан Қарши чўлини ялпи ўзлаштириш натижасида ер ости сув сатҳи кўтарилиб, тупроқ иккиламчи шўрланишга мубтало бўлди. Натижада аллақанча боғлар, асрий дов-дарахтлар тузга дош бера олмасдан, қуриб қола бошлади. Балки Баҳовуддин Нақшбанд ҳазратлари эккан мана бу кекса тут ҳам 600 йил умр кўриб, ўша даврда шу сабабдан завол топгандир.

Ҳокисор инсонлар ҳамиша бор ва бўлади ҳам. Аслида шундай инсонларнинг юртга, авлод-аждод ҳамда улар қолдирган маънавий ва моддий бойликларга муҳаббати юқоридир. Худди шундай олижаноб инсонлар қуриб-қовжираб қолган бўлса-да, мана шу кекса тутни арралаб ўтин қилиб қиш-қаҳратонда исинмабди. Аксинча, авайлабгина асраб қўйибди. Ёриқлари кенгайиб кетмасин дея чегалабди ҳам. Раҳмат, эй ватандош, дедим дилдан.

«Маърифат», 2008 йил 14 июнь.

ГЎЗАЛЛИК ҲАҚИДА ГЎЗАЛ САТРЛАР

(Сўнгги сўз ўрнида)

Асрор Низомов гарчанд географ бўлса-да, бадий ижоднинг қисса, ҳикоя ва бадиҳа жанрларида бир қатор ўзига хос намуналар ярата олган. Натижада, муаллиф тафаккур тарзининг, одам ва олам ҳақидаги тасаввурларининг ўзига хослиги кичик жанрдаги бир қатор асарларда ўз ифодасини топган. Унинг асарларида қаламга олинган мавзулар мудом аҳамиятли ва долзарб бўлиб келган.

Муаллиф ҳикояларининг аксарияти ўтмиш, кишлоқ ҳаёти, тўғрироғи, тоғ халқи турмушидан баҳс юритади. Шу билан бирга, уларда миллий қадриятларимиз, урф-одатларимиз содда ва халқона тарзда, жонли образлар ва асосли воқеалар орқали тасвирланган. Асарларда қўйилган масаланинг илгари сурилиши ва ғоявий ниятнинг амалга оширилишида ҳикоялар қаҳрамонларининг ҳаққоний фаолияти, ўзига хос тили алоҳида роль ўйнаган.

Жумладан, «Тўлабосди» ҳикояси бир қарашда муаллиф туғилган жой – Тўлабосди қишлоғининг жой номи келиб чиқишига асос бўлган воқеа тафсилотларига бағишлангандек таассурот уйғотади. Бироқ асар ичига чуқурроқ кириб борилса, унда эзгулик ҳам, ёвузлик ҳам жавобсиз қолмаслиги ғоясининг бадий ифодасини кўриш мушкул эмас.

А.Низомов «Гўзаллик нима?» ҳикоясида инсон маънавий-ахлокий киёфасининг бундан ярим аср муқаддам ва ҳозирги даврдаги айрим жиҳатларини ўзаро муқояса этади. Бугунги кунда бир қадар камёб бўлиб бораётгандек туюлаётган шарқона одоб-андишанинг бундан 50 йил аввалги кўриниши Шаҳодат янга образи мисолида кишини ҳайратга солади. Бу образ ўқувчининг кўнглида нисбатан чексиз ҳурмат-эҳтиром уйғотадиган даражада табиий, ҳаққоний ва таъсирчан чиққанлиги, шубҳасиз, муаллиф маҳоратининг самарасидир.

Миллий менталитетни тасвирлашда, айниқса, ҳикоянависнинг «Абдулла» асари характерлидир. Унда муаллиф қилинган ҳар қандай амал, ният жавобсиз қолмайди, деган ғояни илгари

сурган. Ботмон-ботмон мулк эгаси бўлган Холматбойнинг бефарзандлиги туфайли чеккан изтироблари ҳикояда ёрқин ифодаланган. Муаллиф унинг руҳий ҳолатларини характерли воқеалар тасвири фонида жонли ва табиий гавдалантиради. Халқимизга хос фазилат бўлмиш саҳоватпешаликнинг мукофоти, қул болани сотиб олиб, ўзига ўғил қилиб олишдек савобнинг ажри, ихлос ила Худодан тиланган ниятнинг ижобати сифатида Холматбойнинг пайғамбар ёшидан ўтиб ўғил кўриши бадий асосланган.

Ўзбек адабиётида паҳлавон аёллар образини ёритиш жараёни ноёб ҳолат тарзини олади. Низомовнинг «Охурдаги олтин» ҳикоясининг қаҳрамони Пардахол полвон образи бизнинг давримизда балким кам кузатиладиган, аммо асар муаллифи тасвирлаётган тарихда унча ажабланарли бўлмаган, ўзбек аёлларининг типик хусусиятлари тарзида ифода этилади. Асарнинг яна бир қимматли тарафи, ёзувчи уни тарихий воқеалар фонида яратганлигидадир. Муаллифнинг асосий бадий ғояси асар қаҳрамонининг жисмонан полвонлигига мутаносиб равишда руҳий оламининг ҳам ўта гўзал, кучлилигидадир. Инсоний кадр-қиммат, ор, номус, вафо, тантилиқ, ҳалоллик каби асл инсоний хусусиятлар Пардахол образида мужассамлашади. Натижада, асар қаҳрамони, маънан энг кучли инсонга айланади, аксарият ҳолатларда инсоний хислатлардан устун келувчи олтин сеҳрини ҳам енгилга муваффақ бўлади. Бу ҳолатларни ёзувчи А.Низомов юксак бир бадий маҳорат, меҳр билан ёритиб бера олган. Натижада, ўзбек адабиёти саҳифаларида ёритилмаган ёки кам ёритилган паҳлавон аёл образи каби ғояларни кашф қилишга, адабиёт саҳнасига олиб чиқишга муваффақ бўлган.

«Чучук сув манбаи», «Ҳисор булоқлари», «Ўзбекистоннинг қадимги гидротехник иншоотлари», «Топонимика», «Ўзбекистоннинг экотуристик ресурслари ва йўналишлари», «Табиий географик жараёнлар» каби кўплаб турли мавзуларда ёзилган монография, ўқув қўлланмалари, «Сардоба», «Чинк», «Борса келмас», «Ўзбекистоннинг ички сув ҳавзалари» каби илмий-оммабоп ва ўқув-услубий фильмлари Асрор Низомовнинг серкирра олим эканлигидан дарак беради.

Натижада, унинг ушбу хусусияти яратган бадиий асарларидан ҳам «кўриниш» бериб қолади. Шундай битиклардан бири ёзувчининг «Қора йўрға» бадиасидир.

Ушбу асар ҳам тарихий воқеалар асосида яратилган бадиёт намунасидир. Унда ўзбек халқ отбозлик санъати, миллизмизнинг серкирра маданий хусусиятларига хос жиҳатларидан бири сифатида эътироф этилади. Халқимизга хос бўлган кадрият, менталитетимизнинг ажралмас бўлаги бўлган жониворларга меҳр-муҳаббат билан қараш каби инсоний фазилат муаллиф томонидан юксак пафос билан куйланган. Отбоз отанинг йилқига бўлган меҳри, халқ тушунчалари билан йўғрилиб, унинг бир учи бади тафсилотлари асносида фарзанд бўлғуси отбоз ўғлон меҳрига тутшиб кетади. Отбоз ота ҳали гўдак фарзандини беозор койир экан, отбозлик санъати сирларидан уни воқиф эта боради. Муаллиф шу тариқа ўзбек отбозлик санъатининг аجدоддан-авлодга ўтиш жараёнини очиб беришга, уни бадиий ифода эта олишга муваффақ бўлади. Ота ўзини ҳокисор тутиб «Мен синчи эмасман-ку, чунки кувш қайтараётган отга йўлиққанам йўқ ҳали», - десада, ўғлига берган ўғитлари, йилқи зотининг феъл-атвори, турлари, касалликлари ва уни даволаш йўллари тушунтириш асносида, ўқувчи асл ўзбек синчисининг қиёфасини илғаб олиши қийин эмас. Бу ҳолатнинг шаклланишида ёзувчи Асрор Низомонинг яна бир илмий қирраси отбозлик санъатидан бохабарлиги муҳим роль ўйнаган. Шу боисдан бизнинг давримизда унтилаётган, балки унтилиб бўлган отбозлик санъатига доир халқ кадриятлари қайта жонлангандек, тарих зарварақларига асар орқали янада маҳкамроқ ўрнашиб олгандек, қолаверса, халқимиз мероси сақланаётган олтин жамланмага қайтадан кириб келгандек бўлади. Шу боисдан ҳам Асрор Низомнинг «Қора йўрға» бадиаси ўзбек адабиётининг фахрли каторларидан ўзининг муносиб ўрнини топа олишига, уни ҳар бир адабиёт шинавандаси ҳаяжонсиз ўқий олмаслигига ишониб қоламиз.

Асрор Низомовнинг «Зулқарнайн кишлоғида» номли киссаси «Маърифат» газетасининг бир неча сонларида кетма-кет эълон қилинган, газетхонлар унинг жўн, аммо ширадор

имлоси туфайли юзага келган бирмунча теран, мантикли фикрлари билан узоқ давр ҳамнафас қолган эдилар. Ёзувчи ушбу асарини битар экан, бадий адабиётда қўлланиладиган анъанавий усуллардан чекиниб, ўзига хос йўл танлайди. Яъни Нурота шахри яқинидаги Зулқарнайн қишлоғига хос табиий – тарихий асори-атиқалардан устакорлик билан фойдаланганлиги, натижада, бу тадбир асарнинг ўта ўқимишли ва ишонарли чиқишини таъминлаганлигини кўрамиз. Асар «Шоҳли Искандар» номли ўзбек халқ эртаги асосида яратилган бўлиб, бу борада атокли адибимиз Мақсуд Шайхзоданинг ҳам шеърӣ йўлдаги битиклари кўпчиликка маълум. Ҳар иккала нусхада ҳам асар қаҳрамони шоҳли Искандар ўта золим ҳуқумдор тарзида нақл килинади. Аммо Асрор Низомов ушбу масалалга бирмунча эҳтиёткорлик билан ёндашади. Унинг «Шоҳли Искандар»и энди ўқувчи шуурида мураккаб характерли шахс – бирмунча каттиққўл, шу билан биргаликда, диловор шоҳ, элпарвар ҳуқумдор, ота-онасига меҳрибон ўғлон ва донишманд файласуф сифатида гавдаланади. Шубҳасиз бу борада ёзувчи тўғри фикрлайди. Чунки шоҳли Искандар Асрор Низомов тасвирлаган хусусиятларга эга бўлмаганда эди, дунёни ўзига қарата олмаган ва асхобларига инсон бу дунё бойлигига тўймайди, аммо ундан зиғирча ҳам чин дунёга олиб кета олмайди, шу боисдан моддий бойликка муҳаббат қўйманг, аслида чин бойлик инсоний фазилатларни қалбда жамлашдан иборатдир, дея олмаган бўлармиди?!

Муаллиф асар қаҳрамонлари бўлган Искандар Зулқарнайн ёки Лукмони Ҳакимларни айнан муқаддас китобларда номлари зикр қилинган тарихий шахслар ёки буюк фотиҳ Александр Македонский эканлигини таъкидламоқчи эмас, уларни айнан нуроталик деган даъволардан ҳам йироқ туради. Балки халқ қадриятларининг нақадар жозибали, жонли эканлигини яна бир бор, янги рангларда кўз-кўз килиш, унинг туганмас тарбиявий аҳамиятини замондошлар билан ўртоқлашиш, беҳабарларига эса, етказишдан иборатдир. Асарнинг бадий тарбиявий аҳамияти ҳам шу нуқтаи назардан туриб қараган ўқувчига яққол кўриниб туради. Шу боисдан халқ қадриятлари шаклланган ажойиб-ғаройиб ҳикоя ва афсоналар ярим тарих,

ярим фольклор – халк поэтик ижод намуналари ўқувчида жуда катта таассурот қолдиради. Мазкур ривоятлар пурмаъно, бир-биридан қизикарли. Бу ривоятлар антик давр юнон санъати даҳолари Эсхил, Софокл, Эврипид драмаларида тилган олинган асотирлар-мифларни эслатади. Шу жиҳатдан қиссадаги «Она эчки ва бўбак», «Искандар ва чўпон», «Луқмон, Нонвой ва аждарҳо» ривоятлари жуда қизикарли, ўқимишлидир.

Асрор Низомов география, гидрогеология, топонимика каби фанлар билимдони бўлиши билан биргаликда, мусиқа, бадиий адабиёт, тарих, этнография соҳасига ҳам қизикади. Ёзувчи сифатида эса калами пишиқ, ҳикоя, қисса, бадиаларининг тили жонли ва ширали, персонажларининг диалогларида уларнинг характери, ички дунёси сезилиб туради.

Асрор Низомов публицистика йўналишида ҳам ўнлаб қизикарли мавзуларга қўл урган ва уларни устакорлик билан очиб бера олган. Ушбу китобда уларнинг айримларидан намуналар келтирилган. У публицистик мақолаларида халқ ҳунармандчилигининг гиламдўзлик, тоштарошлиқ, ёғоч ўймакорлиги, айниқса, дашт ва тоғ халқининг ажралмас дўсти бўлмиш отга бўлган меҳрини, тарихий масжидлар, қадимий дарахтлар ва миллий безакларда яширинган сирларни улкан муҳаббат билан тавсифлайди. Унинг асарларида бадият билан бирга, илмий услубга хос чизгилар, аниқ ҳисоб-китобларга асосланган мулоҳазалар, ҳаётни ҳар томонлама кузатиши ва барчасини бадиий уйғунлаштира олганлиги самарасидир.

Ёзувчи «Тарихий хотирасиз келажак йўқ», деган ҳикматнинг қадрини жуда яхши билади. У Туркистонни чоризм мустамлакачилари, шўролар босқинчиларидан озод қилиш учун бўлган машаққатли жангларда қатнашган тарихий шахслардан бири шаҳид ўғлон – Қорақул мингбоши Фармондўм ўғли бобоси эканлиги билан ҳақли равишда ғурурланади. Унинг бобоси Туркистон Миллий Бирлиги – Муваққат ҳукумати бошлиғи, таниқли арбоб ва олим Аҳмад Закий Валидийнинг «Хотиралар» китобида бир неча ўринда эсга олинган. Ушбу тарихий воқеаларни Асрор Низомов олимларга хос синчковлик билан «Тўғон ва Қорақулбек» мақоласида ёритиб бера олган.

Бир сўз билан айтганда, Асрор Низомов ижоди намуналари ўқувчини она-Ватанга муҳаббат, миллий ифтихор руҳида тарбиялайди, олам жаҳон адабий эстетик зақ-шавқ бағишлайди. Ушбу асарларни халкимиз ҳаётини жонли акс эттирувчи ҳаёт манзарлари, дея баҳолаш мумкин. Миллатимизнинг улуғ ўтмишини, юксак маънавиятини меҳр ила тарғиб этувчи характери билан Асрор Низомов ижоди таҳсинга лойиқ. Биз ундан янада гўзалроқ асарлар кутиб қоламиз.

Ҳамиджон Ҳомидий – ф.ф.д.профессор, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

Маҳкам Махмудов – ф.ф.н. Халқаро Яссавий мукофоти лауреати, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси.

Носир Муҳаммад – Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси аъзоси.

МУНДАРИЖА

Тўлабости	3
Абдулла	30
Қишлоқдаги кўҳна масжид	41
Охурдаги олтин	64
Қора йўрға	79
Гўзаллик нима?	104
Зулкарнайн кишлоғида.....	115
Тўғон ва Қорақулбек	168
Хат билан гул солдим бу тош товоққа ёки тош товоқлар тарихи	173
Гилам жилоси	178
Латипа – аравак	184
Муборак тут	186
Гўзаллик ҳақида гўзал сатрлар.....	189

АСРОР НИЗОМОВ

ҚОРА ЙЎРҒА

Тошкент – «Fan va texnologiya» – 2015

Мухаррир:	Ф.Исмоилова
Тех. муҳаррир:	М.Холмуҳамедов
Мусаввир:	Т.Саъдулла, Д.Азизов
Мусахҳиҳа:	Н.Ҳасанова
Компьютерда саҳифаловчи:	Н.Раҳматуллаева

E-mail: tipografiyacent@mail.ru Тел: 245-57-63, 245-61-61.

Нашр.лиц. АИ№149, 14.08.09. Босишга рухсат этилди 16.09.2015.

Бичими 60x84 ¹/₁₆. «Times Uz» гарнитураси. Офсет усулида босилди.

Шартли босма табағи 12,5. Нашр босма табағи 12,25.

Тиражи 100. Буюртма № 126.

«Fan va texnologiyalar Markazining bosmaxonasi» да чоп этилди.

100066, Тошкент шаҳри, Олмазор кўчаси, 171-уй.



Асрор Низомов 1956 йили Самарқанд вилоятининг Қўшработ туманида таваллуд топган. 1978 йили Самарқанд давлат университетининг География факультетини тугаллаган. Геология - минералогия фанлари номзоди. Юздан ортик илмий, илмий - оммабоп мақолалар, рисоалар, монографиялар, ўқув қўлланмалар ва кинофильмлар муаллифи. Ҳозирги кунда Низомий номидаги ТДПУ «География ва уни ўқитиш методикаси» кафедрасининг доценти вазифасида ишламоқда. Ер ости сувларининг шаклланиши, қадимги гидротехник иншоотлар, экотуризм, табиий географик жараёнларни ўрганиш билан биргаликда, бадиий адабиётга шинавандалиги боис қисса, хикоя, бадиалар ҳам битиб туради. Унинг ижодига мансуб бўлган бадиий асарлари «Шарқ юлдузи», «Ёшлик», «Соғлом авлод учун» каби журналларда ҳамда алоҳида китоб тарзида чоп этилган.